


С. А. Хамраева

**ТҮҚУВЧИЛИК
ТЕХНОЛОГИЯСИ**



672
Х18

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

С. А. ХАМРАЕВА

ТҮҚУВЧИЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
«Фан» нашриёти,
Тошкент – 2005



Тақризчилар:

Бухоро ОО ва ЕСТИ «Түқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси» кафедраси доценти **Х.Х.САЛИМОВ**.

ТТ ва ЕСИ «Түқимачилик технологияси ва дизайни» кафедраси мудири доценти **Б.К.ҲАСАНОВ**.

Масъул муҳаррир:

«Бухоротекс» ОАЖ етакчи мутахассиси **Х.Р.ХЎЖАЕВ**

Мазкур дарсликда танда ва арқоқ илларини тўкувга тайёрлаш жараёни, эришилган янги техника ва технологиялар сўритилган. Түқимачилик саноатида мавжуд бўлган ва янги ишлаб чиқилган хорижий жиҳозларнинг ишлаш жараёнлари назарияси тулиқ курсатилган (юқори тезликли қайта ураш автоматлари, замонавий тандалаш машиналари, кўпбарабанли оҳорлаш машиналари, замонавий ресцепторлар ва тайёрлаш усуслари на ҳорижий тўкув дастгоҳлари).

Дарслик бакалавриатнинг 5540500-«Түқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси» йўналишида таълим олаётган талабалар ҳамда түқимачилик саноати мұхандис техники ва илмий ходимлари учун мўлжалланган.

Изложены технологические процессы подготовки основы и утка к текстильству и достижения техники и технологии. Подробно разобрана теория процессов и рассмотрены устройство и работа отечественного и зарубежного оборудования ткацкого производства (высокоскоростное автоматическое перематывание, современные сновальные машины, много барабанные шлихтовальные машины, современные рецепты и способы подготовки шлихты и траукис станки).

Для студентов высших учебных заведений, обучающихся по специальности «Технология производства текстильных материалов» и инженерно-технических и научных работников текстильной промышленности.

The technological processes of preparation of a basis both woof to textile and achievement of engineering and technology are stated. The theory of processes is disassembled in detail and the device and work of the domestic and foreign equipment of weaver's manufacture (high-speed automatic rewinding, modern warping machine, multidrum-type of the size machine, modern recipes and ways of preparation of size etc.) are considered.

For the students of higher educational institutions training on a speciality «Technology of textile materials» and engineer-technicians and the scientists of the textile industry.

© Ўзбекистон Республикаси
ФА «Фан» нашиёти, 2005 йил.

ISBN 5-648-03330-3

МУНДАРИЖА

КИРИШ	6
I БОБ. Ипларни тұқувға тайёрлаш. Тұқымачылық ишлаб	
чиқариш тұғрысында умумий маълумоттар	9
II БОБ. Ипларни қайта ўраш	14
2.1. Қайта ўрашда ип таранглиги	14
2.2. Ипнинг қалинлигини назорат қилиш ва қайта ўрашда уни тозалаш	27
2.3. Ип учларини улаш	29
2.4. Ўрама түзилиши ва шакли	30
2.4.1. Цилиндрик мөбаптаман бобина ўраш назарияси	32
2.4.2. Конуссимон бобина ўраш назарияси	34
2.5. Параллел ўрамлар	38
2.5.1. Параллел ўрамлар зичлиги	43
2.6. Крестсимон ўрамлар зичлиги	45
2.6.1. Оддий крестсимон ўрама	46
2.7. Ўраш машиналари	48
2.8. Параллел ўраш учун ўраш машиналари	52
2.9. Крестсимон ўрашлар учун ўраш машиналари	52
2.10. Ўраш арғыматлари	66
2.11. Қайта ўрашда узуқлар, ип нүксонлари ва чиқиндилари	82
<i>Назорат саволлари ва вазифалар</i>	86
III БОБ. Танда ипларни тандалаш	88
3.1. Тандалаш рөмлари	89
3.2. Тандалашда иплар таранглиги	93
3.3. Гурухлаб тандалаш	96
3.3.1. Гурухлаб тандалаш машиналари	97
3.3.2. СП русумли гурухлаб тандалаш машиналари	101
3.4. Юмшоқ тандалаш учүн тандалаш машиналари	105
3.5. Пилтадаб тандалаш	107
3.5.1. СЛ-250-Ш пилтадаб тандалаш машинаси	110
3.6. Секциялаб тандалаш	113
3.7. Хорижий давлатлар ишлаб чиқаришида мавжуд бўлган ва ҳозирги замонавий тандалаш машиналари	114
3.7.1. Пилтадаб тандалаш машинаси	119
3.7.2. Барабан сигими ва фалтак гардишлари диаметри ўртасидаги боғланиш	121

3.7.3. Полиолефин пилтталар учун тандалаш машиналари	122
3.8. Тандалаш ҳисоби	124
3.8.1. Ўрам қатламлари ҳисоби	126
3.8.2. Ўрам қатлами зичлиги	128
3.8.3. Ўрам узунлиги	130
3.8.4. Ўраш вақти	131
3.8.5. Тандалашда иплар хусусиятининг ўзгариши	132
3.9. Тандалаш нуқсонлари, чиқиндилари ва унумдорлиги	133
3.9.1. Тандалаш машинасининг иш унуми	134
<i>Назорат саволлари ва вазифалар</i>	136
 IV БОБ. Таңда ипларини охорлаш	
4.1. Охорлаш жараёни тўғрисида умумий тушунча	138
4.2. Охорлаш маҳсулотлари	139
4.3. Елим маҳсулотлари	139
4.4. Охорлаш омиллари. Тўйинганлик, ёпишқоқлик, елимлаш	143
4.4.1. Адгезия	145
4.5. Охор тайёрлаш учун воситалар	147
4.6. Охор рецептти ва охор тайёрлаш усуllibари	150
4.6.1. Сувли охор	153
4.6.2. Эритувчили охор	155
4.7. Охор сифатини аниқлаш усуllibари	159
4.7.1. Охорлаш миқдори ва уни аниқлаш	161
4.7.2. Охорлашнинг ип хусусиятига таъсири	162
4.8. Охорлаш машиналари ва уларнинг синфланиши	163
4.8.1. Барабанли охорлаш машиналари	165
4.8.2. Камерали охорлаш машиналари	172
4.8.3. Арралаш ва маҳсус охорлаш машиналари	174
4.8.4. Эмульсиялаб жамлаб-ўровчи машиналар	175
4.9. Охорлаш машиналари иш тартиби автоматлаштириш	176
4.9.1. Автоматик асбоблар	184
4.10. Охорлаш нуқсонлари ва чиқиндилари	187
4.11. Охорлаш тезлиги ва охорлаш машиналари иш унуми	189
<i>Назорат саволлари ва вазифалар</i>	191
 V БОБ. Таңда ипларини ўтказиш ва улаш	
5.1. Таңда ипларини ўтказиш	193
5.2. Таңда ипларини улаш	198
5.3. Улаш машинасининг унумдорлиги	204

5.4. Ўтказиш ва улаш жараёнларидаги чиқиндилар	
ва нұқсонлар	204
<i>Назорат саволлари ва вазифалар</i>	206
 VI БОБ. Арқоқ ипленін түківгә тайёрлаш. Жараённинг	
мақсады ва ішлатылыш	207
6.1. Арқоқ ипини қайта ўраш	207
6.2. Арқоқ ўровчى автоматлар	210
6.2.1. УА-300 арқоқ ўраш автоматлары	213
6.3. Хорижий арқоқ ўраш автоматларининг	
айрим қулагылары	221
6.4. Қайта ўраш тезлиги ва арқоқ ўраш	
автоматларининг иш унумы	221
6.5. Арқоқ ипини қайта ўрашда нұқсон ва чиқиндилар	223
6.6. Арқоқ найчасини тозалаш учун машиналар	223
6.7. Арқоқ ипини намындини сақлаш	225
6.8. Пневмомеханик усулида йигирілған арқоқ ипини қайта ўраш	229
<i>Назорат саволлари ва вазифалар</i>	231
 VII БОБ. Газлама, унинг түзилиш ва хоссалари	
7.1. Газлама түзилиши ҳақыда түшунча	232
7.2. Түкіманинг асосий хоссалари	235
7.3. Танда ва арқоқ иплериң күйиладиган асосий талаблар	238
<i>Назорат саволлари ва вазифалар</i>	240
 VIII БОБ. Түкевчилик	
8.1. Түкев дастгохининг турлари	241
8.2. Чет эл фирмаси мокисиз түкев дастгоҳлари	242
8.3. Түкев дастгохининг асосий механизмлари	255
8.4. Арқоқ ипини хомузага ташлаш усууллари	289
8.5. Арқоқ ипини түкіма четига уриш	306
8.6. Түкімани тортиш ва ўраш	311
8.7. Танда ипларини узатиш ва тарантглаш	316
8.8. Түкіш жараённіда хосил бўладиган газлама нұқсонлари	
ва уларни бартараф этиш йўллари	321
8.9. Трикотаж ва нотўқима материалларини	
ишлаб чиқариш ҳақыда түшунча	327
<i>Назорат саволлари ва вазифалар</i>	334
 Холоса	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	335
	336

КИРИШ

Тұқымаларни тайёрлаш инсоннинг маънавий тараққиётида меҳнат тоифаларини әгаллашда биринчи қадам сифатида күрилади. Тұқымаларни тайёрлаш шундай меҳнат тоифасига кирадики, улар инсон томонидан, унинг маънавий тараққиётидан биринчи қадам сифатида тан олинган. Лекин, инсоннинг тұқимани құл билан үришнинг эски усулидан ишлаб чиқаришда, қувватли фабрикаларда ҳар хил хом ашёдан тұқымаларни күп ҳажмларда ишлаб чиқаришнинг замонавий усулларига ўтиши учун минглаб йиллар талаб қилинди.

Дастлаб тұқымаларни тайёрлаш усули жуда секин тарзда тараққий этди. XV аср охирларыда құл билан ишлатиладиган батан ва шодали механизми бүлған тұқув дастгоҳлари пайдо бүлди. 1773 йили құл усусли тұқув дастгохининг иш унумдорлигини бир неча марта ошишига олиб келган моки-самолёт ихтиро қилинди. Бироқ бұқаралықтардың құл усусли тұқув дастгохыда ишлешкенде маҳоратта жағдайлар күчни талаб еттеган. Шунинг учун механик тарзда қаралат қылладиган тұқув дастгохини ишлаб чиқариш учун бир неча уринишлар қилинган.

Натижада 1786 йилда тұқимани шаклланишида содир этиладиган қамма жараёнлар маҳсус механизмлар воситасида қаралатта келадиган механик тұқув дастгохи ихтиро қилинган.

1796 йилдан бошлаб дастгохни тұхтатиш учун ұмомы құлувчи қурилма ихтиро қилингандан сүнг механик тұқув дастгохлари көң тарзда тараққий этди.

1894 йылда арқоқ нағайласини автоматик тарзда алмаштириш учун маҳсус жиҳоз ихтиро қилиниб, автомат тұқув дастгохи ишлаб чиқарылди.

ХХ аср бошларыда тұқымачилик саноатининг тайёрлов бүлимида ишлатиладиган машиналарни тәкомиляштириш бүйіча күп ишлар олиб борилди.

Механик тұқув дастгохлари биринчи марта Россияда 1805 йилда пайдо бүлған.

XIX аср ўрталаридан бошлаб механик тұқув дастгохларыда тұқыш көң ривожланиб, құл усулида тұқышни үрнини әгаллади. 1896 йилда Россияда дастлабки автомат тұқув дастгохлари ишлаб чиқарылди.

1921-1922 йилларда түкимачилик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми муайян даражада ошди ва 1928 йилга келиб, пахта ва зигир толали түкима ишлаб чиқариш даражаси олдинги йиллардаги ишлаб чиқариш даражасига нисбатан сезиларли даражада ошди. Кейинчалик жун ва ипакдан түкима ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мамлакатни саноатлаштириш борасида қўйилган вазифалар амалга ошиши учун бир неча янги, йирик түкимачилик комбинатлари қурилиб ишга туширилди. Бундан ташқари эски корхоналарни қайта таъмир қилиш ва уларни янги жиҳозлар билан таъминлаш борасида катта ишлар олиб борилди.

Тўқимачилик саноатининг ривожланиши, жумладан, «Тўқувчилик» нинг ривожланиши, асосан Иккинчи жаҳон урушидан сўнг рўй берди. Тўқималарни ишлаб чиқаришни ошириш, янги фабрикаларни ва комбинатларни қуриш ва ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш биргаликда олиб борилди. Эскирган жиҳозлар янги ўзлаштирилган, қувватли жиҳозлар билан алмаштирилди ва бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш автоматлаштирилди.

Фабрикалар ишлаб чиқариш даражасини 1,5-2,5 марта ошишига имкон берадиган мокисиз тўқув дастгоҳлари билан таъминлана бошланди.

1974-80 йиллар мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми 35% га ошди. Донецкда, Бухорода ва бошқа шаҳарларда тўқимачилик комбинатлари ишга туширилди.

Собиқ итифоқ даврида, пахта ва жун толали түкима ишлаб чиқариш фабрикаларида 55 минг пневморапирави ва 16 минг пневматик тўқув дастгоҳлари ўрнатилди.

Мокисиз тўқув дастгоҳларининг нисбий оғирлиги пахта-ип газлама тўқиш саноатида 13,4% ни ташкил этди. 1985-95 йиллар мобайнида тўқимачилик саноатида айрим корхоналарини қайта лойиҳалаш ва ишлаб турган корхоналарни моддий рағбатлантириш давом этди.

Енгил саноатга тегишил ишлаб чиқариш корхоналарида 700 мингдан ортиқ янги жиҳозлар ўрнатилиди. Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш моҳиятини оширишда ишлаб чиқариш илфорларининг, кўп дасттоҳлар билан ишлайдиган тўқувчиларнинг ишлаши катта манба бўлиб хизмат қилди. Кўп тўқувчилар йиллик режани 2 ва ундан кўп марта ошириб бажардилар.

Мокисиз тўқув дастгоҳлари билан биргаликда кўп ҳомузали тўқув дастгоҳлари ҳам ишга туширилди. Натижада жиҳозларнинг

унумдорлиги 2,4 ва меҳнат унумдорлиги 1,5-2 маротаба ошиди. Ишлаб чиқариш тез суръатлар билан ривожланди ва юқори сифатли тұқымалар ишлаб чиқарылды, уларнинг ассортименти оширилди. Айниқса ишлаб чиқарыладиган маҳсулотларни сифатини ошириш, уларнинг ассортиментини янгилаш соҳасида илмий йұналиши ишлар олиб борилди.

Тұқимачилик саноатининг юксак даражада тарақкий қилиши, хусусан тұқимачиликнинг ривожланиши қүйидаги вазифалар билан аниқланади:

- халқнинг ҳар хил, ранг-баранг газламаларга бұлған әхтиёжини қондириш;
- газламаларнинг ассортиментини тузилишига асосланған ҳолда такомиллаштириш;
- янги артикуллы газламалар ишлаб чиқариш, меҳнат ва хом ашё харажатини камайтириш ва қоказо.

Бу вазифаларни амалта оширишда машинасозлик заводларида тұқимачилик корхоналари учун юқори унумдорли янги русумдаги жиҳозлар ишлаб чиқариш йүлга қойылды, жумладан мокисиз, пневматик (ҳаволи) ва гидравлик (сув билан) электрон бошқарувли тұкув дастгоҳлари ишлаб чиқарылды.

Тұқимачилик саноатида ишлаб чиқарышни юқори даражада автоматлаштириш тұқымани шакллантиришнинг янги усулларини ишлаб чиқыш ва уларни табиқ этилиши натижасида еришилди.

Тұқимачилик корхоналарининг тайёрлов бұлымыда замонавий қайта ўраш автоматлари, юқори тезликли тандалаш, күп барабанлы охорлаш ва түгун боғлаш машиналари үрнатылды. Мустақил мамлакатимизнинг асосий бойлиги бұлған пақта хом ашесини қайта ишлаш ва ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, тұқимачилик саноатини ривожлантириш ва бу саноат юртимиз иқтисодиётини ривожланиши учун етакчи ўрин әгаллаш вазифасини бажарынша йўл очиб беради. Тұқимачилик саноати олдига қойылған вазифаларни муваффақиятли бажаришда жиҳозларни ва ишлаб чиқарыш технологиясини юқори даражада үзлаштырган, ишлаб чиқарышни ташкил қилишнинг илғор усулларини ва меҳнатни ташкил қила оладиган кадрларга бұлған талаб ошмоқда.


I БОБ ТҮҚИМАЧИЛИК ИШЛАВ ЧИҚАРИШ ТҮФРИСИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Оддий түқима матоси бўлган-газлама, нисбий ёнма-ён бирбирига нисбатан перпендикуляр жойлашган икки системасидаги ипларнинг ўзаро ўрилиши натижасида ҳосил бўлган маҳсулотdir. Газламанинг бўйлама йўналиши бўйича йўналган иплар-танда, кўндаланг йўналиши бўйича йўналган иплар арқоқ деб аталади.

Тўкув дастгоҳида газлама ҳосил қилиш қўйидагича амалга оширилади. Танда иплари 2 (1-расм) тўкув ғалтаги 1 дан ечилиб 3 скалодан эгилиб ўтади, 4 ламел кўзларидан, шода гулалари 5 кўзчасидан ва 6 тиф тишлари орасидан ўтади. Шодалар танда ипларини арқоқ иплари билан маълум тартибда ўралишини таъминлайди. Тик текислик бўйича йўналиб, шодалар танда иплари орасида 8 ҳомузга деб аталувчи бўшлиқ ҳосил қиласи ва бу бўшлиқдан 7 моки ёки бошқа арқоқлаш тури билан арқоқ ташланади.


Ҳомузага ўтказилган ип 6 тиф орқали 9 тўқима бошига келтириб урилади. Бу вақтда ҳомузга ёпилиб янги ҳомуз ҳосил бўлади, шодаларга ўтказилган иплар ўз ҳолатини ўзgartиради, натижада арқоқ газлама бошига жипслаштирилади.

Кейинги ҳомуз ҳосил қилинган янги арқоқ или ўтказилади ва газлама бошига келтириб урилади ва газлама элементи ҳосил қилиш жараёни даврий такрорланади. Тўқилган газлама секин-секин 10 тортиш вали орқали тортилиб 11 мато валига уралади.



1-расм. Тўкув дастгохининг умумий технологик схемаси.

Газлама ҳосил қилиш жараёни учун танда иплари маълум тарангликда булиши керак. Бу таранглик тұкув дастгоҳида маҳсус механизмлар ёрдамида таъминланади. Таранглик катталиги дастгоҳ бош валининг ҳар бир айланишида даврий үзгариради. 2 а – расмда маҳсус асбобда ёзилган, тұкув дастгоҳида танда иплари таранглигининг даврий үзгариши графиги ифодаланған. Горизонтал үқда вақт бирлиги, вертикаль үқда K таранглик катталиги жойлашған. Графикдан маълумки тұкувчилік жараёнида танда иплари үзгарувчан тортишиш күчләре таъсирида бўлади. Эгилиш үзгаришини танда иплари ҳомузга ҳосил қилиш жараёнида шодалар гулалари кўзидан утганда, ишқаланиш таъсирини скало ҳаракатидан, ламеллар тешигидан, шода гулалари кўзидан, тифтишларидан ва арқоқни газлама бошига келтириб ураётганда арқоқ ипи билан үзаро таъсиридан олади.



2-расм. Тұкув дастгоҳида танда иплари таранглигининг даврий үзгариши ва газлама боши даврий ҳаракати графиклари.

2 б расмда тұкув дастгоҳи иш жараёнида маҳсус асбоб ёрдамида ёзилган газлама боши даврий ҳаракати графиги күрсатилған. Горизонтал үқ бўйича вақт бирлиги t , вертикаль үқ бўйича газлама боши ҳаракати S жойлашған. Ифодаланған графикдан кўриниб турибдики, танда иплари тұкув вақтида даврий қайтма ҳаракат қиласи ва унга таъсир этувчи ишқаланиш кучини оширади.

Танда иплари тұкув дастгоҳи бўйича йўналишида ҳаракат қилганда, юқорида таъкидланған күчлар бир неча маротаба таъсир этади. Танда иплари бу күчларга бардош бериши учун мустаҳкам, эгилувчан, ишқаланиш кучига чидамли булиши керак. Бундан ташқари етарли даражада текис ва силлиқ, шунингдек боғлик ва

қабариқ каби нүқсонлар бўлмаслиги керак. Бу хусусиятларга эга бўлмаган иплар тўкувчилик жараёнида бузилади ва газлама ишлаб чиқариб бўлмайди.

Тажрибалар шуни курсатадики, фақаттида танда ипларининг чўзилувчаник хусусияти тўкувчиликда уларнинг узилишга бўлган қаршилигини пасайтиради. Узилишга бўлган қаршилик тўкувчилик жараёнида фақаттина емирилиш таъсирида камаяди. Емирилиш кучи эса кўп маротаба чузилишдан ортади. Шундай қилиб, тўкувчиликда танда ипларининг кўп маротаба чузилиши, узилишга бўлган қаршилигини ва уни емирилишга бўлган қаршилигини камайтиради. Танда иплари тўкув дастгоҳидан оладиган механик таъсири натижасида узилишга бўлган мустаҳкамлигига нисбатан емирилиш мустаҳкамлиги икки марта камаяди.

Арқоқ или тўкув дастгоҳида ишлов берилаётганда танда ипларига нисбатан қаршиликларга кам учрайди. Арқоқ или иш соҳасига ўтаётганда йўналтирувчилар ва газлама бошига келаётганда танда иплари билан ишқаланади, газлама ҳосил қилишда ва арқоқ калавасидан ечилаётганда таранглик ҳосил қиласди. Арқоқка таъсир этувчи кучлар таъсири кам, улар ипга сезиларли таъсир этмайди. Шунинг учун ҳам арқоқ или мустаҳкамлиги танда ипига қараганда кам бўлиши мумкин, лекин етарлича эгилувчан бўлиши керак.

Кимёвий иплар ва табиий ипак тўкув корхоналарида турли хил шакл ва ўлчамлардаги ўрамларда келади: найчаларда, ҳар хил шаклдаги калаваларда, галтакларда.

Тўкув дастгоҳида ишлов бериш учун иплар маълум шаклда, ўлчамда бўлиши керак. Танда ипларини маҳсус катта галтакни ифода этувчи тўкув навойига олдиндан ўраш керак. Навой у ёки бу газламани тўқишига етарли бўлган иплар сонини ўрашга таъминланган бўлиши керак. Ўрам шакли цилиндрисимон бўлиши шарт; навойидаги иплар бир-бирига параллел жойлашиши шарт; эни буйича ўрам зичлиги ўзгармас доимий бўлиши керак. Бундан ташқари ҳамма танда иплари олдиндан ламелалар, шода гулалари кузларидан ва тифтишлари орасидан утказилиши керак. Бу жараёнларнинг ҳаммаси танда ипларини тўкувга тайёрлашини талаб қиласди.

Арқоқ иплари мокили тўкув дастгоҳлари учун найчаларда келади ва у моки ўлчамига мос бўлади, мокисиз дастгоҳлари учун эса калаваларда келтирилади. Агар арқоқ иплари бошқа турдаги ўрамларда келса, ёки келтирилган ип сифати паст бўлса ва ўраш нүқсонлари кўп бўлса, иплар қайта уралади.

Танда ипларини тұқувга тайёрлаш фақатгина маълум шақыр вә
үлчамни олиш эмас, балки ипнинг физик хусусиятини ҳам
оширишдир. Танда ипларини тұқувга тайёрлашнинг асосий
масалаларидан бири – тұқув дастгоҳыда емирилишига чидамли,
ұта силлиқ, текис ва мустаҳкам ип олишдир. Арқоқ иплари эса
күпинча әгилувчанлигини ошириш учун намланади ёки
эмульсияланади. Шу сабаб тұқув корхоналариде иккита технологик
бұлим, тайёрлов вә тұқув бұлимлари мавжуд. Тайёрлов бұлимнинг
вазифаси – ипларни тұқувга тайёрлашдир.

Тұқув фабрикасига келдиган паст сифатли, күп нұқсонли кичик
үлчамли йигириү үрамларидаги танда иплари калаваларға қайта
үралиб, тандалаш жараёни учун қулай бұлған үрам олинади. Қайта
үраш жараёнда ип чанг вә хас-чүптардан тозаланади, йүғонлик,
бұртиқ каби йигириү нұқсонлари ҳам йүқотилади.

Қайта үралған вә назоратланған танда иплари тандалаш
бұлимігі тандалаш машиналарига келтирілади. Тұғри шаклі вә
яхши сифатли йигириү бобиналарини қайта үрамасдан ҳам
тандалаш бұлимігі келтирілиши мүмкін. Тандалаш жараёнда
маълум сонли якка иплар маълум узунында битта ғалтакқа үралади.

Тандаланған иплар күпчилик ҳолларда охорланади ёки
эмульсияланади. Бунинг натижасыда иплар чидамли бўлади. Охорлаш
жараёнда тұқув навойи ҳосил қилинади. Охорлаш жараёнда иплар
охор деб аталувчи маҳсус елимловчи таркиб билан шимдирилади.

Охорланған иплар ўтказиш бўлимида ламел қўзларидан, шода
гулалари кўзидан, тиғ тишилари орасидан ўтказилади. Күпчилик ҳолларда
ишлиб турған корхоналарда иплар тұқув дастгоҳыда янги олиб келингандан
танда иплари эски ишлиб тутатилған иплар билан боғланади.

Арқоқ ипларини тайёрлаш анчагина соддароқ. Күп ҳолларда арқоқ
иплари тұғри тұқувга узатилади. Бу ҳол фақатгина йигириү үрами
тұқув дастгоҳи истеъмолиги мос бўлсагина юз беради. Агар ипларнинг
чизиқли зичлиги паст бўлса, у ҳолда уларни намлаш ёки
эмульсиялаш керак. Бундай ишлов бериш тұқув жараёнда арқоқ
узуқларини камайтиради вә сифатли газлама тұқишини кафолаттайдай.

Агар келаётган арқоқ иплари үрамлари шакли вә үлчамлари
тұқувчилик жараёни технологик шартига мос бўлмаса, шунингдек
ип сифати вә үрам сифати паст бўлса, тұқув жараённега мослаш-
тириш учун қайта үралади. Мокили тұқув дастгоҳлари учун арқоқ
үраш автоматлари ёки машиналарida моки үлчамларига мос ҳолда
қайта үралади, мокисиз тұқув дастгоҳлари учун эса үраш

машиналари ёки автоматларida қайта үралади. Натижада ип узунлиги ошади, үрам зичлигиги ошади ва үрам шакли яхшиланади, бу эса тұқув дастгоҳы иш унумини оширади.

Тұқув дастгоҳда тұқылған хом газламаниң сифатини назорат қилиш ва ҳисоблаш бўлимидан кўлда ёки маҳсус сараловчи-ўлчовчи машиналарда сифати текширилади. Сўнгра газлама тойларга жойлаштирилади ва ихтисосига қараб қайта ишлов беришга, пардоэлашга ёки истеъмолчига узатилади.

Баъзи ҳолларда тұқув жараёни бошқача ўтим билан ишлайди, бу тұқилаётган газлама ва ип турига боғлиқ. Масалан, ипак үрами қайта ўрашдан олдин ҳўлланади, сиқилади, титилади ва қуритилади. Пишитилған иплардан, табиий ипак ва баъзи кимёвий иплардан газлама тұқиши учун оҳорлаш жараёни – тандани тандалаш ўрамидан тұқув навойига қайта ўрашдир.

Баъзи майший техник ихтисосликкаги газламалар тұқишида танда иплари тұқув дастгоҳларига алоҳида ўрамларда (ғалтак ёки калавада) узатилиши мумкин. Бу ҳолда оҳорлаш ва тандалаш жараёнлари қисқаради.

Бирламчи иплардан пишитилған иплар олиш баъзи ҳолларда тұқув корхоналарida амалга оширилади, бу эса қўшиш ва бураш ўтимларини тайёрлов бўлимига қўшади.

Турли рангли иплардан газлама тұқишида ипни тұқувга тайёрлаш жараёнига ранглаш ва қатор ўтимларни ўзига қўшади.

II БОБ. ИПЛАРНИ ҚАЙТА ҮРАШ

Тұқув фабрикаларига келадиган ипларнинг асосий қисми йиги्रув найчалари ва бобиналардан иборат. Табиий ва сунъий ипак, зигир ва бүялган иплар, синтетик иплар күпинча бобина ва галтакларда келади.

Тұқув фабрикасига келадиган танда ипларининг бир қисмінинг шаклии ва ўлчамлари буйича тандалаш учун қулай әмас. Йиги्रув ўрамида ипнинг узунлиги калта бўлганлиги учун танда машиналарини қайта тўлдиришга кетадиган вақт машинанинг бекор туриш вақтини кўпайтиради. Тұқувчиликда узукларга олиб келувчи йиги्रув нуқсонлари олдиндан йўқотилиши керак. Ипни назорат қилиш ва нуқсонларни йўқотиш, асосан қайта ўраш жараённіда анча самарали ҳисобланади.

Қайта ўрашнинг асосий мақсади: – кейинги жараён тандалашни самарали амалга оширишда алоҳида ип ўрами тайёрлаб беришдан иборат. Шу билан биргаликда қайта ўрашда ип ўлик толалар ва хас-чўплардан тозаланади ва унинг йўғонлиги назорат қилинади, узунлиги оширилади, шунингдек танда ипларидан йиги्रув нуқсонлари (йўғонлашув, ботиқ ва х.к.) олиб ташланади.


Танда ипларини қайта ўраш қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- Қайта ўраш вақтида ипнинг физик хусусияти (қайишқоқ чўзилиши ва мустаҳкамлиги сақланиши) ёмонлашмаслиги шарт;

- Ўрам тузилиши тандалаш жараённіда ипнинг бобинадан енгил ечилишини ва бу жараённинг юқори тезликда амалга ошишини таъминлаши керак;

- Ўралган ўрамда иложи борича кўп узунликдаги ип жойлашиши керак;

- Ип охири тўғри мустаҳкам тутун билан боғланиши керак, у кейинги ўтимлардан



3-расм. Қайта ўраш жараённинг умумий схемаси.

яхши ўтиб тұқыма ишлаб чиқаришда газлама сифатига таъсир күрсатмаслығи керак;

- Ип таранглиги бир мөъёрда бўлиб, ўраш шароити доимийлігини таъминлаши керак;
- Чиқиндилар сони қайта ўрашда кам булиши керак;
- Қайта ўраш жараёнинг иш унуми юқори бўлиши керак.

I-расмда ипларни қайта ўрашнинг умумий схемаси кўрсатилган. Қайта ўраладиган 2 йигириув найчаси 1 найча ушлагичга кўзғалмас ўрнатилади. Найчадан ип эшилиб, йўналтирувчи 3 чивиқдан эгилади ва 4 тарангловчи асбобдан, 5 назоратчи-тозаловчи асбоб, 6 ип юргизичдан ўтади ва 7 бобинага ўралади. Тарангловчи асбоб керакли тарангликни таъминлайди. Тозаловчи-назоратчи асбоб ипни йўғонлигини назорат қиласи ва уни ўлиқ толалар ва хас-чўпладан тозалайди. Ип юргизич ўралаётган бобина ўки атрофидан илгариланмана- қайтма ҳаракат қиласи. Ўралаётган бобина мажбурий айланмана ҳаракат олади ва бунинг натижасида ипни ўзига ўрайди.

Агар 8 ип ўрамидан қайта ўраладиган бўлса, унда уни маҳсус 9 чархпалақда жойлаштирилади. Қайта ўрашда ип ўрами чархпалақ билан биргаликда айланади. Ўрамдан ип ечилиб йўналтирувчи 10 чивиқдан эгилиб назоратчи-тозаловчи асбоб, ип юргизич орқали ўтиб, 7 бобинага ўралади. Керакли ип таранглигини таъминлаш учун чархпалақ ўқига камар ёки ип бўйинчага юқ осиб қўйилади.

Ҳар бир қайта ўраш машиналарининг қўйидаги асосий қисмлари, механизмлари ва қурилмалари мавжуд: машина асоси – ҳамма механизмларни ўрнатувчи юритма; ўраш механизми – ўрамни айлантириш ва ип юргизич ҳаракати механизми; тарангловчи асбоб; назоратчи-тозаловчи асбоб; ўралаётган ўрамни тутиб турувчи.

Асосий механизмлардан ташқари замонавий машиналарда бир қатор қўшимча механизм ва қурилмалар мавжуд бўлиб, қайта ўраш жараёнини автоматлаштиради ва муқаммаллаштиради. Ип қайта ўраш вақтида ўраш ўрами юзасида винтсимон чизиқ бўйича жойлашади.

Винтсимон чизиқни кўтарилиш бурчаги α ўрам юзасининг баъзи нуқталарида ва нуқтанинг айланма тезлигининг ип юргизгич тезлигига нисбати билан топилади. Агар ўрам айланма тезлигини ϑ_o , ип юргизгич тезлигини ϑ_n , ўрам нуқтасида тезликни ϑ_n деб белгиласак, у ҳолда

$$\operatorname{tg} \alpha = -\frac{g}{g_c} \text{ бўлади} \quad (2.1)$$

Агар винтсимон чизик кўтарилиш бурчаги унчалик катта бўлмаса (10° дан кичик бўлса) бундай ўрамга параллел дейилади, агар кўтарилиш бурчаги 10° дан катта бўлса, у ҳолда бундай ўрамга крестсимон ўрам деб айтилади.


Ўраш машиналари ўрам турига боғлиқ ҳолда параллел ўровчи машиналар ва крестсимон ўровчи машиналарга бўлинади. Ундан ташкари машиналар ўрамалар ўраш ўқининг жойлашишига, баъзи механизмлар лойиҳасига ва иш вазифаларининг автоматик бажарилишига қараб ҳам синфланади.

2.1. ҚАЙТА ЎРАШДА ИП ТАРАНГЛИГИ

Қайта ўрашда ип таранглиги тўкувчиликда жуда муҳим ўрин эгаллайди. У ўрамнинг тўғри тузилишини етарли қалинликда ўралинини таъминлайди. Аммо ип таранглиги ўзгармас бўлиши керак. Ортиқча тарангликда ип чўзилади ва газламанинг қайишқоқ узайиши иўқолади. Ип таранглиги ошиши билан қайта ўрашда узуқлар кўпаяди ва ипдаги тугунлар сони ошади, бу эса тўкувда газлама нуксонлари ҳосил қиласди.

Қўзғалмас найчадан катта тезликда ипнинг ечилиши марказдан қочувчи куч таъсирида найча ўқидан отилади ва бўшлиқ юзасига махсус шакл ҳосил қиласди, бунга баллон деб аталади 4 - расм. Ип баллонда шаклан текис фазовий эгри эллипссимон чизиқни ифодалайди. Бу ерда баллоннинг ип шакли ва баллоннинг шакли мураккаб динамик омиллар билан аниқланади. Ип найчадан эшилиш жараёнида унинг ҳар бир элементи мураккаб ҳаракат қиласди, ип ўқи атрофида ва найча ўқи атрофида айланма ҳаракат қиласди (4-расм).

Қўзғалмас найчадан қайта ўрашда умумий ип таранглиги кўйидаги омиллар



4-расм.
Баллон схемаси.

бидан аниқланади: найча ўрамидан ипнинг ечилиши ва уни энерцион қаршилиги, ўрам ва найча юзасига эшиладиган боғлам ишқаланиши, баллон ҳосил қилаётган ипга ва марказдан қочувчи кучнинг ва ҳавонинг қаршилик кучи таъсири, ўраш машинасидаги тарангловчи асбобнинг таъсири ва йўналтирувчиларнинг қаршилик кучи таъсири.

Баллондаги ип таранглиги катталиги ҳали ўрганилмаган қатор параметрларга боғлиқ. Шунинг учун назарий тенгламалар билан олинган таранглик катталиги амалдаги таранглик билан етарли мос келмайди. Масалан, тўқимачилик машиналари қуриш лойиҳалаш бюросининг формуласига асосан иплар таранглиги K_x айланиш ўқидан узоқлашган баллон нуқтасида қўйидагича:

$$K_x = 2 T \left(\frac{1 + K \sin^2 \beta \cdot H^2}{r^3} \right) \vartheta \cdot 10^{-8} \quad (2.2)$$

T – ипнинг чизиқли зичлиги, текс;

K – эшилиш шартига боғлиқ бўлган коэффициент;

β – найча ўқига нисбатан ип боғламишининг эгилиш бурчаги;


H – баллон баландлиги, см;

r – эшилиш нуқтасида баллоннинг радиуси, см;

ϑ – қайта ўрашнинг чизиқли тезлиги, м/с.

Ипнинг таранглик катталиги баллон тепалигига шу ҳисоблар билан K_x пропорционал. Келтирилган формуладан маълумки, ипнинг таранглик катталиги баллоннинг таъсири натижасида қайта ураш тезлиги квадратига ва ипнинг чизиқли зичлигига тўғри пропорционал ва баллон баландлиги квадратига боғлиқ. Формулада ўрам элементидан алоҳида ипнинг бошлангич таранглиги ҳисобга олинмайди. Ип таранглиги ҳисоби натижалари тадқиқий сонлар билан тўғри келмайди. Тажрибий сонлар шуни кўрсатадики, тезлик ошиши билан таранглик ўсади, тезлик квадратига пропорционал эмас. Ип йўналтирувчи билан найча охири орасидаги масофани ўзгартириб баллон баландлигини ошириш ип таранглигини ошишига олиб келади.

Қузғалмас ўрамдан эшилаётган ипнинг физик шароити И.П.Исаков томонидан олинган формулада баллондаги ип таранглиги ҳисоби акс этади. Баллоннинг баъзи нуқталарида ип таранглигининг катталиги



$$Kx = Ko e^{\psi} + m c^2 + (r^2 + R^2) m \frac{\vartheta^2}{2} \quad (2.3)$$

Ko – ўрамдан ипни ажралишидаги қаршилиги;

f – ўрам ва найча юзасига ип бұлагининг силжишидаги ишқаланиш көфициенті;

ψ – эшилишда найчадаги ип бұлаги ва конус ўрами айланыш бурчагы;

m – маълум узунлик бирлигидаги ипнинг оғирлиги, г;

c – ипнинг ўрамдан ечилиш тезлиги, м/мин;

ϑ – ипни қайта ўрашнинг чизиқли тезлиги, м/мин;

r – ипнинг ечилиш нүктасидан найчага ўралиш радиуси;

R – x координатасида топиладиган нүктасида баллон радиуси.

Шундай қилиб, баллондаги ип таранглиги учала ташкил қилувчининг йиғиндиси билан топилади. Биринчи тузувчи эшилаётган ип элементининг ўрамга нисбатан илашиб ажралишидаги ип таранглиги ва уни ўрам ва найча юзасига бұлган ишқаланиши билан топилади. Иккінчи тузувчи инерцион қаршилик катталиги ип элементини бир зумда узатиш тезлиги билан топилади. Иккала тузувчининг йиғиндиси орқали $K_1 = Ko e^{\psi} + mc^2$ ўрамдан ажралған ипнинг бошланғич таранглиги аникланади. Учинчи тузувчи ипнинг баллонда айланма ҳаракати натижасида ип таранглигининг ошиши билан топилади.

Баллон тепасида $K = 0$ шароитда ипнинг энг катта таранглиги

$$K = Ko e^{\psi} + mc^2 + \frac{m r^2 \frac{\vartheta^2}{2}}{2} \quad (2.4)$$

Н.П.Исаков ўз формуласида баъзи соддалаштирилган шароитлар қабул қилди. Масалан, баллон ҳосил қилувчи ип қийшиқ түғри чизиқдан иборат. Юқоридаги формулани амалда құллашдан олдин тадқиқан Ko , f , ψ , олдиндан топилиши керак.

Тадқиқий изланишлар шуни күрсатады, эшилишда ипнинг ҳар бир қатламидаги таранглиги даврий ўзгариади. Бу ўзгариш найчанинг конуссимон шаклида эшилиш бурчак тезлигининг ўзгариши билан ифодаланади. Бундан ташқари ип таранглитининг ўзгариши бошланғич тезлигининг ўзгариши ва найчада боғламнинг очилишидаги бошланғич таранглиги натижасида ҳам ҳосил бўлади. Найчадаги ипнинг тугашидан олдин ўртача ип таранглиги қисман ошади. Хусусан ип ўрами тузилиши ўлчамига ва шаклига боғлиқ

ҳолда найча тубидан эшилишда таранглик бирданига ошиб кетади. Найчадан ип эшилаёттанды ип таранглигига баллон шакли таъсир күрсатади. Таранглик камайса, ип қавариб чиқади. У ҳолда ипнинг эшилиш шароити яхшиланади. Баллонда ип таранглиги ошса, баллон тораяди. Эшилиш шароити ёмонлашади – найча юзаси билан ипнинг қамров бурчаги ошади, ўрам ва найча орасида катта ишқаланиш ҳосил бўлади.

Ип таранглиги секинлик билан ўзгарса, баллон шакли ҳам ўзгаради. Одатда, ипнинг бошланғич эшилиш вақтида кўп тўлқинли баллон ҳосил бўлади. Ипнинг эшилиш давомида баллон шакли ўзгаради, баллондаги тўлқин сони камаяди, ип таранглиги ошади, балон бу даврда бир тўлқинли ва тор бўлади.

Найча ва ип юргизгич орасидаги масофанинг катталиги туфайли кўп тўлқинли баллон ҳосил бўлади, аммо машинага хизмат кўрсатишда ноқулайликлар ҳосил бўлади.

Баллон шаклининг ўзгариши вақтида баллон ҳосил қилувчи ип тўлқинлари сони ҳам ўзгаради ва ип таранглигининг камайиши кузатилади.

Қўзғалмас найчадан ип эшилаёттанды ҳаракат тезлиги ўзгармас бир текис паст бўлса, узуқлар кам бўлади. Тезлик 800-1000 м/минутта кўтарилиши билан узуқ ва бурамлар сони ошади. Ҳусусан, ип таранглиги ошиб кетади (3-4 марта) шу билан бир қаторда ип узилиши ва найча асосига бурамлар сони ҳам ошади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, 80% ипнинг узилиши найча асосидан ипни ечишда ва 70% ҳодисанинг сабаби бурам ҳисобланади. Найчанинг шакли ва асоси тузилиши шуни тақазо этадики, уни ечишда илашиш кучи ва ип ўрами ишқаланиши, найчага ипнинг ишқаланиш кучи бирданига ошади. Бу маҳсус найчаларни текширганда бошланғич конус билан найча учи конусининг мос келиши билан тасдиқланади. Ип бунда найчага асоссиз ўралади ва ўраш бир хил қўринишга эга. Бундай найчаларда ип енгил ечилади ва кам узуқли бўлади.

Ҳозирги замонда баллон сўндиригичли юқори тезликда ипни қайта ўраш машиналари кўлланилмоқда. Баллон камайтиргич маҳсус шаклдаги йўналтирувчидан иборат бўлиб, баллон ҳосил қилувчи ипнинг ҳаракат йўлида жойлашган бўлади. Баллон ҳосил қилувчи ип ҳаракат давомида даврий равищда тўсиққа учрайди. Бунинг оқибатида баллонда ипнинг тенглиги бузилади ва баллон кўп тўлқинли мураккаб шаклга эга бўлади, натижада ипнинг найчадан эшилиш шароити яхшиланади, найчадан ипнинг қамраш бурчаги камаяди, ип таранглиги ўзгаради.

Баллон сұндиригичлар ҳар хил лойиҳада бұлади қутисимон, металл ёки шишадан айлана стержен шаклида, ҳалқа, айлана, цилиндрик мәтәптерден жасалған. Айлана баллон сұндиригичлар тәжрибада анча яхши натижалар күрсатади. Шунинг учун күпчилік үраш машиналарида чивиқтың жағынан баллон сұндиригичлар үрнатылған. Чивиқтың баллон сұндиригич металл чивиқ ёки айлана шиша стержендан иборат. Чивиқтың баллон қосыл қилиш зонасынан 50 мм дан узоқ бұлмаган масофада жойлашади. Чивиқтың қозасы найча үқиға тегиб туриши керак. Үраш машинасынан хизмат қилишда қулайлық булиши учун найча ушлагич конус шаклида 40-50 мм баландликта бұлади.

Ипни найчадан үраш шароитига найча үлчами, шакли ва үрам түзилиши катта таъсир күрсатади. Цилиндрик мәтәптерден үрамдан иплар яхши эшилдеди. Бундай түзилиши үрамлар бир хил, боғламлардың мұстақам жағынан жасалады. Аммо саноатда қозирча күпроқ конусимон үрамлар құлланилмоқда, чунки бу йигириү жараёнынан жаға анықталады.

Үрамларда қатлам қадами ошиши билан үрам навбатлашади, қатлам қадами камайиши билан үрам навбати ошади. Энг яхши натижага йигириү машиналаридеги қалқали планкасининг юқорига тез қаралаты қосыласынан үралған қаватады. Бу қолда үраш машиналарида үрам юқоридан пастға қараб әшилдеди және ечилаёттан ипнинг бурчак тезлигининг камайиши натижасынан бурамлар сони кескін камаяди.

Әшилиш шартынан найча үрамдагы конус бурчагининг катталигы катта таъсир күрсатади. Агар конус бурчаги катта бўлса, конус қозасынан ип қатламини үраш тенглигиге бузилади және бурамлар сони ошади. Үрам конусининг баландлигига найча асоси диаметрининг нисбати 1:2 бўлмаслиги шарт.

Ковакли найчалардан ипни ечиш пайтида бурамлар сони күпаяди. Үрам зичлиги ошиши билан найчада бурамлар сони камаяди. Масалан, ўрта чизиқтың зичликли пахта иплари учун найчага үраш зичлиги $0,55 \text{ г}/\text{cm}^2$.

Найча қозаси қолатига юқори талаблар қўйилади. Найча узунлигини ошиши билан ипда узуклар ва бурамлар сони ошади. Қўзғалмас найчадан әшилиш шартини ёмонлаштирувчи асосий сабаблардан бири юқори тезликкада қайта үрашда баллон қосыл қилаётган ипнинг катта бурчак тезлигидир. Шунинг учун ҳам баллон қосыл қилаётган ипнинг бурчак тезлигини камайтириш йўлидаги

изланишларни ип бурамлари ва узукларни камайтириш түгрисидаги изланишлар деб ҳам тушуниш мумкин.

Баллон ҳосил қилаёттан ипнинг айланышига тескари йўналишда мажбурий айланма ҳаракат узатиш түгрисида бир қанча тажрибалар утказилган эди. Агар мажбурий айланашётган найчанинг бурчак тезлиги эшилаётган ипнинг бурчак тезлигидан кам бўлса, 1000 м/мин атрофидаги тезликда ипнинг ечилиши меърида бўлади.

Эркин айланувчи найча ушлагичлар лойиҳаси ишлаб чиқилган. Бу ерда енгил пластмасса найча ушлагичлар шарикли подшипникларда эркин ва енгил айланади. Ипни найчадан ечилиши давомида ип таранглиги қия тузувчилари таъсирида найча ўқига нисбатан ҳосил бўлган куч лахзаси уни айлантиради. Бу шароитта кўра баллонланаётган ип бир томонга, найча найчаушлагич билан тескари томонга қараб айланади. Баллонланаётган ипнинг амалий бурчак тезлиги ω_6

$$\omega_6 = \omega - \omega_p \quad (2.5)$$

ω – Кўзғалмас найчада баллонланаётган ипнинг бурчак тезлиги;

ω_p – Найча билан биргаликда айланашётган найча ушлагичнинг бурчак тезлиги.

Эркин айланувчи найчаушлагичлар билан олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики [1], ип таранглиги ошиши билан бурчак тезлиги ўсади. Найча асосидан ип ечилишида максимал тезликка эришади. Бунда, албатта баллонланаётган ипнинг бурчак тезлиги камаяди.

Қайта ўраш жараёнида баллон ҳаракатининг тезлиги ва ўрамдан узилгандаги қаршилик кучлари билан шартланадиган ип таранглиги, керакли зичликда ўрам олиш учун етарли эмас. Шунинг учун қайта ўраш машиналари маҳсус тарангловчи асбоблар билан жиҳозланган.

Тарангловчи асбобларга қўйидаги талабалар қўйилади:

– улар ипнинг бир текисда жойлашишини ҳосил қилиши ва сақлаб туриши керак;

– улар, талаб қилинган тарангликни ўрнатишда енгил бошқарилиши керак;

– уларда ўлик толалар, хас-чўплар тўпланиб қолмаслиги ва иш давомида эркин доимий тозаланиши керак.


– тарангловчи асбобнинг иши ишончли ва чидамли булиши керак.

Ҳамма турдаги тарангловчи асбоблар лойиҳасида ипнинг күшимиңга таранглиги ишқаланиш кучлари ҳисобига ҳосил бўлади.

Тарангловчи асбобларнинг айрим лойиҳасида ип тұхтатувчиларни сиртлари орасидан ўтади (ғилдиракли, доиралы) ва бу сиртлар ипни маълум куч билан қисади, бунинг натижасида ип ва тұхтатувчи сиртлар орасида ишқаланиш кучи ҳосил бўлади. Тұхтовчи сиртларни ипга қисилиши ҳар хил лойиҳали тарангловчи асбобларда турли хил: пружина ва оғирлик кучи ҳисобида, доимий магнит ва электромагнит таъсирида, пневматик усулда, аралаш – ҳар хил кучлар таъсирида. Бу турдаги асбобларда ип таранглигининг алмасиши, асбоб таъсирида бошлангич тарангликкунинг дастлабки ўлчамига боғлиқ. Бошқа лойиҳали тарангловчиларда ип таранглиги ипни эгувчи тұхташ сиртига унинг ишқаланиши ҳисобига ҳосил бўлади. Бу хилдаги асбобларда ип таранглиги, чиқпидаги бошлангич тарангликка боғлиқ. Асбоб ҳаракати бошлангич ип таранглигини бир неча марта оширади.

Айрим лойиҳали асбобларда ип таранглиги тұхтатувчи айланалар ёки шайбалар аралашма ишқаланиши ва ўз ҳаракатида ипни эгувчи тұхтатувчи юзаларнинг йұналишига ишқаланиши натижасида ҳосил қилинади.

Ипга таъсир қилувчи ишчи органнинг турига қараб тарангловчилар шайбали, ғилдиракли, роликли, тароқсимон бўлади.



5-расм. Қайта ўраш машиналарининг тарангловчи асбоблари.

5-расм (а)да шайбали тарангловчи асбоб ифодаланган. У чинни 5 танаси ва 2 стержендан иборат. Стерженга 4 фибро шайбалар кийдирилган. Ип 1 фибро шайбаси ва танаси орасидан ўтиб асбобдан чиқади. Илга ишқаланиши натижасида шайба айланма ҳаракат олади ва танасидаги ўлук толалар ва хас-чўпларни тушириб юборади. Фибро шайбасидаги тўхташ кучини ошириш учун устига 3 юк шайбалари кўйилади. Ипнинг тўхташ кучи юк шайбаларининг сони билан бошқарилади.

5-расм (б)да эса гилдиракли таранглаш асбоби ифодаланган. У иккита металл 1 ва 2 ғалтакдан иборат. Металл гилдираклар 3 чивиқда жойлашган. ғалтак 1 чивиққа қотирилган 2 гилдирак эса эркин жойлашган. 2 гилдирак 1 гилдиракка 5 ўрнатувчи ҳалқага тирадиган спирал 4 пружина ёрдамида қисилади. Ип 6 қисилган гилдираклардан ишқаланиб ўтиб, керакли таранглик олади. Таранглик катталиги 5 ўрнатувчи ҳалқа ёрдамида бошқарилади.

5-расм (в) да M-150-1 ўраш машинасининг ип тарангловчи гилдиракли асбоби ифодаланган. 1 металл ўққа чинни 2 кувурча кийдирилган, у остки томони билан 3 фибро (букланадиган ва мустаҳкам босилган қозозли масса) шайбага тегиб туради. Шайба 3 таянч ҳалқа 4 га ўрнатилган чинни кувурчага 5 ва 6 металл гилдираклар кийдирилган, юқоридан 7 фетро (юпқа зичлиги юқори кийгиз) шайба ва 8 юк шайбаси кийдирилган. 1 ўқнинг бошига 9 қалпоқча кийдирилган ва у юк шайбаларини тушиб кетишдан асрайди. Қайта ўраш пайтида ип гилдираклар орасидан ўтади ва уларга ишқаланиши натижасида керакли таранглик олади. Таранглик катталиги юк шайбаларининг алмаштириш йўли билан бошқарилади, ҳар бир шайба оғирлиги 8 г. Тарангловчи асбобнинг меъёрли ишлашида гилдираклар айланниши керак. Агар гилдираклар айланмай қолса, демак асбоб носоз ёки унга чиқиндилар тиқилиб қолган. Носозликни тахлаш учун унга тиқилиб қолган хас-чўплардан тозалаш керак.

Шайбали ва гилдиракли тарангловчи асбобларда ип таранглиги ипнинг йўналтирувчиларга ишқаланиши ва асбоб ишчи органлари юзасига ишқаланиши натижасида топилади. Оддий ҳолларда, агар ипнинг тезлиги ва тезланишини ҳисобга олмасак, ип таранглигини қўйидаги тенгламада ифодалаш мумкин.

$$K = K_0 e^{-\alpha} + AF \quad (2.6)$$

К – ипнинг асбоб олдидаги бошлангич таранглиги;
f – асбоб йўналтирувчиларига ипнинг ишқаланиш коэффициенти;
α – ипнинг йўналтирувчиларни қамраш бурчаги;
Q – ипга таъсир этувчи шайба ва фидиракнинг босим кучи йифиндиси;
A – асбоб ишчи органларига ипнинг тормозланиш шартини аниқловчи коэффициент.

Формуланинг биринчи аъзоси асбоб йўналтирувчиларига ишқаланиши натижасида ипнинг бошлангич таранглиги ўзгаришини топади. Катталик сингари, бу тузувчиларнинг ўзгариши ҳам, қамраш бурчагига ва ипнинг бошлангич таранглик катталигига боғлиқ.

Ипнинг найчадан ечилаёттандаги бошлангич таранглиги статик шароитда унинг чизиқли зичлитига боғлиқ, агар ошса кўтарилади [1]. Найча асосидан ипни эшаёттандада ипнинг бошлангич таранглиги икки марта ошади, таранглигининг тенгсизлиги ҳам ошади. Бошлангич тарангликнинг энг катта катталиги найчанинг ғадир-будир жойидан ип эшилишида ҳосил бўлади, ип тегиб эшилиш қўйинлашади.

Асбоб йўналтирувчиларининг ип билан қамраш бурчаги йифиндисининг катталиги бошлангич таранглик тенгсизлигини дарҳол оширади.

Формуланинг иккинчи аъзоси ип таранглигининг шайба ёки гиддиракка ишқаланиши натижасида ошишини аниқлайди. Бу катталиктининг тузувчиси бошлангич тарангликка боғлиқ эмас. Тенг ипларда бу тузувчи доимий сақланади ва умумий тарангликни барқарорлигини таъминлайди.

Асбоддан йўғон ип ўтиши билан таранглик дарҳол ўзгаради, чунки қўзгалувчан шайба ёки гиддирак силжиб ипнинг тўғри ҳаракатига қаршилик кўрсатади, ҳамда ишқаланиш кучи натижасида ипга таъсир этувчи босим кескин ошади. Йўғон ип ўтаёттандада умумий тенг шароитда ип таранглиги ўзгаришига шайба ёки гиддиракнинг юзаси, тарангловчи асбобнинг ҳаракатланувчи қисмларининг инерцион қарашлиги, ипнинг ҳаракат тезлиги ва унинг қайишқоқлик хусусияти таъсир кўрсатади. Агар шайба (гиддирак) профилининг кесимини юзаси силлиқ бўлса, ип таранглиги ҳам ўзгаради, чунки шайба силжиши секинлик билан амалга ошади. Агар юза бурамароқ бўлса ип таранглиги ошади, ва баъзи ҳолларда йўғонлик тиқилиб қолиши мумкин. Асбобнинг ҳаракатланувчи қисмининг (шайба ва юқ) оғирлиги ошиши билан

Йүғон ип ўтаёттанды ип таранглиги күпаяди. Умумий тенг шароитда тарангликкинг интилиши юк шайбали асбобларда күп бўлади, пружина ва магнитли асбобларда кам бўлади. Йўғон ип ўтаёттанды тезлик оширилса, таранглик ўзгариши ҳам ошади. Аниқ шароит учун ипнинг ҳаракати тезлиги иложи борича чегараланади ва йўғон ип ўтаёттанды албатта узилади, ундан кутилиб бўлмайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, ҳали оддий ва ишчи ҳолатда ўз-ўзини бошқарувчи, олдиндан ҳисобланган тарангликни доимий сакловчи тарангловчи асбоб яратилган эмас. Замонавий шароитда ипни қайта ўраёттанды унинг таранглиги ўзгаради, бу эса тўкув ишлаб чиқариш жараёнинг албатта билинади.

Чархдан ипни қайта ўраганды тарангловчи асбоб қўлланилмайди. Талаб қўлинган ип таранглиги чархнинг тўхташи натижасида ҳосил бўлади. Бунинг учун чарх бўйнига юкли чарм бўйинбоғ осилади.

Чархдан ип эшилганда ип таранглигининг катталиги кўйидаги формула билан топилади:

$$K = \frac{Q f}{R} \quad (2.7)$$

Q – юк оғирлигининг катталиги;

f – бўйинча билан елка орасидаги ишқаланиш кучи;

r – елка радиуси;

R – ип эшилиш радиуси.

Чархни ҳаракатлантириш лаҳзасида ип тортилаёттанды қўшимча К таранглик олади ва қўйидаги формула билан топилади:

$$K_i = \frac{I E}{R} \quad (2.8)$$

I – чархнинг қўзғалиш лаҳзаси;

E – ҳаракат вақтидаги чархнинг тезланиш бурчаги;

R – ипнинг эшилиш радиуси.


Чархдан қайта ўраёттган ипга динамик таъсиirlарни пасайтириш учун ўраш машиналарида компенсатор ўрнатилган. Компенсатор пружинали чивиқقا ўрнатилган ип ўтказгичдан иборатdir. Ип таранглиги ошса, чивиқ силжийди ва таранглик анча камайди.

Қайта ўрашда ип таранглигининг катталигига ипнинг физик хусусиятини ўзгариши даражасига боғлиқ: чўзилиш ва буртиш,

узайишнинг камайиши, мустаҳкамликни ўзгариши. Тадқиқий натижалар шуни кўрсатади, чизиқли зичлиги 25 текс бўлган пахта ипидаги таранглик 22 сН, унинг умумий узайиши қайта ўрашдан кейин 1% га камаяди, таранглик 35 сН бўлса – 7% га; 55 сН бўлса – 16%; 100 сН – 42% га камаяди.

Қайта ўрашда ип камроқ таранглик олса, узайиш сезиларсиз камаяди, мустаҳкамлик ўзгармайди. Агар таранглик юқори бўлса, толалар нисбий аралашиб ип таркиби ўзгариши мумкин. Бу шароитда ипнинг қайишқоқ узайиши йўқолади ва мустаҳкамлиги камаяди. Шунинг учун ҳам қайта ўрашда пахта иплари таранглиги унинг мустаҳкамлиги ва узилишидан $12 \div 15\%$ дан ошмаслиги керак, зигир толалари ипидаги $-8 \div 10\%$ ни ташкил этади. Табиий ипакни ғалтакка қайта ўрашда машиналарида рухсат этилган ип таранглиги 1,8 га, найчали бобинага қайта ўраш машиналарида эса 3,6 Т (Т – ипнинг чизиқли зичлиги, текс).

Ишлаб чиқариш щароитида ипнинг таранглигини тензометр деб аталувчи асбоблар билан ўлчанади. Уларнинг хилма-хил лойиҳалари мавжуд.



6-расм. Тензометр схемаси.

6 - расмда аникроқ ўлчовчи тензометр курилмаси кўрсатилган. Бу тензометрни ишлаш тартиби маҳсус датчик – сезгичлар ёрдамида амалга оширилади. Асбонинг огоҳлантирувчи қисми икки кўрининида ифодаланади.

Симли 1 сезгич 0,015 мм диаметрли ўзгармас симдан тайёрланади, бир нечта ҳалқа билан эгилувчан 2 пластинкага ёпиширилган.

Пластинканинг бир томони дастасига, иккинчи томони эса енгилшиша ип ўтказгич Зга ўрнатилган ва у ип босимини қабул қиласиди. Сим таранглиги ўзгарганда пластинка деформацияланади ва ўзининг қаршилигини ўзгартиради. Бу Уитсон кўприги тенглигини бузади, бир елкасига эса симли сезгич ўрнатилган. Тенгсизлик ҳосил булиши натижасида ток электрон кучайтиргич томон йўналади, сўнг тебранувчи осциллографга боради ва бу ерда тебранишлар ёзиб олинади.

Бу асбоб ёрдамида ҳам статик, ҳам динамик юклар ўлчанади, чунки тебраниш частотаси 1000 тебраниш секундда ёзиш имконияти бор.

2.2. ИПНИНГ ҚАЛИНЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ҚАЙТА ЎРАШДА УНИ ТОЗАЛАШ

Ипни қалинлигини текшириш ва уни ўлик толалар ва хасчўплардан тозалаш учун назоратчи-тозаловчи асбобдан ўтказилади, кўпчилик ҳолларда тор йўлакча шаклида бўлади. Ипга ёпишган ўлик толалар ва хас-чўплар асбоб деворига тегиб ажралади. Йўғонлашган ва бўртиб чиқсан жойлари оралиққа тиқилиб узилади. Шундай қилиб, ип тозаланади ва нуқсонли жойлари олиб ташланади. Жуда кичик оралиқ бўлгани учун, ҳатто озгина бўртиқ жойида ҳам ип узилади ва қайта ўраш жараёнида узуқлар сонини кўпайтиради. Натижада ипда кўп сонли боғламлар пайдо бўлиб, тўкув жараёнида кўп сонли узуқлар кузатилиши мумкин. Оралик эни 2-2,5 ип диаметрига тенг булиши керак. Қайта тарааш йигириувидан олинган иплар учун 1,5-2 ип диаметригача камайтирилади.

Ип диаметри куйидаги формула билан топилади:

$$d = C \sqrt{T} \quad (2.9)$$

d – ип диаметри, мм;


T – ипнинг чизикли зичлиги, текс;

C – ўзгармас коэффициент, пахта иплари учун – 0,040, жун иплари учун – 0,043, зигфир иплари учун – $0,035 + 0,046$;

$$C = \frac{1}{\sqrt{250 \pi \gamma}} \quad (2.10)$$

γ – тадқиқий топиладиган, ипнинг ҳажмий оғирлиги.

Ипак ипларини қайта ўрашда назоратчи-тозаловчи асбоблар күлланилмайды.



7-расм. Ўраш машиналарининг назоратчи-тозаловчи асбоблари.

7-расмда баъзи лойиҳали назоратчи-тозаловчи асбоблар кўрсатилган. 7-расм (а) асбобда 1 пластина ҳар хил энли бир неча оралиқлардан иборат. Иш ҳолати талабига кўра тўғри келадиган оралиқ ишлатилади. 7-расм (б) да М-150-1 ўраш машинасининг назоратчи-тозаловчи асбоби кўрсатилган. Бу асбобда оралиқ 1 ва 2 пластиинкалар орасида ҳосил қилинади. Оралиқ эни 3 винт орқали бошқарилади.

Охирги лойиҳадаги ўраш машиналарида назоратчи – тозаловчи асбоблар ўлик толалар ва хас чўпларни тортувчи қурилмалар билан жиҳозланган, бу иш шароитини яхшилайди ва ипни тозалаш сифатини оширади. М-150-2 ўраш машиналарида шундай асбоблар ўрнатилган.

Назоратчи-тозаловчи асбобларда ип эгилиши мумкин эмас, чунки у тиқилиб ипни узиши мумкин, хусусан катта тезликда.

Назоратчи-тозаловчи асбобнинг ишчи деталлари тез ейилиши сабабли мустаҳкам пўлатдан тайёрлаш зарур. Ишчи деталларнинг юзаси текис ғадир-будирсиз бўлиб ипга заарсиз, таъсирсиз бўлиши керак. Ейланган деталларни ўз вақтида алмаштириш шарт.

Қайта ўраш жараённида назоратчи-тозаловчи асбобда ўлик толалар ва хас-чўплар тўпланиб қолади. Улар ўз вақтида тозаланмаса, ўрамага ўтиб кетиши мумкин. Шунинг учун замонавий ўраш машиналари маҳсус тукдан тозалайдиган курилмалар билан жиҳозланган ва шулар ёрдамида назоратчи-тозаловчи асбобларда ўлик толалар ва хас-чўплар тўпланиб қолишининг олди олинади ва ип тозалиги яхшиланади.

Оралиқли назоратчи-тозаловчи асбоблар курилмаси оддий ва ишга чидамли. Аммо асбобларнинг қатор камчиликлари мавжуд. Улар жорий йўғонликларни назорат қиласи, оралиқ энигача бўлган қалинликларни ушлаб қололмайди. Бундай қалинликдаги ипнинг қийналиб ўтиши асбоб оралиғида ишқаланишни уйғотиб ип сифатини пасайтиради. Назоратчи асбоб ҳаракатидаги ип узилиши тарангликнинг ошиб кетишига сабаб бўлади ва узилиш жойида ипнинг физик хусусиятини пасайтиради.

Пластинкали назоратчи-тозаловчи асбобларнинг камчиликларини олдини олиш мақсадида охирги пайтларда ўраш машиналарига электрон ва фотоэлектрон асбоблар ўрнатилмоқда. Бу асбоблар контактсиз асосда ипда нұксон аниқланган жойини кесиб ип кесими катталигини назорат қилиш имконини яратмоқда. Электрон ип тозалгичлар қалинлик ва узунлик бўйича иккиласми иплар ва бошқа нұксонларни белгилаб тұхтайди. Фотоэлектрик асбоблар ўтаётган ип диаметрини назорат қиласи. Йўғонлик юқори бўлган жойда асбобнинг электрон релесига огоҳ келиб, натижада маҳсус қайчилар ипни кесади.

“Квалитекс” голланд фирмаси асбобида 7-расм (в) бошқа принцип қулланылган: ўлчовчи конденсатор 2 ва 3 пластинкалардан иборат. Пастки пластинкага юқори частотали ўзгарувчан кучланиш уланган. Назорат қилинаётган 1 ип тарангловчи асбобдан ўтгач конденсаторли пластинкалардан ўтади. Агар йўғон ип ўтса, конденсатор ҳажми ўзгаради. Электрон реле ҳажмини ўзgartириши натижасида ток кучланиши ҳам ўзгаради ва кесувчи пичноқ 4 ипни кесади, 5 электромагнит кесилган учини ушлаб олади.

2.3. ИП УЧЛАРИНИ УЛАШ

Ипларни боғлаш тўкув ишлаб чиқаришнинг кўпчилик жарёнларида мавжуддир. Ипни боғлаш сифати жуда катта аҳамиятта эгадир.


Бүш боғланган боғлам кейинги жараёнларда узилади, узун қолдик билан боғланган учлар кейинги жараёнлардан ўтмайди, тўкув жараёнида эса қўшни ипларни узилишига олиб келиши мумкин. Ҳамма ҳолатларда ҳам узуқлар сони ортади ва иш унуми ва маҳсулот сифати пасаяди.

Замонавий мокисиз ва автоматик тўқувчиликда танда тайёрлаш сифатига юқори талаб қўйилади, чунки танда илларида узуқларнинг кам бўлиши тўкув дастгоҳларидан тўла унумли фойдаланишига ва ип унумининг юқори бўлишига эришилади.

Тандани тайёрлашда узуқларни боғлаш ўта муҳим рол ўйнайди. Хусусан тўғри таркибли боғлашни танлаш ипнинг физик хусусиятига боғлик ва ишқаланиш коэффициенти, қайишқоқлик, ва эгилишига қарши мустаҳкамлик ҳам катта таъсир кўрсатади. Бу ишлар устида М.В.Башкиров катта иш олиб борди. У янги ва ҳосила тутун боғлаш турларини ва шунингдек турли хилдаги тутунлар турларини ишлаб чиқди.

2.4. ЎРАМА ТУЗИЛИШИ ВА ШАКЛИ

Ўрамдаги бурамни ҳосил қилишда унинг мустаҳкамлиги муҳим ўрин тутади. Буни ҳар хил усулда олиш мумкин, лекин ҳамма ўрамларда таянч асос найлардир. Гардишли фалтакларда ип бурамлари бир-бирига ёнма-ён жойлашган бўлиши натижасида, ўрам зичлиги ниҳоятда катта бўлади, лекин бу ўрамда фалтак гардишлари бўлмаса, ўз шаклини сақламайди. Ишлаб чиқарилган ўрам хом ашёси ва ишлатилиш мақсадига қараб, крестсимон ўрамлар ҳар хил шаклда бўлади (8-расм).




8-расм. Крестсимон ўрамлар шакли.

- 1 – цилиндрисимон бобина;
- 2 – конуссимон бобина;
- 3 – биоконуссимон бобина.

Буларнинг барчаси бош томонидан ечилиши сабабли юқори ечилиш тезлигига эга.

Биоконуссимон бобинани ҳосил қилиш учун ўрам диаметри ошган сари ип ўровчининг юриши йули камайиб бораверади. Бу усул ингичка ва силлиқ ипларни ўрашда ишлатилади, аммо бу усул машинанинг техник харажатларини оширади.



9-расм. Цилиндсимон ўрам олиш усули.

9-расмда оддий ўрам олиш тури курсатилган. n_B – барабанчанинг айланыш частотаси бобина 1га узатилади, ип 3 ип юргизгичнинг ҳаракатидан 1 бобинага ўралади.

Бу ерда бобина узунлиги бўйича ип юргизгичнинг юришини L билан белгилайди. Бобина d диаметри ўзгартириши ип юргизгич тезлигини ўзгартириши ёки ўзгартирмаслиги мумкин. Айланма тезлик V_B ва ип α тезлиги орасида бурчак ҳосил бўлади.

Ип юргизгич V_B тезликни беради. Натижада ип тезлигини куйидаги формула билан топиш мумкин:

$$V = (V_B^2 + V_n^2)^{1/2} \quad (2.11)$$

Бу ерда

$$\frac{V_B}{V_n} = \frac{\pi_d \times n_B}{2l_B \times n_n} \quad (2.12)$$

$$V_n = 2l_B \times n_n \quad (2.13)$$

Формуладан шуни ўқиш мумкинки, ип юргизгич юриши бобина узунлигига мос келади.

5-расмга асосан

$$\tan \alpha = V_n / V_B = 2l_B n_n / (\pi_d n_B) \quad (2.14)$$


Бобина диаметрининг ошиши билан огиш бурчаги камайиши мумкин ёки ўзгармайди. Ўрам кейинги ўтишларга қулай булиши учун қўйидаги талабларга эга булиш керак: барқарор, диаметри кичик, ипнинг узунлиги катта, енгил ечилиши, ўзгармас зичликка эга булиши керак.

2.4.1. ЦИЛИНДРСИМОН БОБИНА ЎРАШ НАЗАРИЯСИ

Цилиндрсимон бобиналарда ҳар бир қатлам диаметри ўзгармасдири. Ип қатлами ип юргизгичнинг H масофада ҳаракати натижасида ҳосил бўлади ва қатлам бобина узунлигига мосдир. Ўралган ип r радиусли цилиндрнинг бурама чизигида жойлашади. Цилиндр узунлигига ип бурами h кўтарилишига xz текислигига, Р нуқта $\bar{C} = 2\pi$ бурчак асосида буралади. Р нуқтанинг умумий ҳолати қўйидаги параметрлар билан ифодаланади [3].

$$\begin{aligned} x &= r \cos \varphi \\ y &= h/(2\pi)\varphi, \text{ чунки} \\ y/\varphi &= h/(2\pi) \\ Z &= r \sin \varphi \end{aligned} \quad (2.15)$$

Ҳар бир қатлам учун $h = \text{const}$; $r = \text{const}$; $V = \text{const}$ қабул қилинса, ўрама ип узунлиги $dl = Vdt$ умумий кўринишга эга бўлади.



10-расм. Цилиндрсимон бобинага ўраш схемаси.

Цилиндрсімден чибиқ учун бурам узунлиги

$$l = V t \quad (2.16)$$

h баландлық α оғиши бурчактың көзінде, биттә бураманың
чуваланиши

$$l = (4\pi^2 r^2 + h^2)^{1/2} \quad (2.17)$$

формуладан

$$y/h = Vt / l = Vt / (4\pi^2 r^2 + h^2)^{1/2} \quad (2.18)$$

$$y = Vht / (4\pi^2 r^2 + h^2)^{1/2} \quad (2.19)$$

Ил жорғынан төзилгінде $V_h = dy/dt$ деб фараз
қылсақ, тенглама күрінішида

$$V_h = Vh / (4\pi^2 r^2 + h^2)^{1/2} = V \sin \alpha \text{ етінде бұлады} \quad (2.20)$$

10- расмға асосан боялғанда

$$\tan \alpha = h / (2\pi r) \text{ күрінішке келеді} \quad (2.21)$$

Тезлік режасидан $\tan \alpha = V_h / V_s$ оламиз.

Бобинаның айланма тезлігі (1) тенглама билан бөлгілік қолда

$$V_s = (V^2 + V_h^2)^{1/2} \quad (2.22)$$

(4) ва (12) тенгламаларни тенгаштыриб (13) тенгламага қойылсақ

$$h / (2\pi r) = V_h / (V^2 + V_h^2)^{1/2} \quad (2.23)$$

$$\tan \alpha = V_h / (V^2 + V_h^2)^{1/2} \quad (2.24)$$

α күтарилиш бурчакини қойып формуланың көзінде көрсетілгенде:

$$\sin \alpha = \frac{h}{l} = \frac{h}{(4\pi^2 r^2 + h^2)^{1/2}} \quad (2.25)$$

Тенгламаның бир минутдагы бурамалар сони квадратига күлпайтириб
оламиз


$$V_1 = h / (4\pi^2 r^2 + h^2)^{1/2} \quad (2.26)$$

бу ердан бурамалар сонини топсак:

$$h = V (4\pi^2 r^2 + h^2)^{1/2} \quad (2.27)$$

2.4.2. КОНУССИМОН БОБИНА ЎРАШ НАЗАРИЯСИ

Цилиндрсімөн бобиналардан фарқыл үларок, конуссімөн үраламаларда Н баландлық бүйічка радиус r_0 ва R катталиқда үзгаради.



11-расм. Конуссімөн бобинага ўраш схемаси.

$$\operatorname{tg} \delta = \frac{(R - r_0)}{H} = \frac{(R - r)}{y} = \text{const} \quad (2.28)$$

11-расмда ифодаланған бобина учун

$h_0 = \text{const}$ – үқ атрофида бурам күтарилиши

$\vartheta = \text{const}$ – ипнинг ҳаракат тезлигі.

φ бурчак асосида xz текислигіда айланадын бұлса, ҳар бир бурам P нүктаси күйидеги координатта эга бўлади [3].

$$h = \frac{h_0}{(2 \pi) \varphi} \text{ чунки } \frac{y}{\varphi} = \frac{h_0}{(2 \pi)} \quad (2.29)$$

$$z = V \sin \varphi = (R - y \operatorname{tg} \varphi) \sin \varphi$$

φ бурчак бүйича (2.29) дифференциалланган тенглама

$$x^1 = \frac{h_0 \operatorname{tg} \delta}{2 \pi} (\phi \sin \sin - \cos \phi) - R \sin \phi \quad (2.30)$$

$$y^1 = \frac{h_0}{2 \pi} \quad (2.31)$$

$$z^1 = R \cos \phi \frac{h_0 \operatorname{tg} \delta}{2 \pi} (\phi \cos \phi + \sin \phi) \quad (2.32) \text{ беради.}$$

Шундай қилиб, P нүкта ҳаракатини бобина үки йұналишида ҳисоблаш мүмкін.

А.Ф. Прошков формуласи асосида қуйидаги тенгламани қабул қиласыз

$$y = g \sin \beta^1 dt \quad (2.33)$$

Әгри ип бурамига тегадиган P нүкта тенгламаси учун

$$\frac{X - x}{x^1} = \frac{Y - y}{y^1} = \frac{Z - z}{z^1} \quad (2.34)$$

бу ерда x, y, z P нүкта әгрига нисбатан координати;

X, Y, Z жорий координатлар.

$x^1, y^1, z^1 - xz$ текислигигаiplар үралышида тасвирланган P нүкта

φ бурчакка нисбатан координатлари ҳосиласи.

$Y = 0$ учун β^1 бурчакни ҳисоблаш мүмкін.

$$\sin \beta^1 = \frac{y^1}{(x^{12} + y^{12} + z^{12})^{1/2}} \quad (2.35)$$

(2.33) формуланы (2.35) тенгламага қўйиб уни дифференциялад

$$dy = g (x^{12} + y^{12} + z^{12})^{1/2} y^1 dt \quad (2.36) \text{ эга бўламиз.}$$

(2.36) тенглама P нүктанинг дастлабки координатлари ҳосиласини квадратларини (2.30), (2.31), ва (2.32) тенгламаларга мос равишда қўйиб чиқамиз

$$dy = \frac{g R_o dt}{2 \pi [R^2 + \frac{h_0^2}{4 \pi^2} - \frac{Rh_0 \operatorname{tg} \delta}{\pi} + \frac{h_0^2 \operatorname{tg}^2 \delta}{4 \pi^2} (1 + g^2)^{1/2}]} \quad (2.37)$$

(2.29) тенгламадан

$$\vartheta = \frac{2\pi y}{h_0} \text{ катталикни} \quad (2.38)$$

формулага қойиб, бир вақтда қыйидаги үзгариш киритамиз:

$$1 + \operatorname{tg}^2 \delta = \frac{1}{\cos^2 \delta}$$

натижада

$$\vartheta h_0 \cos \delta dt = [4\pi^2 \cos^2 \delta (R - y \operatorname{tg} \delta)^2 + h_0^2]^{1/2} dy \quad (2.39)$$

ёки ип жойлашиш тезлиги у үқи бүйича

$$\frac{dy}{dt} = \vartheta = \frac{\vartheta h_0 \cos \delta}{[4\pi^2 \cos^2 \delta (R - y \operatorname{tg} \delta)^2 + h_0^2]^{1/2}} \quad (2.40)$$

(2.39) тенгламани чап томонини 0 дан t гача үнг томонини 0 дан t гача интегралласак t ни қыйидагича ифодалаш мумкин

$$t = \frac{y \operatorname{tg} \delta - R}{2 \vartheta h_0 \sin \delta} [4\pi^2 \cos^2 \delta (R - y \operatorname{tg} \delta)^2 + h_0^2]^{1/2} + \frac{h_0}{4\pi \vartheta \sin \delta} x \\ x \ln \{4\pi \sin \delta [(4\pi^2 \cos^2 \delta (R - y \operatorname{tg} \delta)^2 + h_0^2)^{1/2} - \\ - 2\pi \cos \delta (R - y \operatorname{tg} \delta) + \frac{R (4\pi^2 R^2 \cos^2 \delta + h_0^2)^{1/2}}{2 \vartheta h_0 \sin \delta}] - \\ - \frac{h_0}{4\pi \vartheta \sin \delta \cos \delta} \ln \{4\pi \sin \delta [(4\pi^2 R^2 \cos^2 \delta h_0^2)^{1/2} - 2\pi R \cos \delta]\} \quad (2.41)$$

Тенглама бүйича уни ҳисоблаш мураккаблиги туфайли (2.39) тенгламадан фойдаланиб иптарнинг оддий боғлиқларини топамиз, у ҳолда (2.39) тенглама қыйидаги күринишга эга бўлади.

$$\vartheta h_0 \cos \delta dt = 2\pi \cos \delta (R - y \operatorname{tg} \delta) dy$$

Ушбу тенгламани 0 дан у гача интеграллаб қыйидагини оламиз

$$\frac{Ry - y^2 \operatorname{tg} \delta}{2} = \frac{\vartheta h_0 t}{(2\pi)}$$

$$\text{еки } \frac{\frac{2 Ry}{\operatorname{tg}\delta - y^2 - y^2 - g_{hot}} = 0}{(\pi \operatorname{tg}\delta)} \quad (2.42)$$

квадрат тенгламани ечиб

$$y = \frac{R}{\operatorname{tg}\delta - \frac{R^2}{[\operatorname{tg}^2\delta - g_{hot}]^{1/2}}} \quad (2.43)$$

(2.43) тенгламани дифференциялаб, «у» үкі бүйіча таңда
ип жойлашиши тезлигини ҳисоблаймиз

$$g_n = \frac{g_{hot}}{2\pi (R - ytg\delta)} = \frac{g_{hot}}{2\pi \operatorname{tg}\delta \left[\frac{R^2}{\operatorname{tg}^2\delta - g_{hot}} \right]^{1/2}} \quad (2.44)$$

11-расм асосида

$$\sin \alpha = \frac{V_n}{g} \quad (2.45)$$

$$\sin \alpha = \frac{h_0 \cos \delta}{[4\pi^2 \cos^2 \delta (R - ytg\delta)^2 + h_0^2]^{1/2}} \quad (2.46)$$

(2.42) ва (2.46) тенгламалар асосида күтарилиш бурчагини
топамиз:

$$\sin \alpha = \frac{h_0}{[2\pi (R - ytg\delta)]} \quad (2.47)$$

(2.44) ва (2.47) тенгламалардан күриниб турибдикі, ип
юргизгіч тезлиги ва күтарилиш бурчаги ошиши натижасыда үраш
диаметри кичрайади ва катталашади.

Агар бу тенгламаларга «у» үчүн чегараланган катталигини қўйсак
(0=y=n) бунда тезлик ва бурчакнинг чегараси ўзгаради.

$$\vartheta_{H \min} \approx \frac{\vartheta_{h_0}}{(2\pi R)} \quad (2.48)$$

$$\sin \alpha_{\min} \approx \frac{h_0}{(2\pi r_0)} \quad (2.49)$$

$y = H - r = r_0$ үчүн

$$\vartheta_{H \max} \approx \frac{\vartheta_{h_0}}{(2\pi r_0)} \quad (2.50)$$

$$\sin \alpha_{\max} \approx \frac{h_0}{(2\pi r_0)} \quad (2.51)$$

(2.48) \div (2.51) тенгламалардан қуийдаги асосий формулага эга бўламиш

$$\frac{\vartheta_{\max}}{\vartheta_{\min}} = \frac{\sin \alpha_{\max}}{\sin \alpha_{\min}} = \frac{R}{r_0} \quad (2.52)$$

2.5. ПАРАЛЛЕЛ ЎРАМЛАР

Ип ўрамининг винтсимон чизиқли бурчаги кичик (10 дан кам) бўлса, бу ўрамлар параллел ўрамлар дейилади. Параллел ўрамларда итюргизгич тезлиги катталитининг нисбий кичиклиги туфайли ҳосил бўлади.

Ип боғламининг кесишиш бурчаги кичик бўлса, ўрам юзасига мустаҳкам жойлаша олмайди ва кичик механик таъсиirlардан ўрам бузилади. Шунинг учун ҳам параллел ўрамлар фалтакларга ўралади. Гардишлар ўрамни сирпанишдан сақлайди ва ўрамга мустаҳкамлик бағишлайди. Фалтаклар ёғочдан, пластмасса ёки енгил металл қуймалардан ясалади.

Параллел ўрамлар икки турга бўлинади: очиқ ва ёпиқ.

Очиқ ўрамларда ип боғламлари ўрам юзасига баъзи оралиқлар билан жойлашади. Ёпиқ ўрамларда ипнинг винтсимон чизиқли қадами ип диаметрига тенг ва ўрам юзасига бирин-кетин тенг жойлашади. Шу ҳолатда ўрам анча тўғри ўралган ҳисобланади. Бундай ўрам олиш учун ип юргизгичнинг тезлиги ўзгармас бўлиши керак:

$$\vartheta_n = n c \sqrt{T} \quad (2.53)$$

ϑ_n – ипюргизгич тезлиги, м/мин;

n – фалтакнинг айланиш частотаси, рад/сек;

T – ипнинг чизиқли зичлиги, текс;

c – ип тури учун ўзгармас сон.

Тўкув ишлаб чиқаришда турли шаклдаги фалтакка ўралган иплар ишлатилади. Фалтакдаги ўрам шакли, қайта ўрашда ипюргизгич ҳаракати тавсифига боғлиқ. Агар ўрама қалинлиги ҳар хил булимларда баландлиги бўйича $\delta_1, \delta_2, \dots, \delta_n$ ип юргизгич тезлигига мос равишда $\vartheta_1, \vartheta_2, \dots, \vartheta_n$ бўлса, ҳар қандай ўрам шакли учун қўйидаги тенгликadolatliidir [5].

$$\vartheta_1 \delta_1 = \vartheta_2 \delta_2 = \vartheta_3 \delta_3 = \dots = \vartheta_n \delta_n$$

Цилиндсимон ўрамда $\delta_1 = \delta_2 = \delta_3 = \dots = \delta_n$ шунинг учун ипюргизгич тезлиги ҳам доимий бўлиши керак.

$$\vartheta_1 = \vartheta_2 = \vartheta_3 = \dots = \vartheta_n \quad (2.54)$$


Пахта или, жун ва зигир ишлаб чиқаришда ҳозирги замонда фалтаклардан тандалаш деярли қўлланилмайди. Фақатгина баъзи газламаларни ишлаб чиқаришда фалтакдан танда узатиш амалга оширилади. Фалтакдаги ип вазни 0,2-1,2 кг.ни ташкил қиласди. Ипак тўқимачилик ишлаб чиқаришда кам вазнили фалтаклар ишлатилади, оғирлиги 32-80 граммгача бўлади.

Ўрам ҳажмининг вазнига нисбати билан топиладиган параллел ўрам зичлиги ип турига, ипнинг чизиқли зичлигига, боғламнинг кўтарилиш бурчагига ва қайта ўрашда ипнинг таранглик катталигига боғлиқ. Катта зичлидаги силлиқ ип ғадир-будир ва ғовак ипларга нисбатан катта зичликли ўрамни беради. Ипнинг чизиқли зичлиги камайиши ва уни юзасидаги силлиқлик ошиши билан ўрама зичлиги ошади, чунки ипнинг ҳамма бўш оралиқлари тўлади ва бунинг натижасида тўлдириш коэффициенти ошади. Ўрамдаги кўтарилиш бурчагининг камайиши билан ўрам зичлиги ошади.


Ипнинг таранглиги ошиши билан ўрам зичлиги ошади, қайишқоқлик натижасида ипга таранглик ўрамда үралыб бўлганда ҳам таъсири давом этаверади. Шунинг учун ғалтақдаги ҳар бир ип ўрами пастда ётувчи қатламнинг радиал йўналиши бўйича таъсир қиласи.

Ўрамдаги ипнинг айрим боғламлари солиши тири маънни катталигини ва боғлам босими йиғиндисини В.А. Гордеев услубида аниқлаш мумкин.

$d = R d$ узунликда цилиндрсимон ўрама юзасида боғлам бўлимини ажратамиз (12-расм). Ипнинг шу бўлагида охирига ип таранглик кучи t таъсир қиласи. Шу кучлар таъсирида dQ боғламнинг меъёрий босими ҳосил бўлади ва ўрам маркази томон йўналади.



12-расм. Ўрамда ипларнинг босими схемаси.



13-расм. Цилиндрсимон ўрамнинг айланча қатламли элементи билан кесилмаси.

Тенглик шартига кўра боғлам бўлагини

$$\frac{dQ}{2} = t \sin\left(\frac{d\phi}{2}\right); \quad dQ = 2t \sin\left(\frac{d\phi}{2}\right) \quad (2.55)$$

$d\phi$ бурчаги катталиги жуда кичик бўлса,

$$\sin\left(\frac{d\phi}{2}\right) \approx \frac{d\phi}{2} \text{ деб қабул қилиш мумкин} \quad (2.56)$$

Шунинг учун

$$dQ = 2 + \sin\frac{d\phi}{2} \approx \frac{d\phi}{2} = t d\phi \quad (2.57)$$

Айрим боғламнинг солиширма катталигини қўйидаги формула билан топиш мумкин:

$$d \ell = \frac{d \ell}{d \ell} = \frac{t d \phi}{R d \phi} = \frac{t}{R}; \quad (2.58)$$

Шундай қилиб, ўрамнинг меъёрий зичлаштирувчи босими узунлик бирлигига ип таранглигига тўғри пропорционал ва ўрам радиуси йуналишига тескари пропорционал.

Аниқ ўрам шароитида кўт сонли ип боғламлари меъёрий босими умумлаштирилади. Кичик чизиқли зичлиқдаги ип ўрами меъёрий босимини топамиз. Бу қатламнинг ўртача радиусини R_1 деб ҳисоблаймиз.

ΔR қалинликдаги берилган қатлам кесимидаги ҳамма ипларнинг таранглиги йиғиндинсининг катталигини топамиз:

$$K = ti \quad (2.59)$$

t – айрим ип таранглиги;

i – кесимдаги иплар сони $S_1 = H R$ майдонда.

Цилиндрсизмон ҳалқа ҳажми

$$\Delta \vartheta = 2 \pi H R_1 \Delta R \quad (2.60)$$

Цилиндрсизмон ҳалқадаги ипнинг оғирлиги

$$\Delta G = \Delta \vartheta j = 2 \pi H j R \Delta R \quad (2.61)$$

j – ўрам зичлиги

Ҳар бир ип боғлами узунлиги

$$\ell \approx 2 R \quad (2.62)$$

Ҳар бир ип боғлами оғирлиги

$$q = \frac{\ell T}{1000} = \frac{2 R_1 T}{1000} \quad (2.63)$$

T – ипнинг чизиқлижичлиги, текс

Кесимдаги иплар сонини топамиз

$$i = \frac{\Delta G}{q} = \frac{(2 \pi R_j R_i \Delta R)}{(2 \pi R_i T)} = \frac{1000 Hj \Delta R}{T} \quad (2.64)$$

Шунинг учун

$$K = t i = \frac{1000 + Hj \Delta R}{T} \quad (2.65)$$

Ўрам қатлами босимининг умумий катталиги ΔR қалинликдаги юзада $S=R_i \Delta R$ $d\phi$ топилиши айрим боғлам босими топади.

$$\Delta Q = K d\phi = \frac{1000 t Hj \Delta R d\phi}{T} \quad (2.66)$$

ΔR қалинликдаги ўрам қатламининг солиштирма босими катталигини топамиз:

$$\Delta q = \frac{\Delta Q}{S} = \frac{1000 t Hj \Delta R d\phi}{(T R_i H d\phi)} = \frac{1000 t j \Delta R}{(T R_i)} \quad (2.67)$$

ҳар қандай ўрамда ҳар бир қатламнинг ростмана босими пастда ётувчи қатламга узатилади, навбат билан күшилади ва ўрам марказига яқинлашганда ошади. Бунда босимнинг ошиши бир хил бўлмай, балки ривожланади, чунки ҳар бир қатламнинг солиштирма босими ўрам радиусига тескари пропорционал.

Ўрамнинг тўла қалинлиги бўйича босим йигиндиси катталигини топамиз. Ҳисоблаш учун кўйидаги шартларни қабул қиласиз: ип боғлами ўрамнинг ҳамма қатламларида бир хил, ҳамма қатламларда солиштирма зичлик доимий. Қалин цилиндрический ўрамга $d\phi$ қалинликда ишга ҳалқали қатлам ажратамиз (13-расм). Қатлам радиуси r .

Элементар қатлам солиштирма босими dq кўйидагича тасвирланади:

$$dq = \frac{1000 t j d S}{(T S)} \quad (2.68)$$

Ўрам босимини топиш учун ўрам асосига элементар қатламлар босимини йиғиш керак:

$$g = \int_{R_1}^{R_2} \frac{1000 t j d S}{(T S)} = \frac{1000 t j}{T} = \int_{R_1}^{R_2} \frac{d S}{S} = \frac{1000 t j}{T \ell n \left(\frac{R_2}{R_1} \right)} \quad (2.69)$$

Албатта, ўрам асосидаги ип ўрамининг солиштирма босими ип таранглигига пропорционал қабул қилинган шароитда, ўрам асоси радиусининг ўрам радиусига нисбатининг натурал логарифмига ва итнинг чизиқли зичлигига тескари пропорционал.

Ташқи қатламларниң босими таъсирида ички қатламлар зичлашади ва ўрам марказига бир қанча аралашади. Бунинг натижасида қатлам таранглиги ички қатламларда камаяди, бу эса ўрам асосида ўрамнинг умумий босими натижасини камайтиради. Ўралган ўрамда фақатина ўрамнинг ташқи қатламларида боғлам таранглиги тұла сақланиши мүмкін ва бевосита ўрам асосига тегишли ички қатламларда ҳам сақланади. Шунинг учун ҳам таранглик ҳисобида белгиланган чегарада ўрам зичлигини ошириш мүмкін.

Параллел ўрамлар зичлигиги пакта ипдарда $0,5 \div 0,6$ г/см, зигир илларида – $0,6\text{--}0,7$ г/см га тенг бұлади.

Тұқыв жараёнда параллел ўрамларни икки гардишли ғалтакларда қайта ўраш қатор камчиліктерге эга. Тандалашда ипни ечиш айланувчи ғалтакларда амалта оширилади, ғалтак айланиси эса таранглик кучи асосида бұлади, яхши марказлашмаган ғалтакнинг катта оғирилігі, тандалаш тезлигини чегаралайди. Ғалтакни тезләнішини ошириш учун тандалаш машинасини равон юритиши керак. Ғалтак айланғанда қаттық тебранади ва ип таранглигини үзгартыради.

Бұш ғалтакларниң катта оғирилігі фойдали ўрам ҳажмини чегаралайди ва құшимча ташиш харажатларини ҳосил қиласы. Тандалашдан кейин ип қолдиқтарининг ғалтакда қолиши тугалданмаган технологик жараёнда захирани орттиради.

Параллел ўровчи ўраш машиналари жуда паст тезликда ишлайди.

Замонавий тұқувчилік корхоналарыда параллел ўровчи ўраш машиналари фақат табиий ипак илларини тандалаш учун ишлатилади. Тұқыв ишлаб чықарышнинг бошқа соҳаларыда параллел ўрам құлланилмайды.


2.5.1. ПАРАЛЛЕЛ ЎРАМЛАР ЗИЧЛИГИ

Бизга маълумки, параллел ўрамда иплар қатлами ёнма-ён жойлашиши туфайли катта зичликка эга бұлади. Бу ўрамларда кесишиш бурчаги шунчалик кичикки зичликни ҳисоблашда буни ҳатто ҳисобға олмаслық мүмкін. Ўралаёттан итнинг таранглик кучи ўрам ўқига перпендикуляр ёки юзасига тегиб таъсир қиласы.


15-расмдан ипнинг доимий тарангликда F булиши күрсатилган. Бундан ташқари цилиндрический параллел ўрамларда бурамлар сони ва радиал йўналишдаги бурамлар сони и ўзгармасдири. Бу шароитда ўрамдан ён қиркими $\Delta \ell_0$ узунликда қирқилади ва ҳисоблаш учун асос бўлади. Ён кўриниш (9-расм) dr қалинликдаги сегмент, r радиус ва чегараланган бурчак $d\varphi$, натижа берувчи куч F_n таранглиги E кўйидаги шартга эга бўлади:

$$dF_n = Fr d\varphi \omega(r) I u(r) dr \quad (2.70)$$

Натижа берувчи ип таранглиги куриладиган соҳада (15-расм) (2.70) тенгламани r_1 дан r_2 гача интеграллаб



14-расм. Цилиндрический ўрамга
ипнинг таранглик кучи.



15-расм. Ўрамнинг
кўндаланг кесими.

$$F_n = I d\varphi \int_{r_1}^{r_2} F(r) \omega(r) u(r) dr \quad (2.71) \text{ оламиз [5].}$$

Потроннинг (найнинг) таъсири остидаги майдони

$$A = I_0 r_1 d\varphi \quad (2.72)$$

(2.71) тенгламани (2.72) тенгламага бўлсак потрондаги босимни топамиз

$$P = \frac{F}{A} = \frac{1}{V_1 \int_{r_1}^{r_2} F(r) \omega(r) u(r)} \quad (2.73)$$

Юқорида айтилғанидек ω (r) ва u (r) лар параллел үрамлар узун үзгартмасып. Ундан ташқары ипнинг таранглик кучини тарангловчи бошқарыб туриши сабабли үзгартмас деб айтиш мүмкін. Натижада (2.73) тенглама соддалашади.

$$P = F\omega u \left(\frac{r_2}{r_1 - 1} \right) \quad (2.74)$$

Агар ҳар бир қатламдаги үрамни (2.74) тенгламадаги най радиуси r_1 ни мос қатлам радиуси билан алмаштырса,

$$P = F\omega u \left(\frac{r_2}{r - 1} \right) \quad (2.75)$$

(2.75) тенгламадан маълумки, қабул қилинган шароитда үрам диаметрининг ошиши билан гиперболик босим камаяди, максимал радиусда $r = r_2$ нолга тенг.

Шундай қилиб, цилиндрический параллел үрамнинг ичкаридан ташқарига йўналиши енгиллашади.

2.6. КРЕСТСИМОН ҮРАМЛАР ЗИЧЛИГИ

Крестсимон үрамларда кўтарилиш бурчаги 0° дан катталиги туфайли босимни топишда уни эсдан чиқармаслик керак. Натижада ипнинг таранглик кучи F_a ; F_t

$$F_a = F \sin \alpha \quad (2.76)$$

$$F_t = F \cos \alpha \quad (2.77)$$

Найдаги босимни куйидаги формула билан ҳисоблаш мүмкін:

$$P = \frac{1}{r_1 \int_{r_1}^{r_2} F_t(r) \omega(r) u(r) dr}, \quad (2.78)$$

F_t ни $F \cos \alpha$ га алмаштириб

$$P = \frac{1}{r_1 F \cos \alpha \int_{r_1}^{r_2} \omega(r) u(r) dr} \quad (2.79)$$

2.6.1. ОДДИЙ КРЕСТСИМОН ЎРАМ

Бизга маълумки, бу ўрамдаги қатламнинг кесишиш бурчаги ўрам диаметрининг ўсиши билан ўзгартмайди. Шу сабаб қатлам ўрам ўлчамига (радиусига) боғлиқ ҳолда акциал йўналишида

$$\omega(r) = \frac{1}{h} = \frac{1}{(2\pi r \operatorname{tg} \alpha)} \quad (2.80) \text{ тенглама билан ҳисобланади.}$$

(2.80) тенгламадан $\omega(r)$ ни (2.79) тенгламага қўйсак, (2.81) ўрам зичлиги катталигини топамиз.

$$P = \frac{\cos \alpha}{2\pi r_1 \operatorname{tg} \alpha} \int_{r_1}^{r_2} \frac{F(r) u(r)}{r} dr \quad (2.81)$$

$$\cos \alpha = \frac{1}{(1 + \operatorname{tg}^2 \alpha)} \text{ ра алмаштириб}$$

$$P = \frac{1}{2\pi r_1 \operatorname{tg} \alpha (1 + \operatorname{tg}^2 \alpha)^{1/2}} \int_{r_1}^{r_2} \frac{F(r) u(r)}{r} dr \quad (2.82)$$


16-расмдаги h -кўтарилиш;

h_1, h_2 – ўрам радиусига боғлиқ ҳолда кўтарилиш ва r, r_1, r_2 – ўрам радиуси; α – кўтарилиш бурчаги.

$$\operatorname{tg} \alpha = \frac{\vartheta_n}{\vartheta_s} = \text{const}, \text{ тенгликни}$$

(2.82) тенгламага қўйсак

(2.83) кўринишга келади



16-расм. Крестсимон ўрам ипларининг бир неча қатламларда жойлашиши.

$$P = \frac{\vartheta \delta}{2\pi r_1 \vartheta_n \left(\frac{1 + \vartheta_n^2}{\vartheta \delta} \right)^{1/2}} \int_{r_1}^{r_2} \frac{dr}{r} \quad (2.83)$$

$F(r) - F = \text{const}$ ва $u(r) = r = \text{const}$ ҳолларда ўрам зичлиги

$$P = \frac{\vartheta \delta}{2\pi r_1 \vartheta_n \left(\frac{1 + \vartheta^2}{\vartheta \delta} \right)^{1/2}} \int_{r_1}^{r_2} \frac{dr}{r} \quad (2.84)$$

(2.84) тенгламани интеграллаб (2.85) күринишни оламиз [3].

$$P = \frac{\vartheta \delta \ln \left(\frac{r_2}{r_1} \right)}{2\pi r_1 \vartheta_n \left(\frac{1 + \vartheta^2}{\vartheta \delta} \right)^{1/2}} \quad (2.85)$$

Ушбу тенгламадан ҳамма параметрлар маълумлиги туфайли, оддий крестсимон ўрамнинг асосдаги зичлигини ҳисоблаш мумкин.

Ихтиёрий қатламдаги ўрам зичлигини топиш керак бўлса, асос радиуси r_1 ни мос қатлам радиуси r_2 га алмаштирилади.

$$P = \frac{F \omega \vartheta \delta \ln \left(\frac{r_2}{r_1} \right)}{2\pi r_1 \vartheta_n \left(\frac{1 + \vartheta^2}{\vartheta \delta} \right)^{1/2}} \quad (2.86)$$

Агар, ниҳоят ўрам диаметри максимал катталика, $r_1 = r_2$ тенг бўлса, у ҳолда

$$\ln \left(\frac{r_2}{r_1} \right) = 0.$$

Бу эса ичкаридан ташқарита йўналишда крестсимон ўрамда юмшоқ бўлади.

Ўтказилган аналитик тадқиқотлар кўрсатадики, цилиндрсимон ўрамаларда ўрам зичлигининг тарқалиши баъзи ноаниқлик билан:

$F(r) - F = \text{const}$ $u(r) = u = \text{const}$, $\alpha(r)$ ва $\omega(r)$ ҳисобланган.
Шуни эътиборга олиш керакки $\alpha(r)$ ва $\omega(r)$ катталикларни ҳисоблаш йўли билан аниқ топиб бўлмайди, чунки қатлам узунлиги ип юргизгич йўли ўлчамига тўғри келмайди.

Бундан ташқари қатlam узунлигига ўрам шаклининг ўзгаришини таъсири бор.

Шундай қилиб, ўраш вақтида ип таранглиги баъзи таъсиirlарга эга. Шулардан энг асосийлари:

1. Ўраш кучи. Унинг доимийлигини ип тарангловчилар билан сақлаш мумкин, аммо тебранишлари юқори техник харажатлар туфайлигина тўлдириш мумкин.

2. Ўрам тезлиги. Бу таъсиир факаттана ўрамнинг доимий тезликда айланнишидан ҳосил бўлади, тезлик ошса, ип озгина ўзгаради ва ишқаланиш коэффициенти ҳам ошади.

3. Релаксация. Ўралаётган ип релаксация натижасида вақт бирлиги давомида ип таранглиги камаяди, шу сабабли ўрамдаги босим (зичлик) ҳам камаяди.

4. Ипнинг радиал ғижимланиши, унинг таранглиги катта. Ўраш натижасида ҳар бир кейинги қатламидаги ипнинг чўзилиши, остида ётган қатламдагидан сезиларли камаяди ва қисман тузатилади, бу таъсиир ўрта ва ички қатламларда, четки соҳаларида ўзгартиришлар ҳосил қилиши мумкин.

5. Ипнинг кўндаланг юки. Бу юк ипнинг устма-уст чатишган жойида ҳосил бўлади. Бу таъсирини қийматли топиш усуллари маълум эмас.

6. Ўрамда тарангликни тақсимлаш. Ички босим таъсири остида ипларнинг кесишиш жойида ишқаланиш кучи ҳосил бўлади, бу ўрамга мустаҳкамлик ҳадя этади. Радиал йўналиш бўйича ҳаракат қилувчи ташқи кучлар ип элементи ўқига ва юзасига таранглик ҳосил қиласди. Буни ҳисоблаш мумкин.

2.7. ЎРАШ МАШИНАЛАРИ

Ўраш машинасининг ишлаш асоси — бобина юритмасидир. Айланма юритмада одатий, ўқли юритмада — мураккаб ўрам ўрайди.

Ўраш машиналари лойиҳаси кўп томонламадир. Уларни лойиҳаловчилар томонидан маълум сабаблар учун тайёрлайдилар, баъзи ҳолларда бир мақсадли машиналар ҳам ясалади. Айланма юритмали ўраш машиналарида ипни ҳар хил усулда жойлаштириш муваффақият қозонмоқда. Аммо ҳалигача кесикли барабанча бу машиналarda ишлатиб келинмоқда ва шунинг учун айниқса юмшоқ ўрам олишта яроқли ҳисобланади. Анча кенг ҳолда ўйиқли барабанча ишлатилади, чунки у ёрдамида ўйиқлар нечта бўлишига қарамай,


ҳар хил қалинликдаги ипга ишлов бериш мумкин. Бу жараён, асосан кесишиб ўраш автоматларида кўпроқ ишлатилади.

Баъзи фирмалардаги ўраш машиналарида бўлувчи ипюргизгичлар ишлатадилар. Бу, хусусан катта ҳажмли бобина олиш талаб қилинадиган ҳолларда ишлатилади.

Ўқли юритмали кесишиб ўровчи автоматларда фақат бўлиб ўровчи ипюргизгичлар ишлатиш мумкин, чунки ип қатламининг кўтарилиши ўзгармас бўлиб қолиши керак.

Классик ўраш машиналари билан бир қаторда, ўрам олиши учун баъзи маҳсус машиналар ҳам мавжуд, булар кичик ўлчовли ўрамлар олишга мўлжалланган. Ҳамма таъкидланган машиналар ўқли юритмага эга.

ЎРАШ АВТОМАТЛАРИ



17-расм. Ўраш автоматлари ва машиналарининг турлари.

**АЙЛАНМА ЙОРТИМАЛИ КЕСИШИБ
ҮРОВЧИ ХОРИЖИЙ МАШИНАЛАР**

Фирма , Давлат	Модел	Үраш- лар сони	Ин- бошкы рунич	Үраш- теглиги м/мин	Төлө	Чинкини зичилгүй, текс	Үрэм тури
М-150-1	Россия	40, 60, 100	кесишиб барабан- ча узун. 150 мм	600- 1000	пахта, пахта- симон, жун	5,9- 100	кесишиб үралган бобина
Мажед ПНР	RZ II	16, 32 48, 64	кесишиб барабан- ча узун. 126 мм	300- 1200	пахта, пахта- симон, жун, жуңсү мөн	5,9-64	кесишиб үралган бобина
Шляф- горст Герма- ния	BKN	120 та гача	Үйнекли барабан- ча узун. 127 мм	1200 гача	Табиий ва кимё вий	333 дан боштаб	конус- симон ва кеси- шиб үралган бобина
Гулбос Бельгия	TS	12-120	Үйнекли барабан- ча узун. 125 ва 150 мм	1000 гача	Табиий ва кимё- вий	Үрге ва кетте	конус- симон ва кеси- шиб үралган бобина
Свано Италия	USR	112 гача	бұлғулучи шторгүй	600 гача	Жун. пахта кимёвий	Үрге ва кичилик	кесишиб уралтап бобина

2-жадвал

ЭШАДИГАН ВА ҚҰШИБ ҮРАШ МАШИНАЛАРИ

Фирма, Дағылат	Модел	Үраш- лар соғы	Ил- юриптиң	Теңзік м/мин	Тола	Күйіши сони	Үрам тури
Икос Югосла- вия	4049	30,42, 54,66. 78	Үйнекті барабан ча узун. 185 мм	220-900	Пахта, вискоз аралашма	2-4	кесишиб ұралған бобина
Мазда (ПНР)	RZ 10	24-72	кесиқті барабан ча д.85, 90 мм узун. 146,158	200-600	жун. жүнсізмон, пахта, пахтасізмон	2-4	Цилиндр бобина кесишиб ұралған
Савио Италия	Csa	8-120	кесиқті барабан ча 127- 152 мм узун- ліктер	800 max	пахта, жун аралашма	2 ға 3	кесишиб ұралған бобина
Савио Италия	Usa	6-72	бұліб- бұліб жойлош тириш шпорит- тің узун. 127 - 178 мм	600 max	пахта, жуп кимёвій аралашма	2-8	кесишиб ұралған бобина
Харын- бергер Германия	STDW	96 гача	бұліб- бұліб жойлош тириш шпорит- тің уаң. 125-250 мм	150-600	чегаралан- маган	2-6	кесишиб ұралған бобина

2.8. ПАРАЛЛЕЛ ЎРАШ УЧУН ЎРАШ МАШИНАЛАРИ

Параллел ўровчи машиналар ўраш ўқига ўрамнинг жойлашиши бўйича вертикал ва горизонтал жойлашган урчуқли бўлади.

Горизонтал жойлашган ўқли параллел ўровчи ўраш машиналари икки турга бўлади: урчуқли ва урчуқсиз. Биринчи турдаги машиналарда фалтак урчуққа кийгизилади ва ҳаракатни урчуқдан ёки маҳсус ҳаракатланувчидан олади. Урчуқсиз машиналарда фалтак икки гардишидан шпинделлар билан қисилади ва улардан бири айланма ҳаракат беради. Бу машиналарнинг ҳамма турлари чархдан ипни қайта ўрашга мослаштирилган ва ипак тўқув ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Ипак хом ашёни ва катта нотекис рангланган ипакни кўпчилик ҳолларда аввал фалтакка қайта ўралиб кейин тандаланади. Одатда, ипни чархдан қайта ўрашда кичик таранглик билан ўралади, фалтакдан қайта ўраш катта тарангликда амалга оширилади. Такрорий қайта ўраш ипни яхши назорат қилиш имконини яратади ва фалтакда унинг ўраш сифатини оширади.

Саноатда урчуқли ўраш машиналари сифатида МШ-1-2 ва МШ-3 машиналари қўлланилади. МШ-1-2 аралаш ва ипни чархдан фалтакка қайта ўрайди ва фалтакдан фалтакка тақорорий ўрайди. МШ-3 машинаси чархдан фалтакка қайта ўрашга мослаштирилганга иккала машина ҳам икки қаватли чарх жойлашувига эга ва асосан бир хил қурилмаларга эга бўлиб, аммо фақаттана юритма механизмида фарқ бор.

2.9. КРЕСТСИМОН ЎРАШ УЧУН ЎРАШ МАШИНАЛАРИ

Крестсимон ўрам ўровчи ўраш машиналари урчуғи горизонтал жойлашган. Кўпчилик ҳолларда бобина айланувчи ўраш валлари ёки барабани юзасига ишқаланиш ҳисобига айланма ҳаракат олади. Бундай машиналарда пахта, жун ва зигир иплари қайта ўралади. Синтетик ипларни қайта ўровчи ўраш машиналарида, бобина ўрнатилган урчуқ қаттиқ узатмадан ҳаракат олади. Даствлабки ўраш машиналардан унинг фарқи шундаки, бу машиналар бобиналидир. Ҳозирги пайтда бу машиналарда табиий ипакни қайта ўрашда ҳам фойдаланилади.

Крестсимон ўраш машиналари ҳам параллел ўраш машиналар каби ишчи қисмларга эга, аммо ипюргизгичининг тезлиги юқори.

Дастлабки крест ўраш машинасидан фарқли ұлароқ, ипни қайта ўрашда бир қатор иш жараёнлари автоматик тарзда бажарилувчи машиналар ҳам ишлатилади. Бу машиналар ўраш автоматлари дейилади.

Түкімачилик ишлаб чиқаришда ҳар хил лойиҳали крестсимон ўраш машиналари ишлатилади. Машинанинг құлланилиш жойи ва ўраш механизмининг қурилиши ва бошқа қисмларининг түзилиши уларнинг лойиҳавий фарқини белгилайди. Дастлабки крест ўровчи машиналар оддий ривожсиз эди. Ҳар бир урчуқнинг ипюргизгичи битта умумий планкага үрнатылған булыб, машина бўйлаб ҳаракат қиласи. Планка илгариланма-қайтма ҳаракатни кулачокдан олади. Ипюргизгичнинг ҳаракатланувчи планкасининг катта оғирлиги кучли урилишларга олиб келар эди. Бунинг натижасида механизм тез бузилиб, кулачок емирилади, машина иши давомида баланд шовқин кузатилар эди. Муқаммаллаштириш давомида ҳар бир ип юргизгич учун кулачоклар үрнатылди, барибир кулачок тез емирилиши давом этди ва тұғри ўраш шарти бузилаверди. Машина шовқин билан ишлаши давом этди. Ипни инерциясиз усууда жойлаштириш биринчи булыб уйиқли барабанли ўраш машиналарида құлланилди. Ўраш механизми сифатида бу машиналарда үйиқли барабанлардан фойдаланилади. У икки булақдан иборат булыб, улар орасида винтсимон оралиқ ҳосил булади. Барабан юзасига ишқаланиш туфайли бобина айланма ҳаракат олади, ип эса оралиқ четларидан сирпанади ва бобина юзасига жойлашади. Ип юргизгич илгариланма-қайтма ҳаракат қилмайди, шунинг учун инерцион таъсиrlарга учрамайди. Механизм мустаҳкам ва шовқинсиз ишлайди.

Машиналарнинг камчиликлари: барабан валига ип ўралиб кетади; оралиқ четига ип ишқаланиши натижасида ипга шикаст етказилади ва оралиққа ипни жойлаштириш қийин кечади.

Кейинчалик қанотли ипюргизгичи ўраш машиналари ишлаб чиқарилди. Бу машиналarda ўрам ўраш валикдан ишқаланиши натижасида айланма ҳаракат олди. Ип юргизгич иккита муҳрланган галтакдан иборат булыб, у қия вал үқига үрнатылған. Ип фиддиреклар орасидан үтади. Фиддиреклар айланганида ип йұналиш девори томон сирпанади ва бунинг натижада ҳосил булаёттан бобина томон силжиди. Шунингдек ўраш механизмиде ипюргизгич орқага ҳаракат қилиши мобайнинда инерцион куч ҳосил булмайди ва машина юқори тезлик билан таъминланади. Аммо қанотли ип юргизч машиналар ҳам қатор камчиликларга эга: ипнинг

ишақланиши таъсирида ипюргизгичнинг йўналтирувчи деворлари тез емирилади, тез-тез қанотли ипюргизгич валига ип ўралиб қоларди.

Кейинчалик эса крестсимон ўраш машиналардаги ўраш механизмининг ривожи натижасида ипни жойлаштирувчи ариқчали цилиндрсимон барабанчалар яратилди. Бу лойиҳали ўраш механизмларда бобина барабанчалар юзасига ишақланиши натижасида айланма ҳаракат олади ва ип эса силлиқ йўналишида ариқча деворига қараб силжайди ва ҳосил бўлаётган бобинага келади. Ўраш механизмининг лойиҳасини оддийлиги ва юқори унумдорлиги туфайли ҳар хил турдаги иплар қайта ўраш учун ўраш машиналарида кенг барқарорлик топди. Аммо бу машиналарнинг ҳам камчиликлари мавжуд: қатламларнинг тўғри келиши натижасида чигаллашган иплар ҳосил бўлади, чунки ҳосил бўлаётган бобинада винтсимон қавариқли ўраш ариқасига тўғри келиб қолади ва бунинг натижасида бобина ва барабанча орасида мустаҳкам узатиш нисбийлиги ҳосил бўлади. Бу камчиликни камайтирувчи машинада маҳсус механизм мавжуд. Агар конуссимон бобина ўрами юзаси узоқ вақт давомида ўраш барабанчаси нотекис юзаси ишақланувчиси таъсирида бўлса, ип таркиби бузилади. Бундай ҳодисани огоҳлантиришнинг мақсади, машинада бобинадаги ипнинг узилиши ёки найчадаги ипнинг тугаси билан бобинани огоҳловчи механизми мавжуд.

Климов заводининг М-150 ўраш машинаси ўраш барабанчаси – 77 мм, қайта ўраш тезлиги 800 м/мин эди.


Қайта ўраш тезлигини ошириш мақсадида М-150-1 ўраш машинаси ишлаб чиқарилди. Бунда барабанча диаметри – 90мм, ўраш тезлиги – 1000 м/мин. М-150-1 ўраш машинаси М-150 машинасининг мукаммаллаштирилганни.

М-150-2 машинаси Душанбе тўқимачилик машиналари ишлаб чиқариш заводида ишлаб чиқарилади.

М-150-2 ўраш машинаси ҳар хил толали ипларни йигирив найчасидан ва бобинадан қайта ўраш учун мўлжалланган.

18-расмда М-150-2 қайта ўраш машинасининг кўндаланг кесими курсатилган. Машинада найча ёки бобиналарни ўрнатиш учун бир шпинделли ёки кўп шпинделли 1 найча ушлагич ўрнатилган. Найча 2 дан ечилаеттан ип шарикли баллон сўндиригич орқали ип буралиб 3 чивиқ ҳалқасидан, 4 икки соҳали тарангловчи асбобдан, 5 назоратчи-тозаловчи асбобдан ўтиб огоҳловчи механизм чивиқини эгади, 6 ўраш барабанчаси ариқасидан ўтади

ва 7 бобинага үралади. Бобинағының 8 урчукқа, урчук әсі 9 приклонга үрнатылған. Үраш барабанчалари иккі томонидан үраш валиға қотирилған бўлиб, шарикли подшипниклар асосида айланма ҳаракат қиласи. Үраш валлари электродвигателдан ҳаракат олади.




18-расм. М-150-2 қайта үраш машинасининг
кўндаланг кесими схемаси.

Машинанинг юқори қисмидаги бобина қўйиш учун 10 мослама, тагида найчалар учун қути 11 үрнатылған. Үраш барабанчалари ўртасида тутун боғловчи 12 механизм үрнатылған.

Үраш машинасида узунлиги бўйича ўтган 13 ҳаво йўли үрнатылған бўлиб, 15 воронкали эгилувчан шланг 14 орқали тарангловчи ва назоратчи-тозаловчи асбоб билан боғланган, чанг сўрувчи қурилма билан жиҳозланган.

Хавони сүриш шамоллаттич орқали амалга оширилади. Ҳаво чиқиши жойида ўлик толалар ва чанглар учун камера ўрнатилган. Бўшаган найчаларни йифиш учун пилтали 16 транспортер бор.

18-расмда ММ-150-2 ўраш машинасининг кинематик схемаси ифодаланган. Иккита 1 электродвигателдан ҳаракат икки томондаги ўраш барабанчаларига узатилади. 1 электродвигателдан камарли узатма орқали D_1 , D_2 шкивлар ҳаракат олиб, 2 валга 3 ўраш барабанчасига узатилади. D_1 ва D_2 шкивларни алмаштириш йўли билан қайта ўраш тезлигини 500 дан 1250 м/мин гача ўзgartириси мумкин. Учинчи 4 электродвигател ҳаракатин электр тақсимловчига, транспортер бобинани автоматик тўхтатиш механизми кулачогига узатади. Электродвигател 4 дан червякли узатма Z_1 , Z_2 , Z_3 ва Z_4 , Z_5 орқали ҳаракат валга узатилади, унга 5 электротақсимловчи кулачок ўрнатилган. 5 кулачокка кўзғалувчи контакт 6 таъсири қиласи ва 7 кўзғалмас контакт билан даврий узилишда бўлади ва 1 электродвигателга келадиган токни даврий узиб туради. Бир минутда тахминан 19 та ток узилиши бўлади. Бунинг натижасида ўраш барабанчалари даврий ўзгарувчи частотада айланади, бобинани даврий айланшини таъминлайди. Шу сабаб бобина ўрамларнинг тўғри келиш вақтида баъзи нисбий араласиши ҳосил қиласи, бу эса ўрам тузилишининг тўғрилигини таъминлайди.



19-расм. М-150 қайта ўраш машинасининг кинематик схемаси.

Занжирли узатма йули билан Z_2 , Z_3 10 вал ва унга ўрнатилган 11 транспортёрнинг ҳаракатланувчи шкиви ҳаракат олади.

10 валдан занжирли узатма Z_6 , Z_7 ва тишли Z_8 , Z_9 орқали бобинани ҳаракатлантирувчи 9 экцентрик 8 вал билан биргаликда ҳаракат олади. Ўраш барабани, одатда пластмассадан, баъзи турдаги толалар учун металдан тайёланади. Барабан диаметри 90 мм, узунлиги – 173 мм. Ўраш ариғи 2,5 боғлам. Боғлам қадами, тахминан (72,5 ва 55,5 мм) ва ярим қадами – 23 мм.

Ўртacha қадам


$$h_c = \frac{2,5 + 55,5 + 23}{2,5} = 60,4 \text{ мм} \quad (2.87)$$

Юргизгичнинг тўлиқ айланиши даври ўраш барабанчасининг беш марта айланишини ташкил этади. Бобина диаметри ошиши билан винтсимон қадам кичрайди. Бу бобинанинг катта асосига ўрамни зичлаштириш учун ва ипюргизгич тезлигини камайтириб, катта сферадаги айрим боғламларни ташлаб кетишидан саклаш учун қилинган.

Ўраладиган бобина ўраш барабанчасига ётади. Барабанчанинг айланишидан ишқаланиб, керакли тезлик олади.

Шундай қилиб, бу машинада барабанча ўраш механизми ва ипюргизгич вазифасини ўтайди.

Ўраш механизмининг тўғри ишлаши учун ўраш аригининг ишчи юзаси ўта силлик булиши керак. Ундаги билинмас ғадир – будирлик; қотишмалар, ёриқлар ипни тўғри жойлашишига халақит беради. Агар ариқча кир бўлса ҳам жойлашиш бузилиши мумкин.



Конуссимон бобинани ўраш конуссимон 1 картонли асосда амалга оширилади (20-расм). Асос 2 конусга кийдирилган бўлиб, 3 ўқда шарикли подшипник ёрдамида ўрнатилган конус асоси 3 ўққа қия кесилган 4 втулка ўрнатилган ва 5 тишли учта бўлим билан ҳамкорлик қиласди.


Урчуқ иш ҳолатида 4 втулка 6 пружина таъсирида энг охирги ўнг ҳолатда бўлади, 5 тишли бўлим юзасини 1 асосга қисади ва уни урчуққа маҳкамлайди. Иш ҳолатида урчуқ текис 7 пружина билан қайд қилинади. Тўлган бобинани олиш учун кўтарилиган приклондан урчуқни 8 ўққа нисбатан соат милига тескари айлантирилади ва 9 асос таъсирида 4 втулка чапга ҳаракат қиласди. Бунда 5 бўлим маҳсус пружина таъсирида урчуқ ўқига қараб жилади ва асосни озод қиласди.

Урчуқ енгил айланиши керак. Марказий оралиқ 0,5 мм дан ошмаслиги керак. Урчуқнинг ёпиқ ҳаракатида бобина катта тебраниш олади ва ипга бирданига ишқаланиш кучи таъсир қиласди, натижада чигал ўрама ҳосил бўлади.

Урчуқ ўқидаги оралиқнинг катта булиши натижасида иш жараёнида бобина ўқида силжиш пайдо бўлади, бу эса сферада боғламлар ташлаб кетилишига сабаб бўлади. Урчуқни шаблон бўйича шундай ўрнатиш керакки, унинг ўқ бўйича горизонтал сояси ўраш барабанчасининг ўқи бурчагини ташкил қилсин. Бунда бобинага таъсир этувчи умумий ишқаланиш кучи урчуқ ўқи бўйи йўналишининг тузувчисини ташкил қилсин.

Бу тузувчи бир вақтда урчуқ конусини бобинани катта сфераси йўналишида қисади. Бобинага ўраш давомида катта диаметрдаги ипнинг бурамалар сонини камайтириш мақсадида ва бобинадан ипни ечилиш шароритини яхшилаш учун унинг катта диаметрига сферасимон шакл берилади.

Бунинг учун эгил иш - сферасини ишқосил қилиш курилмасига эга. Эгилеш 1 дастаси 3 ричакка 2 болт ёрдамида кесик профилли 5 пласти-



21-расм. Қайта ўраш машинасининг эгилеш схемаси.


нага ўрнатилган. Кесикка 4 палец (бармоқ) кириб құзғалмас жойлашган. Дастак 1 күттарувчи ричаг 6 тешигига эркин жойлашиб, ричаг 3 билан биргаликда 0,0, үққа нисбатан айланиши мүмкін. Күттарувчи ричаг 6 үққа эркин жойлашган. Ўрам диаметри ошиши билан бобина ўз үқи атрофида айланиб дастак ва күттарувчи ричаг 6 билан суриласы. Бу ҳаракат вақтида палец (бармоқ) 4 пластина ёригига силжыб, дастакни 0, 0, үқи атрофидан бир неча бурчакка айланырады. Бунинг натижасыда ўрам диаметри ошиши билан бобина үқи буриласы, бобина эса катта диаметр томон жилади. Кейинги қатламлар үралып ва юза сферали шаклга эга бўлади.

22-расмда ип узилганда бобинани тұхтатыш механизми акс эттирилган. Ипни кир булишидан сақлаш учун бу механизм күтида жойлашган ва ип найчадан узилганда бобинани тұхтатады. Тараплик таъсирида ҳаракатланыёттанды ип 1чивиқ 2 үқ соат милига тескари атрофида бурилип тушады ва шу ҳолатда ипта таъсир этгунга қадар тұхтайди. Үқ 2 га оғирлікка қарши 4 юк, 3 ричаг қотирилган. 3 ричаг, 5 торғычлар орқали 6 ричакка таъсир қиласы. У 7 үққа жойлашган 5 торғычни сиништанды сақлаши учун 6 ричаг пружина ёрдамида таъсир қиласы. Күти остидан 8 валик үтган булиб, доимий частотада узлуксиз айланады. Ҳар бир күти остида валикка кулачок 9 ўрнатилган булиб, 10 итаргичта илгарыланма-қайтма ҳаракат узатады. Итаргич 7 үқ йұналиши томон ҳаракат қиласы. Ипни қайта ўраш жараёни меъёрида бўлса, итаргич эркин ҳаракат қиласы ва ричаг 6 га тегмайды, чунки ричаг ўнг томонга силжиган бўлади.

Ип узилганда ёки найчадаги ип тугаса, 1 чивиқ 4 юк таъсирида 3 ричаг билан биргаликда соат мили буйича буриласы. Бунда 5 торғыч 6 ричагни 10 итаргич ҳаракати текислигига ўрнатыб, 6 ричагни юқорига күтаратади.

7 үқ 6 ричаг 11 ричакка жойлашган булиб, 12 үқ атрофида айланады. Ричаг 11 билан биргаликда у билан боғланған 13 планкани күтариб, 14 штокни ҳам ушлаб күтаратади. Штокнинг юқори қисми 15 кулис ёрдамида 16 роликни силжитади. У 17 ричакка жойлашган булиб, 18 үққа нисбатан айланады. 17 ричаг тешигига 19 дастак жойлашган у 20 бобинани 21 ўраш барабанчасидан күтаратади.

Бобинани бўшатыш учун ўзгармас катталикда күтарилади ва уни керакли ҳолатда қўйиш учун ўрнатувчи винт 22 билан бошқарилади.




22-расм. М-150-2 қайта үраш машинасининг бобинани тұхтатиш механизми схемаси.

(Бобинани ишга тушириш учун иш қолатига туширилади). Дастак 23 босилганда 24 үқ үнг томонға бурилади ва қоматли ричаг 25 роликка таянч вазифасини үтайды ва биргаликда айланади. Бунинг натижасида ричаг ролиги 1 ричаг 25 тепасидан пастга үтади, күтарувчи планка 13 шток 14ни бұшатади. Шток тушади ва бобина барабанча юзасига тушади.

Бобинанинг енгил тушишини гидравлик демпфер 26 таъминлади. Қайта үраластырылған ип бирданиға керакли тарангликни олмайды ва қайтадан бобина күтарилиши мүмкін. Буни огоҳлантириш учун 25 ричагни пастки елкасига 27 ролик воситасида соат мили йұналишида 28 иккі елкалы ричаг 29 үққа нисбатан бурилади. 28 ричаг, 3 ричакка 5 тортгічта таъсириң қилиб, 6 ричагни үнгга суради. Шундан сүнг ип таранглиги меъёрли тарангликка эришади ва 30 текис пружина таъсирида 25 ричаг үнг томонға 1 ричаг ролиги таянчига бурилади. Иккі елкалы ричаг 28 ва 30 пружина таъсирида чапға бурилади ва 3 ричагни бұшатади. Бунинг натижасида механизм қыслары кейинги тұхтатиш учун меъёрий қолатта тушади.

Машинанинг ҳар бир ўраш боши ўрнатилган ўлчамга етишига құдадар тұхтатиши меканизмінде эга (23-расм). Бобина ўрамы диаметри ошиши давомида приклон 1 тортгич 2 ни 4 үкқа зеркін жойлашған бир елкалы ричаг 3 томон үнгі тудырады. Шу үкіда ричаг 3 пружина 6 билан бояланған бир елкалы 5 ричаг жойлашған. Бобинага ўрашнинг бошланғыч даврида пружина 5 ричагнің қисады. Бобина диаметри ошиши билан 3 ричаг үнгі томонда сурілады, бунда пружина ричаглар орасидегі үқ атрофидан жойлашады, 3 ричагнинг кейинги силжишида 5 ричаг пружина таъсирида үнгі 8 таянчача силжиди. Бұл лаҳзада пичоқ 5 ричагға ўрнатилған ипни кесади ва ўзи тұхтатиши меканизми таъсирида бобина тұхтайды.

Бобина диаметрининг катталиғы тортгич 2 узунлігини 9 тортувчи ёрдамида үзгартырыш билан ўрнатылады.



23-расм. М-150-2 ўраш машинасыда бобина тұлғач, үнні тұхтатиши меканизмы схемаси.

Үрталақ қайта ўраш тезлігінің қыйидаги формула билан топиш мүмкін:

$$\vartheta = \sqrt{\vartheta_o^2 + \vartheta_u^2} \quad (2.88)$$

ϑ_o – бобинанинг ўртача айланма тезлиги;

$\vartheta_o = \Pi D_m \eta n_m$; – ипюргизгичнинг ўртача тезлиги;

$\vartheta_u = h_{cp} n_m$;

D_m – ўраш барабанчаси диаметри;

n_m – ўраш барабанчасининг айланыш частотаси;

η – бобина силжиши катталигини ўртача тавсифловчи коэффициент;

M-150-2 машинаси учун $\eta = 0,94$ қабул қилиш мумкин;

h_{cp} – ўраш ўйигини ўртача қадами.

$$\text{Шунинг учун } \vartheta = n_m \sqrt{(\Pi D_m \eta)^2 + h_{cp}^2} \quad (2.89)$$

Бобинага ипни қайта ўрашнинг амалий тезлиги ҳамда ипнинг ҳаракати тезлиги M-150-2 машинасининг таранглаш асбобида ўзгарувчи катталиктадир.

Ип ҳаракатининг ўзгариши сабаблари қўйидагилар: электротрузувчи ишига боғлиқ бобина ҳаракатининг ўзгарувчан бурчак тезлиги, ипюргизгичнинг ўзгарувчан тезлиги, конуссимон шакл натижасида бобинани ўзгарувчан айланма тезлиги, бобина бўйича ипнинг тескари ҳаракатида тарангловчи асбобдан то ўраш нуқтасигача бўлган ип узунлигининг ўзгариши ва ипнинг ўраш ариқчаси билан кесишганда ўраш барабанча юзасига даврий чиқиши.

M-150-2 машинаси 20 барабанчали қисмлардан иборат ва уларнинг ҳар бири 20, 40, 60, 80, 100, 120 барабанча билан тайёрланиши мумкин.

Ип толаси турига боғлиқ ҳолда бир неча хил туркумда ишлаб чиқарилади. Бўлиши керак бўлган ипларни қайта ўраш учун MМ-150-1 ва M-150-2 машиналари ишлатилади. Бу машиналарда цилиндрисимон юмшоқ 200 мм диаметрли ва баландлиги 150 мм бобиналар ўралади.


Бобина цилиндрисимон қофоз найга трикотаж пайпоқ кийдирилиб ўралади.

Бўяшда пайпоқ ип ўраминингчувалаб кетиши ва бузилишидан сақлади; най эса ипни олиб чиқади.

Баъзи корхоналарда ип цилиндрисимон тешикли мустаҳкам

пұлатдан ясалған найга үралади. Бу қолатда ип найнинг ўзида бўялади. Эгиліш вақтида үрам қалинлигининг ўсишини таъминлайди. Үраш ариқаси қадами ўзгармасдир. Қайта үрашнинг чизикли тезлиги 370-470 м/мин. Бошқа хусусиятлари бўйича үраш машинаси конуссимон үраш машиналаридан фарқ қиласади.

Крестсимон үраш сунъий ва синтетик толали ипларни қайта үраша ҳам кенг қўлланилади. Бу ипларга дарҳол таъсир этувчи механик ишқаланиш кучига йўл кўйилмайди, шунинг учун ҳам бу толали иплар бобина үровчи машиналарда қайта үралади, бунда урчуқ мажбурий ҳаракат олади. 24-расмда бобина үровчи машина схемаси ифодаланган. Ип 1 чархдан эшилиб ролик 2 компенсаторга эгилиб, 3 чинни йўналтирувчидан ўтиб, 4 эмулсияловчи валикка тегади, 5 йўналтирувчидан эгилиб, тароқли тарангловчи 6 асбобдан ўтади, кейин узукни ишловчи оралиқдан ўтиб, ўзи тўхтатгич илмоғи 8 ролигини эгади, ипюргизгичнинг чинни илмоғи 8 дан ўтиб, конуссимон 10 бобинага үралади. Компенсатор 2 урчуқни ишлаттанди ва иш давомида ип таранглиги ўзгарса, ип таранглигини тенглаштириш учун хизмат қиласади.



24-расм. Бобина үраш машинаси схемаси.

Ипга силлиқлик бериш учун ва ип элементларини елимлаш учун у эмулсияланади. Эмулсияланган ип кейинги жараёнларда кам бурушади ва зарядланмайди. Эмулсияловчи валик эмулсия қозонида жойлашган булиб, машина бош валидан мажбурий ҳаракат олади. Бобина найи 10 конуссимон урчукқа қаттиқ ўрнатилган ва у ҳам мажбурий ҳаракат олади. Машинанинг бош вали 1 электродвигателдан шкивлар ёрдамида камардан ҳаракат олади. Машинанинг бош валидан 12 ва 13 фрикцион фидиреклар ёрдамида ҳаракат урчуқ вали 14 га узатилади, фидиреклар орасидаги боғланиш 16 роликни эгувчи узвий камар орқали амалга ошади. Ипюргизгич 14 урчуқ валидан ҳаракат олади. Тишли узатма Z_1 , Z_2 , Z_3 , Z_4 дан 18 втулка (металли қувурча) ҳаракат олади, унга йўналиши кулачок 17 ўрнатилган. Вал 14 втулка 18 дан эркин ўтади. Кулачок айлануб ипюргизгичга илгариланма-қайтма ҳаракат узатади.

Бобинанинг доимий айланма тезлигини сақлаш учун ўрам диаметри ошганда, машина урчуқ айлантириш вали тезлигини ўзгартирувчи механизмга эга. Ипюргизгичнинг чинни уни илгариланма-қайтма ҳаракат қилиб, бобина ўрами юзасига тегиб туради. Ўрам диаметри ошиши билан ипюргизгич силжийди ва ричагли узатма 16 роликни ўқли аралашувини ҳосил қиласи. Бунинг натижасида фрикцион фидирекларнинг қабул қилувчи катталиги ўзгаради. Урчуқни ишлатиш ва тұхтатиш 13 фалтак муфта 19 ёрдамида силжитиш йўли билан амалга оширилади.

Чунки бу машиналарда ипюргизгич тезлиги бобинадаги ўрамнинг диаметри ошиши билан камаяди, боғламлар бурчаги кесишишида ўзгариш бўлади. Ўрамнинг диаметри ошиши билан кесишиш бурчаги камаяди. Ўртача тезликни қайта ўрашда қўйидагича топиш мумкин:

$$\vartheta = \frac{2}{(\vartheta_1 - \vartheta_2)} \quad (2.90)$$

ϑ_1 ва ϑ_2 – ўраш бошида ва охирида бобинага ўрашнинг ўртача тезлиги.

$$\vartheta = \sqrt{(\Pi D_1 n_{1s})^2 + (2 h n_{1s})^2} \quad (2.91)$$

$$\vartheta = \sqrt{(\Pi D_2 n_{2s})^2 + (2 h n_{2s})^2} \quad (2.92)$$

D_1 ва D_2 ўраш бошида ва охирида бобинанинг ўртача диаметри;
 n_{1s} ва n_{2s} – ўраш бошида ва охирида бобинанинг айланиш
частотаси;

h – ипюргизгич кулочи.

n_{1s}, n_{2s} – ўраш бошида ва охирида кулачакнинг айланиш частотаси.

Кулачокнинг айланиш частотасини урчуқнинг айланиш
частотаси билан ифодалашмумкин:

$$n_s = \frac{(z_1 z_2)}{h}; \quad (2.93)$$

$z_1 = 39; z_2 = 48; z_3 = 17; z_4 = 64$ тишга эга.

Бобинага ўрашда боғламлар ўзаро тўқнашмайди, чунки ўраш механизми ўрамнинг силжиш бурчаги катталигини доимий сақлади.

$$\vartheta = [z_4 z_2 (z_3 z_1) - n] 2\pi = [64 \times 48 / 17 \times 39 - n] 2\pi = 0,633 \times 2\pi = 1,266 \text{ рад.}$$

n – кулачокнинг бир айланишида бобинанинг түлиқ айланишлари сони.

Боғлам силжиш бурчаги катталигини тўқнаштирмайди ва крестсимон ўрам тузилиши тўғрилигини таъминлайди.

Алоҳида лойиҳали чет эл ўраш машиналаридан “Шляфгорст” фирмаси (Олмония) BKN моделидир. Бу машиналарнинг ўраш механизми катта диаметрли винтсимон оралиқли цилиндрысимон барабандан иборат. Машина ишлаётганда барабангча айланма ҳаракат билан биргаликда илгариланма-қайтма ҳаракат ҳам қиласди. Бунинг натижасида тўқнашувчи боғламлар ва чигал иплар ҳосил булмайди, ортиқча зичлашиш камаяди ва бобинанинг тўғри шакли таъминланади.

«Мюллер» фирмасининг (Олмония) ўраш машинасининг ўраш механизми ҳам катта диаметрли цилиндрысимон барабанчадан иборат. У икки булақдан иборат ва улар бошқа-бошқа ўқса ўрнашган, аммо синхронли тенг тезликда айланади. Бу лойиҳада барабан булақлари орасидаги бўшлиқда ўқ бўлмайди.

«Майер» фирмаси (Олмония) машиналарида ипни жойлаштириш винтсимон ариқчали барабанчаси ёрдамида амалга оширилади, бобина эса махсус ўраш валидан ҳаракат олади.

Франция, Олмония ва Италияning айрим фирмалари бобина-ракета ўровчи ўраш машиналари ишлаб чиқаради. Бобина-ракета ўрами диаметри 150 мм ва узунилиги 750 мм гача. Бундай бобинанинг оғирлиги 4-5 кг га етади. Бу лойиҳалардаги машиналарда урчуқтик жойлашади.

2.10. ЎРАШ АВТОМАТЛАРИ

Ўраш автоматлари 1930 йилдан маълум. Тўқимачилик машиналари ишлаб чиқарувчи корхоналар кесишиб ўровчи автоматларни ҳар хил лойиҳада ишлаб чиқаради. Адабиётларда бу автоматларнинг синфланиши йўқ. Умумий қилиб қабул қилинган ўраш бошлари сонига қараб: кўп бошли ўраш автоматлари; кам бошли ўраш автоматлари; бир урчуқли автоматларга бўлинади.

Ўраш бошларининг жойлашиши бўйича автоматлар қатор турган ва айланма автоматларга бўлинади. Урчуқлари қатор турган ўраш бошлари бир-бирини ёнига жойлашган ва булар бир томонли ва икки томонли бўлиши мумкин. Бу автоматлар мақсадли ва секцияли лойиҳада ишлаб чиқарилади.

Айланма лойиҳали автоматлар чегаралган сонли ўраш бошига эга ва улар карусел сингари айланади, қўзғалмас улаш агрегати уларга хизмат кўрсатади.

Иккала лойиҳали автоматлар ҳам юқори техник кўрсаткич билан анча йиллардан бери ишлаб келмоқда.

Максимал тезлиги 1200 м/мин, баъзи лойиҳаларда 1400 м/мин минимал ўраш бошлари сони 8 тадан 32 тагача.

Ўраш автоматлари иш тартиби, асосан ўраш машиналарига ўхшаш, истеъмол хом ашёси йигирив найчасида келади. Ҳамма қайта ўраш жараёнлари найчани қўйишдан тортиб бобинани алмаштиришгacha автоматик бажарилади. Ўраш машиналари ва автоматлари тезлиги бир хил бўлсада, автоматлаштириш сабабли хизмат қилиш соҳаси ошади. Ўровчининг иш унуми машинадагига нисбатан бир неча баравар юқори бўлади. Тозалаш натижасида узилган иплар автоматик боғланади, шу сабаб ўраш боши тўхтаб турмайди.

Ўраш автоматларида қўйидаги жараёнлар автоматик бажарилади: Магазинни найча билан тўлдириш; истеъмол найчасини ўрам учун ўрнатиш; узилган ип учини ёки найчадаги ип учини толиб боғловчига узатиш; боғлаш; ипни тарангловчидан ва ип тозаловчидан ўтказиш; ўраш бошини ишлатиш; ишлаб бўлинган

бобинани олиш ва янги бүш найчани урнатиш; бобинани транспортёр курилмасига қўйиш, доимий чанг, хас-чўплардан тозалаш; ишлашини автоматик назорат қилиш.

З-жадвал

ЎРАШ АВТОМАТЛАРИ

Фирма	Модел	Ўраш бонни сони	Тезлик м/минн	Тола	Чиликчилик-текс	Ишлаб чиқариш маҳсулоти
Эштекс Чехия	2007.0	32(2x16) 48(2x24) (катор урчукли иккита томонда)	100-1200	Пахта, жун, вискоза жун билан аралаш, кимёвий	10-62.5	Кесиншиб ўралган бобина узинл. 150мм д250-h100мм д180-h150мм
Шлагер-горст Германия	Аутоконвер	10,20,30, 40,50 катор урчукли (бир томонда)	1200 гача	Пахта, жун, вискоза жун билан аралаш, кимёвий	6-100	Кесиншиб ўралган бобина д320-h150мм
Савио Италия	RAS15 RAS15b RAS15 Cb	8-48 катор урчукли (бир томонда)	600-1400	Пахта, жун, вискоза жун билан аралаш, кимёвий	10-100	Кесиншиб ўралган бобина д300мм гача
Барбер-компани АҚШ	C CC	126-378 катор урчукли	1200 гача	Пахта, жун, вискоза жун билан аралаш, кимёвий	10-100	Текис галтак
Планитер Швейцария	CATT	10 алтана бўйича жойлашган урчукли	600-1200	Пахта, жун, вискоза жун билан аралаш, кимёвий	7,4-74	Кесиншиб ўралган бобина д280мм h-83;127;150 мм
Жильбос Бельгия		12,16,20, 24 алтимма урчукли кўзғалмас боғловчи	350-1000	Пахта, жун, вискоза аралашма	5-330	Кесиншиб ўралган бобина д300 h150;200мм
Мурата Япония	NII Мурата Жильбос	12,16,20, 24 катор урчукли битта умумий борловчи	700-1200	Пахта, жун, вискоза аралашма	5-166	Кесиншиб ўралган бобина
AM-150-II Россия		8,16,32, 48 алтимма урчукли битта умумий боғловчи	1200 гача	Пахта, жун, вискоза аралашма	5-500	Кесиншиб ўралган бобина

Ҳар хил лойиҳали автоматлар иш жараёни деярли бир хил.

Хусусияти ва функционал элементлари. Ўраш автоматларини қўллашда ҳал қилувчи масалани харажатлар ташкил қиласди. Булар машина нархи ва автоматизацияси, иш ҳақи харажатларидир. Шу сабаб автоматларга қўйилган талаб юқоридир.

Тадқиқотлар шуни курсатадики, автоматлаштириш натижасида битта ўровчининг иш унуми 5 марта кўпаяди, 70% найча ўрнатиш вақти 12% бобина ўрнатиш вақти тежалади (3-жадвал).

Ўраш автоматларини қўллаш катта технологик ва иқтисодий самара беради. Одатдаги ўраш машиналарида ўровчи битта найча учун 10-12 с вақт сарфласа, автоматларда 2-2,5 с вақт сарфланади. Шу сабабли ўровчининг иш унуми 5 марта ошади. Бундан ташқари ўраш автоматларини қўллаш натижасида иш шароити яхшиланади, боғламлар сифатини оширади, бу эса тўкув жараёнида узуқларни камайишига олиб келади. Иш тартиби асосида ўраш автоматларини тўрт турга булиш мумкин.

Биринчи турдаги автоматларга қўзғалмас ўраш бошларига битта ҳаракатланувчи боғлаш механизми ҳамма бошларга хизмат кўрсатади. ("Барбер Колъман", "Фостер" фирмалари машиналари АҚШ) Бу автоматларнинг дастлабки моделлари кўп сонли ўраш бошларига эга эди (100 ва ундан ортиқ), ҳамма ўраш бошларига битта боғлаш механизми хизмат кўрсатар эди ва кўпчилик ўраш бошлари ишламай тўхтаб қолар эди ва унинг иш унуми паст эди.

Иккинчи турдаги автоматларда қўзғалмас ўраш бошларига битта қўзғалувчи улаш механизми кичик гуруҳи (5-10) бошларга хизмат кўрсатади. Бу шароитда тўхтаб қолган бошлар сони камаяди ва уларнинг иш унуми ошади ("Шляргорст" фирмаси, Олмония).

Учинчи турдаги автоматларга айланма ёпик йўлда ҳаракатланувчи ўраш бошларига бирин-кетин хизмат кўрсатувчи битта қўзғалмас улаш механизми киради. Бу турдаги автоматларнинг дастлабки моделлари кўп сонли бошларга эга бўлганлиги учун уларнинг тўхтаб қолиши ошиб, иш унуми паст эди. Янги модели автоматларда ўраш бошлари сони кам (8-32), бу эса тўхтаб қолишни камайтиради ва уларнинг иш унумини оширади. (АМК-150 Россия, "Швейтер" Швейцария ва бошқалар).

Туртинчи турдаги автоматларда ҳар бир ўраш боши алоҳида улаш механизми билан жиҳозланган. Бунда ўраш бошларининг тўхташи максимал қисқаради ва уларнинг иш унуми ошади. Бундан ташқари боғловчи бу шароитда механизмнинг кучланиши камаяди.

Бу ўраш автоматларни Чехиянинг “Элитекс” фирмаси, Италиянинг “Савио”, АҚШ “Лисон” фирмалари, “Шляфгорст” фирмасининг “Аутоконер” моделини ишлаб чиқаради.

Жараён автоматлаштирилиш даражасининг ошиши автоматнинг аралаш усулда ишлашининг камайиши билан боғлиқ бўлиб, бу тўқимачилик корхоналарининг жиддий камчилигидир. Бундай шароитларда тўлиқ автоматик ихтисослаштирилган машинани куллаш иқтисодий жиҳатдан анча қалтис.

Шунга қарамай, лойиҳаловчи автоматларда уларнинг алоҳида тугунларини ўзгартириб аралаш усулда ишлашга эришган «Шляфгорст» фирмасида Аутоконер ўраш автоматини яратилди. У 10 та ўраш бошчаси бўлинмалардан иборат бўлиб, умумий юритма, момиқ пуллагич ва ип ўралган найчали қутилар учун йўналтирувчилардан иборат. Ҳар бир бўлинмага унинг бир бошидан иккинчисига 9 та силжийдиган тугун боғлаш аравачаси хизмат курсатади. Узилишда ёки бошларнинг биридан ип тушишда аравача тўхтаб, ипни боғлашни ёки ишлаб бўлинган найчани алмаштириш ва ипни боғлаш жараёнини амалга оширади. Ўраш бошига хизмат кўрсатиш вақти 5 секундни ташкил этади. Бошчаларга хизмат кўрсатиш тезлиги барча турдаги хом иплар учун етарли, фақат энг кўпол, паст сифатли хом ипдан ташқари, уни ўраб олиш учун ипнинг найчадан тушиш вақти 3 минутни ташкил этади ва бир найчада 2 узилиш тўғри келади. Бундай шароитда, автомат ФВК и 0,6 гача камаяди ва бўлинмада иккинчи тугун боғловчини ўрнатиш зарурити пайдо бўлади, ҳар бир тугун боғловчи беш бошга хизмат кўрсатади. Хом ипларнинг кўпчилиги учун тозалашнинг бир хил даражаларида, одатда, ФВК ни 0,7 дан юқори сақлаш мумкин, бу иқтисодий чегара ҳисобланади. Магазинга ҳалқали йигириш машиналаридан беш ип ўралган найча жойлашиб, улардан ип учлари соплога сўрилади ва мустаҳкам ушлаб турилади. Ип найчадан тушишида магазин айланади ва ишчи кетма-кетлигига тўла ипли найча ўрнатилади. Янгидан ўрнатилган найчадаги ипнинг учлари, бобинадаги ипнинг учлари билан боғланади ва ўраш жараёни давом этади. Одатда, ипларни боғлаш учун балиқчилар тугуни қўлланилади, бироқ зарур бўлганда, масалан трикотаж хом ип 25 тексдан кам бўлганда, тўқувчилик тугуни қўлланади. Тугунлар борлиги ва уларнинг сони ЕКР электрон назоратчи томонидан текширилади.

Ҳаракатланишда ип баллон сўндирувчи, тарангловчи мослама, тозалагич ва винтсимон ўйқили ўраш барабанчасидан ўтади. Фалтак

ушлагич эгилишида тёбраницам амортизатори бўлиб, торсион пружина ғалтакнинг барабанчага доимий ёпишиб туриш кучини таъминлайди, бу билан бобина оғирлигининг ип ўралиш жараённида ошишини бир меъёрда таъминлайди. Жихоз тозалигини осилган қўзгалувчи момик пуллагич ва юқоридан пастга ҳаракатланувчи ҳаво оқимини ҳосил қўлувчи найча ушлагичлар остидаги чўзувлари қурилма таъминлайди. Тугун боғлагичнинг ҳар бир кареткасида тугунларнинг сони ва найчаларни алмаштириш сони ҳисоблагичлари бор. Шундай қилиб, хом ипнинг ҳақиқий узилишлар сони ўраб олинаётган хом ип учун ўрнатилган тозаланиш чегаралари билан солиштирилади. Ип ўралган найча вазни 100 г. бўлганда, бир найчага тозалаш натижасида 1,93 тутун тўғри келади. Агар, ҳисоблагич тозалаш натижасида ҳар бир ипни найчага 3 тугун тўғри келишни кўрсатса, демак ип тозалагичлар қониқарсиз ишлайди. Буюртма бўйича автомат тузилмаси автоматик парафинловчи, калаваларни алмаштириш механизми, ҳампа таъминловчи, ипни найчаларни тайёрлаш бўлими, ва ипни найчаларни ўраш бошлари бўйича тақсимлаш қурилмаси ёки магазинли найча ушлагичлар билан жиҳозланади. Бундай автоматларда меҳнат сарфи 84% га кам, жиҳозга сарфлар тахминан RM автоматнинг асосий тузилмаси учун зарур бўлгандан 1,6 марта ортиқдир. Автоматлаштирувчи қурилмалар нархи ўраш ускунасининг ўз нархидан 9,5 марта ортиқ. 1977 йилда 158-11 модели чиқарилди, унинг хусусияти – тугун боғлагичнинг назорат қилинувчи электрон бошчаси бўлиб, у биринчи муваффақиятсиз ҳаракатдан сунг қайта тугунни боғлади. 10 бошчали бўлимга иккита бундай тугун боғлагич бир дақиқада 1,6 тугуннинг 1 бошчасида боғланишни таъминлайди, бу ҳар бир бошга якка тугун боғлагичли автоматларга нисбатан анча юқори ФВК ни беради.

«Савио» фирмаси RAS 15 ўраш автомати, одатда, у бир чизикда жойлашган 56 ўраш бошчасига эга. Автоматнинг афзаллиги – юқори ФВК га эгалиги ҳисобланади. Ҳатто, бир ип найчасига 10 узилишда ҳам ФВК 1- ўраш бошли тутун боғловчили автоматлардаги 0,45 га нисбатан 0,775ни ташкил қиласди. Худди шундай натижаларни узилиш даражасида ва ўраб олиш 1000 м/ мин тезликда «Мурато» фирмаси Мэч Конер 7-11 ўраш автомати ҳам намоён қилди. Кичик гурух автоматлари билан таққослашни бир ипни найчага 3 узилиш ҳолатида ўтказиш керак, бу анча юқори кўрсаткични беради. Бу узилиш даражасида ҳар бир бошда якка тугун боғловчили ўраш автоматларида

$\Phi_{BK} = 0,878$ ни, «Шляфгорст» фирмаси RM ураш автоматида 10 бончали бир түгүн боғловчи – 0,786 ни ташкил этади. Бунда түгүн боғловчилар хизмат күрсатиш сарфларининг камайиши, ҳар бир түгүн боғловчи 10 бошга гурухли түгүн боғловчига нисбатан 10 марта кам тезлик билан ишлайди.

«Шляфгорст» фирмаси ураш автоматларида ип түғри чизик бүйлаб найчадан баллон сүндиргич орқали, тарангловчи қурилма, автоматик парафинловчи ва ип тозалагич орқали ўтиб, винтсимон ўйикли ураш барабанчасига келади. Одатда, түгүнларни боғлаш учун балиқчилар түгүн боғлагачи қўлланилади, бироқ түгүн боғловчи тўкувчилик тутунини ҳам бажара олади.

Тұхтатиш пайтида сирпанишнинг олдини олиш учун барабанча ва қалава мустақил тұхтайди. Чүян барабанчалар полиэфир ва аралаш хом ипларнинг 1500 м/мин тезлиқда ўралишини таъминлайди.

Барабанчалар учун максимал хом ип үраб олиш тезлиги 750 м/мин хисобланади. Одатда, RAS 15 ураш автоматларида хом ип захира учли ғалтаги автоматик алмаштириш ускунаси билан таъминланади. RAS 15CL моделида ҳамга таъминлаш ва ипли найчаларни тайёрлаш, шунингдек уларни ураш бошларига автоматик тақсимлаш күзде тутилган. Тұлиқ автоматлаштириш меңнат унумдорлигини 240-340% га ошишини таъминлайди. Худди шундай усул асосида «Карл Майер» фирмаси RC6 ураш қурилмаси ишлайди, у катта бўлмаган миқдорда чиқарилган. Автоматда яхши сифатли конуссимон бобиналар олинади. Ип ураш бошчасида түғри чизик бүйлаб ўтади, бу эргономик нуқтаи назардан бу автоматни фарқлайди. Қўшимча афзалиги шундаки, автоматда зигир толали хом ипни үраб олиш мумкин.

“Аутосук” ураш автомати 2005,0 модели алоҳида боғловчи-тұлдирувчи қурилмага эга, бу ип узуқтарни боғлаш ва или тугаган найчага бўлган тұхтаб қолишларни максимал камайтиради. Автомат табиий ва кимёвий толали ипларни крестсимон ўрамда қайта ураш учун мослашган, бобина ўрами баландлиги 150 мм, бобина диаметри 280 мм.


“Элитекс” фирмасининг “Аутосук” 2005,0 ураш автомати 32 та бошга эга ва улар икки томонга жойлашган. Ҳар бир ураш боши қайта урашни таъминловчи автоном гуруҳ детал ва механизмларга эга, бобинага ураш автоматнинг иши давомида амалта оширилади. Қайта ураш тезлиги 500 дан 1200 м/мин гача.

“Аутосук” қайта ўраш автомати қуйидаги боғловчи детал ва механизмлардан иборат: асос, бошқариш жовони, пилтали конвейер, найча солиши күтиси учун арава, ўраш бошидан иборат.

Асос ўраш бошини, конвейерни ва бошқа механизмларни қотириш учун мұлжалланган. У бешта күндаланг ромдан иборат бўлиб, марказий вакуум қувурига бурчакли боғламлар билан боғлиқ, араваларни йўналтириш учун ва ўраш бошларини ўрнатиш учун хизмат қиласди.

Бошқариш жовони ромга уланган бўлиб, алоҳида механизм ва қурилмалар мажмуидан иборат. Жовонда шамоллатгич электродвигател билан, фильтр, электровоситалар, ва бошқарув бош маркази жойлашган. Шамоллатгич ҳаво тизимидағи ҳавони қисиши доимийлигини, автоматлашган технологик жараёнларни ростмана ўтишини таъминлайди. Фильтр (тозалагич) боғлаш жараённида кесилган ип учларини, шунингдек ҳар хил хас чўпларни, ўраш бошидан келадиган чангларни ва хас чўпларни сақлаб қолади.

Пилтали конвейер бўш найчаларни ва ишлаб бўлинмаган қолдиқли ўрамларни машинанинг бош қисмидаги жойлашган күтига ташийди.



25-расм. Аутосук автомати ўраш боши схемаси

Ипли найчалар тўла қути учун арава металл ромдан иборат ва автомат олдида кутини ташиш учун хизмат қиласди.


Ўраш боши ипни крестсimon усулда бобинага қайта ўрашга ва ҳамма жараёнларини бажарища автоматик хизмат курсатиш учун мослашган. У алоҳида юритмали, ҳар хил механизмлар жамланган мустақил тўпламдан иборат. Асосдан йўналган автомат боши эркин ўрнатилади, бу эса автоматдан қўшимча асбобларни ишлатмасдан бошни ечиш имконини беради. Бош оғирлиги 80 кг. Бош электр занжирига иккита розетка ёрдамида уланади; розетка электродвигател истеъмоли учун хизмат қиласди, иккинчиси бошқариш тармоғи-

нинг истемоли учун хизмат қиласи, иккинчиси бошқариш тармоғи учун (24В) розеттада штирлар жараёнларни автоматик бажаради: ип охирини найчадан боғловчига автоматик узатиш; янги найчани найча ушлагичга узатиш; бүш найчани ёки тұлиқ ишланмаган найчани конвейерга узатиш; найча ушлагичга тұла найчани узатиш; ип үзилганды учини топиб боғловчига узатиши; үзилган ипларни боғлаш; ип қолдуклари ва өнгөрмөлдер түрліліктерге сәйкес үзилгандан кейин ишлатиши; агар биринчи уринишида ип боғланмаса боғлаш даврийлигини такрорлаш (агар иккинчи уринишида ҳам боғланмаса, боли тұхтайди ва қызыл чироқ ёнади).

Үраш боши иккита боғланған ромдан иборат. Үнга күйидаги

асосий боғловчи деталлар, механизмлар ва бошқа деталлар үрнатылған (25-расм): Таянч михлар 1 найча ушлагич 2 тұртта захира найчали барабан түридеги 3 барабан; баллон сұндиргич 4; дастлабки тозалагич 5; йұналтирувчи чивиқ 6; құзгалмас сүргич 7; пастки соңдағы ип бор-йүқлигини назорат қылувчы бармоқ 8; боғловчига ипни узатуучи-үтказувчи юзали ричаг 9; боғловчи 10; назоратчи асбоб 11; құзгалмас сүргич 12; парафинловчи 13; захира-конуссимон найча учун чивиқ 14; ипни бобинадан боғловчига олиб бориши учун вакуумли құвурча 15; тұсгич 16; құзгалувчан соябон 17; чегараловчи 18; барабанча 19; эгилувчан ром 20; бұлим 21; бобина оғирлигини тұлдырыш учун пружинали ричаг системаси 22; үраш барабанчасини орқага айлантирувчи ролик 23; ёғли демпфер 24; микрошлияттық 25; электродвигател 26; баш вал 27; кулачоклы вал 28; баш вакуум құвурчаси 29; йұналтирувчи үйік 30; огох чироқли бошқариш қутиси 31.

26-расмда үраш бошини ип билан тұлдырышнинг технологик схемаси күрсетілген. Үраш бошининг пастки қисмінде жойлашған найча ушлагичда үрнатылған 1 найчадаги ип ечилиб



26-расм. Үраш бошини ип билан тұлдырыш схемаси.

баллон сундиргичдан ўтади. Баллон сундиргич найча охиридан 100-150 мм оралиқда ўрнатилади. Кейин ип дастлабки тозаловчи 3 дан ўтади ва у бурамаларни ва катта йитирив нұқсанларини ушлаб қолади. Агар бу нұқсанлар тозаланмаса, назоратчи асбоб автоматикаға қаршилик билдиради ва автоматик даврийликни тұхтатади. Дастлабки тозаловчи оралиғи 3-4 ип диаметрига тенг қилиб ўрнатилади. Сұнгра ип алмашувчи юкли-тароқли тарапловчи 4 дан үтиб, назоратчи оралиқ 5 дан ҳам ўтади. Бошнинг тепа қисміда ип назорат қылувчи сезгіч 6 дан үтиб, ураш барабанчаси ўйиги орқали бобина 8 га ўралади. Бобина конуссимон зеркайтында үшлагичта ўрнатилади. Ураш давомида, хусусан бошланғич сатқа бобинанинг тебранишларини камайтириш учун ёғли демпфер ўрнатылады. Бобина оғирилгі ошганда бобинани ураш барабанчасига босиб, қисиб туриц үшін чүзилувчан пружиналы компенсатор билан жиҳозланған. Белгиланған үлчамга эта бүлгач, бобинага ипни урашни тұхтатиши учун махсус егиш қурилмасы ўрнатылады. Баллондың шохчаси микропайта қараша тағындағы көлемде орналасада.

Үраш барабанчаси пласт вазнга тайёрланиб, 158 мм диаметрга зга. Үраш ўйиги ўзгармас қадамли 103 мм тенг булиб, 1,5 боғлам биттасига ва 1,5 боғлам тескари ўйналиша бўлади.

Ўраш барабанчасига ҳаракат камарли узатма орқали электрдвигателдан узатилиди. Электрдвигател фрикцион шкив муфтасига ва у орқали ўраш барабанчаси валига айланма ҳаракат беради. Фрикцион муфтанинг туташиши ва ажрашиши бош ва кулачокли валларга ўрнатилган кулачоклар орқали бошқарилади ва қисувчи ричаг муфтасининг қисувчи ғилдирагига таъсири натижасида амалга оширилади. Иш жараёнида қисувчи ғилдирак уч холатда бўлади:

— Иш ҳолати, фрикцион мұфта туташади ва ҳаракат шқиви орқалы үраш барабанчасига бориб, меъёрий кайта үраш жараёни давом этади.

— Фрикцион муфта ажралади ванда ўраш барабанчаси вали тұхтаб узилган ипни боғлаш ёки или тугаган найчани алмаштириш учун ўраш барабанчаси дархол тұхтатылады.

— Бетараф ҳолат, фрикцион мұфта туташган ва үраш барабан-
часи тұхтатылған ҳолат, бунда барабанча узилған ип учини топиш
жараённің автоматик равищда қыдириб топиш учун мағус
механизм ёрдамида үраш барабанчаси орқага айлантирилади ва
ип топылғац, боғловчиги үзатылады.

Чатишима урам хосили бўлмаслиги учун фрикцион муфта бошвалнинг ҳар бир айланishiда 2 марта ажралиб қўшилади. Фрикцион муфта ажралган пайтида унинг деталлари 0,5-0,8 сек. бетараф ҳолатда

бўлади. Фрикцион муфтанинг ажралиши ва қўшилиш жараёнлари бош валдаги маҳсус кулачок орқали амалга ошади. Фрикцион муфта туташган пайтда ўраш барабанчасига нисбатан бобина силжийди ва боғлам чатишма ўрам ҳосил қилиши огоҳ этилади.

Ўраш бошининг назоратчи асбобида куйидаги вазифаларни бажарувчи қурилма ва механизмлар ўрнатилган: Ипнинг борлигини огоҳ этиш ва узилганда автоматик даврийликни бошлашга огоҳ этиш механизми; ип қалинлигини текшириш ва уни хас-чўплардан ва йирик йигирив нуқсонларидан тозалаш; бобинада ипнинг етарли ўраш зичлигини таъминлаш; автоматик дастур даврийлигини танлаш (найчани алмаштириш билан ёки алмаштирувсиз).

Ипни назорат асбобида бор-йўқлигини назорат қилиш пастки ва юқори соҳаларда амалга оширилади. Ип бўлмаса, соҳада назорат қилишни сезгич текширади. Ип бўлмаса, найчани автоматик алмаштириш учун огоҳ этилади.

Пастки соҳада ипни назорат қилиш автоматик даврийлик дастури учун керак ва назорат вилкаси (чоршаха) амалга оширади. Пастки соҳада ип (найчадан то назорат вилкасигача) найчада ипнинг узилиши ёки найчадаги ипнинг тугаган вақтида, иккала ҳолатда ҳам найчани алмаштириш автоматик даврийлиги ишлайди.

Агар ип юқори назорат соҳасида бўлмай, пастки назорат соҳасида бўлса, у ҳолда ип узугини боғлаш автоматик даврийлик системасида бажарилади.

Сезгич узлуксиз қайта ўраш жараёнини назорат қилувчи механизмдир. Ип назорат соҳасида бўлмаса, сезгич огоҳ этиб, ричаглар системаси дастлабки автоматик даврийликни ишга туширади, кейин эса кулачокли вални ҳам ишлатади. Дастлабки даврда ўраш барабанчasi дарҳол тухтайди ва кулачокли вални ишга туширади. Асосий даврийлик ишлагандан узукларни боғлаш жараёнлари ишга тушади ёки найчани алмаштиради.

Ипни бобинадан боғловчига узатишни қатор механизмлар бажаради. Бу жараённи бажариш учун бобинадан ип учини топиб, керакли узунликни бобинадан ечиб олиб, ипни тортилган ҳолда бошнинг пастки қисмига боғловчи сатҳига узатиш, кейин эса боғловчига узатишдан иборат. Боғлагандан кейин кесилган ип қолдиқларини тозалаш керак. Бу жараённи ўраш барабанининг реверсив (икки томонлама) ҳаракат механизми бажаради ва у барабанни тескари айлантирганда пневмосистема ишга тушиб, бобинадан ипни ечиб ўраш бошининг куйи қисмига олиб келади.

Үраш барабанчасига реверсив ҳаракат роликдан узатилади, ролик узлуксиз айланма ҳаракатни камарли узатма орқали бош валдан олади. Роликни үраш барабанига қисиши, кулачокли валга жойлашган махсус кулачок таъсирида амалга оширилади, үраш барабани орқа йўналишда 6-7 марта айланиб, бобинадан 1-1,5 м ипни ечади.

Ўрам боши пневмосистемаси қўйидаги вазифаларни бажаради: махсус ҳавосўргич ёрдамида захира найчадаги ип учини маълум тарангликда ушлаб туриш; назорат асбоби соҳасидаги узилган ипнинг учини сўриб олади, агар узуқ юқори соҳада бўлган бўлса, қўзғалувчи сўргич ипни боғлаш соҳасига узатади, агар боғлашга бўлган биринчи уриниш омадсиз тугаса; махсус сўргич боғловчидаги чанг ва ип қолдиқларини тортиб олади; ипни ташувчи қувурча бобинадан ечилган ипни боғловчига боғлаш учун узатувчи ричакка етказиб беради. Сўргичнинг бир қисми узлуксиз ишлайди, иккинчи қисми эса даврий марказий вакуум системасига автоматик даврийлик ишга тушганда ишлайди. Бу қисмга ипни боғловчига келтирувчи сўргич киради.

«Агутосук» автоматларининг ҳар бир үраш боши алоҳида URA русумли боғловчига эга. Ўрнатилган боғловчи үралётган ипнинг турига ва унинг маълум чегарада чизиқли зичлигига эга. Узуқ иплар қолдиқлари боғловчи ёрдамида топилади ва 4-7 мм бўлиши мумкин. Найчани алмаштириш механизми үраш бошининг асосий қисмларидан биридир. У қайта үраш технологик жараёни давомида найчани автоматик алмаштиришини таъминлайди. Найчадаги ип тутаганда ёки қуий қисмida ип узилганда механизмни назоратчи асбоб огоҳлантиради.

Алмаштириш механизmlари қисмлари шартли равишда уч гурухга бўлинади: найча алмаштириш механизмини ишлатиш, захира найчалар магазини ва найчаушлагич. Найчани алмаштириш механизми автоматик даврийлик дастурини танлашни таъминлайди (Найчани алмаштириш керакми ёки йўқми).

Найчани алмаштириш механизми деталлари қайта үраш автоматик даврийлик вақтида икки ҳолатдан бирини эгаллайди:

1. Агар ип назоратчи вилкада бўлса, автоматик даврийлик найчани алмаштиrmайди.

2. Агар узилиш пастки соҳада бўлса ёки найчадаги ип тутаса, автоматик даврийлик найчани алмаштириади.

Захира бобина магазини пластмассали каруселдан иборат бўлиб, тўрт бўлимига тўртта йигириув ўрами сифади ва битта бўлими ишчи


бобина учун бүш ҳолатда бўлади. Карусел ичи темир қобиқда жойлашган бўлади ва найчани алмаштирганда айланма ҳаракатни кулачокли валга ўрнатилган кулачокдан қадамли механизм орқали олади.

Ўраш автоматида найча найчаушлагичга жойлашган бўлади. Найча ушлагич метал шпилкадан иборат бўлиб, у мураккаб ҳаракат қиласи. Иш давомида у соат милига тескари ҳаракат қилиб, йўналтирувчилар орасидан ўтиб найчани туширади. Кейин найчаушлагич соат мили бўйича ҳаракат қиласи ва янги найчани қабул қилиб, яна орқага қайтиб найчани иш ҳолатига ўрнатади.

Ўраш бошини бошқариш механизми қўйидагиларни ўз ичига олади: кулачокли вал, юритма ва тўхтатиш механизмлари. Автоматик системанинг ҳамма ҳаракатланувчи механизмлари кулачоклардан ҳаракат олади. Кулачоклар бош ва кулачокли валларга жойлашган. Кулачокли вал тишли узатма орқали бош валдан ҳаракат олади ва унга ҳар бири бирин-кетин жорий вазифаларни бажарувчи 70 та кулачок ўрнатилган.

Ўраш бошчасининг юритмаси бош валга ва ўраш барабанига, ишлатиш ва тўхтатиш учун алоҳида электродвигателга эга. Электродвигател роторига шкив ўрнатилган булиб, камарли узатма орқали ураш барабанига ва бош валга ҳаракат узатади.

Электровосита қучланиши шамоллатгининг юритмасидаги электродвигател-



27-расм. АМ-150-К автоматида ўраш бошини иш билан тўлдириш схемаси.

нинг қуввати 7,5 Вт, алоҳида ўраш бошчасининг электродвигателини қуввати 180 Вт, конвейер электродвигателининг қуввати 180 Вт умумий ўрнатилган қувват 13,4 Вт га тенг.

АМК-150 ўраш автомати

Ўраш автомати марказий қисмдан, ўраш бошчаси, боғлаш-тўлдириш станцияси, конвейер ва шамоллатувчи курилмалардан иборат. Автоматнинг марказий қисми асос, ўраш бошини ҳаракатлантирувчи занжир, юритма занжирни, тұхтатиш курилмаси учун занжир, электродвигател истеъмоли учун ток үтказувчи ғилдираклар ва уларни бошқариш системаси, занжирни тарангловчи механизм, занжир ва ип учини бобинадан узатищдаги автоматик даврийликда ўраш барабанини орқага айлантирувчи механизмлардан иборат.

Ўраш бошчаси қайта ўраш жараёни учун ҳамма керакли механизм ва курилмаларга эга. Унга найча ушлагич, баллонсұндиригич, қисувчи курилма, ип тарангловчи, ип кузатувчи, ўраш барабани, ўраш барабани юритмаси, урчуқ, тарангликни бошқарувчи, урчуқ босимини бошқарувчи курилма, талаб қилинган бобина диаметрини ўрнатувчи курилма, ўраш бошини ишлатувчи курилма, бошқариш тизими ва огоҳлантириш курилмасидан иборат.

27-расмда АМК-150-К автоматида ўраш бошчасини ип билан тўлдириш схемаси кўрсатилган. Ип 2 найча I дан ечилиб баллон сұндиригич 3 дан ўтиб қисқич механизми 4, тарангловчи 5, тозаловчи 6, ип назоратчиси 7, ўраш барабани 8 ўйиги орқали бобина 9 га ўралади. Баллонсұндиригич қутисимон кўринишда бўлиб, унинг қисқич механизми узилган ип учини кузатувчидан пастта тушиб кетмаслиги учун ипни маълум ҳолатда ушлаб туради. У таянч 10, кронштейн пружина ости пластинасига ва электромагнит 12 дан иборат. Ип узилганда электромагнит ишлаб, пластинани тортади. Пластина кўтарилиганда илни таянчга қисади.

Ип тарангловчи – ёғли демпферли 13 тароқсимон туридир. Ёғли демпфер қўзғалувчан тароқдаги тебранишларни сұндиради. Ип таранглиги юқ ричагига осилган юқ 14 орқали бошқарилади. Ип тозаловчи – оралиқ орқали назорат қилади ва у иккита пластинадан иборат. Оралиқ созлаш шкаласидаги винт орқали бошқарилади.

Ип кузатувчи ипни бор-йўклигини назорат қилади. Меъёрий шароитда кузатувчи ричаги 7 ни ҳаракатланаётган ип таранглиги

ёрдамида ушлаб туралди. Ип узилганды 7 ричаг 15 юк таъсирида соат милига тескари ҳаракат қиласы, 16 микроқайтаёкишга таъсир қиласы, электр занжирини ёпады. Ўрам боши тұхтайди ва чироқ ёнади.

Ўраш барабаның бобина босимини ёки бобинага ўраш зичлиги 18 ричагта 17 пружинаның қайта қойыш ва ўраш дастасига ўрнатылған юк орқали бошқарылади.

Ўрам диаметри 19 шкала орқали 20 микроқайтаёқгични кронштейн билан алмашлаб амалға оширилади. Вазифаланған диаметрга эришгач қурилма урам бошини тұхтатади ва күк чироқ ёнади.

Барабанға тасодифий ип ўралыдан сақловчи ўрам бошидаги тұхтатын механизмі шуп 21 дан иборат булып, уни бир учы микроқайтаёқгич 22 га таъсир қиласы.

Ўраш барабаны конуссимон булып, пластмассадан тайёрланади, катта ва кичик диаметри 100 ва 90 мм, узунылығы 173 мм.га тең. Конуссимон ўраш барабаның құллаш қатор афзалликтарға эга, чунки конуссимон бобина барабанға нисбатан катта ва кичик диаметрди жойларыда кам сирпанади. Бунинг натижасыда ип кам ишқаланади ва тиришади, устма-уст боғламлар тушиши камаяди ва шунинг учун ҳам бобинадан ипни ечилиши енгиллашади. Барабан поғоналы камарлы узатма ёрдамида электродвигателден ҳаракат олади.

Чигал ўрамдан сақланиш учун ток узгич қурилмаси ўрнатылған ва у жараён давомида токни узлукли узиб туради.

Ўраш автомати 20 бошчадан иборат булып, 12,14,16,24,32 ўраш бошчалы ҳам булиши мүмкін.

Боғлаш-тұлдериш станциясы дастурий қурилмага, нағыншадағы ипни бор-йүқлигини текширувчи механизмнің, нағыншадағы алмаштириш механизмнің, тарангловчидан ипни етказиб берувчи, нағыншадағы магазини, магазиндан ипни етказиб берувчи, нағыншадағы алмаштирувчи, боғловчы, бобинадаги ип учини изловчи механизм, электромагнитли пичоқ, тарангловчини бұшатувчи, йұналтирувчи йулаклар, алмаштирилаётган нағыншадағы тутыб турувчи, нағыншадағы тайёрловчи механизмнің ва бошқару күтисига эга. Автоматик системаның иш жараёны қуидаги:

Ипни назорат механизмни нағыншадағы ип бор-йүқлигини оғох эттеге, кулачоклы вал электродвигатели ишга тушади. Кулачоклы валыннан мос кулачоги маълум лаҳзада микроулагич ролигига таъсир қиласы. Микроулагич ролиги түсгічларни очади ёки ёпады. Магнитли түсгічлар ҳаво босими билан пневмоцилиндрни бошқаради. Пневмоцилиндр автоматик системасы мос ишчи механизмнің ҳаракатта көлтиради.

Үраш автоматида узилган ипни ўзи боғловчى қурилма ўрнатылған. Автомат 10-100 тексгача пахта ипларини, 15-200 тексгача бўлган жун ипларни қайта ўраш имкониятига эга.

Боғлаш-тўлдириш станциясининг ҳамма механизмлари ишини микроулагичлар назорат қилади. Агар автоматик системанинг бирор бир механизми ишламай қолса, система тўхтайди.

Агар, ўрам диаметри ўрнатылган ўлчамга эга бўлса, ўрам боши тўхтайди, кўк чироқ ёнади ва ўрам алмаштирилади.

Үраш автоматида найдани алмаштириш, бобинадаги узилган ип учини излаш, ипни боғлаш ва бўш найдаларни ташиб жараёнлари автоматлаштирилган. Автоматлаштирилмаган жараёнларга: найдадаги ип учини топиш, найдадан ипни ечиш, магазинни найдча билан тўлдириш, сўрувчи оғизга найдадаги ипни узатиш, тўла бобинани олиш ва қутичага териш, урчуққа найдни ўрнатиш ва ўраш бошини ишлатиш киради. Бу жараёнларни ишчи бажаради.

«Шляфгорст» (ГФР) фирмаси «Аутоконер 238» автоматининг М-2М машинасига нисбатан афзаллиги

«Аутоконер 238» автоматининг М-2М машинасига нисбатан афзалликлари қуйидагилардан иборат:

1) Автомат табиий ва кимёвий иплар, хом иплар ва улар аралашмаларини ўрашга мўлжалланган.

2) Ўраб олишга кетадиган харажатларни камайтириш мақсадида автомат:

— Ип ўралган найдадан хом ипни ўраб олишда тезликни камайтириш тизими билан жиҳозланган. Бу ипни 30% га одатдаги-дан ортиқ ўраб олишга ва ўраш тезлигини ўртacha 23% га оширишга имкон беради;

— ўраб олиш тезлигини 500 дан 1500 м/мин гача босқичсиз тартибга солиш автоматик тизими билан жиҳозланган;

— ўраб олиш ҳамма кўрсаткичларини марказлашган созловини, ип ишлаб чиқариш кўрсаткичларини рўйхатга олиш, ўрамнинг бошланғич ҳолати таҳлили ва бузилишлар ташхисини таъминловчи микропроцессорли тизим билан жиҳозланган;

— ўровчиларнинг ишчи жойига ип ўралган йигириш найдаларини етказиб бериш, ип узилишини бартараф қилиш, ип ўралган найдаларни алмаштириш, бобинани тўла ўрамни бўш най билан алмаштириш, ип ўралган найдалар ва бобиналар найдарини конвейерга юклаш каби жараёнларни автоматлаштириш;

— түгун боғлаш ёки иплар туташувини 7,5 секундда бажаришга имкон берувчи автоматик ускуналар билан жиҳозланган.

Үрамнинг юқори сифатли булиши учун автоматнинг бобина сифатига беш асосий талабларни таъминлашга имкон берувчи куйидаги хусусиятлари орқали эришилади.

Биринчи талаб: ўрам ўраш ва тузилиш зичлигининг доимийлиги автоматнинг куйидаги курилмалари билан таъминланади:

1) бобина ўртаси ва четларида ўралиш зичлигидаги фарқни камайтирувчи ўрамга нисбатан ўраш барабанчасини силжитувчи курилма билан;

2) чигалли ўралиш ҳосил бўлишининг олдини олувчи электрон курилма билан;

3) ўрам ва ўраш барабанчасининг биргаликда тўхташи ва уларни равон биргаликда ишга туширилиши орқали уларниг бир-бирига нисбатан суримишни олдини олиш;

4) ёғли демпфер билан таъминланган бобинага ипни ўралиши сайнин ўрамнинг ўраш барабанчасига босилишини ўзгартирувчи автоматик курилма билан;

5) иплар ҳаракатига тескари томонга ликопчаларни мажбурий айлантирувчи ликопчасимон ип тарангловчи билан;

6) бобина конусини 0° дан 11° гача катталаштиришга имкон берувчи курилма билан.

M-2M ўраш машиналарида бундай курилмалар йўқ.

Иккинчи талаб: бобинада ипнинг берилган узунлигининг юқори аниқлиги электрон ўлчаш курилмаси билан таъминланади, бу эса тандалаш жаёнинда чиқиндиларни 0,5% гача камайтиришга имкон беради. M-2M ўраш машинасида ўралган бобинадаги қолдиқ ипнинг узунлиги 2-3% га етади.

Учинчи талаб: бобинада берилган ўлчамларидан юқори түгун ва ташқи камчиликларнинг йўқлиги; хом ипнинг камчиликларини электрон ип тозалагич ёрдамида тозалаш; түгун боғловчи ўрнида узилган иплар учларини пневматик курилма орқали улаш билан таъминланади. Бундай курилмалар M-2M машинасида йўқ.

Гуртнинчи талаб: автоматда 4 кг вазнгача ўрам ишлаб чиқариш ва ўрамда хом ипнинг максимал узунлиги таъминланади. M-2M машиналарда ўралган бобинадаги ипнинг вазни 2,5-2,9 кг.

Бешинчи талаб: бобинага заҳира ипни ўраш, ўрамни бошида ҳам охирида ҳам амалга оширилади. M-2M машиналарда бобина-ларда заҳира ўраш йўқ.

Күйида «Шляфгорст» фирмаси Аутоконер RM үращ автоматида маълум хом ипни ўраб олишда бажариладиган алоҳида ишчи жараёнларига сарфланадиган вақт тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Бир дақиқада ипли найчалар сони (захира ўралиш узунлиги ўртача 25 см)	18
Битта ип ўрамни магазинга юклаш вақти, мин	5,56
Бобина ташланишини бартараф қилиш вақти, мин	0,28
Йигириш бобинасидаги ипни тўлиқ ишлатиш вақти, мин	5,84
Бобинани алмаштиришга сарфланадиган вақти, мин	0,12
Бир фалтакдаги ипли найчалар сони	12
Битта йигириш бобинасига тўғри келувчи бобинани алмаштириш вақти, мин	1
Йигириш бобинасидаги ипнинг узилишлар сони	0,1
Автомат хатоларини бартараф қилиш учун вақт, мин	2,2
Битта бобинани тайёрлаш учун кетган вақт, мин	24
Ёрдамчи технологик вақт	7,3
Ўз-ўзига хизмат вақти (4%) ва дам олиш (8%), яъни ёрдамчи технологик вақтининг 12%	0,86
Мос келишлар учун танаффуслар, мин	0,14
Бобинага умумий вақт сарфи, мин	8,3

Маълумотлар кўрсатишига ўровчи 13% вақтни ишланган бобиналарни алмаштириш учун ва 73% вақтни бобиналарни тайёрлаш ва магазинга юклаш учун сарфлайди. Бу жараёнларни автоматлаштиришда ўровчига фақат кузатиш ва автоматик хатоларини тузатиш қолади.

2.11. ҚАЙТА ЎРАШДА УЗУҚЛАР, ИП НУҚСОНЛАРИ ВА ЧИҚИНДИЛАРИ

Қайта ўрашда узуқлар иш унумига бевосита таъсир қиласди ва ўз навбатида кейинги технологик жараёнларнинг иш унумига ҳамуз таъсир қўрсатади. Ҳар бир узуқ урчуқни тўхтатиб кўяди ва янги нуқсонни олиб келади.

Тажрибалар курсатишича кўпчилик узуқлар қалинлиги бўйича нотекислигига ва ипдаги майда хас чўпларнинг қўплигига, шунинг учун ҳам узуқларнинг 60 фоизи назоратчи тозаловчи асбобда бўлади.

Құпчилик узуқлар ип үтказгич ва найча орасидаги масофанинг нотұғри танланғанлығы туфайли ҳосил бұладиган бурамалар натижасыда, шунингдек ипнинг паст намлиги туфайли содир бұлади. Ипда мөъерий намлыкни сақлаш учун нисбий намлык омборда 70-80%, ўраш бўлимида 65-70% бўлиши керак.

Қайта ўрашда ўртача узилиш катталиги пахта или учун 1000 метр якка или учун 0,05-0,1 узуқни ташкил қиласи. Мөъерий қайта ўраш жараёнида ортиқча узуқлар жараённинг нотұғри ташкил қилингандыдан далолат беради (Найча ва назорат оралығи энини нотұғри ўрнатиш, назоратчи-тозаловчи асбобни нотұғри ўрнатиш, катта таранглик, намлыкнинг камлиги ва ҳоказо).

Қайта ўраш жараёнида узуқларни камайтириш керак ёки факаттана кейинги жараёнларда узилиш эҳтимоли бор жойлар-нигина узид боғлаш керак.

Қайта ўраш жараёнида қатор нұқсонларга йўл қўйилади, бу эса кейинги үтимлар ишига салбий таъсир кўрсатади. Уларга қўйидагилар киради:

- бўш боғланган иплар ёки узун уч билан боғланган тугунлар (бўш боғланганлар эшилади, узун учли боғламлар тўкувчиликда қўшни иплар орасида қолиб, узуқлар ҳосил қиласи ва тиф ва гулалар қўзидан ёмон ўтади);

- чигал (уровчи узилган ипни учини топмай истаган ипга боғлаб юборади);

- тутунсиз (уровчи узилган ипнинг учини боғламай ўраб юборади);

- икки учли ип (уровчи қўшни ип учини топиб битта ўрамга улайди натижада иккита ип ўралади);

- уровчининг эътиборсиз ишлаши натижасыда хас-чўплар; чангларнинг тўпланиши ва ип тозалагичда тиқилиб қолиши;

- ҳар хил номерли ва навли ипларни битта ўрамга ўраш.

- ғалтакка параллел ўрашда – бўш ўрам – қайта ўрашда ип таранглигининг етарли бўлмаслиги туфайли гардишга нисбатан ўрамнинг нотұғри жойлашиши ип юргизгич қулочининг етмаслиги ёки битта гардиш томон силжиши натижасыда ҳосил бўлади.

- бобинага крестсімон ўрашда – чигал ўрам-қатламларнинг устма-уст тушиши; конуссімон бобинанинг катта юзасига бир гурӯҳ қатламларнинг илашиши (бобинанинг ўқи силжиши натижасыда ҳосил бўлади); ўрам шаклининг бузилиши ўраш механизмининг носозлиги туфайли содир бўлади.

Қайта ўраш жараёнида кўпчилик нұқсонлар ўровчининг ва ўраш ускуналарининг техник ҳалатига боғлик.

Қайта ўрашдаги чиқиндилаар – узилган ип учларини тутунлашда йүқотиладиган иплар; бурамалари, бобина найчасида қолған қолдиқ ип; чиқиндилаар миқдори йигириув ўрамаси катталиги ва ип узуқлари сонига боғлиқ; ўрам катталашса, узилиш кам бұлса чиқиндилаар камаяди. Қайта ўрашда чиқиндилаарнинг ўртаса миқдори ўралаёттан ипнинг 0,1-0,5% ни ташкил қылади.

Чиқиндилаарни камайтириш керак, ҳосил бұлған чиқиндилаарни эса йиғиб, қайта ишловгә юбориш керак.

Ўраш машиналарининг иш унуми

Ўраш машиналарининг иш унуми маълум вақт оралигида қайта ўралган ипнинг оғирлиги билан ўлчанади. Амалий ҳисобларда унумдорлик назарий ва ҳақиқий бўлиши мумкин. Назарий иш унумини ҳисоблаганда машинага тегишли бўлган ҳамма ишсиз тўхтатишлар ҳисобга олинмайди. Жиҳозни тозалаш, найча ёки бобинани алмаштириш, узуқларни улаш ва шунга ўхшаш сабаблар, технологик жараёнларнинг жорий узилишига олиб келади. Ундан ташқари ўровчи дам олиш вақти ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиши ҳам инобатга олинади.

Битта урчуқнинг назарий иш унуми қўйидаги формула билан топилади:

$$\Pi_k = \vartheta t T 10^6, \text{ кг}$$

ϑ – қайта ўрашнинг ўртаса тезлиги м/мин; t – ҳисобли иш вақти, мин;

T – ипнинг чизиқли зичлиги, текс.

Битта урчуқнинг ҳақиқий иш унуми:

$$\Pi = \Pi_t \Phi_{VK}$$

Φ_{VK} – фойдали вақт коэффициенти, технологик тўхташларни ўз ичига олади.

Ўраш машинаси ишсиз тўхташларнинг бир қисми (масалан, бош таъмир, ўрта таъмир ва бошқалар) Φ_{VK} га таркибиға кирмайди, режали ишсиз тўхташлар сифатида эътироф этилади.

Ҳисобли вақтда ўровчини ишлаб чиқариш меъёри

$$H_i = \Pi i$$

i – хизмат қиладиган урчуқлар сони.

Тұла үраш машинасининг иш үнуми, кг

$$\Pi_m = \Pi m,$$

m – машинадаги урчуқлар сони.

Хар хил шароитта түрли русумдаги машиналарда ҳар хил ипни қайта үраш тезлиги жадвали.

4-жадвал

Ип	Қайта үраш тезлиги м/мин
Пахта	270-1000
Жүн	
күтпөл	200-600
нозик	250-800
қайта тараптан	400-500
Ипак (чархдан үраганша)	140-200
Зигги (чарккын үраганды)	180-250

Одатдаги үраш машиналарда фойдалы вақт коэффициенти 0,7-0,85 ні, автоматларда 0,3-0,9 ни ташкил этади(автоматларда үрам бошига түбри қеладиган боғлаш түлдириш станцияларга боғлиқ). Битта боғлам түлдириш станциясига күп сонли үраш бошталари түбри келса, ФВК камаяди.

Доимий узуқ бұлғанда урчуқ иш үнуми тезликка пропорционал үсади, үровнинг иш үнуми үзгартмайды.

Йигируд үрами узунлиги күпайғанда урчуқ иш үнуми сезиларсиз ошсада, қайта үраш иш үнуми деярли найчадаги ип узунлигига пропорционал ошади.

Одатдаги үраш машиналари үрнігің құзғалуучан ва құзғалмас бошли үраш автоматларини құллаш үртача ўлчамли ва узуқты йигируд үрамларини қайта үраганда иш үнуми 1,5-25 марта үсади. Хусусан паст номерли кам узуқлы иплерни үртача йигируд үрамидан қайта үраш яхши самара беради.

Назорат саволлари ва вазифалари

1. Қайта ўрашга қандай талаблар қўйилади?
2. Қайта ўрашнинг мақсади ва моҳияти нимадан иборат?
3. Ўраш машинасининг йўналтириш ускуналарини айтинг?
4. Баллонсўндиргичларнинг вазифаси нимадан иборат ва уларни кўллашда ип таранглиги қандай ўзгаради?
5. Баллонсўндиргичлар турлари ва уларнинг қайси бири замонавий ўраш автоматларида қўлланилади?
6. Тарангловчи асбоблар турларини айтинг. Гардишли тарангловчи асбобларда қайси куч ёрдамида таранглик ҳосил қилинади?
7. Ўраш автоматларида қанақа ип тарангловчилар қўлланилади?
8. Пневматик ип тарангловчилар ҳаракати аҳамиятини айтинг?
9. Механик ип тозалагичларнинг иш жараёни, афзаллик ва камчиликларини айтинг?
10. Ўрамларнинг қандай турларини биласиз?
11. Ипни ўрамга ўралиш параметрларини санаб чиқинг?
12. Параллел ва крестсимон ўрамлар бир-биридан қандай фарқ қиласиди?
13. Бобинада ўрам зичлиги қандай топилади? Конуссимон бобинада баландлик бўйича зичлик қандай ўзгаради?
14. Параллел ўрамлар деб нимага айтилади?
15. Бобинада ўрам зичлигини қандай ўзgartириш мумкин?
16. Ўраш автоматларида қанақа технологик параметрлар кузатилади?
17. Қайта ўраш жараёнини мукаммаллаштиришнинг асосий йўналишларини айтинг?
18. Агар бобинадаги пахта ипнинг чизиқли зичлиги 25 текс, бобина ҳажми 3500 см^3 , ўрам зичлиги $0,39 \text{ г}/\text{см}^3$ бўлса, ўрамдаги ипнинг узунлигини ҳисобланг?
19. Агар ипнинг вазни бобинада 1700 г, ип баландлиги 150 мм, бобина диаметри 200 мм, асос диаметри 90 мм бўлса, цилиндрсимон бобинада ип ўрами зичлигини топинг?
20. АМ-150-К ўраш автоматида тарангловчи асбоб ҳосил қилган таранглик кучини топинг. Формула ва параметрлар ихтиёрий танлансан?
21. Агар М-150-2 ўраш машинасида 40 урчуқ мавжуд бўлиб, тезлиги 350 м/мин, солиштирма зичлиги $0,4 \text{ г}/\text{см}^3$ ФВК 0,7 ва

бобинадаги ипнинг ҳажми 4000 см^3 бобинадаги ип узунлиги 47 км бўлса, амалий иш унумини топинг. Етишмаган сонларни машина тавсифномасидан олинг?

22. Агар “Аутосук” руоумли ўраш автоматининг ўраш тезлиги 1200 м/мин , ипнинг чизиқли зичлиги 25×2 текс 32 урчук учун бир соатдаги иш унумини топинг ФВК $0,8$ га тенг?

III БОБ. ТАНДА ИПЛАРИНИ ТАНДАЛАШ

Узунлиги оширилиб қайта үралган танда иплари бобина күринишида тандалаш бўлимига олиб келинади. Тандалашнинг мақсади: маълум сондаги ипларни белгиланган узунликда битта ўрамга ўрашдан иборат. Тандалаш жараёнида кўп сонли қайта үралган бобиналардан бирта умумий ўрам ҳосил қилинади ва тўқув фалтаги ҳосил қилишнинг дастлабки босқичи бажарилади.

Танда ипларини тандалаш тўқувчиликда асосий жараён булиб, унга қўйидаги талаблар кўйилади:

1. Бобинадан ечилаётган ипларнинг таранглиги тўлиқ, тандалаш давомида бир хил ва ўзгармас бўлиши шарт. Бу шартга риоя қилинмаса, тўқув жараёнида узуқлар кўпаяди ва тўқиманинг тузилиши бузилади.

2. Тандалаш давомида ипнинг физик-механик хусусиятининг бузилмаслик шарти ва ипнинг мустаҳкамлиги, чўзилувчанлиги тўла сақланиши керак.

3. Тандалаш ўрами юзаси текис, цилиндрический бўлиши шарт. Бунинг учун, ипларнинг бир текисда жойлашиши (зичлиги) бир хилда сақланиши лозим.

4. Тандалаш жараёнида аниқ белгиланган узунлиқдаги ипни тандалаш лозим.

5. Тандалаш жараёнида ишлаб чиқариш унумдорлиги етарли даражада юқори бўлиши шарт.

Тандалаш жараёнида танда ипларини тўкувга тайёрлаш учун зарур ва масъулиятлидир. Турли таранглик, ўрамнинг нотекислиги каби камчиликлар кейинги жараёнларда тузалмас ҳисобланади ва тўқув жараёни технологиясини мураккаблаштиради, газлама сифатини пасайтиради.

Хом, рангсиз иплар ҳам, рангли иплар ҳам танланади. Кўпчилик ҳолларда танда ўрамлари оҳорлаш учун узатилади, у ерда тўқув фалтаги ҳосил қилинади.

Ҳар хил рангли ва чипор иплар ишлаб чиқаришда танда иплари ўрами рангланади. Шу сабабли, танда ўрами аввал бўяшга, кейин эса оҳорлашга узатилади.

Баъзи ҳолларда, (ипак түқимачилигига, кимёвий иплар түкүвчилигига, айрим ҳолларда қалин матолар ишлаб чиқаришда ва пишилгандарни тандалаш) тандалаш жараёнидан түкүв навойи олинади. Күпчилік ҳолларда эса, тандалашда құзғалмас конуссимон ва цилиндриксимон бобиналар ишлатилади.

Баъзи техник газламалар ишлаб чиқаришда иплар тандалаш вақтида газламанинг қолдик узайишини камайтириш мақсадида махсус чүзишдан (3-4%) үтказилади. Бу эса тандалаш технологиясыга құшимча талаблар құяды.

Күп ҳолларда тандалашда құзғалмас конуссимон ёки цилиндриксимон бобиналардан фойдаланылади. Агар ипнинг сифати ва тузилиши меъёрида бұлса, тандалаш бевосита БД пневмомеханик ийгирүв машинаси бобинасидан амалға оширилади.

Танда иплари тандалаш машиналарыда тандаланади. Ҳар бир тандалаш машинаси қуйидаги ишчи қыслар ва механизмлардан иборат: тандалаш энини таъминловчи тароқтың қатор; ҳисоблаш механизмі-тандалаш узунлигини үлчайды; узилгандан ёки тандалаш узунлиги олингач автоматик тұхтатиш механизми; ғалтак ёки бобиналарни ўрнатыш учун ромлар; юритма машинаны ишлатувчи ва тұхтатиш қурилмаси; үраш механизми.

Бундан ташқары, тандалаш машиналари ишлаб булинган үрамни туширувчи механизм, чанг ютгич ва чанг қувгич каби механизмлар билан жиҳозланған.

Тұкүвчилик жараённан ип тури ва қабул қилинган технология бүйічә қуйидаги 5та тандалаш тури мавжуд:

1. Гурухлаб тандалаш;
2. Пилталақ тандалаш;
3. Секциялы тандалаш;
4. Либитлаб тандалаш (хон-атлас ишлаб чиқаришда ишлатилади);
5. Тұлиқ тандалаш.

3.1. ТАНДАЛАШ РОМЛАРИ


Тандалаш ромлари тандаланадиган ипларни ўрнатыш учун хизмат қилади. Улар иккى хил бұлалы: *Биринчиси* – айланма үрамлар учун, *шекинчеси* – құзғалмас үрамлар учун ишлатилади. Ромларға 400-1000 та бобиналар сиғади ва ундан ортиқ ҳам булиши мумкин. Охирғи пайтда улкан җажмали ромлар ишлаб чиқарылмоқда.

Айланма ромларга ғалтак, пошна ёки цилиндрлар үрнатиласи, асосан ипак, кимёвий иплар тұқувчилегида ишлатиласи.

Уларда тарангловчи асбоб үрнатилмайды, ип таранглиги ғалтак втулкасининг тұғнагиичга ишқаланишидан ҳосил бўлади. Тандалашда ромни ғалтак билан тўлдириш бир вақтда амалга оширилиши сабабли, ғалтакка баъзи захира узунликда ип қолади. Тўлдириш кўп вақт талаб қиласи ва машинанинг тухташ вақти кўпайди. Бу узлукли тандалаш турига киради.

Кўзғалмас үрамлар учун ромлар икки хил бўлади: узлукли тандалаш ва узлуксиз тандалаш ромлари.

Узлуксиз тандалаш, турида 28-расм тандалаш ромига ҳисобдаги бобинадан 2 баравар үрнатиласи. Тандалаш дастлаб ишчи бобина 1 дан сўнгра эса захира бобинадан амалга ошириласи. Ишлаб бўлинган бобинани машина иши давомида үрнатувчи томонидан алмаштириласи ва ишчи бобинадаги ипнинг охирги уни билан үрнатилган бобинадаги ипнинг уни боғланади. Шундай қилиб машина тула бобинани үрнатиш учун тўхтати таъминайди.



28-расм. Узлуксиз тандалаш схемаси ва узлуксиз тандалаш учун ром.

узлуксиз тандалаш турида ШМ-432 ромидан фойдаланилади. 432 ишчи бобина ва 432 та захира бобина ўрнатилади, ишчи бобина тугагач захира бобина ишлаб кетади. Унинг афзаллиги шундаки, жараён тўхтамасдан, узлуксиз давом этади, бобинада ортиқча колдик ип қолмайди.

Бобина ушлагичлар ромда тикка 75% оғиш бурчагида ўрнатилади. Ип ўтқазгич бобина ўқидан 10-15 мм баланд ўрнатилади. Зигир ипларини тандалашда баллон ўчирувчи мослама билан жиҳозланади ва тезлик ошганда ипларнингчувалашиб кетишидан огоҳлантиради.

Камчилиги:

1. Ип бир бобинадан иккинчи бобинага ўтаётганда унинг таранглиги кескин ўзгариб, бу ҳол баъзан, ипларнинг узилишига сабаб бўлади.

2. Бобиналар диаметрлари ҳар хил бўлганлити учун ипларнинг таранглиги ҳам ҳар хил бўлади.


3. Ром цехдан кенг жойни эгаллайди.

Узлукли тандалашда замонавий машиналарда Ш-416, Ш-448, Ш-608, Ш-612, Ш-616-2 русумли ромлардан фойдаланилади. Бу ерда, 416, 448, 608, 616- булар бобина ўрнатиш жуфтликлари. Бу усууда тандалаш ромидаги бобина или тугаганда машина тўхтатилади ва бобиналар захира бобиналарига алмаштирилади.

Ш-608 ромининг бобина ушлагичлари маҳсус қутармага жойлашган ва бобина алмаштириш вақтида 180° га айланади. Бобина ушлагичлар ёғодан ёки пластмассадан тайёрланган булиши мумкин ва томонли учбурақдан иборат. Ҳар бир томонида бобина найдани мустаҳкам ушлаб туриш учун иккита ёйиқ пружина ўрнатилган. Ҳар бир ишчи бобина ушлагич орқасида захира бобина ушлагич мавжуд бўлиб, унга тандалаш жараёнида захира бобиналар ўрнатилади. Натижада бобинани алмаштиришда машинанинг буш вақти камайди. Чинни ип ўтказгич ва тарангловчи асбоб иккита қувурсимон ромга ўрнатилади, бобина алмаштириш вақтида ром сурилади ва у билан бобина ушлагич қутармаси орасида хизмат қўрсатиш учун йўлак ҳосил бўлади. Ечилётган ип йўналтирувчи қўллардан, тарангловчи асбобдан ва йўналтирувчи чинни қатордан ўтади-да ва тандалаш машинасига боради. Ромнинг олд қисмида огоҳлантирувчи ромча мавжуд ва у ип узилганда узуқни машинага огоҳлантирувчи қурилма ўрнатилган ва машинани тўхтатиш механизмига огоҳ беради, сўнг огоҳлантирувчи чироқ ёниб, қайси қатордан ип узилганидан далолат беради.

29-расмда бобина ўрнатиш учун қўзғалмас ўқли узлукли тандалаш ромининг чизмаси курсатилган. Ром асоси 1 ва 2 таянчдан иборат бўлиб, улар бир-бири билан кундаланг ва бўйлама боғланган. Тик қўзғалмас таянч 4 га бобина 5 қўйилган бобина ўрнатгичлари ўрнатилган, 6 ва 8 ромлар ечиш шартини яхшилаш ва баллон баландлигини ўзгартириш учун юкори кундаланг боғлам 3 йўналиши буйича ҳаракат қиласи. Ипдаги ҳар хил тебранишларни ва таранглик нотекислигини камайтириш учун бобина 5 ва таянч 6 орасига баллон чегараловчи 7 ўрнатилган бўлиб, тарангловчи асбоби ип йўналтиргичи ва ип узилганда огоҳлантирувчи қурилмаларидан иборат.

Ташувчи қисмли ромларда эса 4 қўзғалмас таянчлар ўрнига ҳаракатланувчи араваси мавжуд бўлиб, иш жараёнида бу қисмлар алмаштирилиб тўрилади ва алмаштириш тўла механизациялаштирилган. Бу билан бобинани алмаштириш вақти камаяди ва тандалаш машинасининг иш унуми ошади.



29-расм. Узлукли тандалаш ромида бобиналарнинг жойлашиши.

Афзалигиги:

1. Ип таранглиги доимий булади;
2. Ром ўлчамлари анча кичик;
3. Узуқларни бартараф этишга кам вақт сарфланади;
4. Олинган ұрамнинг сифати анча юқори булади;

Камчилигиги:

1. Бобиналарни алмаштиришга күп вақт сарфланади.
2. Бобиналарда қолдик ип қолади.

3. Узлукли тандалаш усулида бобинадаги иплар бир хил узунлықда бұлиши талаб қылғанади, агар ип узунлығи ҳар хил бұлса, бу ҳол чиқындиди күпайишига олиб келади.


Узлукли ва узлуксиз тандалаш турларининг солиштирма самарадорлигини текширганда ҳар хил чизиқли зичликли пахта ипларидә (10-50 текс) қуидаги натижаларни күрсатади. Ипнинг чизиқли зичлигига ва тандалаш тезлигига қараб узлукли тандалаш узлуксизга нисбатан тандалаш машинасининг иш унуми 14,6 – 64,5% га юқори булади. 432 бобинани алмаштиришга кетадиган вақт узлуксиз тандалаща узлуклиға нисбатан 1,59 марта ортиқ. Іккі ипнің тандалаш учун кетадиган вақт йиғиндиси узлуксиз тандалаща 9,9 – 21,6 % га ошади (тандалаш тезлигига ва ипнинг чизиқли зичлигиге асосида).

Узлукли тандалашга нисбатан узлуксиз тандалащдаги 432 бобинали роллар узунлығы ва әгаллаган майдони 1,8-1,7 марта катта. Чиқындилар миқдори узлуксиз тандалаща узлуклиға нисбатан 1,5-3 марта ортиқ.

Узлукли тандалашда ип таранглигининг равонлиғи туғилған түгүннинг сифати яхшиланади, түкүв жараёнида узуқлар камаяди ва газлама сифати яхшиланади. Узлукли тандалаш машинасининг иш унумдорлығы юқори булади, тандалаш сифати эса яхши булади.

3.2. ТАНДАЛАШДА ИПЛАР ТАРАНГЛИГИ

Түкүвчилик ва тандалашдан кейинги түкүвгача бұлған үтимларға тандаланған иплар таранглиги жуда мұхим үрин тұтади, чунки ип таранглиги мәйлум даражада түқилған мато сифатини белгилайди. Ортиқча таранглик ипларнинг құзилишига сабаб булади ва ипнинг мустақамлыгини камайтиради. Бир вақтда тандаланаётган ҳар хил тарангликдеги иплар түкүв навойига үраш пайтида ҳам шундай сақланади, натижада түкүв дастгоҳида ҳар хил тарангликда түқилади, бу эса мато сифатига салбий таъсир күрсатади. Бу камчиликни тандага ишлов беришнинг кейинги жараёнларида тузатыб бўлмайди.



30-расм. Тандалаш машиналарининг таранглаш асблолари.

бобиналарни
кли тарангликни бошқариш учун тарангловчи
гарқалади.

ди(30, 50-тан тарангловчи асбоб шайбали (ҳалқали)
бинада арасм).

б цилин очилиб йўналтириш кўзи 2 дан ўтади чинни ўқ 5
араб хиджримон йўналтирувчи 4 орқали ромнинг олд
коғози ракат қиласиди. Ўқ 5 га ўрнатилган прессланган
бошқариши шайба 7 ва металли шайба 6 лар орқали керакли
майлайлашлади. Меъёрда ишлайдиган ҳалқали тарангловчи
1 тарангловчи.

хисоби човчи асбобда қўзғалмас тарелка учун Е.Д. Ефремов
чи қуйидаги формула билан аниқлади.

$$+ \frac{Q}{2} (f_2 + f) (e^{f_2 \beta} + 1) e^{f_2 y} \quad (3.1)$$

бу ерда,
 K_0 – таранглаш асбобигача бұлған дастлабки таранглик ;
 f_2 – чиннига нисбатан ишқаланиш;
 f_1 – ҳалқага нисбатан ишқаланиш;
 α – ип ўтказувчи ва қурилманинг бошланғич огиш бурчаги;
 β – чинни ўқнинг огиш бурчаги;
 γ – асбобдан чиқишидаги йұналтиришнинг огиш бурчаги;
 Q – ҳалқаларнинг умумий оғирлиги.
 Соддалаштиришлардан сұнг формула қыйидаги қолатта келади:

$$K = 3.9 K_0 + 0.754 Q \quad (3.2)$$

Айланма шайбали таранглаш асбоби учун Г.К. Понова қыйидаги формуланды топди:

$$K = K_0 e^{f_2(\alpha+\beta+\gamma)} + \frac{Q}{2} (f_2 + Rf_1) (e^{f_1\beta} + 1) e^{f_1\gamma} \quad (3.3)$$

$$R = \frac{(R \sqrt{R^2 - r^2 + f_1^2} - f_1 r)}{(R (\sqrt{R^2 - r^2 + f_1^2}))} \quad (3.4)$$

Бу ерда R – асоснинг ҳалқасимон девори радиуси,
 r – чинни ўққа нисбатан ипнинг ишқаланиши.

Кимёвий толаларни тандалаша үккі тармоқлы (30, б-расм) әки уч тармоқлы таранглаш асбоблари ишлатилади. Иккі соҳали таранглаш асбобида ип 1 навбати билан иккі жуфт ғилдирак 2 орасидан ўтади, шунингдек дисклар эркін турған ўқдан 3 әгилиб ўтади. Тарангликнинг умумий катталиги ҳалқали юк 5 билан бошқарилади.

Баъзда тандалаш жараённанда ипнинг таранглигини текис таъминлаш учун тароқлы тарангловчи асбоб құлланилади. 30-расм (в) да тароқлы тарангловчи асбоб күрсатылған. Конуссимон бобинадан 1 ип ечилиб 2 чинни ип ўтказувидан, құзғалмас 3 тароқ тишлиари ва ҳаракаттан 3 чинни тароқ ораларидан ўтади.

Симсимон чивиқ 5 ҳаракатланувчи тароқнинг айланувчан ўқи бўлиб хизмат қиласиди. Чивиқнинг букилган учи 5 симсимон торғич 6 орқали, поршень 7 га уланган. Поршень 7 цилиндр 8 ичидан жойлашшган бўлади.

Ипнинг таранглиги ўзгарганда ҳаракатланувчи тароқ силжиди, натижада ипнинг тароққа эгилиши ортади ёки камаяди. Шу ҳолатда ипнинг таранглиги тенглаштирилади. Тароқ силжиган пайтда демпфер қаршилик кўрсатади, бу эса тароқнинг қулочи катталигини кичрайтиради ва унинг тебранишини йўқотади.

30-расм (г,а) да тароқсимон тарангловчи асбобнинг боинқа лойиҳаси кўрсатилган бўлиб, бу асбоб сунъий ипларни тандалашда қўлланилади. Ип бобинадан ечилиб чинни кронштейн 1 уйигига йўналади ва бурилиб кўзча 2 дан ўтади. Ипнинг устидан кронштейнга шарнирли қотирилган тароқсимон пружина қопқоғи 3 таъсир этади. Ип кронштейн ва қопқоқ оралиғида қисилади ва ишқаланиши натижасида маълум таранглик олади. Таранглик кучини кронштейнга ўрнатилган ҳар хил баландликдаги қозикча 4 лар (колушка) ўрнатилиб бошқариши мумкин. Қозикча 4 лар қопқоқ 3 нинг бўш томонига таъсир қиласи.

Американинг Фишер-Милс фирмаси томонидан фиддиракли электромагнитли таранглаш асбоби яратилди. Бу асбоб электромагнит таъсирида фиддирак ипни қисади. Сиқиши катталигини ҳамма иплар билан бир вақтда бошқариш мумкин.

Швейцариянинг “Рюти” фирмаси пневматик таранглаш асбоби тузилмасини яратди. Асбоб ромда ўрнатилган бўлиб, умумий ҳаво йўли ва марказлашган бошқарувга эга.

Кўзгалмас ўрамларда тандалаш бир қатор афзалликларга эга. Тандалаш жараёнини юқори тезлиқда амалга ошириш мумкин. Ипнинг ечилиш шароити машинани дарров тўхтатиш ва барқарор тезланиш олиш имконини беради. Бобина ўлчамларини анчагина катталаштириш мумкин. Шунинг учун, тандалашнинг бу тури ишлаб чиқаришда кенг тарқалиб бормоқда.

3.3. ГУРУҲЛАБ ТАНДАЛАШ

Гурӯҳлаб тандалашда иплар параллел ўрам асосида маҳсус танда фалтакларига ўралади. Агар тўкув навоиي фалтагига «М» ип бўлиши керак бўлса, ипларнинг сонини «п» тага тенг булакка бўлинади ва ҳар бир бўлакка «m» тадан ип ўралиши керак.

Тандаланган «п» та фалтакнинг ҳар бирига «m» тадан ип жойлашган бўлиб, бу гурӯҳни ташкил қиласи ва $M = pm$ бўлганда тўкув фалтагидаги иплар сони ҳосил бўлади. Ипларни бирлаштириб навоига ўраш оҳорлаш ёки қушиб ўраш усули билан амалга оширилади. Ҳар бир танда фалтагидаги иплар сони 400-600 тагача

ва ундан ортиқ бўлиши мумкин, гуруҳдаги фалтаклар сони ромнинг сифими ва танда ипларининг сонига боғлиқ ҳолда 2-16 тагача бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда тандалаш эни 1400, 1650, 1800 мм гача қабул қилингани. Танда фалтагидаги иплар сони тўкув навоийга нисбатан анча кам бўлиб, унинг вазни анча оғир, узунлиги 15-30 бараваргача кўп бўлади, шунинг учун ҳам бир гуруҳ танда фалтагидан 15-30 гача тўкув навоий олинади.


Гуруҳлаб тандалаш машиналари иккى хил турга бўлинади: барабанли ва барабансиз. Барабанли машиналарда танда фалтаги барабан юзасига ишқаланийши натижасида ҳаракат олади. Барабансиз машиналарда танда фалтаги юритмадан бевосита ҳаракат олади.

3.3.1. ГУРУҲЛАБ ТАНДАЛАШ МАШИНАЛАРИ

Гуруҳлаб тандалаш машиналарига С-140, С-740-1, С-180, СП-140, СП-180, СМ-165, СМ-140 каби машиналар мисол бўла олади. Бизга маълумки, тандалаш машиналарнинг С русумлisisи ва унинг мукаммаллаштирилганлари барабанли, СП русумлilari эса барабансиздир.


Барабанли тандалаш машиналарида танда фалтаги барабанлардан ишқаланиши натижасида ҳаракатни олади ва барабанлар эса бевосита электродвигател юритмасидан ҳаракат олади.

С-140-1 тандалаш машинасида, барабанли тандалаш машиналарининг охирги русуми бўлиб, ўртача чизиқли зичликли пахта ипларини тандалашга мўлжалланган. С-140-1 машинаси С-140 машинасининг мукаммаллаштирилганидир. 31-расмда С-140-1 машинасининг технологик схемаси кўрсатилган. Ромга ўрнатилган ип 1-бобинадан ечилиб, 2 ва 3 чивиқдан эгилиб йўналтирувчи тароқ 4 орқали ўтиб, ўлчов фалтаги 5 га бориб, қайрилиб танда фалтагига 6 үралади. Танда фалтаги ўрами танда барабани 7 нинг юзасига сиқилади ва ҳосил бўлган ишқаланиш натижасида ҳаракат олади. Тандалаш барабани ўзгармас частота билан айланганлиги сабабли фалтак диаметри ўзгаришидан қатъий назар, тандалаш тезлиги ўзгармас бўлади. Танда фалтагида тўғри шаклни, керакли ўрам зичлигини ва тезланиш вақтини қисқартириш мақсадида, шунингдек, машинани ишлатиш ва тузатиш учун машина асосида маҳсус сиқувчи курилмалар ўрнатилган. Машинанинг иккى томонидан қувватловчи ричаг 8 занжир 9 орқали 10 юкка боғланган. У ўрамнинг шаклни сақлаш учун бир томондан сиқиб туриши керак.



31-расм. С-140-1 гуруұлаб тандалаш машинасыннинг технологик схемаси.

Машинаның кинематикасы. 32-расмда СП-140-1 тандалаш машинаның кинематик схемаси күрсатылған. Электродвигатель 1 тасмали узатма орқали d_1 ва d_2 шкивлар ҳаракатини учта тишли фидиракли тизим 2га узатади. Тизимдаги шестернеларнинг тишилари сони 23, 36 ва 31 та. Шунга парал-лел бұлған вал 3ға яна учта 63, 50 ва 55 тишли фидираклар қаттық үрнатылған. Вал охирида құзғалувчы шпонка билан иккита фрикцион гардиш, улар ўртасида эса әркін шкив d_3



32-расм. С-140-1 машинасыннинг кинематик схемаси.

ўрнатилган ҳаракат д шкивдан тасмали узатма орқали д шкивга узатилади, д шкив 4 танда барабанига қаттиқ ўрнатилган. Танда барабанидан ҳаракат ишқаланиш орқали танда фалтаги 5 га узатилади. Танда иплари ҳаракатидан ҳаракат олувчи ўлчов гидрираги 6 тишли узатма орқали ҳисоблагич 7 га узатилади.


Ишлатиш механизми. Бўлувчи вал 2 га эркин жойлашган чап ва

ўнг товоңларга ишлатувчи тепки 1 ўрнатилган (33 – расм). Ўнг товоң 3 кулачоқли муфта орқали вал 2 ва шпонкага ўрнатилган ричаг 4 билан боғланган. Тепкини оёқ билан босганда 2 ўқ соат милига тескари айланади ва ричаг 4 нинг ўнг елкаси 5 тортгич орқали юритма фрикцион муфтасини ҳаракатга келтиради. Фрикцион муфтанинг туташуви натижасида машина ишга тушади. Тепкидан оёқни олгач, машина иш ҳолатида туриши учун маҳсус қурилма ўрнатилган.


Машина ишлатилганда ўнг

елкадаги маҳсус тишли ричаг 4 ролиги орқасига тушади ва машинани иш ҳолатида сақлаб туради. Ричаг 6 тортгич 7 орқали тұхтатиш электромагнит якорига боғлиқ.


Нишен роми ёки ҳисоблагич огоҳдан машина тұхтаганда тұхтатиш электромагнитининг электр занжири билан туташади. Электромагнит якори үзакни тортиб чиқаради. Тортгич 7 күтарилади ва ричаг 6 ни боғлашдан бүшатади. Ричаг 4 пружина 9 таъсиридан озод булади ва олдинги ҳолатига қайтади (33-расм). Натижада машина тұхтайди. Машинанинг механизмини құлда тұхтатиш учун дастак 10 билан фалтакни соат мили бүйича айлантирилади. Бунда тортгич 12 бурчакли ричагнинг бүшатиш тұгмаси 13 ни босади; натижада машинани электромагнит занжири туташмасисиз ҳам құлда тұхтатиш мүмкін. Бунда дастак 14 билан тортгич 7 күтарилади.



33-расм. С-140-1 машинасининг
ишлатиш механизми.




31-расм. С-140-1 гурухлаб тандалаш машинасининг технологик схемаси.



32-расм. С-140-1 машинасининг кинематик схемаси.

үрнатилган. ҳаракат д шкивдан тасмали узатма орқали д шкивга узатилади, д шкив 4 танда барабанига қаттиқ үрнатилган. Танда барабанидан ҳаракат ишқаланиш орқали танда ғалтаги 5 га узатилади. Танда иплари ҳаракатидан ҳаракат олувчи ўлчов гиддираги 6 тишли узатма орқали ҳисоблагич 7 га узатилади.

Ишлатиш механизми. Бўлувчи вал 2 га эркин жойлашган чап ва




33-расм. С-140-1 машинасининг ишлатиш механизми.

ўнг товоонларга ишлатувчи тепки 1 үрнатилган (33 – расм). Ўнг товоон 3 кулачокли муфта орқали вал 2 ва шпонкага үрнатилган ричаг 4 билан боғланган. Тепкини оёқ билан босгандага 2 ўқ соат милига тескари айланади ва ричаг 4 нинг ўнг елкаси 5 торгич орқали юритма фрикцион муфтасини ҳаракатга келтиради. Фрикцион муфтанинг туташуви натижасида машина ишга тушади. Тепкидан оёқни олгач, машина иш ҳолатида туриши учун маҳсус қурилма үрнатилган. Машина ишлатилганда ўнг

елкадаги маҳсус тишли ричаг 4 ролиги орқасига тушади ва машинани иш ҳолатида сақлаб туради. Ричаг 6 торгич 7 орқали тұхтатиши электромагнит якорига боғлиқ.

Нишон роми ёки ҳисоблагич огоҳдан машина тұхтаганда тұхтатиши электромагнитининг электр занжири билан туташади. Электромагнит якори ўзакни тортиб чиқаради. Торгич 7 күтарилади ва ричаг 6 ни боғлашдан бүшатади. Ричаг 4 пружина 9 таъсиридан озод бўлади ва олдинги ҳолатига қайтади (33-расм). Натижада машина тұхтайди. Машинанинг механизмини қўлда тұхтатиши учун дастак 10 билан ғалтакни соат мили бўйича айлантирилади. Бунда торгич 12 бурчакли ричагнинг бўшатиш тутмаси 13 ни босади; натижада машинани электромагнит занжири туташмасисиз ҳам қўлда тұхтатиши мумкин. Бунда дастак 14 билан торгич 7 күтарилади.



34-расм. Огоҳлантирувчи рол.

холда туради ва йўналтирувчи чибиққа сиклади. Бу ҳолатда ҳалқа контакт 5, унга ўтирган уқ латун чибиқ 4 билан ажратилган (I ҳолат).

Узилиш содир бўлганда ҳалқа тушади, контакт 5 чибиқ 4 га тегиб (II ҳолат) электромагнит тўхтатиш занжирини туташтиради. Натижада, машина тўхтайди. Шунинг билан биргаликда узилиш содир бўлганда тандалаш ромидаги огоҳлантириш чироги ёнади.


Тароқли қатор танда фалтагининг эни бўйича ипларни текис тарқалишини таъминлайди (35-расм). У иғнасимон тароқ 1 асоси 2 пластинка 3 га 4 пластинка билан шарнирли боғланган.

Пластинкалар параллелограммдай шарнирли занжир ҳосил қиласи, охири эса винт 5 га ўрнашган гайка билан ўнг ва чап томондаги кесилмаси билан маҳкамланади. Энини тўғрилаш учун машинанинг ён томонидаги дастак айлантирилади.

Узилиш содир бўлганда ипларнинг учини йўқотмаслик учун машинани дарҳол тўхтатиш керак. Шунинг учун машина-да тўхтатиш соҳаси ишлаб туради. Махсус тўхташ қурилмаси орқали бир вақтда танда барабани, танда ва ўлчов фалтаклари тўхташи керак. С-140-1 русумли машиналарида танда фалтагини тушириш

натижада, ролик тиш билан қўшилган ричаг 4 дан чиқади. Ўнг товон 3 га бармоқ 15 ўрнатилган, у машинани ишла-тиш пайтида тугма 16 ни босади ва электр занжирини ўчиради ва огоҳлантирувчи чироқлар ўчади.

34-расмда ип узилганлигини огоҳ берувчи қурилма схемаси кўрсатилган. Бу қурилма ромнинг олдинги томонида жойлашган. Ҳар бир ип тандалашда тароқ 1 ва ипсимон ҳалқа 2 дан ўтади. Ип таранг турганда ҳалқа кўтарилиган



35-расм. Тандалаш машинасининг йўналиш тароғи.

учун алоҳида электродвигател ўрнатилган бўлиб, тишли-червякли узатма орқали маҳсус кронштейндан ҳаракат олади ва натижада танда фалтаги ҳаракатланади. Механизм тутмали курилма орқали ҳаракатга келтирилади.

Гуруҳлаб барабанли тандалаш машиналари қўйидаги камчиликларга эга:

1. Танда фалтагини тұхтатиш ва ишлатиш вақтида ип қаттиқ механик таъсир олади.
2. Иш давомида танда фалтаги тебранишини тұхтатиб бўлмайди, бу эса фалтакдаги ип ўрами шаклини бузилишига олиб келади.
3. Барабан ва танда фалтагини тез ва синхрон тұхтатиб бўлмайди.

3.3.2. "СП" РУСУМЛИ ТАНДАЛАШ МАШИНАЛАРИ

Барабансиз гуруҳлаб тандалаш машиналарида танда фалтаги бевосита электродвигателдан айланма ҳаракат олади, тўғри цилиндриксимон ўрам шакли маҳсус фалтак ёрдамида ўрамнинг танда фалтаги юзасига қисиши билан берилади. Барабанли машиналарни барабансиз машиналар билан солиширганда қўйидаги афзалликлар кузатилади.


1. Фалтакнинг ип ўрамига таъсир этувчи жадал бузилиши йўқолади, хусусан машинани ишлатиш ва тұхтатиш даврида;
2. Танда фалтаги ўқининг мустаҳкамлиги сабабли фалтакнинг тебраниши йўқолади, натижада ўрам шакли, сифати анча яхшиланади.
3. Машина тұхтатгичи анча яхши, шунинг учун ҳам машинани тұхтатиш ва ишлатиш осон кечади.

Шундай қилиб, барабансиз тандалаш фалтагининг юритмаси машинанинг юқори тезликли тартибда ишлаш имконини беради.

СП-140, СП-180 машиналарининг курилмаси ва механизмлари бир хил, фақатгина иш энига фарқ қиласди.


36-расмда барабансиз тандалаш машинасининг технологик схемаси кўрсатилган. Танда иплари I тароқли қатор орқали ўтиб, ўчлов фалтаги 2 дан эгилиб ўтади ва танда фалтаги 3 га ўралади. Танда фалтагидаги ўрамга тўғри шакл ҳосил қилиш учун танда фалтагига маҳсус юқ билан 4 зичловчи фалтак ёрдамида сиқилади. Зичловчи фалтакнинг ўқи кузатувчи аравага ўрнатилган ва ўрам диаметри ошганда арава билан биргаликда горизонтал текислик бўйича зичловчи фалтак ҳаракат қиласди.

М а ш и н а н и н г
кинематик схемаси 37-
расмдан күринаиди,
электродвигател I дан
тасма орқали d ва d_1
танда фалтаги шкивлари
айланма ҳаракат олади.
Зичловчи фалтак З
ҳаракатни танда
фалтагига ишқаланиши
натижасида олади.



36-расм. Барабансиз тандалаш машинасининг технологик схемаси.

Танда фалтаги 4 ва 5 пинол орасида жойлашган бўлиб, уни қисиб туради ва тушириш – ўрнатиш вақтида пиноллар ўқ бўйича ҳаракатни маҳсус ўрнатилган электродвигател 6 дан олади. Пинолларга ҳаракат электродвигателдан червякли узатма Z_1 , Z_2 , тишли узатма Z_3 , Z_4 ва червякли бурама Z_5 , Z_6 орқали узатилиади. Пинол танда фалтаги билан пинол учидаги катта бўлмаган бўргиқ орқали танда фалтагининг маҳсус валига муфта боғланади.



37-расм. СП-180 барабансиз машинасининг кинематик схемаси.

Үлчов фалтаги 7 дан ҳаракат Z_7 , Z_8 тишли узатма орқали тахогенератор 8 га ва Z_9 , Z_{10} , Z_{11} , Z_{12} , Z_{13} , Z_{14} орқали сонли ҳисоблагич 9 га узатилади.

Тароқли қаторак илгариланма-қайтма ҳаракат қиласи ва узунлиги 8 мм ни ташкил қиласи.


Бу танда фалтагидаги ип қатламишининг бир текисда жойлашишини таъминлади ва ўрамга цилиндрсизмон шакл беради.

Тароқли қаторчага илгариланма-қайтма ҳаракатни пинолнинг чап кувурчаси узатади. Червякли узатма орқали кривошип 12 ҳаракат олади ва шатун 13 икки елкали ричаг 14 ёрдамида винт 15 га қайтма ҳаракат беради. Шу билан бирга қатор 16 ҳам ҳаракат олади.

Ишлаб чиқарилган танда фалтагини олиш ва янги бўш танда фалтагини машинага ўрнатиш реверсив электродвигател 10 орқали Z_{15} , Z_{16} червякли жуфтлик, бир томонга айланувчи Z_{17} , червяқдан вал 1 га ўрнатилган Z тишли сектор ёрдамида амалга ошади. Вал 11 га ўрнатилган иккита кронштейн танда фалтагини ташиб учун мўлжалланган.

Электродвигател 10 машинанинг икки ёқиши тугмасидан бири ёрдамида ишлатилади: улардан бирини босгандা бўш фалтак кутарилади, иккинчисини босгандা тўла фалтак тушади.

Чизиқли тезликнинг доимийлиги тандалашда тахогенератор 8 ёрдамида бошқарилади. Тахогенератор ишлаб чиқарган ток кучи бурчак тезлигига пропорционалдир. Танда фалтагидаги ўрам диаметрининг сезилмас ўсиши ҳам ип чизиқли тезлигини оширади, бир вақтда ўлчов фалтагининг айланани частотасини ҳам оширади. Натижада, тахогенератор ротори тез айланаб ток кучининг ишлаб чиқарилиши кўпаяди.



38-расм. Фалтакни етакловчи механизм схемаси.


Тахогенератор ишлаб чиқарган ток кучи магнитли кучайтиргич орқали ўтиб электродвигател 1 дан ток кучини камайтиришига олиб келади ва

электродвигател шкиви айланиш частотасини пасайтиради. Шу сабабли танда фалтагининг бурчак тезлиги камаяди. Ушбу қурилма тандалаш чизиқли тезлигининг доимийлигини сақлаши керак, аммо машина ишлаётганда тезлиқдан баъзи ўзгаришлар сезилади.

38-расмда етакловчи фалтак 1 айланувчи шарсимон подшипник ўқига ўрнатилган бўлиб, фалтакнинг ишчи қисми ўққа ўрнатилган қатламланган қофоз кувурчадан иборат. Фалтак танаси ичиди машинани тўхташ учун маҳсус тўхтаткич ўрнатилган. Фалтак етакловчи қузғалмас арава 2 га ўрнатилган, танда фалтаги ўрами 3 нинг диаметри ошса горизонтал йўналиш бўйича ролик 4 релс устидан ҳаракатланади.

Етакловчи фалтакни танда фалтаги ўрамига қисиш, юк 11 ёрдамида амалга оширилади. Юк 11 блок 6 ва занжир 10 билан 5 ўққа қотирилган. Шу ўқдаги 7 шестерня, тишли рейка 8 ва арава 2 билан тугашган. Машина тўхтатилганда ишлатиш ва тўхтатиш механизми билан боғлиқ торгтич 12 орқали тўхтатиш қурилмаси 13 га ҳаракат узатиб, фалтак етакловчиси тўхтатилади.

39-расмда тандалаш машинасининг ишлатиш ва тўхтатиш механизми кўрсатилган. Машинани ишлатиш тепки 1 ни босиш билан бошланади. Бунда тақсимловчи вал 39 ва унга ўрнатилган ричаг 38,40 лар соат милига тескари, торгтич 37 кўтарилиб, уч елкали ричаг 29 ва ўқ 27 соат мили бўйича буралади. Ричаг 29 нинг юқори елкаси охирги ёндиригич (1ВК) шток 25 ни босади ва



39-расм. Тандалаш машинасини тўхтатиш ва ишлатиш механизми.

электродвигател 1 ишлайди. Ёпгич 31 ва 28 күчүкча ричаглар тизими 38, 40, 29 ни туширади ва тепки 1 ҳам шу ҳолатда бўлади.

Ёпгичнинг чап елкаси ва электромагнит ишга тушади, якорь 30 юқорига силжийди, ёпгичнинг чап елкасини кўтаради, натижада ўнг елка күчүкча 28 билан боғланишдан узилади ва ричаг 29 ни бўшатади, пружина 2 тепки 1 ни кўтаради, ричаглар 38,39 соат мили бўйича бурилади, тортгич 24 ричаг 29 ни соат милига тескари бурайди, пружина остидаги шток 25 ни бўшатади, охирги ёқгич 26 ни учиради, ўзгармас ток электродвигатели ишламайди ва машина тўхтайди.

Машинани тезда тўхтатиш учун танда фалтагига ўлчовчи ва зичловчи валларига икки томонлама тўхтатиш қурилмаси ўрнатилган.

Машинани тўхтатганда тепки 1 ва вал 39 соат мили бўйича бурилади, валга қотирилган ричаг 41 тортгич 45 ускунасида, пружина 17 тўхтатиш ричаги 16 ни бурайди. Ричаг билан биргаликда кулачок 9 тўхтатиш муфтаси 7 ни ички юзасига қисади.

Машинани тўхтатишда барча босқичлар тескари ҳаракат қиласиди. Кулачок махсус тўхтатгични бўшатади, улар эса пружина 6 таъсирида танда фалтаги 8 тўхтатиш муфтаси 7 дан қочади. Фалтак етакловчиси тўхтатиш қурилмаси тепки 1 ни кўтаришда ҳам иштирок этади. Бунда ричаглар 38, 36 ни соат мили бўйича бурайди, ричаг 36 тортгич 33 ни кутади ва 21 тўхтатиш ричаги 21 ни планка 22 босимидан кутқаради. Пружина таъсирида ричаг 20 юқорига силжийди ва махсус тухтатиш қурилмаси 19 зичловчи фалтак етакловчиси 18 ни тўхтатади. Танда фалтагини тўхтатиш учун ричаг 16 юқорига силжийди, тортгич 15, ричаг 14, кулачок 11 махсус тўхташ қурилмаси 12 дан бўшатилади, пружина 10 ўлчов фалтаги 13 тўхтаткич сиртига қисилади ва уни тўхтатади.

3.4. ЮМШОҚ ТАНДАЛАШ УЧУН ТАНДАЛАШ МАШИНАЛАРИ

Чипор ҳар хил рангли газмол ишлаб чиқаришда иплар баъзи ҳолларда танда иплари фалтакларидан рангланади. Бунинг учун, танда фалтакларининг ўқи шахмат усулида тешиклардан иборат бўлади. Шу тешиклардан бўёқлаш мосламалари ёрдамида бўёқ киритилади. Бўсқинг иплар орасига яхши кириши учун иплар унча катта бўлмаган зичликда – $0,38 \text{ г/см}^3$ уралади. Тандалашнинг бу тури юмшоқ тандалаш дейилади.

Иплар кичик бурчак бүш босим остида крестсимон тарзда үралади. Крестсимон үраш ипларнинг фоваклигини оширади. Бўялган үрамлар оҳорлаш машиналарига узатилади.

Юмшоқ тандалашда барабансиз СМ-140 ва СМ-165 русумли гурухлаб тандалаш машиналари қўлланилади. Бу машиналарда танда ғалтаги ҳаракатни бевосита юритмадан олади, танда ғалтагидаги үрам диаметри ошиш пайтида тандалаш тезлиги иккита конуссимон барабангча тасмали узатманинг барабан юзасига ҳаракати натижасида тенглаштиришга эришилади. Шу сабабли тандалашнинг бурчакли тезлиги аста-секин камаяди, айланма тезлиги эса деярли ўзгармайди.

Танда ғалтагидаги крестсимон үрам эса тароқли қаторчанинг илгариланма-қайтма ҳаракати натижасида ҳосил бўлади. Тароқли қаторчча маҳсус эксцентрикли механизм ёрдамида 4-12 мм масофада ҳаракат қўлади. Тандалаш машинасининг ўртача тезлиги 200 м/мин.

СМ-140 машинасининг танда ғалтаги қўйидаги ўлчамларга эга: ўқ диаметри-310 мм; гардишлар диаметри-660 мм; гардишлар орасидаги масофа-1400 мм; СМ-165 машинасида эса шу ўлчамлар, фақат гардишлар орасидаги масофа-1650 мм бўлиши билан фарқланади, холос.

Гурухлаб тандалаш машинаси технологиясини ва лойиҳасини мукаммалаштириш асослари

Бошқа турдаги тандалаш усувларига нисбатан гурухлаб тандалаш кенг тарқалган усул бўлиб, бу тандалаш усулида юқори сифатли танда олинади, иш унумдорлиги яхши ва тўкувчиликнинг ҳамма турларида ўз ўрнини топган.

Гурухлаб тандалашнинг мукаммалаштириш асослари қўйидаги йўналишларда амалта оширилмоқда:

- Айрим ипларнинг таранглигини тенглаштириш, ромнинг баландлиги буйича гурух ипларнинг таранглигини бошқариш;
- Бобина ва танда ғалтаги вазнини ошириш;
- Ромга қўйиладиган бобиналар сонини купайтириш;
- Танда ғалтагидаги үрамларнинг сифатини, үрама зичлигини, шаклининг бир хиллигини ошириш;
- Оҳорлашда нотекис ечилиши натижасида чиқадиган чиқиндиларни камайтириш ва танда иплари узунлигини ўлчашда бир хил аниқликка эришиш;
- Машинани ишлатиш ва тўхтатиш вақтида иплар таранглигини бир хил сақлаш;

— Тандалашда қисман ёки тұла бобина алмаштириш жараёнини автоматлаштириш натижасыда тандалаш, иш унумини ошириши. Чет әл гурухлаб тандалаш машиналари "Шляфгорст", "Хакоба", "Беннингер", "Текстима" нинг қуйидаги афзалліктер алоқида таъкидланади:

- Тандалаш машиналарининг ишлаши мустаҳкам ва ишончли;
- Фақат барабансиз гурухлаб тандалаш машиналар ишлаб чиқарилади;
- Күрсатқичларни бошқаришда гидравлик, пневматик ва электрик тизимлар құлланилади;
- Машинани енгил юритиш, танда ғалтагини, етакловчи ва үлчовчи валларини тез ва бир текисда тұхтатиши таъминланған;
- Машина тезлигини назорат құлувчы, етакловчи вал босимини үлчовчи, гурух танда иплари таранглигини назорат құлувчы, момиқ тозаловчи асбоб ва механизмлар билан жиҳозланған.


3.5. ПИЛТАЛАБ ТАНДАЛАШ

Пилталаб тандалаш жараённан танда иплари пилта шаклида бұлаклаб тандалаш барабанига үралади. Агар тұқув навойида «М» дона танда ип бұлса, барабанга үралған ҳар бир пилтада $m = M/n$ дона ип үралади. Пилталар кетма-кет билан барабанга үралади. $M = m \cdot n$ дона ип барабанга үралғач, ҳаммаси жамланиб тұқув навойига қайта үралади. Танда барабандаги пилталар эни тұқув навойига үраладын танда энінше тұндырылады. Шу сабабли барабандаги ҳар бир бұлак иплари зичлиги тұқув навойидеги иплар зичлигиге тең. Шундай қылым, пилталаб тандалаш иккى жараёндан иборат: пилтани кетма-кет тандалаш барабанига үраш ва үндан ҳамма пилталарни бирлаштырып тұқув ғалтагига қайта үраш. Бу турдаги тандалашга күп вақт сарфланади, натижада тандалаш иш унуми пасаяди. Гурухлаб тандалашға нисбетан ипнинг таранглигі ҳам нотекис.

Пилталаб тандалашнинг афзаллік томони шундаки, чиқинди кескин камаяди ва тайёр тұқув ғалтаги ишлаб чиқарилади. Бир гурух танда ғалтагини құлламасдан тұқув ғалтагига күп сонли танда ипларини үраш мүмкін.

Пилталаб тандалаш усули ипак, мовут тұқувчилігінде, шунингдек кимёвий толаларнинг ҳар хил турида ишлатылади. Тұқувчилікнинг бошқа соқаларыда, баъзи ҳолларда фақат мураккаб расмли рангли тандалар олиш учун құлланилади.

Пилталаб тандалаш фақаттина пилталаб тандалаш машиналаридан амалга оширилади. Тандалашни фалтаклардан ёки конуссимон бобиналардан амалга ошириш мумкин. Ҳамма пилталаб тандалаш машиналарида барабанга ўраш учун зарур қисмлардан ташқари тўкув фалтагига ҳамма пилталарни кетма-кет бирлаштириб қайта ўровчи қурилма билан жиҳозланган.



40-расм. Танда барабанига ўралган пилта кесими схемаси.

Пилталаб тандалаш машиналарида пилталар паралле-лограмм кесимдаги барабанга ўради. Ҳамма пилталар ўраб бўлингач ўрам цилиндрсимон бўлиши учун пилтанинг конус бурчаги барабан асосининг конуси бурчагига teng бўлиши керак.

40-расмда танда барабанига ўралган пилта кесими схемаси кўрсатилган. Пилтанинг кесим майдони қўйидагича топилади:

$$S = a * b = a * H \operatorname{tg} \alpha \quad (3.5)$$

Бу ерда a — пилта эни, см;

b — пилта ўрами калинлиги, см;

H — пилтани тўлиқ тандалашда суппорт ҳаракати катталиги, см;

α — пилтанинг конус бурчаги.

Ўралган пилта ҳажми

$$V = S\pi D = \alpha H \pi D^2 \operatorname{tg} \alpha / 4 \text{ см}^3 \quad (3.6)$$

бу ерда D — ўрам диаметрининг ўртача қиймати, мм
Пилта вазни:

$$G = V * \gamma = \alpha H \pi D \gamma \operatorname{tg} \alpha, \text{ кг} \quad (3.7)$$

γ – ўрам зичлиги, $\text{г}/\text{см}^3$
Битта қатламдаги ўрамнинг ўртача вазни

$$g = \frac{\pi D T}{1000}, \text{ кг} \quad (3.8)$$

T – ипнинг чизиқли зичлиги, текс
Ҳамма пилтадаги ипларнинг қатламлари сони

$$K = \frac{G}{g} = \frac{1000 \alpha H \pi D \gamma \operatorname{tg} \alpha}{\pi D T} = \frac{1000 \alpha H \gamma \operatorname{tg} \alpha}{T} \quad (3.9)$$

Бошқа томондан пилтадаги бурамлар сони кесимдаги иплар сонига тенг, уни

$$K = n \alpha P \quad (3.10)$$

формула билан топамиз.

n – пилтани тандалаш вақтида барабаннинг айланишлар сони;

α – пилта эни, мм

P – пилта зичлиги (1cm даги иплар сони)

Тенг катталикларни тенглаштириб:

$$n \alpha P = \frac{1000 \alpha H \gamma \operatorname{tg} \alpha}{T} \quad (3.11)$$

$$n p = \frac{1000 H \gamma \operatorname{tg} \alpha}{T} \quad (3.12)$$

Ҳамма пилталарни тандалашда суппорт силжиши катталиги:

$$H = hm$$

Бу ерда h – барабаннинг бир марта айланишида суппорт силжиши. Ушбу катталикни олдинги тенгламаларга қўйиб:

$$n p = \frac{1000 h \gamma \operatorname{tg} \alpha}{T} \quad (3.13)$$

$$p = \frac{1000 h \gamma \operatorname{tg} \alpha}{T} \quad (3.14)$$

$$h = \frac{p T}{1000 \gamma \operatorname{tg} \alpha} \quad (3.15)$$

Шундай қилиб, барабаннинг бир айланиш вақтидаги суппорт силжиши ипнинг чизиқли зичлигига ва пилтта зичлигига түрги пропорционал, пилтанинг ўрам зичлигига ва барабан конуси бурчаги тангенсига тескари пропорционал.

Агар барабан конусининг бурчак катталиги ўзгармас бўлса:

$$h = \varphi_1 p - T \quad \varphi_1 = 1/1000 h \alpha \quad (3.16)$$

Ўзгармас катталикда барабан конуси суппорти ҳаракати қуйидаги $\alpha = \arctg(\varphi_1 p T)$ тенглама билан топилади, бу ерда

$$\varphi_2 = \frac{1}{1000 h \gamma} \quad (3.17)$$

Ишлаб чиқаришда қуйидаги пилталаб тандалаш машиналари ишлатилади.

— Барабан конуси ўзгармас ва суппорт ҳаракати тезлиги бошқарилувчан;


— Суппорт ҳаракати тезлиги ўзгармас ва конус бурчаги катталиги ўзгарувчан.

— Суппорт ва бурчак катталиги ўзгарувчан. Юқорида олинган қонуниятлар шундай қулайликлар яратадики, ҳар бир машина учун пилтанинг тўрги шаклини ташкил қилиш учун бошқарувчи омиллар кўрсаткичлари катталигини етарли аниқликда ҳисобланади.

3.5.1. СЛ-250-Ш ПИЛТАЛАБ ТАНДАЛАШ МАШИНАСИ

СЛ-250-Ш машинаси аппарат усулида йигирилган жун иплари ва қайта тараш усулида олинган пахта ипларни тандалаш учун баъзи ҳолларда бошиқ турдаги ипларни тандалаш учун ҳам ишлатилади. Машина 288 та бобина ўрнатиладиган ром билан жиҳозланган. Ромларнинг ҳар бир бўлими 3 та бобина ўрнаттичига эга. Ўрам шаклини тўрги олишга эришиш учун танда барабани асосининг конуси ҳам, суппортининг силжиш катталигини ҳам бошқариш имконини бериши керак.

41-расмда пилталаб тандалаш машинасининг умумий схемаси кўрсатилган. Конуссимон бобинадан йўналтирувчи чивиқ 1 лар орқали ип эгилиб, ажратувчи қатор 2 орқали суппорт қатори 3, йўналтирувчи чивиқ 4 лардан эгилиб, ўлчов фалтаги 5 дан ўтади ва танда барабани 6 га уралади. Булувчи қатор йўналтирувчи аъзо




41-расм. Пилтаб тандалаш машинасининг умумий схемаси.

ҳисобланиб, ипларни ажратади ва ажратувчи боғичларни ташлаш учун хизмат қиласи. Суппорт қатори 3 пилта эни бўйича ипларнинг бир хил тарқалишини таъминлайди, пилта энини аниқлайди ва барабанга ип ўрамини бир хил тарқалишини таъминлайди. Ўлчовчи ғалтак 5 тишли узатма орқали ўн сонли ҳисоблагич билан боғлиқ бўлиб, пилта ўрамининг узунлигини ўлчайди. Машина узунлигини ўлчовчи ҳисоблагичдан ташқари, барабан айланишлари сонини ҳисобловчи курилмага эга. Ҳар бир ўралётган пилта айланиш ҳисоблагичи ҳисоби билан амалга оширилади. Шусабабли пилтагар ҳар хил узунликда тандаланмайди. Йўналтирувчи чивик 1, ажратувчи қатор 2, йўналтирувчи чивик 4 ва ўлчовчи ғалтак 5 ҳисоблагичга суппорт столчаси 7 орқали қотирилган. Пилтани барабанга ўраш пайтида суппорт столчаси ҳамма бўлаклари билан бирга юрувчи винт 8 ёрдамида эркин ҳаракат қиласи. Бу билан пилта қатламлари ва ўрам шакли тўғри ўралиши таъминланади. Суппорт ҳаракати тезлигини ипнинг чизиқли зичлиги ва тури орқали бошқариш мумкин. Барабан периметри 4 метр, иш эни 2500 мм, асос конусининг силжиш бурчаги 0° дан 27° гача, барабандаги пилтагар тўпламини тўкув ғалтагига ўраш учун қайта ўраш механизми билан жиҳозланган. Танда иплари барабандан ечилиб, бир ёки иккита чивик скало 10 орқали тўкув ғалтаги 11 га ўралади. Ип барабандан маълум таранглик остида ечилади. Тўхтатиш ва юритиш вақтидаги ип таранглигининг катталиги барабаннинг тўхтасига қараб ўрнатилади. Пилтани тўкув ғалтагига ўраш вақтида ҳамма ўровчи механизмлар бир-бирига нисбатан мос ҳаракат


қилиши керак. Араванинг ҳаракат катталиги суппорт ҳаракатига тенг, аммо тескари йўналишда, қайта ўраш механизми аравачасининг ҳаракати маҳсус юрувчи винт орқали бошқарилади.

42-расмда танда барабани юритмаси ифодаланган. Электродвигател 1 дан тасмали узатма орқали d_1 , d_2 шкивлар ҳаракатни шпонка орқали иккита жуфт шестерня z_1 , z_3 ўрнатилган вал 2 га узатади. Вал 3 га эркин ўрнатилган z_2 , z_4 шестернялар жуфти ва иш ҳолатидаги фрикцион муфтанинг ташқи шкифи 4 маҳкамланган. Фрикциони z_1 , z_2 билан z_3 , z_4 иш ҳолатида булиши мумкин. Иккаламчи шестернялар z_2 , z_4 ни вал 3 орқали, танда барабанига ҳаракат узатади. Шкив d ни ва унга тегишли шестерняни алмаштириш йўли билан тандалаш тезлигини 150-400 м/мин гача ошириш мумкин.

Тандалаш барабани юритиш ва тўхтатиш тепкиси орқали, тугма восита орқали амалга оширилади. Ип узилганда ёки тандалаш тугаганда ромнинг огоҳлантирувчи чироқлари ёнади, машина автоматик равиша тўхтайди. Тўхташ ускунаси икки томонлама кучли маҳсус тўхтатгичдан иборат механизми билан жиҳозланган. Алоҳида электродвигател роторига фрикцион доира ўрнатилган.



42-расм. Танда барабани юритмаси схемаси.



43-расм. Суппортга ҳаракат узатиш механизми схемаси.

43-расмда суппортга ва қайта ўраш аравасига ҳаракат узатиш чизмаси ифодаланган. Ушбу механизмларга тандалаш барабанидан ҳаракат узатилади. Барабан валидан шестернялар z_1 , z_2 , z_3 , z_4 ва тезлик қутиси 5 ҳаракатни вал 2 дан олади. Вал 2 шарнирли 3 орқали қия вал 4 билан боғлиқ. Ҳаракат вал 4 дан шестерня z_5 ва z_6 орқали суппортинг юритувчи винтига узатилади. Вал 2 дан эса z_7 ва z_8 шестернялар ёрдамида араванинг юрувчи валига узатилади. Бу узатмалар фақаттана барабандан тандани түкув ғалтагига ўраш учун хизмат қиласи.

Ипак толаларини тандалашда СЛ-140-Ш русумли пилталаң тандалаш машинаси ишлатилади. Бу машина ҳам СЛ-250-Ш машинаси сингари бир хил қисмлардан иборат. Фақатгина умумий кинематик схемасида баъзи ўзгаришлар бор. Чет эл пилталаң тандалаш машиналари орасида эътиборга лойиқ, "Беннингер" машинасидир. Бу машинада танда барабани алмаштирилди, натижада қайта ўраш учун кетадиган вақт тежалади ва машина иш унумдорлиги ошади.

3.6. СЕКЦИЯЛАБ ТАНДАЛАШ

Секциялаб тандалаш усули кўринишидан гурӯхлаб тандалашга ўхшайди. Газлама тўқиши учун керак бўлган М ипларни п тенг бўлакка бўлиб, ҳар бир бўлакка м тадан ипни кичик ўлчамдаги танда ғалтакларига ўралади. Танда $M = m^*n$ иплар сони йигилтас, ҳаммаси жамланиб тукув ғалтагига қайта ўралади. Тандалашнинг бу тури рангли танда олиш учун ишлатилади, аммо бу усулнинг иш унуми паст, шунинг учун ҳам секциялаб тандалаш усули бизнинг тўқимачилик саноатимизда ишлатилмайди.

Тўкув ишлаб чиқариш технологик жараёнида тўкувчилик маҳсулотларнинг зарядланишими сўндириш

Табиий ва кимёвий толалар ишлаб чиқариш технологик жараёнида механик ишлов бериш натижасида ўзига электр заряди олади. Хусусан, ацетат, капрон, лавсан, нитрон, хлорин ва шу каби толали иплар кучли зарядланади. Ишлов бериш жараёнида зарядланишга қарши маҳсус воситалар қўлланилади, чунки толанинг кучли зарядланиши технологик жараёни боришига ҳалакут беради.

Кучли зарядланиш натижасида ўрамда бурамлар (йигирив найчасида, бобинада, арқоқ найчасида) сони қупаяди, ўралиш пайтида иплар бурами нотуғри жойлашади, узилиш содир бўлганда иплар учи узоқлашиб кетади, деталларда магнит тортиш кучлари пайдо бўлади, ёпишиб қолади; тўкув жараёнида ҳомуза ҳосил қилишни муракаблаштириб, мато ҳосил қилиш жараёни бузилади. Капрон матоларни қирқиш машиналарида кучли зарядланиши туфайли ишчиларнинг шикастланиш ҳоллари ҳам юз бериши мумкин.

Тўқимачилик маҳсулотларининг зарядланиш даражаси маҳсулот толаси тури, механик таъсирларнинг жадаллиги, машина ишли қисмларининг материали ва бўлимдаги ҳаво намлигига боғлиқ.

Күп ҳолларда табиий тұқимачилик толалари кам зарядланади. Үндән ташқары бу толаларнинг күпчилик қисми намни үзига яхши қабул қиласы да намлиги 60-65% га етганда үзидан электр токини бемалол үтказади. Шунинг учун ҳам технологик жараёнлардан олинган зарядлар енгил заарасизланади.

Күпчилик кимёвий толалар, шу жумладан гидрофоб, кучли зарядланиш хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш хонасида юқори намлык бұлса ҳам, токни ёмон үтказади.

Статик зарядланишга қарши жорий ва актив усуулар ишлатилади. Жорий усулға – машинани ерга улаш, ҳавонинг нисбий намлигини ошириш, толани кимёвий антистатик воситалар билан ишлов бериш, ип үтгазичларни тұғри танлаш киради. Актив усулға ҳавони ультра-бинафша нур билан ионлаш, юқори күчланишли электр майдони ҳосил қилиш, нурланиш ёрдамида юқори ёки саноат частотаси ҳосил қилиш киради. Машинани ерга улаш уннан деталларига заряд тұпланишидан сақтайты да ерга үтказаб юборади. Фабрика бұлымларыда 65% намлык пахта, жүн да ҳатто вискоза толали ипларға ишлов бериш пайтида тола үз таркибига антистатикни шимийди, тола юзасига қолпам ҳосил қилинади да зарядланишдан сақтайты.

Ҳавони ионлаш юқори күчланишли электр майдони таъсири остида амалға ошириледи. Юқори ва кам частоталар, ультрабинафша, рентген да гамма нурланишлар, юқори ҳарорат, альфа да бета нурланишли радиоактив изотоплар таъсирида амалға ошириледи.

Саноатда тандалаш машиналари учун плутонли ионизаторларнинг бир неча түрлери ишлаб чиқарылғаны.

Ионизаторларны ишлатып учун радиоактив моддаларни барча техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қылған ҳолда амалға ошириш керак.

3.7. ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА МАВЖУД БҰЛГАН ВА ЗАМОНАВИЙ ТАНДАЛАШ МАШИНАЛАРИ

Күзғалмас бобинадан ипни үраб олиш усули биринчи марта «Барбер-Кольман» фирмасы юқори теэликли тандалаш машинасында құлланған зди. Гардишлар орасидаги масофа 137 см ни, гардишлар диаметри – 76.2 см ни ташкил этарди. Тандалаш найчаси чексиз

занжир билан ўрнатилган қүёшсімон ғалтқаңдан 550 м/мин тезлиқда ўтказылған эди. Машиналар қарийб 25 йиллик тандалаш ускуналари ўргасыда энг яхшиси ҳисобланарды. Улар ҳозирги вақтда ҳам зарур бўлган курилмалар: узилган ип учини йўқотишнинг олдини олувчи тўхтатиш тизими, қаторча, бошланғич тезланиш назорати курилмаси, ғалтқлар ўралиши зичлигининг ўзгариши, тўлиқ ғалтқларни олиш ва бўшларини жойлаштириш курилмаларига эга бўлган. Иш сифати юқори бўлган, ўралиш тўлқинлашуви туфайли вискоз-пахта толадан ипларни тандалашдаги алоҳида қийинчиликларни ҳисобга олмаганда, тандалашнинг бу камчилиги машинанинг барабанли юритмаси хусусияти билан боғлиқ. Ўралиш тўлқинлашуви машина тезланиш даврида пайдо бўлади. Муаммо машинани ишга туширишда ғалтакка босимни камайтириш ва тандалашнинг тўлиқ тезлигини аниқлаш вақтини ошириш учун барқарорлаштирувчи пружиналарни ўрнатиш билан ечилди.

«Барбер-Кольман» фирмаси тизими С турдаги ўраш автомати ва VW тандалаш машинасини ўз ичита олган. Бобинада ва ғалтак ип узунлиги шундай тандланганки тахминан, 500 бобина кўйилганда икки ғалтак олиниб ва бобинада катта бўлмаган қолдиқ ип бўлган. Барабанли юритмаси маълум даражада тандалаш тезлигини 600 м/мин чегаралар ва вални тўхтатиш учун кучли тизим зарур бўлган. Тўғри ёки барабансиз юритгич барча айланувчи массаларнинг синхронли тўхтатишига ва тиристорлар билан бошқарилувчи сиқувчи вали икки контакти электр юргизгичга эга булишига, тандалаш тезлигини 1000 м/мин, гардишлар диаметрини 100 см га етказишга имкон берди. Тўлиқ тандалаш вали гардишлари диаметри 76,2 см га тенг бўлганда, тандалаш тезлиги 230 мин⁻¹ тезлик билан айланган, замонавий тандалаш валида эса гардишлар 100 см, 1000 м/мин тандалаш тезлигига айланыш тезлиги 315 мин⁻¹ тенг. Замонавий тандалаш машиналарида гардишлар орасидаги масофа 160-180 см, ғалтқлар оғирлиги 2 марта кўп бўлади.

Кўйидаги жадвалда барабанли ва замонавий барабансиз тандалаш машинасининг тақъослаш тавсифи берилган.

Кўрсаткичлар номи	Барабанли машина	Барабансиз машина
Гардишлар диаметри, см	76,2	101,6
Тандалаш тезлиги, м/мин	550	1006
Тўла валда айланыш тезлиги, мин ⁻¹	230	315
Галтқининг максимал оғирлиги, кг	362,2	681

Ромдан тандалаш машинасигача бўлган масофа, м	3,66	3,66
Галтакнинг тұхтатышиш вақти, сек	0,8	0,44
Тандалаш ғалтагининг тұхтатышиш вақтида унинг айланышлар сони	1,53	1,15
Бурчакли секинлашыны, рад/с ²	30	75
Айланыш радиуси, м	0,268	0,36
Тұхташ лаҳзаси, Нм	780	6616

«Беннингер» фирмаси ZDA/GCA барабанли тандалаш машинаси 600 м/мин тандалаш тезлигига, 800 мм диаметрли гардишларга эга.

1000 м/мин тезликдаги тандалаш жараённинг тұхталиши вақтида 0,7 м ипнинг тандалаш ғалтакка келиши ва 1,4 м ипнинг тұхтатиши вақтида ўралиши аниқланған.

«Барбер-Кольман» фирмаси OR тандалаш машинасида түртта пневматик тұхтатгичи құлланади. Иккитаси тандалаш ғалтагида, биттаси айлантириб берувчи валда ва биттаси йұналтирувчи роликларда. Иккита дисксимон тұхтатгич тандалаш ғалтагининг гардишлари диаметрини ўзгартыриш күзде тутилған. Лойихаланған дастурда ҳаракатли тұхташларни жорий қилиниши тұхташ лаҳзасини тандалаш ғалтаги массасига, ўралиш радиуси квадрати ва бурчак секинлашувига бевосита боғлиқ ўрнатышга имкон беради. Агар тандалаш вали 162,5 см гардишлар оралығы ва 100 см гардишлар диаметрига эга бўлса, ўраш боши ва охирида тандалаш ғалтаги оғирлиги 120 ва 600 кг ни ташкил этади. Тандалаш ғалтаги ўқи 40 см диаметрида бўш ва тұла тандалаш ғалтаги ўраш радиуси 15 ва 35 см да талаб этиладиган тұхтатиши лаҳзаси ғалтак ишланиши вақтида тахминан 10 мартаға ошади. Тандалаш ғалтагининг тұғри юритмаси яна бир неча жараён такомиллашувига имкон берди. Барабанли юритмада жараён самарадорлиги ишқаланишига боғлиқ. Бунинг натижасида ипнинг физикавий-механик хусусиятлари, айниқса кичик чизиқли зичликдаги иплар, ёмонлашади. Тандалаш ғалтаги көнглиги буйича иплар таранглигининг катта фарқи кузатилиб, натижада ғалтакнинг ўрта қисміда таранглик четларига нисбатан анча кўп эди. Бу таъсир тандалаш машинаси қаторчасига илларнинг нотұғри терилиши натижада содир бўлади.

Ип узилиши паст бўлганда тандалаш тезлиги катта аҳамият касб этмайди. 1 млн м ипга 144 узилиш тұғри келади, шу сабабли тұхташ


вақти 161,2 мин гача ошади, машинадан самарали фойдаланиш вақти 27% гача пасаяди, бунда тандалаш тезлиги 270 мин.га мувофиқ келади. Тандалаш машинаси 400 м/мин тандалаш тезлиги ва 1 млн.м илға 1,8 ҳол узилишида худди шундай унумдорликка эга бўлади. 1100 м/мин тезликли тандалаш машиналари эксплуатацияси учун ҳар қандай ишлаб чиқариш шароитлари ҳам тўғри келавермайди. Бундай тезликка эга бўлган кўпгина тандалаш машиналари кўпинча 500 м/мин тезликли машиналарда ишлатиладиган ипларга нисбатан арzon ёки ипларниң кичик гурухларида ишлайди.

Гурухлаб тандалаш машиналари учун тузиљмаларнинг эргонометрик аспектлари, ип узилишини бартараф қилиш вақти айниқса мухим. Қатор тандалаш машиналарида бу вақт 1,1 дан 1,2 мин гача ташкил этади. «Беннигер» фирмаси ZDA/OCA тандалаш машинасида узилишни 0,7 мин.да бартараф этиш мумкин, 650000 м танда иплари узунлигига гуруҳдаги ҳар бир фалтакда 420 бобина ўрнатиш учун 2,5 соат вақт тежалади. Бундай вақтни ип кесиш учун курилмани қўллаш, бобина ва тандалаш машинаси ўртасидаги минимал масофани, муваффақиятли лойиҳаланган ва қулай жойлаштирилган бошқарув тизимини қўллаш туфайли тежашга эришиш мумкин.

Тандалаш жараёнини мукаммалаштиришнинг асосий ўналишларидан бири электрон курилмалар базасида автоматлаштириш ва микропроцессорли техникада бошқаришни амалга оширишdir. «Элитекс» концерни (Чехия) билан ҳамкорликда юқори иш унумига эга бўлган 2207-Ш1-МПУ русумли тандалаш машинаси яратилди (44-расм). Бу тандалаш машинаси кимёвий комплекс ипларни ва ҳар хил чизиқли зичликларни тандалаш учун мўлжалланган.

Машина 672, 874 ёки 1056 та бобинани ўрнатиш учун автоматлаштирилган ром билан жиҳозланган. Бобиналарни жойлаштириш секцияларда ташиладиган араваларни ва механизациялаштиришни талаб қиласди.

Юритма ва ромни бошқариш тизими ўрашлар тарангловчи асбоблар орасидаги масофани ўзгартиришга ва ипларни механизациялашган усулда кесишга имкон яратади. Иплар таранглигини автоматик бошқариш учун ром алоҳида узуқни огоҳ этади ва ромда тик жойлашган огоҳлантирувчи гуруҳ мажмуаси узилган ипни топишни енгиллаштиради. Ром қаторлари статик зарядланишни олдини олувчи мажмуа билан жиҳозланган.



44-расм. 2207-Ш1-МПУ тандалаш машинасыннинг технологик схемаси.

1-силлиқловчі вал; 2-ўраш құсмі; 3-тандағатға; 4-үлчовчі вал; 5-сильжувчі тароқ; 6-эмульсияловчы курилма; 7-дефектоскоп; 8-узук гурухлы сезгичлари; 9-күчланишли сезгичлар; 10-бұлувчы таҳта; 11-тарангловчы; 12-узук үчүн алоҳида сезгич; 13-ташувчы секция; 14-қайчилар; 15-микропроцессорлы бошқарув қутиси.

Ромдан келадиган ип бұлувчи досқадан тарангликни йиғиши сезгичидан үтиб, оптик дефектоскоп, фотоэлектронли гурухлы сезгич ва эмульсияловчы курилмадан үтади, сұнг машинанинг ўраш құсміга боради. Машинасыннан бу қисмінде тандағаттарини епишқоқ пилта билан елимловчы, үлчовчы ва силлиқлаш валлары, механизациялаشتырылған курилма мажмуди ва тандағаттагыны тушириш, бош юритма, тұхтатиш мажмуди ва машинаны бошқарыш майдони жойлашған.

Ўраш қисмінде күзғалувчан қатор ёрдамыда берилған зичлик ва тандағаттың үрнатылады. Гардиш диаметри 1015 мм.ли вал ишлатылады.

Машинаны бошқарып микропроцессорлы бошқаруви ёрдамыда амалға ошириледі. У қүйидеги жараёнларни бажаради:

- Датчик ва курилмалардан келадиган огохларни автоматик үйгеди ва улар дастлабки ишлов беради;
- Машинанинг бошқарув қутисидеги ахборотларга тезда ишлов беради;
- Тандағат жараённиннинг асосий технологик омилларини

берилган ва ҳақиқий қыйматлар рақамли ахборотини сонли дисплейда тезда тасвирлайди;

— Бошқариш мажмуй-қисмлар ва сезгичлар созлигини ташхисловчи автоматик назорат қилади;

— ТЖБМА ва ИЧБМА — юқори сатұдаги бошқариш мажмуй ЭХМ билан бөлгелініб, ахборотларни узатади.

Тұплам ижрочи механизмға эта бұлған қурилма ёрдамида микропроцессорлы мажмұа, ип таранглиги, тандалаш тезлиги, үрам зичлигі, белгиланған үрам узунылығы автоматик бошқарилади.

3.7.1. ПИЛТАЛАБ ТАНДАЛАШ МАШИНАСИ

Пилталаң тандалаш муракқаблаштирилған найчалар талаб этмайды, чунки жараённинг юқори унумдорлығига эришиш масаласи күйилмайды. Одатда, тандалаш машинасини бобина магазини билан берірга құлланади, баъзаң иккі бобина параллел үрнатилади ва итнинг катта бұлмаган гурұхларыда фойдаланылади. Агар бобинани алмаштириша күп вақт сарфланмаслиги учун иккі параллел үрнатылған бобинанинг құлланиши иқтисодий самара беради.

Пилталаң тандалаш машинаси иккі асосий қисмдан иборат: тандалаш барабаны ва итнинг тұқыв ғалтtagига үраш учун қурилма. «Хакоба» фирмаси USK машинаси электрон бошқарувға эта. Ип найчадан баҳоли ва суппорты тиғлар орқали цилиндриксимон бир уида конуссимон асоси бұлған барабандан үтади. Баъзи машиналарда, масалан «Хакоба» фирмаси USK машинасида барабан асосининг конус бурчагы майянлаштирилған, бошқаларыда, масалан «Беннингер» фирмаси ZA машинасида барабан асосининг конус бурчагини үзгартыриш мүмкін. Конуснинг үзгарувчан бурчаклы барабаннинг афзалити суппорты тиғ конуси энг кичик бурчагида тишилар сонини ишлатиш имконига эта бұлиб, у қатламлар сиптишиз пилта үралыш мустаҳкамлигіні таъминлайди. Бу ҳолда конус баландлығи танда илпари чизиқти зичлигига мувофиқ келади.

«Хакоба» фирмаси USK машинасида баҳоли ва суппорты тиғлар күзгалмас, барабан эса пилта үралышда силжиди. Пилталаңнинг тұқыв ғалтtagига үралышда барабан тескари йұналишда силжиди, тұқыв ғалтак эса жойида қолади. «Беннингер» фирмаси ZA машинасида тұқыв ғалтаги барабандаги пилталарапта нисбатан ғалтак гардишлари тұғыры ҳолатини сақлаб қолиб, күзгалмас конуссимон барабанга нисбатан силжиди. Тандалаш машиналарининг күпчилигінде

гардишлар диаметри 800 мм дан ошмаган, ҳозирги вақтда эса гардишлар диаметри 1000 мм бўлган кўп машиналар мавжуд.

Лойиҳанинг хусусияти – узилган ип учларигача ўраш олдини олиш учун барабаннинг самарали тўхтатиш тизими билан тўлдирилган тез ҳаракатланувчи тўхтатиш қурилмасидир. Узилган ип учини топиш учун ёки барабаннинг тескари айланишини, ёки пилталарапнинг барабандан фалтакга қайта ўрашда оператор дикқатини жалб қилувчи рангли «қоғозчалар» қўлланади. Тандалаш машиналарининг кўпчилиги ўралиш жараёнида суппорт силжиши ёки конус бурчаги талаб этиладиган катталиги аниқланадиган «Синов жадваллари» билан чиқарилади. «Бенninger» фирмаси ZA тандалаши машинасида кўп йиллардан бери пилта қалинлигини аниқловчи қўлланади. Ипларнинг маълум тури ва чизиқли зичлиги, уларнинг таранглашуви, пилта зичлиги ва мувофиқ суппорти тиғдан ўтиб ўралган пилта қалинлиги автоматик аниқланади. ZA машиналари вазифаси – оҳорлаш учун якка ёки қўш тўкув фалтаклари олиш, ип газлама ишлаб чиқаришда тўкув дастгоҳида бевосита улаш учун фалтаклар, тўкув дастгоҳида момиқ сочиқлар ишлаб чиқаришда тук танда или учун фалтаклар, намлаш учун ингичка нейлон ипли тафта ишлаб чиқаришга мўлжалланган фалтаклар ишлаб чиқариш. Махсус қурилма ёрдамида пилта узунлиги ўлчанади ва шу туфайли барабандга ҳамма пилталарапнинг қаттиқ назорати амалга оширилади. «Хакоба» фирмаси USK машинаси электрон бошқарилади ва куйидагича ишлайди. Суппорт силжиши аниқ катталиги пилтадаги ипларнинг чизиқли зичлигига боғлиқ. Ўлчов қурилмаси 1м диаметрли барабаннинг биринчи 100 айланишида ўралган ип узунлигини ўлчайди. Ипларнинг бу узунлиги пилталарда ип узунлиги ва ўраш диаметрини электрон бошқариш учун асос бўлади. Электрон қурилмалар ёрдамида биринчи пилтанинг аниқ жойлашуви ва кейинги пилталарап ўралишида суппорт столчасининг ён томонга силжиши назорат қилинади. Тандалаш машиналарининг кўпчилиги қўзғалувчан барабанли қилиб таёrlанади. Бундай машиналарнинг асл мисоли «Бенninger» фирмаси машинаси ҳисобланади. У пилталарапнинг барабандан фалтакка ўраши учун оддий қурилма таъминланиши мумкин. Шунингдек, барабанини йўналтирувчилар бўйлаб силжитиш ва уни оҳорлаш машинаси ёнида жойлаштириш ҳам мумкин. Оҳорлаш машинасида махсус қурилма пилталарап очилишига қараб барабаннинг ён силжишини таъминлайди. Бу қурилманинг

күлланиши тандалашда катта майдон талаб этади ва унда тандалаш тезлигини пасайтириш зарурати туғилади. Одатдаги шароитда тандалаш барабандан фалтакка ўралиши машина иш вақтининг 20% ини ташкил қиласи, бироқ тандалашнинг паст тезлиги талаб этилса, самара анча сезизларли бўлади. Бу машиналарда тандалаш тезлиги одатда 800 м/мин ташкил этади. Ипнинг пилтадаги узунлиги тандалаш фалтаги гуруҳидагидан анча кам. Узилган ипларни баҳоли ва суппорти тиглардан ўtkазиш зарур, шунинг учун гуруҳлаб тандалашдагига қараганда машинани фойдали кўллаш вақти анча кам. Агар тандалашнинг биринчи жараёнида машинани фойдали ишлатиш вақти 30% ни ташкил этса ва барабанда узилган иплар бўлмаса, икала жараён учун фойдали ишлатиш вақти фақат 27% ни ташкил қиласи. Бу ерда тандалаш тезлиги гуруҳлаб тандалашга қараганда кам, чунки тезликни 25% га ошириш ишлаб чиқаришни фақат 5% га оширади. Олинувчи барабанни ишлатишда шу шароитларда ишлаб чиқаришнинг катталашуви 6% ни ташкил этади. Кўп ҳолларда пилтали тандалашда биринчи жараёнда машинани фойдали ишлатиш вақти 30% дан паст ва иккинчи жараёнда 100% дан паст бўлади, шунинг учун машинани фойдали ишлатишнинг умумий вақти 27% дан юқори деб ҳисоблаш керак. 10-15% қийматлар амалий маълумотларга яқин бўлиб, биринчи пилтани ўрашни бошлашдан, то тайёр навойни олишгача вақтни уз ичига олади.

3.7.2. БАРАБАН СИГИМИ ВА ФАЛТАК ГАРДИШЛАРИ ДИАМЕТРИ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛАНИШ

Барабан сигими билан тўқув фалтагидаги гардишларнинг максимал диаметри ўртасида боғлиқлик бор. Ўраш ҳажмини қўйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин.

$$V = \frac{1}{2} \pi_n S (D+d) 1 \sin Q = \frac{1}{2} \pi_n S 1 \sin Q (d+d+2 1 \sin Q) = \frac{1}{2} \pi_n S 1 \sin Q (2d+2 \sin Q) = \pi_n S 1 \sin Q (d+1 \sin Q)$$

бу ерда, π – пилталар сони, $\pi=10$;

S – суппорт силжиши, $S=17,8$ см;

D – тандалаш барабанида ўраш диаметри, см;

d – тандалаш барабани диаметри, $d \approx 75.5$ см;
 l – конус узунлиги, $l=85$ см;
 Q – конус бурчаги, $Q=15,6^\circ$

Тенгламага соң қийматларини күйиб чиқиб, $V=1067000 \text{ см}^3$
 үраш ҳажминиң ҳосил қиласыз.

Ип үраш ҳажмининг бу қийматини D_r гардишлар диаметри, d_y
 үқ диаметри, ва W гардишлар үтказилиши билан тенгластирамиз,
 у бу ҳолда 178 см га тенг.

$$\frac{1}{4} \pi (D_r^2 - d_y^2)W = 1,067$$

$$D_r = \sqrt{(0,7632 + d_y^2)}$$

Тұқув фалтаги үқ диаметри, одатда 18 см га яқинни ташкил
 қиласы. Бу ердан

$$D_r = \sqrt{0,7956} = 80,2 \text{ см}$$

Шундай қилиб, барабандан ипни үраб олиш учун 900 мм дан
 кам бұлмаган фалтак гардишлари диаметри талаб этилади.
 Замонавий тандалаш машиналарида гардишлар диаметри 1000 мм
 ни ташкил этади..

3.7.3. ПОЛИОЛЕФИН ПИЛТАЛАР УЧУН ТАНДАЛАШ МАШИНАЛАРИ

Бу машиналар гиламлар учун асос (илдиз) танда ипини, шунингдек үраш материаллари, махсус техник матолар ишлаб
 чиқариш учун құлланувчи полиолефин пилтапарни тандалаш учун
 мүлжалланған. Полиолефин пилтапарни тандалашта иккі талаб
 қуилади. Биринчидан, пилтапар тарандылығы тандалаш фалтагининг
 бутун ишлаш вақты давомида доимий булиши керак ёки бәзі
 ҳолларда махсус курилма берилған катталикларнинг бошидан
 охирігача тарангликни автоматик камайтириши керак. Иккінчидан,
 пилтапарни тандалаш фалтагига шундай ётқизиш керакки, үраш
 қизифида уларнинг буралиши бұлмасын. Бу иккі талаб түрли йүллар

билан бажарилади. «Лисон» фирмаси машинасида биринчи талаб тензометр билан боғлиқ маҳсус ғалтакча ёрдамида бажарилади. Тензометр сигналы электрон корпараторга узатилиб, унда оператор берувчи тараптлик билан таққосланади. Агар пилталар тараптлигини камайтириш зарур бўлса, тарапглашув ўзгариши чегаралари ўрнатилади. оралиқ қийматлар эса потенциометр ёрдамида автоматик тарзда аникланади. «Хакоба» фирмаси машинасида тандалаш ғалтаги охирида пилталар бошланғич тараптлигининг 10% га пасайиши таъминланади. Қисувчи вал ҳолатини ўзгартирувчи маҳсус мослама ёрдамида пилталар буралишига йўл қўйилмайди ва уралиш диаметрига боғлиқ бўлмаган ҳолда пилталар юзасига бир ҳолатда ёндашиб туради. «Хакоба» фирмаси «ВИВ» русумдаги машиналарда қисувчи вал пастда, тандалаш вали орқасида жойлашади.

«Уилсон» ва Лонгботтем» фирмасида пантограф «қофоз юргизувчи» деб аталувчи маҳсус валик билан алмаштирилган гиламдаги илдиз тандаларини тайёрлаш учун эни 540 см, тараптлиги 16 кН гача бўлган пилталарни тандалаш машиналари чиқарилади, уларда кўпинча икки томонлама юритма қўлланади. Адабиётларда кўпинча икки полотноли гилам тўқишида илдиз тандалари учун икки ғалтакдан ипларни бушатиш шартларидағи фарқлар туфайли тўғри келмайди деган таъкидлашлар учрайди. Олимлар тажрибаси буни рад этади. Матлум шароитларда гилам илдиз тандасини 330 см кенглиқдаги тўқув дастгоҳи учун 150 см кенглиқдаги тандалаш машинасидан икки ғалтак кўринишида ёки 540 см кенглиқдаги тўқув дастгоҳи учун 270 см кенглиқдаги тандалаш машинасида тайёрлаш мумкин. Агар гиламнинг илдиз танда ипини тандалаш машинасининг алоҳида ягона вазифага мўлжалланган бўлмаса, у ҳолда уни икки полотноли тўқиши учун танда тайёрлашда қўллаш мумкин. Акс ҳолда ишлаб чиқариш майдонига қараб тўқув дастгоҳининг ўрнатиш кенглигига мувофиқ келадиган тандалаш машинасини қўллаш керак. Полиолефин пилталарни тандалаш машиналарида кўпинча тақсимловчи курилмалар бўлмайди, бироқ тақсимловчи сифатида машина бош қисми орқасида полотно тўқиши учун мувофиқ гула кўзчали икки шодалар билан жойлаштириш мумкин. Шодаларни кўтариш ва тушириш тиҳсимон рейка ва электроргизгич шестерняси билан боғланган шестерня ёрдамида амалга оширилади. Пилталар гулаларнинг алоҳида кўзчаларидан ўтказилади, тақсимловчи чилвирча эса тўқув дастгоҳида тандани ўрнатишда учларни автоматик

боглаш учун ётқизилади. Гардишлар диаметри 1000 мм диаметрли тұқым фалтакларини күллаш яширок, чунки тұқым дастгохда 1 см.даги аржок ипларига 4 та гилам илдиз танда или түгри келади. Маҳсулот ишлаб чиқаришда танданинг навойдан чиқишида йүқотишларни тұқым фалтагы сиғимини ошириш ва эски танда учларини янги танда учларига тутунлашни күллаш билан камайтириш мүмкін.

3.8. ТАНДАЛАШ ҲИСОБИ

Хар бир янги газламани ишлаб чиқаришдан олдин унинг күрсаткичлари ҳар бир жараён учун алоҳида ҳисоблаб чиқлади.

Тандалаш жараёни учун танда фалтаклари сони, ҳар бир фалтақдаги иплар сони, тандаланган иплар узунлиги ҳисобланади. Ҳисоблаш учун асослар: танда иплари сони ва ипнинг чизиқли зичлиги, ромнинг ҳажми, танда фалтаги үлчамлари, үрамнинг солиштирма зичлиги, тұқым фалтагидеги иплар узунлиги, охорлашдаги ипчиңдиси узунлиги.

Гурухдаги танда фалтаклар сони

$$n = \frac{M}{k} \quad (3.18)$$

бу ерда M – танда иплари сони, k – ром ҳажми.

Танда фалтагидеги иплар сони

$$m = M/n \quad (3.19)$$

Гурухдаги ҳар бир танда фалтакда иплар сони, ипларнинг чизиқли зичлиги бир хил булиши керак, агар бұлмай қолса, зичлик ҳар хил бұлади. Ҳамма шароитда ҳам, умумий иплар сони тұқым фалтагидеги иплар сонига тенг булиши керак.

Танда фалтагидеги ип ҳажми, см^3 .

$$V = \frac{\pi H}{4} (D_1^2 - D_2^2), \text{ см}^3 \quad (3.20)$$

бу ерда, H – гардиш орасидаги масофа, см.

D_2 – танда фалтаги үқи диаметри, см;

D_1 – тұла үрам диаметри, см. (одатда гардиш диамметридан 2-3 см кам қабул қылнади).

Танда фалтагидеги ип оғирлигі, кг.

$$G = \frac{V\gamma}{1000} \quad (3.21)$$

γ – солиширима зичлик, $\text{г}/\text{см}^3$

Тандалашда ипнинг мувофиқ узунлиги, м

$$L_i = \frac{G\gamma}{mT} \quad (3.22)$$

T – ипнинг чизиқли зичлиги, текс.

Ҳисобли ип узунлигини шундай қабул қилиш керакки, гуруҳдаги түлиқ сонли танда ғалтакларидан түлиқ тўкув ғалтаклари сони топилсин:

Тўкув ғалтаклар сони:

$$n = \frac{L_i}{L_t} \quad (3.23)$$

Бу ерда L_t – тўкув ғалтагидаги ипларнинг ҳақиқий узунлиги

Танда ғалтагидаги ипнинг ҳақиқий узунлиги, м

$$L_i = L_t n + L_w \quad (3.24)$$

L_w – оҳорлашда йўқоладиган ип узунлиги, м

Тандалашда ипнинг ҳақиқий узунлиги оҳорлаш машиналаридаги чўзилишни ҳисобга олиб топилади, м

$$L_p = \frac{L_t * 100}{100 + \varphi} \quad (3.25)$$

бу ерда φ – оҳорлашда ипларнинг чўзилиши, %.

Танда ғалтагидаги ипларнинг ҳақиқий оғирлиги, кг.

$$G_p = L_p m T 10^{-6} \quad (3.26)$$

Узлуксиз тандалашда ғалтак ёки бобинадаги иплар узунлиги ҳисобланади. Қайта ўраш ўрамидан танданинг аниқ тўла ғалтаклар сонини олиш учун ип узунлиги етарли бўлиши керак ва 5% миқдорда бобинада заҳира ўрам қабул қилинади.

Рангли тандалар ҳам рангсиз тандалар каби ҳисобланади, лекин ҳисоблашда ипнинг рангли раппорти назарда тутилади, ранг монераси ва ундаги иплар сони гуруҳдаги ҳамма ғалтакларда бир хил бўлиши керак. Пилталаб тандалашда пилталар сони, пилта

Эни ва тандалаш узунлиги топилади. Ҳисоб учун керакли сонлар қўйидагича: тандадаги иплар сони, ромда жойлашган бобиналар сони, тиф бўйича газламанинг тўлдирилган эни, тўкув фалтагидаги иплар узунлиги.

3.8.1. ЎРАМ ҚАТЛАМЛАРИ ҲИСОБИ

Тўкув фалтакларга ўрашда кўпчилик ҳолларда, хусусан тандалашда ва бевосита ўрашда ип таранглиги доимий бўлади. Аммо, қатlam ҳосил қилувчи ипнинг радикал таранглиги ўрам радиуси ошиши билан камаяди.


45-расмда кўрсатилган ўрам элементини ва ўраш жараёнида ип таранглигининг пухта ҳаракатини учбурчаксимон пропорция асосида келтириш мумкин [3].

$$\frac{d\delta_k}{Fq \frac{dx}{x}} = \frac{1}{x} \quad (3.27)$$

δ_k – радиал таранглик;

F – ҳар бир ип таранглиги;

$q = 1 \text{ см}^2$ ўрам қатламидаги иплар сони, ўрам радиуси.



45-расм. Ўрам элементи кучларининг таъсири.


Радиал тарангликнинг ошиши, ҳар бир ип таранглигини ҳосил қиласи ва ўрам радиусига тескари пропорционал бўлади.

$$d\delta_k \frac{Fq}{x} dx \quad (3.28)$$

Үзгәрүвчи босым таъсирида ўрамдаги қатлам зичлиги ўрам радиусига боғлиқ, чунки $S_n \approx q$.

Биринчи якынлиқтада зичликни чизикли деб қабул қилиш мүмкін. Аммо, бу фақаттана ип таранглигининг шундай катталигиде юз берадыки, қочонки тұқын навойи үкі бүйічә ўрам қатламининг силжиши ахамиятсиз бўлса (46, а-расм).

Агар қатлам силжиши V пораболада ҳосил бўлиб V дан кичик бўлса, унда функция ҳам тўғри қабул қилинади (46, б-расм).



46-расм. Тайёр ўрамнинг зичлик графиги.

Агар энг юқори силжиш V_0 катталикка эришса функция зичлиги этилиш нүктасига эга бўлади (46, в-расм). Агар энг юқори силжиш V катталиктан юқори бўлса (46, г-расм) радиус ўсиши билан тескари амаллар ҳосил бўлади, босим ошади, зичлашади ва ҳоказо.

Пилталаб тандалашда оралиқ тўпловчи (тандада барабани) борлиги сабабли ўрашда ҳар бир ипнинг таранглигини навбати билан ошириш имконияти бор. Натижасида ўрам зичлиги деярли доимий сақланади [3].

3.8.2. ЎРАМ ҚАТЛАМИ ЗИЧЛИГИ

Ўрам қатламлари толали материаллари зичлигидан ташқари тола ва ип орасидаги бўшлиқни ҳисобга олувчи зичлик ҳам муҳим ўрин тутади. Бу ўрам зичлиги S_u деб белгиланади ва босим, матоға боғлиқ зичлик коэффициенти K орқали унинг толали мато зичлигига боғлиқлиги топилади. Чизикли зичлик T ни ҳисобга олган ҳолда куйидаги боғлиқликни тузиш мумкин [3]:

$$S_e = S \times \cdot \quad (3.29)$$

$$K = \frac{S_u}{S} = K_{max} (1 - \ell \cdot \beta r / \gamma)^i \quad (3.30)$$

$$q = S k / T \quad (3.31)$$

$q = 1 \text{ см}^2$ ўрам қатламидаги иплар сони; λ — чўзилиш коэффициенти.

Функция зичлиги сифатида бундан кейин q_x функциясини қабул қилишга тўғри келади, чунки x — ҳар қандай радиуси сантиметрлардадир. Навой ўлчамлари асосида 46-расм бўйича

$$x_1 = 0,5 d_o \quad (3.32)$$

$$x_2 = 0,5 d_2 \quad (3.33)$$

$$x_3 = 0,25 (d_2 + d_o) = \frac{(x_1 + x_2)}{2} \quad (3.34)$$


d_o — тўқув навоий ўқи диаметри. d_2 — тўқув навоидаги ўрам диаметри. (3.33) ва (3.34) тенгламалар ғалтак гардишлари тўла фойдаланилганда гина ўринлидир. Акс ҳолда d_2 паст қийматларга эга бўлиши мумкин.

(3.30) тенгламадаги K , агар тола кесими айланада, аммо қатлам юқори босим асосида бўлса, K_Π — зичлик коэффициенти ҳал қилувчи рол бажаради [3].

Зичлик коэффициенти K_Π куйидагича топилади (47-расм бўйича):

$$K_\Pi = \frac{A}{A_u} = \frac{\pi r^2}{2 \times 3^{1/2} r^2} = \frac{\pi}{2 \times 3^{1/2}} = 0,907 \quad (3.35)$$

A — битта ипнинг кўндаланг кесими, мм^2 . A_u — ўрам зичлиги энг юқори бўлганда кўндаланг кесим юзаси.



47-расм. Ўрам майдонинг кўндаланг кесиш майдони билан тақдослаш назарияси.

$\text{мм}^2 (A = r^2 \pi, A_{\text{u}} = 2 \sqrt{3} r^2)$; r – ип радиуси.

K_o катталиги ташки ўрам қатлами зичлигига тўғри келади. K_o – катталиги асосида ўрам ўргасида керак бўлувчи босим катталиги ($0,4 - 1$ Мпа) ётади.

$$X = 0,25 (d_2 + d_o)$$

(t_1) тенгламадан маълумки

$$q_c = \frac{S}{T} \quad (3.36)$$

$$q_o = \frac{S_{\text{yo}}}{T} \quad (3.37)$$

46-расмга асосан тўғри чизиқли икки нуқта тенгламасидан Куйидаги тенгламани тушиб мумкин:

$$\frac{q_o - q_c}{\frac{x_2 + (x_1 + x_2)}{2}} = \frac{q - q_o}{x - x_2} \quad (3.38)$$

бундан ғалтак ўқи оралиғи боғлиқлигига ип зичлигининг ўзгариши тенгламаси ҳосил бўлади.

$$q(x) = 2 (q_o - q_c) \frac{x - x_1}{x_2 - x_1} + q_o \quad (3.39)$$

(3.36) ва (3.37) тенгламаларни ҳисобга олиб

$$q(x) = [2(K_o - K_c) \frac{x - x_2}{x_2 - x_1} + K_o] \frac{S}{T} \quad (3.40)$$

Бу тенглама үрам зичлиги функциясининг яқинлашганидир.

3.8.3. ҮРАМ УЗУНЛИГИ

Агар үрам элементи айланы радиуси, қалинлиги ва эни 1 см қабул қилинган бўлса (45-расм). α=360° айланса, унда у $q(x) A = qx$ 1 см dx ипни ташкил этади. Агар бу сон D иплар сони бўлса, үрам элементи сони келиб чиқади. Натижада, бу катталикларни 2 айланма элементта кўпайтириб элемент узунлиги ҳосил қилинади[3]:

$$dL = \frac{2\pi}{D} x q(x) dx, \quad (3.41)$$

Тенгламани интеграллаб x_1 дан x_2 гача ҳамма йигиндини оламиз:

$$L = \frac{2\pi}{D} \int_{x_1}^{x_2} x q(x) dx \quad (3.42)$$

Агар $q(x)$

$$L = \frac{2\pi S}{DT} \int_{x_1}^{x_2} x [2(K_o - K_c) \frac{x - x_2}{x_2 - x_1} + K_o] dx \quad (3.43)$$

Натижада, ушбу ечим қуйидаги тенгламани олади

$$L = \frac{\pi S}{3DT} [2(K_c - K_o)(x_2^2 + x_1 x_2 - 2x_1^2) + 3K_o(x_2^2 - x_1^2)]; \quad (3.44)$$

ёки ўзгармас зичлик учун тенглама қуйидагича бўлади:

$$L = \frac{d_2^2 - d_1^2}{4 DT} \pi S K_c \quad (3.45)$$

3.8.4. ҮРАШ ВАҚТИ

Үраш вақти үзгармас бўлганда $L = g t$ формула ўринли (3.42) формула асосида белгиларини ўрнига қўйсак үраш вақти келиб чиқади:

$$t = \frac{2 \pi}{g D} \int_{x_1}^{x_2} x q(x) dx \quad (3.46)$$

g – үраш тезлиги.

Ўровчи қурилманинг доимий айланиш частотаси дифференциали баҳони талаб қиласди:

$$\frac{dL}{dt} = \frac{dL}{g_s(x)} \quad (3.47)$$

Радиус г айланиш частотаси п буйича функция тезлигини ҳисоблаш мумкин.

$$g(x) = 2x \pi n \quad (3.48)$$

(3.41), (3.47) ва (3.48) тенгламаларни бирлаштириб оламиз.

$$\frac{2 \pi}{D} x q(x) - \frac{2 \pi}{D} ; \quad (3.49)$$

$$\text{ёки } t = \frac{1}{DnT} \int_{x_1}^{x_2} q(x) dx \quad (3.50)$$

Үраш вақтини қўйидаги тенглама билан ҳисоблаш мумкин

$$t = \frac{S}{DnT} \int_{x_1}^{x_2} [2(x_2 - x_1)(K_o - K_c) \frac{x - x_2}{x_2 - x_1} + K_o] dx \quad (3.44)$$

Интеграллагач оламиз:

$$t = \frac{S}{DnT} \left[\frac{2(K_o - K_c)}{x_2 - x_1} \left(\frac{x_2^2 - x_1^2}{2} \right) - x^2(x_2 - x_1) + (x_2 - x_1) \right]$$

Соддалаштиrsак:

$$t = \frac{S}{D_n T} (x_2 - x_1) K_c \quad (3.51) \text{ оламиз.}$$

Ушбу ҳолатда функция зичлигининг ўсиши үраш вақтига боғлиқ эмаслигини ҳал қиласди.

3.8.5. ТАНДАЛАШДА ИПЛАР ХУСУСИЯТИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Тандалаш жараёнида иплар зўриқиши натижасида бир оз чўзилади. Бунинг натижасида эса ипнинг чизикли зичлиги камаяди, мустаҳкамлиги ва узайиши пасаяди. Ипнинг фойдали хусусияти тандалаш давомида кам ўзгариши учун таранглик катталиги бир хилда туриши керак.

Кўзгалмас конуссимон бобинани тандалашда ип таранглиги биринчи навбатда таранглаш асбобининг ўрнатилишига боғлиқ ва уни бошқариш мумкин. Кўзгалмас бобинадан тандалашда ип тебраниши бир оз ўзгаради. Битта ўрам ечилганда буралиш бир марта ошади. Буралишнинг ошиши боғламнинг узунлигига боғлиқ. Бобина диаметри камайган сари буралиш сони ортади.

Кўпчилик ҳолларда тандаланаётган айрим ипларнинг умумий физик хусусияти ўзгариши сезиларсиз, фақаттина амалий тадқиқот қилингандагина билиниши мумкин. Кейинги жараёнларда тандаланаётган ип таранглигининг tengлиги ва ўрам шаклининг тўғрилиги муҳим аҳамиятта эга.

Ип таранглигининг нотекислиги барча кейинги технологик жараёнларда тузатиб бўлмас ҳолдир. У тўкув жараёнида ҳам ўз таъсирини курсатади ва тўкув дасттоҳининг бир хил ишламаслигига сабаб бўлади. Ушбу натижалар ўрам шакли нотекислигига ҳам яққол билинади. Ўрамдаги кичкина ҳалқасимон қалинлик ёки диаметри кичиклиги ипларнинг ҳар хил узунликда ўралганлигидан далолат беради ва тўкув жараёнида айрим ипларнинг нотекис таранглигига сабаб бўлади. Бу камчилик кўпинча кам чўзилувчи ипларга кўпроқ билинади. Масалан, зифир, шиша тола, ипак ипларида.

3.9. ТАНДАЛАШ НУҚСОНЛАРИ, ЧИҚИНДИЛАР ВА ҮНУМДОРЛИГИ

Тандалашда қуйидаги нұқсонлар мавжуд:
Майда таҳламалар – узилган ип учини танда ғалтагидаги бошқа
ип учига боғлаш.

Чатишма – узилган ип учини танда ғалтагидаги ип учига
боғланмай бошқа илга чатишириб юбориш. Чатишма ва майда
таҳламчалар оҳорлаш пайтида танда ғалтагида чигал иплар ҳосил
қиласы. Бу нұқсонлар тандаловчининг эътиборсиз ишлаши ёки
тұхтатиш механизмининг бузилиши натижасыда ҳосил бұлади.
Натижада, тандаловчи узилган ип учини топа олмайды ва ёнідаги
илга улаб юборади.

Ғалтакдаги йиғтиқ – гурух ипларнинг узилиши ва чатишма
боғлаш. Бу нұқсон тандаловчининг эътиборсиз ишлаши натижасыда
содир бұлади.

Ұрам шаклининг нотекислигі – бу нұқсон тароқлы қаторчада
ипларни нотұғри жойлаштириш ва тароқлар оралигининг
нотұғрилиги натижасыда ҳосил бұлади.

Четининг бүшлигі – танда ғалтагига танда барабанининг нотекис
қисиши ёки сиқувчи валинг (барабансиз машиналарда) нотекис
қисиши натижасыда ҳосил бұлади. Бу нұқсон, шунингдек танда
барабанининг нотұғри шаклдан ёки қисувчи ричагларнинг нотұғри
үрнатилишидан ҳосил булиши мүмкін.

Танда ғалтаги четидаги ипларнинг кесишиши – танда ғалтаги
гардишларига нисбатан тароқлы қаторчанинг нотұғри үрнатилиши,
гардишнинг бүш қотирилиши ёки гардишнинг нотекислигі
натижасыда ҳосил бұлади.

Тандалаш узуулігінинг нотұғрилигі – ҳисоблагиначи ноаның
үрнатыш ёки уннинг носозлиги, үлчов ғалтагини тұхтатиши нотұғри
бошқариш, үлчов ғалтагини мовут билан нотұғри қоплаш
натижасыда ҳосил бұлади.

Нұқсонларга, шунингдек, катта узуклар, чиқиндиларнинг
тұпланиши, битта танда ғалтагига бир неча чизикли зичликли
ипларни үраш каби нұқсонлар ҳам киради. Тандалаш жараёнида
чиқиндилар узук ипларни боғлаш, янги ұрамни үрнатыш ва қайта
үрнатыш натижасыда ҳосил бұлади.

Узлуксиз тандалашда чиқиндилар миқдори қуйидагicha
топилади:

$$Y = \frac{(l_1 + l_2 Q) 100}{L_0} , \% \quad (3.52)$$

L_0 – бобинадаги ипнинг мувофиқ узунлиги, м;

l_1 – бобина алмаштирилганда уларни улаш учун кетадиган иплар узунлиги, м;

l_2 – узукларни бартараф этишда сарфланадиган ип узунлиги, м;

Q_0 – бобинадаги узилишлар сони.

Узлукли тандалашда чиқиндилар миқдори қуйидагича топилади:

$$Y = \frac{(l_1 + l_2 Q_0 + l_3)}{L_0} 100 \% \quad (3.53)$$

l_3 – бобинани алмаштириш жараёнида қолдиқ иплар узунлиги, м.

Чиқиндилар миқдори тандалаш турига ва ипнинг чизиқли зичлигига қараб 0,02 -0,05% ни ташкил этиши керак.

3.9.1. ТАНДАЛАШ МАШИНАСИННИГ ИШ УНУМИ

Тандалаш машиналарининг иш унуми килограммда тандағаттаклари сони билан, тұқыв ғалтакларида ҳисобланади.

Маълум вақт оралығыда гурухлаб тандалаш машинасининг иш унуми:

$$\Pi_x = V t m T 10^{-6} \text{ ФВК}, \quad (3.54)$$

V – тандалаш тезлиги, м/мин;

t – тандалаш машинаси иш вақти, мин;

m – бир вақтда тандаланаёттан иплар сони;

T – ипнинг чизикли зичлигі, текс;

ФВК – фойдалы вақт коэффициенті (0,4-0,5).

Пилталаң тандалаш машиналари унумдорлығы

$$A_x = \frac{V_r V_k n_r T_{\text{ши}} 60}{(V_r + K_x V_r) 10^6} \text{ ФВК, кг/соат} \quad (3.55)$$

V_r – тандалаш тезлиги, м/мин;

V_k – қайта үраш тезлиги, м/мин;

K_x – пилталарап сони;

n_r – танда иплари сони;

T – ипнинг чизикли зичлиги, текс;
 Φ_{BK} – фойдали вақт коэффициенти (0,25-0,3)

Тандалаш тезлиги күйидаги формула билан аниқланади

$$V_T = \pi (D_b + D_y/2) n_b \quad (3.56)$$

D_b – тандалаш барабани диаметри, м;
 D_y – ўрама диаметри, м;
 n_b – барабаннинг айланишлар сони, айл/мин.

Танда ипини тұқув ғалагига қайта ўраш тезлиги

$$V_k = \pi (D_y + D_{y_2}/2) n_n \quad (3.57)$$

D_y – тұқув ғалтагидаги ўрама диаметри, м;
 D_{y_2} – тұқув ғалтаги ўзаги диаметри, м;
 n_n – тұқув ғалтагини айланишлари сони.

Тандалаш машинасининг технологик тұхташларига қуйидагилар киради: танда ғалтагини алмаштириш вақти, танда ғалтагини ўрнатиш ва олиш, узуқларни олиш вақти, узлукли тандалащда бобиналарни алмаштириш учун вақт сарфланмайды, лекин узуқларни олиш вақти күпаяди. Умумий шароитда Φ_{BK} танда ғалтаги үлчамига боғлиқ. Танда ғалтагининг сигими ошиши билан алмашинишлар сони камаяди, шу сабабли тұхташлар ҳам камаяди.

Пилталааб тандалаш машиналарининг фойдали вақт коэффициенти гурухлаб тандалаш машиналарига нисбатан сезиларлы кам. Тезлиги паст бүлгап пилталааб таңдалаш машиналарида Φ_{BK} ипак тұқувчилигиге үртача 0,33 ни, тезлиги юқори бүлгап машиналарда эса 0,23 ни ташкил этади. Пилталааб тандалаш машиналарининг иш унумини ошириш учун ишлаб чиқаришда алмаштирувчи барабанлы пилталааб тандалаш машиналарини күллаш зарур.

Замонавий гурухлаб тандалаш машиналари нисбий юқори иш унумига эта: 1та машина үртача 500 та тұқув дастгоҳига хизмат күрсатади. Таңдалаш машиналарининг иш унумини бундай ошириш керакли натижани бермайды. Айни пайтда тандалаш сифати күп сонли тұқув дастгоҳининг ишига ҳам таъсир қиласы. Натижада янги машиналарни яратында фақатгина иш унумини ошириш эмас, балки тандалаш сифатига ҳам эътиборни қаратын керак.

Назорат саволлари ва вазифалари

1. Тандалаш жараёнига қўйилган талабларни санаб чиқинг?
2. Гуруҳлаб ва пилтаб тандалаш жараёнларини қўлланилиш соҳаларини айтинг?
3. Узлукли ва узлуксиз тандалаш ромлари бир-биридан қандай фарқ қиласди?
4. Ипларни ромга тўлдириш тартибини айтинг?
5. Гуруҳлаб тандалаш қандай афзалликларга эга?
6. Гуруҳлаб тандалаш машиналарининг тезлиги пилтаб тандалашга нисбатан нима учун катта?
7. Тандалаш учун қандай ўрамлар қўлланилади?
8. Гуруҳлаб тандалаш машинасининг технологик схемасини чизинг?
9. Пилтаб тандалаш машинасининг технологик схемасини чизинг?
10. Тўкув навои, танда ғалтаги қанақа ўлчамларга эга?
11. Гуруҳдаги танда ғалтакларига ипларнинг нотекис узунлиги, чиқиндилар сонига қандай таъсир қиласди?
12. Тандалаш чиқиндиларини камайтириш йўлларини айтинг?
13. Тандалашда узилиш сабабларини ва уларни камайтириш йўлларини санаб чиқинг?
14. Тандалаш машинасининг энг яхши параметрларини ўрнатганда қандай кўрсаткичга эга булади?
15. Тандалаш тезлигини бошқаришни назорат усусларини айтинг?
16. Тандалашдан кейин танда ипларининг қандай хусусиятлари топилади?
17. Танда ғалтаклари сифати қандай аҳамиятга эга?
18. Тандалашда иплар таранглиги қандай ўлчанади?
19. Тандалашда ил таранглигининг нотекислигини қандай камайтириш мумкин?
20. Пилтаб тандалаш машиналарида эмульсиялаш қандай аҳамиятга эга?
21. Тарапглаш асбоби юк ҳалқаларига боғлиқ ҳолда ўзгариш графигини чизинг. Формула ва параметрларни ихтиёрӣ қабул қилинг.
22. Агар умумий иплар сони 3060 та, шундан 60 таси милк иплари бўлса, гуруҳлаб тандалаш машинаси танда ғалтаклари

бүйича рангли ипларни бұлиб чиқинг. Рангларнинг булиниши
күйидагыча: қызил-35 та, оқ-26 та, күк-21та, оқ-18 та. Ромнинг
максимал сиғими 616 бобина?

23. Агар пилта зичлиги 1 см да 20 та ип ва 1 см 30 та ип бұлса
ва шу катталыкларда суппорт силжиши ва ипнинг чизикли зичлиги
бүйича барабанның конус бурчаги 40° ташкил эттанды пилталаш
машинасияның конус бурчагини топинг?

24. Пилталаң таңдалаш машинасияның иш унумини топинг.
Таңдалаш тезлиги 320 м/мин, пилтадаги иплар сони 500 та,
үзилиш тезлиги 40 м/мин, ипнинг чизикли зичлиги 15,4 текс,
фойдалы факт коэффициенти 0,27.

25. Агар таңдағалтагидан ип вазни 240 кг, таңдағалтагидагы
иплар сони 416 та, ипнинг чизикли зичлиги 25 текс, таңдалаш
машинаси ФВК-0,6 таңдалаш тезлиги 500 м/мин бұлса, гурухлаб
таңдалаш машинасига таңда ипни ғалтаги ўраш вақтнини топинг?

**IV БОБ.
ТАНДА ИПЛАРИНИ ОХОРЛАШ**

**4.1. ОХОРЛАШ ЖАРАЁНИ ТҮГРИСИДА УМУМИЙ
ТУШУНЧАЛАР**

Тұқыв дастгоҳида ишлов беріш жараённан танда иплари юқори ишқаланиш ва құзувчи күчларнинг доимий таъсири остида бұлади. Натижада иплар бұшашади, баъзи иплар үзаро чатишади, газлама ишлаб чиқаришни қийинлаштиради, толалар аралашып узилиш ҳоллари күпаяди.

Бунинг олдини олиш мақсадида күпинча тандалар махсус ишловдан үтказилади, яғни иплар ёпишқоқ таркибли-охорга шимдирілади. Охор ипнинг таркибига кириб бўлинган толаларни елимлайди, ипларни юпқа қобиқ билан үрайди, ипларнинг мустаҳкамлиги ва сирпанчиқлиги ошади. Охорланиш охорлаш машиналарида бажарилади. Охорлаш машиналарида керакли танда валиклари жамланади, иплар бирлаштирилиб, охорланиб, қуритилади ва тұқыв навойига үралади. Агар танда пилтали машиналарда тайёрланса, охорлаш машинасига шу машина навойи ёки алмашувчи барабанларига узатилиб, танда охорланиб, қуритилиб тұқыв навойига үралади.

Кимёвий толали ва табиий ипак ипларидан ташқари деярли барча иплар охорланади, баъзида пишитилган иплар ва штапель иплар охорланади, лекин аппарат йигирудан чиққан жүн иплар охорланмайды.

Охорлаш машиналаридан махсус ҳолатларда бошқа мақсадларда ҳам фойдаланиш мүмкін. Масалан, тұқыв дастгоҳларидан кимёвий ипларни (капрон) тұқыганда зарядланиши күпайиб кетади, буни олдини олиш мақсадида (агар жараён тандалаш машиналарида бажарилмаса) охорлаш машиналарида эмульсиялаш мақсадта мувофиқдир.

Охорлаш – танда ипларини тұқывға тайёрлашдатын энг асосий ва нозик жараёндир. Охорлащда озгина бўлса ҳам йўл қўйилган хатолик тұқыв дастгоҳларидан ипларнинг ошиқча узилишига сабаб бўлади, бу эса тұқыв дастгоҳларининг иш унумини пасайтиради.

4.2. ОХОРЛАШ МАҲСУЛОТЛАРИ

Охорлаш физик-механик жараён ҳисобланади, чунки бунда танда иплари танда валикларидан тортилиб ечилади, охорга ботирилиб елимланади, иплар сиқилади, қуритилади ва тұқув навойига үралади.

Охор қүйидаги хусусиятларга эга бўлиши шарт:

– Ип юзасида фәкаттина силлиқ қобиқ қоплабгина қолмасдан, балки қисман сингдирилиши, ичига сўрилиши керак: бунинг учун, охор бир хил таркибли, етарли ёпишқоқ, маълум даражада шилимшиқ ва қуриганда қаттиқ қобиқ ҳосил қилиши керак.

– Тўкилиб кетмаслиги, танда или кам эгилувчан ва синмаслиги керак.

– Ип хусусияти бузилмаслиги ва рангли танда бўёгини ўзгартираслиги керак.

– Иплар намликни ҳаводан қабул қилиши учун, етарлича сув ўтказувчан бўлиши керак.

– Қобиқ антистатик хусусиятта эга бўлиши, яъни ишқаланиш жараённада толада статик зарядлар ҳосил қилмаслиги керак.

– Антисептик хоссалари, яъни ип чиримаслиги ва ўз хусусиятларини йўқотмаслиги керак.

– Рецептда арzon ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари бўлиши керак.

– Охор газмол таркибидан енгил кўчиши шарт, чунки пардозлаш корхонасида ҳам газмолга давомий ишлов бериш учун охор халақит беради, шунинг учун охор маҳсус охор ювиш жараёндан ўтказилади.

4.3. ЕЛИМ МАҲСУЛОТЛАРИ

Охор тайёrlаш учун жуда хилма-хил маҳсулотлар ишлатилади. Охорнинг асосий таркиби айрим толаларни елимловчи ва ирга қобиқ ҳосил қилувчи елимлаш маҳсулотларидир. Шунингдек, елимлаш маҳсулотидан охорланган ип сирпанчиқ ва мустаҳкам бўлади. Елимлаш маҳсулоти сифатида, асосан табиий ва кимёвий полимерлар ишлатилади.

Яқин кунларгача елимлаш маҳсулоти сифатида кўпинча озиқ-овқат маҳсулотлари-крахмал (картошка, бугдой ва ҳ.к.), ун (буғдой, гурунч, маккажӯхори ва ҳ.к.), турли хил жонзор елиmlари (сүяқ ва ҳ.к.) ишлатиларди. Кимё саноатининг ривожланиши туфайли табиий полимерлар ўрнини ҳозирги кунда кимёвий полимерлар

эгалламоқда. Кимёвий полимерлар охор тайёрлашда, баъзида тўлиқ баъзида эса қисман алмаштирилади.

Тўкув корхоналарида елимлаш маҳсулоти сифатида асосан поливинил спирти, карбооксиметилцеллюлоза, полиакриламид, оксиэтилцеллюлоза, полиакрилонитриллар қўлланилади. Кимёвий полимерларни елимлаш маҳсулоти сифатида қўлланилганда, табиий полимерларга нисбатан танда ипларининг ўта мустаҳкамлиги, ипни ўровчи қобиқнинг юмшоқлиги, охорни кўп муддат сақлаганда, ўз хусусиятини ўзгартираслиги, тўкув бўлимида нисбий намлик пастроқ бўлганда ишлатиш имкони борлиги, пардозлаш корхонасида охор қобигидан осон тозалаш мумкинлиги, озиқ-овқат маҳсулотларининг тежалиши, охор тайёрлаш осонлиги ва дастроҳда узилишнинг камайиши билан фарқ қиласди.

Охор тайёрлашда ишлатиладиган баъзи елимлаш маҳсулотларини қисқача тавсифлаймиз:

Поливинил спирт (ПВС) – синтетик полимер, поливинил-ацетатни метанол билан аралашмасидан ҳосил бўлади. 5 % намликка эга бўлган оқ ёки крем рангли кукун совуқ сувда эримайди, лекин қиздирилганда тез эрийди. Тўлиқ эриш 70-75 С да ҳосил бўлади. ПВСнинг сувдаги эритмаси рангсиз. Охорлаш мақсадида ишлатиладиган ПВС полимерланиш қатори паст.

Карбооксиметилцеллюлоза (КМЦ) – целлюлоза эфирли сувда эрийди. Пахтасимон донадор крем рангли. Сувда тез ва енгил эрийди. КМЦнинг сувдаги эритмаси ўзгармас, давомий сақланса, ўз хусусиятини ўзгартирмайди. КМЦ таркибида намлик ва эфирдан ташкари тузлар ҳам мавжуд. Шу сабабли, охорлаш машиналарининг металли қисми ёмирилиши мумкин. Емирилишнинг олдини олиш мақсадида, машинанинг охор билан тўқнашадиган қисмлари тобланган пулатдан ясалади ёки эпосит қопламаси қопланади. Охорлаш мақсадида КМЦнинг 85/350 ва 75/400 техник русумлари қўлланилади.

Полиакриламид (ПААМ) – акриламиднинг калий гидросуль-фати асосида полимерланган маҳсулоти. ПААМ сувда секин эрийди, крахмалли охорга енгил кўшилиб, бир хил таркиб ҳосил қиласди. ПААМ тўкув ишлаб чиқариш корхонасида қисман крахмал захираси сифатида ишлатиш мумкин ёки тұла ПААМ елимловчи маҳсулот сифатида ишлатилади. Ип газлама тандалари 30-35% крахмални ПААМ билан алмаштириш мумкин. Умуман, тўқимачилик саноатида ПААМнинг Б русуми ишлатилади. Кимёвий елимловчи маҳсулот сифатида, шунингдек, аксиэтилцеллюлоза,

полиакрил ва полиметакрил кислотаси ва турли хил полимерлар ишлатилади.

Баъзи корхоналарда эса оҳор тайёрлаш учун елимловчи маҳсулот сифатида табиий маҳсулотлар крахмал маҳсулотлари ва тирик организм елимлари тӯла ва кимёвий елимловчи маҳсулотга қўшимча маҳсулот сифатида ишлатилади.

Крахмалнинг мураккаб формуласи $(C_6 H_{10} O_5)_n + H_2O$ бўлиб, бу ерда «п» крахмал турига боғлиқ. Крахмал дони совуқ сувда яхши эримайди, лекин 50-80° С қиздирилган сувда кўпиклайди кулоқ крахмали қоришимага айланади (дон ҳажми тахминан 125 мартаға ошади). Крахмали эритманинг ҳамма қисми ҳам сувда бир хил эримайди, нисбатан пишиқ йигирилган ип таркибига сингмайди ва силлиқ қобиқ ҳосил қилмайди. Шунинг учун қайнатиш пайтида крахмалга маҳсус кимёвий реагентлар-аралаштирувчилар билан ишлов берилади ва шундан кейин крахмал елимловчи маҳсулот сифатида ишлатилади.

Ҳайвон елими-юқори елимлаш хусусиятига эга. У ипак ва жун тандаларини оқорлаш учун ишлатилади. Алсҳида ёки бошқа хил елимловчи маҳсулотларга ёрдамчи сифатида қуидаги ҳайвон елими ишлатилади. Желатин (ёш ҳайвон суякларидан тайёрланади) мездр елими ҳайвонлар териси чиқиндиларидан тайёрланади.

АРАЛАШТИРУВЧИЛАР. Крахмал маҳсулотларини сув билан аралашуви ва крахмал макромолекулаларини маълум даражада юмшатиш учун аралаштирувчилар ишлатилади. Аралаштирувчилар сифатида кислоталар (сульфат, хлорид ва ҳ.к.), ишқорлар (натрий эритмаси, кальцийли сода ва ҳ.к.) ҳар хил тузлар (натрий селикати) ва турли хил препаратлар ишлатилади. Крахмални аралаштириш қиздириш йўли билан, механик майдалаш ва биологик аралаштириш йўллари билан ҳам амалга ошириш мумкин. Лекин ҳамма аралаштирувчиларнинг кимёвий таъсири бир хил эмас.

Аралаштирувчиларнинг вазни, ҳарорати ва таъсири этиш даврийлиги оҳор таркибига ва ипга бевосита таъсири кўрсатади. Охирги вақтда ачитқи (окислитель) аралаштирувчилар кенг тарқалмоқда, шу жумладан хлорамин.

Хлорамин ишлатилганда крахмалнинг қуввати йўқолмайди, кимёвий таркибини ўзгартирмайди, крахмал доначаларини бир хил аралаштиради ва бир вақтда ҳосил қилинган оҳор юқори ёпишқоқ даражали ва чидамли бўлади.

НЕЙТРАЛЛОВЧИЛАР. Аралаштирувчиларнинг оҳор тайёрлаш жараённида ўз ишини бажариб бўлгандан сўнг уларнинг таъсирини

йүқотиш учун нейтралловчилар күшилади. Агар аралаштирувчи – кислота бўлса, нейтралловчи – ишқор бўлади ва аксинча. Агар аралаштирувчи сифатида хлорамин ёки хлор қоришимаси ишлатилиган бўлса нейтралловчи восита ишлатилмайди. Чунки хлор аралаштирув давомида сўрилиб кетади. Ишқорлар аралаштирувчи сифатида ишлатилганда қисман нейтраллаштирилади, чунки қолган қисми крахмал билан кимёвий бирикни бўлади.

ЮМШАТТИЧЛАР. Крахмалнинг кислота ёки ишқор билан аралаштирганда қисман глюкоза ҳосил бўлишини кузатиш мумкин. Бу ҳолатда ил юзасига ҳосил қилинган қобиқ, куруқ ва қаттиқ бўлиши мумкин. Оҳор таркибига қўшиладиган юмшаттичлар деб аталувчи ёғли бирималар қобиқни анча юмшатади ва оҳорни щимиш қобилиятини оширади. Юмшаттичлар сифатида ўсимлик ёки жонивор ёғлари ишлатилади (пахта ёғи, суюқ ёғи, олеин кислотаси, стеарин, глицерин, суюқ совун, ва ҳ.к.).

Агар крахмал бир хил қўшилмаса ҳам ёғли қўшимчалар қўшиш мумкин, чунки яхши қўшилмаган крахмал доначалари оҳорлаш машинаси барабанларига ёпишиб қолади ва илни ўзига ёпишириб, узилишга сабаб бўлади.

Ёғли қўшимчалар эса илнинг барабанларга ёпишишдан сақладайди. Баъзида эса, улар оҳор қайнатиш қозонларида ва оҳор ваннасида кўпик ҳосил бўлишини олдини олиш учун ҳам ишлатилади. Ёғли қўшимчалар оҳорнинг елимлаш фаолиятини пасайтиради, шунинг учун ҳам уни оҳорга қўшиш 0,1-0,15 г/л миқдордан ошмаслиги ва юқорида кўрсатилган ҳоллардагина ишлатилади.

АНТИСТАТИКЛАР. Антистатиклар оҳорлаш жараёни давомида тола ва илларда ҳосил бўладиган зарядланишини йўқотиш учун ишлатилади. Антистатик сифатида ОС-20; ОП-20, стереокс-6, алканол ОС-2 каби кимёвий моддалар ишлатилади. Оҳор таркибига эса 0,1-0,2 г/л қўшиш мумкин.

ГИГРОСКОПИК МОДДАЛАР. Оҳорланаётган илларни тетикилгини ва намликни қабул қилиш хусусиятини ошириш учун оҳорга гигроскопик моддалар кўшилади. Ҳозирги пайтда гигроскопик моддалар жуда камдан-кам ишлатилади. Гигроскопик моддалар сифатида ош тузи, глицерин, кальций хлорни ишлатиш мумкин. Танданинг доимий намлигини сақлаш, тўкув бўлимларидан оладиган намликни, оҳорлаш тезлигини бошқариш ва куритиш ҳароратини бошқариш билан таъминланади.

АНТИСЕПТИКЛАР. Крахмал ва оқсиллардан тайёрланган оҳор микроорганизмлар ўсиши учун кулай. Оҳорланган тандани ёки


хом газламани узок муддат сақлашда, газлама хидланмаслиги учун антисептиклар қүшилади. Антисептиклар сифатида мис купороси, фенол, бор кислотаси ва бошқа шунга ўхшаш хусусиятли моддалар қүшилади. Агар ишқорли аралаштирувчилар ёки хлорамин қүшилса, антисептиклар ишлатилмайды.

СУВ. Оҳор тайёрлашда сув крахмал маҳсулотларини ёки кимёвий елимлаш маҳсулотларини эритувчи сифатида ишлатилади. Оҳорлаш учун ҳар ҳил кальций ва магний тузлари бўлмаган тоза таркибли оддий сув ишлатилади.

4.4. ОҲОРЛАШ ОМИЛЛАРИ

Тўйинганлик, ёпишқоқлик, елимлаш


Барабанли машиналар ёрдамида оҳорлаш жараёни бир қарашда оддий кўринсада, бироқ бажарилиши жуда мураккаб. Оҳорнинг сувли эритмаларида елимловчи модда ва намлаш хусусиятлари маълум тўйинганликка эга. Кўп ҳолларда оҳорлаш материаллари маълум даражада намлилка эга бўлади. Ип ҳам гидрофил бўлиб, маълум даражали намлилка эга. Оҳор ипга қисқа муддатли қозонда чўқтириш билан шимдирилади ва ортича оҳор сиқувчи валлар тизими билан сиқиб ташланади. Маълум даражада намлигача қуритиш пар ёрдамида иситилувчи барабанлар билан амалга оширилади. Елимлаш даражаси кўп омилларга боғлиқ, бироқ асосан оҳорнинг тўйинганлиги ва ёпишқоқлиги, сиқиш, сиқиш тури ва оҳорлаш тезлигига боғлиқ бўлади. Оҳорлаш жараёнида ҳақиқий елимлашни назорат қилиш керак. Бир елимлашнинг ўзини турли кўрсаткичлар бирлиги билан аниқлаш мумкин: оҳор тўйинганлиги ва ёпишқоқлиги, сиқув валлари қаттиқлиги ва сиқиши.



48-расм. Оҳорлаш жараёнида дастлабки тенгликтин Санки диаграммаси.

48-расмда Санки диаграммаси күрсатылған булиб, у 60 м/мин тезликда оқорланувчи 50 тексли иплердан ҳалқасимон йигириүв машинадан намни сингдириш миқдори тасвирилган. Оқорлаш материалларининг намлиги номаътум. Оқор түйинганлыгы 12,5% ни ташкил қиласы, сиқишигача күринувчи елимлаш 120%. Диаграмманинг бошланиш қисмидә ҳар дақиқада 16,48 кг қуруқ ип 1,22 кг қолдик нам ва 2,47 кг қуруқ оқор, сиқиши паридан чиқишида 17,31 кг сув билан ўзаро боғланган. Диаграмманинг охирда ўша 16,48 кг қуруқ ип 1,22 кг қолдик нам билан, оқорнинг қуруқ қолдиги 2,47 кг ва у билан боғлиқ 0,2 кг намлик ифодаланган. Натижада түкув фалтагига үралган 20,37 кг оқорланган кондицион ип олинадиган ва 17,11 кг миқдорда намлик бугланыб кетади. Ҳисоблашда эса оқорнинг ҳақиқий түйинганлыгы фойдаланилади, бироқ анча аник ҳисоблар шуны күрсатылған, конденсион ҳисоблашда оқорни ҳақиқий түйинганлыгининг камайишини ҳисбага олиш керак бўлади.

Күринишили елимлашни аниқлаш анча мураккаб. Түйинганликни ўзгартиришда ёпишқоқлик ҳам ўзгаради, елимлаш эса иккала күрсаткичлар билан тўғри ва бевосита боғлиқдир. Агар сиқишидан кейин күринишили елимлаш билан ҳақиқий елимлаш ўртасидаги боғлиқлик маълум бўлса, уч квадратли гриф ёрдамида маълум



49-расм. Пневмомеханик усулда йигирилган
36 тексли ип учун оқорлаш диаграммаси.

түйинганлили охор учун ҳақиқий елимлаш катталигини олдиндан айтиш мумкин. 49-расмда пневмомеханик усулда йигирилган 36 тексли ип учун охорлаш диаграммаси күрсатылған, у оксидланган картошка крахмали билан охор түйинганлығи 0 дан 12% гача, ёпишқоқлығи 0 дан 120 сП гача, намлиги сиқищдан кейин 100 дан 220% гача бұлғанда охорланған.

Кайд этиш керакки, пневмомеханик усулда йигирилган ип махсус сиқуудан сұнг намлика эга бұлади, бироқ бу ерда маълум шароитлар учун охор түйинганлығи ва ёпишқоқлығининг боғлиқлигини күрсатиш зарур. II, III, IV квадрантлардаги чизиқлар крахмал парчаланиши даражасыннан, охорнинг түйинганлығи ва ёпишқоқлығи, күринувчи ва ҳақиқий елимлашни тавсифлайды; штрихли чизиқлар ёпишқоқлығи паст ва модификацияси юқори бұлған крахмалга мұвоғиқ келади, тұлық чизиқлар – деструкцияси паст даражали юқори ёпишқоқ крахмалға хос. Сиқищдан кейин бир хил күринувчи елимлаш катталигидаги фарқ аниқ күринаға.


Сиқиши катталиги ва сиқиши валлари қаттықлигининг таъсири жуда мұхим, чунки энергияни тежаш билан боғлиқ қаттық сиқищга күпроқ әзтибор берилади. Сиқиши 6 мартаға оширишда охор түйинганлығи 75% бұлғаннанда күринувчи елимлашни сиқищдан сұнг иккі мартаға қисқартырыш мүмкінлеги исботланған, бунда ҳақиқий елимлаш олдинғы қолатда қолади. Күринувчи елимлашни сиқищдан кейин охорлаш материаллари тавсифларидаги фундаментал үзгартырыштар ва механик сиқиши интенсификациялаш билан камайтириш мүмкін. 25% түйинган акрилполимердан эмульсия билан ишланған текстурланған полизэфир иплар учун күринувчи елимлаш сиқищдан сұнг 90 дан 110% гача үзгаради. Ҳозирги вақтда юқори түйинган полимер дисперсиялар ишлатылади. Уларнинг айримидә 65% күруқ модда бўлади. Уларнинг ишлатилиши үша ҳақиқий елимлашда күринувчи елимлашни сиқищдан сұнг 40% пасайтиришга имкон беради.

4.4.1. АДГЕЗИЯ

Ҳатто энг яхши шароитларда ҳам охорнинг бир қисми охорлаш машинасининг ажратиш чивигида ёки тұқыв дастгоҳида түқилади. Ажратиш чивигида түқилувчи охорга әзтибор бермаслик мүмкін, бироқ тұқыв дастгоҳида у 20-25% га етиши керак. Ҳимоя қопламидан

ташқары ёпиштирувчи модда тола орасидаги боғланишни ва ипнинг узилиш юкини оширади. Оҳорлаш материалларининг ёпиштириш имконини ва уларнинг ип узилиш юклатишга таъсирини баҳолашнинг оддий усули, толалар тортилиши билан ажралиб турувчи пиликни оҳорлашдан сўнг оҳорланган намунани ҳисоблашда узунлик ва пиликнинг максимал штапель узунлигидан устун бўлган узунликда синашдан иборат.

50-расмда икки оҳорлаш материалларини синаш натижаси кўрсатилган. АР адгезия кучи пиликнинг узилиш юки намунанинг икки ҳисоблаш узунлигига нисбатли кўринишида берилган. 0,7 нисбат, одатда яхши ҳисобланади.




50-расм. Оҳорни шимиш қобилияти. 1-юқори; 2-пастки

Оҳорнинг тушишида қисман дастгоҳнинг иш кўрсаткичлари пасайди. Оҳор ва у билан боғлиқ момиқ механизмларга тушиб уларни бузилишига олиб келади, шунингдек матога илашиб, унинг сифатини ёмонлаштиради. Ҳаво ифлосланишини регламентловчи стандартлар муҳим аҳамиятга эга, ҳавода чанг ва момиқнинг миқдори ип тури, тўқиши усули ва вентиляцион ускуналарга боғлиқ ҳолда ўзгаради. Ҳавода чанг ва момиқнинг миқдори билан тўкув дасттоҳи унумдорлиги ўртасида аниқ боғлиқлик мавжуд. Агар тўкув дасттоҳи унумдорлиги автоматик дастгоҳ унумдорлигидан 3 ёки 4 м оптифи билан ишласа, демак ҳавода тахминан шунча марта чанг ва момиқ миқдори ошишини кутиш мумкин. Одатда, автоматик дастгоҳлар билан жиҳозланган тўкув цехларida ҳаводаги чанг ва момиқ миқдори 0,9 дан то 3,5 мг/м³ гача бўлади, мокисиз дастгоҳлар билан жиҳозланган цехларда эса – дан то 7,5 мг/м³ гача. Енимлаш


ошишида охор учиб тушиши ошади, лекин момиқ ажралиши камаиди, иккала катталыклар йиғиндиси эса бир текис камаиди. Мантиқан, минимал момиқ ажралишига мувофиқ келувчи енимлаш түкишда минимал узилишига мувофиқ бўлади, деб фараз қилиш мумкин. Бироқ, текширишларда бу доим шундай эмаслиги исботланди ва одатда тўқиши учун оптималь енимлаш момиқнинг минимал ажралишини таъминловчи енимлашдан пастлигини кўрсатди.

4.5. ОХОР ТАЙЁРЛАШ УЧУН ВОСИТАЛАР

Охор – тўкув корхонасининг маҳсус хонасида, яъни охорхонада қайнатилиди. Охор қайнатиш овал ва айлана қозонларда, ёки маҳсус курилмаларда бажарилади. Қозонлар ёғочдан ёки мисдан, охирги вақтларда тобланган пұлатдан ясалган бўлиб, ҳажми 1000 литргача сиғимга эга бўлади. 51-расмда овал формасидаги охор тайёрлаш қозони кўрсатилган.



51-расм. Охорни қайнатиш қозони схемаси.



52-расм. Термомеханик усулда охор тайёрлаш аппарати схемаси.

Қозон ичига аралаштиргич ўрнатилган бўлиб, у охорни аралаштириш учун хизмат қиласди. Улар электродвигателдан конуссимон шестернялар Z_1 ва Z_2 орқали тескари йўналишда минутига 20 – 30 айланма ҳаракат олади. Қайнатиш буф ёрдамида амалга оширилади, яъни буф 5, буф ўтказувчи орқали илонсимон тешикларга узатилади. Сув 3 жўмракчага узатилади. Тайёр охор 1

пуфлагич ёрдамида 2 ўтказувчи жумрак йули орқали тақисмловчи қозонга ёки оҳорлаш машинасига ҳайдалади. Қозонни ювиш ва тозалаш учун б қувур ўрнатилган. Қозоннинг қопқоғидан елим маҳсулотлари, оҳор компонентлари солинади, қайнатиши кузатилади. Қозон ичидаги термометр бўлиб, у оҳор ҳароратини ўлчайди, ўрнатилган ўлчагич ёрдамида оҳор сатҳи ва ҳажми аниқланади. Қозон ташқи томондан асбест ва керамика плиткалар билан қопланади ва ҳар хил кувишлардан огоҳлантирилади.

Қозонда оҳор босим остида қайнатилади. Қозон зич ёпиладиган қалин деворли шарсизон шаклдаги деворга болт билан қотириладиган ечиладиган қопқоғли идишдир. Автоклав ичидаги аралаштиргич жойлашган. Сувга яхшилаб аралаштирилган оҳорлаш маҳсулотлари автоклавга узатилади, қайнатиш буг орқали босим таъсири остида амалга оширилади. Босим остида қайнатганда оҳор тайёрлаш вақти тезлашади, агарда оҳорлаш маҳсулоти крахмал маҳсулотларидан бўлса, у ҳолда аралаштирувчилар қўшилмайди, чунки юқори босимда крахмал донлари етарлича қўшилади.

Кўпгина корхоналарда крахмал маҳсулотлари кимёвий аралаштирувчилар билан бир қаторда керакли даражада ёпишқоғликни камайтирувчи гомогенизатор-курилма ёрдамида механик аралаштирувчилар ишлатилмоқда. Крахмали оҳор юқори босим остида тор тешикдан оҳор бакига ўтади. Тешик орқали 200 м/с тезлиқда ҳаракат қилиб тўсиққа урилади ҳамир бўлиб қолган қолдиқлар майдаланади. Механик гомогенизаторлар билан бир қаторда ультратратовушли (гидравлик огоҳ) гомогенизаторлар ҳам қўлланилади. Ультратратовушли гомогенизаторда катта тезлиқда оқиб келувчи оҳор сиқими тебранувчи пластинага келиб урилади. Тебранувчига зарба ҳисобидан ва ултратратовуш таъсирида крахмал донлари аралашади.

Айрим корхоналарда оҳор тайёрлашда крахмал донлари терномеханик усулда аралаштирилади (52-расм). Терномеханик аппарат В.В. Копитин томонидан ишланган. Аппарат З корпусга жойлашган 9 ҳалқали пуркагичли айланиш 5 трубаси (буғ йўли, қувур ичидан буг узатувчи) дан иборат, 4 валга 2 винт шнек шаклида 8 турбина қаттиқ қилиб қотирилган. Вал 7 электродвигателдан айланма ҳаракат олади. Барча аралашмани тез қайнатиш учун аппарат тубида 1 барбартер жойлашган, бу ҳам шу йўлдан буг қабул қиласи.

Аппарат қўйидагича ишлайди: Сув тўлдирилган З асосга 6 қопқоғли даҳна орқали оҳор компонентлари солинади. 1 барбартерга буг узатилади ва аппарат сув билан керакли сатҳда тўлдирилади.

Аппараттнинг 7 двигатели ишлагач айланма қувурдаги ҳамма пуркагичларга бүг узатилади. Винт 2 насос каби ҳаракат қилиб аралашмани аппарат тубидан 8 турбинага узатади. Турбина катта тезлик билан айланиб, натижада ҳосил бўлган марказдан қочувчи куч аралашма ичида майдо гувалалар оқимини асос девори томон йўналтиради. Винт ва турбина жадал аралашувни амалга оширади ва оҳор компонентларини механик майдалайди, шунингдек аппарат атрофида максимал айланишни таъминлайди. Айланма 5 қувурга 9 ҳалқали пуркагич орқали келаётган бүг ўзининг иссиқлик ва кинетик энергияси билан ҳаракатланувчи оқим бўлакларига таъсир қиласи ва қувурнинг кичик ҳажмида оҳорлаш маҳсулоти донларини майдалайди. Чунки аппаратда оҳор ҳажмининг ўтиш даври айланма қувур орқали қисқа вақт ичидан амалга ошади, маҳсулот қувур орқали бир неча марта ўтказилгач кам тарқалган бир хил таркибли компонентлари юқори даражада аралаштирилган оҳор аралашмасини ҳосил қиласи.

Термомеханик усулда тайёрланган оҳор компонентлари юқори даражада тарқалган (аралашиб даражаси 90-95%) меъёрий ёпишқоқ ва елимили юқори сифатли оҳор олишни таъминлайди:

Юқори сифатли оҳорни крахмал маҳсулотларининг кимёвий елимлаш маҳсулотлари аралашмаси каби озиқ-овқат маҳсулотларини алмаштирувчи – тоза елимлаш маҳсулотларидан ҳам тайёрлаш мумкин. Бундай оҳордан фойдаланилганда тўкувчиликда танди иплари узуқлари, кимёвий аралаштирувчилар қўшилиб тайёрланган оҳор билан оҳорланган ипларга нисбатан анча камаяди. Охирги пайтларда кўпгина корхоналарда компонентларни тайёрлаш ва оҳорни қайнатиш жараёнлари автоматлаштирилган оҳор қайнатгичлардан фойдаланилмоқда. Елимлаш маҳсулотлари маҳсус тўплагичларда сақланади. Винтсимон конвейер орқали елимлаш маҳсулоти автоматик тарозига узатилади. Етарли вазнгача елимлаш маҳсулотлари сув тўла бакка солинади. Аралаштирув вақт рельеси билан бошқариувчи белгиланган вақт оралиғида амалга оширилади. Аралаштирувчи ишлаб турган ҳолатда қоришима қайнатиш бакига сатҳни бошқариш механизми назорати сатҳигача қуйилади. Дастурли бошқарув оҳор қайнатшини берилган дастур асосида ҳарорат ва вақтга риоя қилишини таъминлайди. Қайнатиш тугагач қисил чироқ ёнади ва оҳор ҳарорати автоматик равишида сақлашга мос ҳолга келтирилади. Тайёрланган оҳор диафрагмали насос билан оҳорлаш машинаси тогорасига узатилади. Оҳор қайнатиш дастурини

Үрнатиш учун дастлабки бошланғыч ҳарорати, қайнатиш ҳарораты ва охорни сақлаш ҳарорати белгиланади. Шу мақсадда қозонға керакли вақт ва ҳароратни назорат құлувчи мослама үрнатылади. Дастурлы бошқарув билан охорни қайнатыш охорнинг сифаты бұлишини таъминлайды, ишлаб чиқаришда иш унумдорлиғи ошади.

4.6. ОХОР РЕЦЕПТИ ВА ОХОР ТАЙЁРЛАШ УСУЛЛАРИ

Охор таркиби жуда құп омилларга боғлиқ, толали маҳсулоттнинг навига, охорланаёттан ипнинг чизиқли зичлиги ва пишиқлигига, ишлаб чиқарыладын газлама киришишига, зичлигига ва ҳоказо. Охорланадын маҳсулот сифати ва турига боғлиқ ҳолда охор таркиби ўзgartылириши мүмкін.

Охор таркибига киругчы маҳсулотлари номи ва ҳажми маҳсус рецептерларда күрсатылади.

Ҳар бир материалнинг умумий ҳажмға нисбатан фоизи шу материалнинг охорга түйинганлиги дейилади. Түқувчилік саноатининг барча соҳаларыда кимёвий полимерлардан иборат елимлаш маҳсулотлари рецептини ишлатыш кенг тарқалмоқда. Пахта или, вискоза, штапел ва жун танды ипларини охорлаша елемлаш маҳсулоти сифатыда поливинил спирт кенг құлланылмоқда.

Қуйидаги жадвалда ПВС охор рецепті күрсатылған:

Маҳсулот	Таңда иплари		
	Пахта 18,5 текс	Штапель-вискоза 25 текс	Тоза жун 19,2x2 текс
ПВС, кг	30	16	40
Глицерин, л	-	-	-
Tallér охор, л	1000	1000	1000

ПВСни құллаб охорни қайнатыш қуйидагы амалға оширилади. Бакда 900 л сув солинади. Навбати билан ПВС солиниб 5-10 минут аралашма аралаштирилади, бүг очилади ва аралашма қайнатылади. Кейин 1000 л ҳажм олингунга қадар сув құшилади ва беш дақықа аралаштирилгандан сүнг охор фойдаланиш учун тайёр бўлади. Ўтказилган тадқиқотлар буйича ПВСдан оптималь түйиниш, пахта ипларида 2-3%, штапел вискоза ипларида 1,25 – 2%ни ташкил этади.

Штапель пахта ва жун ипларини охорлаш учун елемлаш маҳсулоти сифатыда карбооксиметилцеллюлоза (КМЦ) ишлатылади.

Жадвалда КМЦ охорининг рецептти кўрсатилган:

Материал	Тандани				
	Вискоза 25 текс	Қайта тара- ган пахта или 15,4 текс	Пахта или митк.учун 18,5 текс	Пахта или бўз учун 25 текс	Жун 25x2 текс
КМЦ, кг	28-30	50	45	40	25
Уксус					1,25
жавҳари, л					3,0
Глицерин, л					
Тайёр охор	1000	1000	1000	1000	1000

КМЦ билан охор тайёрлашда бакка 500 л сув қўйилади ва 60-65° С ҳарораттacha қайнатилади. Ишлаб турган аралаштиргичларга майдаланган КМЦ препарати сувга солинади. Аралаштириш бўлакчалар эриб кетгунича ва бир хил таркибли қуюкроқ бўлган масса олингунча давом этади. Кейин керакли ҳажмдаги охорни олгунга қадар сув солинади. Аралаштирилгач 10 минутдан сўнг охор тайёр ҳолга келади.

Полуакриламииддан охор таркиби рецептти қўйидаги жадвалда келтирилган:

Материал	Пахта или миткал учун 18,5 текс	Штапель-вискоза или 25 текс	Вискоза или 16,7 текс
Поли-крахмали, кг	54	26	-
ПААМ аралашмаси 8% ли, кг	25	14	50
Хлорамин, г	210	100	-
Пахта ёғи, г	400	400	-
Желатин, кг		-	15

ПААМ билан охор тайёрлашда 600 мин⁻¹ айланиш тезлиги айланувчи парракли аралаштирувчи билан жиҳозланган маҳсус қозонда ПААМ пастаси сувга қўшилади. ПААМ сувга секин аралashiши сабаб, қозонда юқори тезликда айланувчи аралаштиргич бор. Одатда қозонда крахмал охор тайёранади. Тайёр крахмали охорга 8% ли ПААМ аралашмаси қўшилади. Сўнгра керакли миқдорга эга бўлгунча сув қўшилади ва 10 дақиқа қайнагач, охор тайёр бўлади. ПААМдан тайёrlанган охор анча қуюқ бўлади ва ип таркибига тўлиқ сингдирилмайди. Шу сабаб, бошқа елимлаш материаллари ўrniga қисман алмашувчи воситасида ишлатилади.

Тұқыв корхоналарыда оқор тайёрлашда енимлаш маҳсулоти сифатида кимёвий полимерлардан ташқари табиий полимерлардан фойдаланилади ва биринчі навбатда крахмал маҳсулотлари ишлатилади.

Күйидеги жадвалда хлорамин аралаштирувчи ва крахмал маҳсулотидан оқор тайёрлаш рецепттер күрсатылған:

Материал	Т а и д а и п и			
	Пахта или 18,5x25 текс		Зигир или 45,5-83,4 текс	Тоза жүн 19,2x2 текс
	I рецепт	II рецепт		
Крахмал, кг	65-80		53	57
картошка		65-80	-	-
дон	-		-	4
Елим, кг				
Хлорамин	130-160	315-400	70	10
Совун	-		2,65	-
Глицерин	-		2,65	7,5
Тайёр оқор	1000	1000	1000	1000

I ва II рецепттарда ҳар хил түйинган крахмалли оқорланган 25-18,5 текс чизиқлы зичликли иплардан түрли хил структурали газлама ишлаб чиқарып мүмкін. Крахмал ва хлорамин ишлатыб тайёрланадиган оқорни қайнатып күйидегида бұлади. 25-30° С иситилған сувга крахмал солинади ва 5-10 дақықа құшиб аралаштирилади. Кейин 3-5 литр илик сувга (30-40° С) аралаштирилған хлорамин солинади. Қисқа вақт аралаштирилғач, бүг очилади ва хлорамин реакцияси тугагунча қайнатылади (40-45 мин). Агар оқорға калий йод крахмалли қоғоз ботирилса, у хлорамин бұлса күкаради, агар бұлмаса – ранги үзгартайды. Хлорға нисбатан реакция ійілсілдіктерінде оқор фойдаланыш учун тайёр ҳисобланади.

Модификацияланған крахмалдан тайёрланған оқор тури ва таркиби жуда оддийдір. Чизиқлы зичлигі 25-18,5 тексгача ипларни оқорлашда 1000 литр тайёр оқорга бор-йүғи 45-60 кг. модификацияланған крахмал құшилади. Қозонға 400-500 л сув құйилади ва аралаштиргіч ишлатыб талаб қылғанда модификацияланған крахмал солинади. Арапашма 10 минут аралаштирилади. Хамирчалар ійілгілік, керакли ұжымда сув құйилади. Бүг очилиб, 95° С ұзарата қыздырылади, қайнатандын кейин, 1-2 минут үтгач, қайнатып тұхтатылади – оқор фойдаланыш учун тайёр ҳисобланади.

Охорни ҳар хил рецептлар билан қайнатишда охор компонентларининг ҳажмига, ҳарорат режимига ва қайнатиш вақтига ниҳоятда риоя қилиш шарт. Тайёр охор таркибида солинадиган маҳсулотлар сифати катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун, охор тайёрлашдан олдин барча маҳсулотларнинг асосий кўрсаткичлари текширилиши керак. Агар кўрсаткичлар стандарт талабига жавоб бермаса, материални маҳсус кўрикдан сўнг ишлатиш мумкин.

4.6.1. СУВЛИ ОХОР

Сувли охор кенг қўлланилади. Сувли охор таркибига елимловчи модда, мулојимлаштирувчи ва одатда қўшимча компонентлардан бири антикупиковчи, эмульгатор, гигроскопик ёки антисептик модда киради. Баъзан таркибига ПВС ли модификацияланган крахмал, бирон хил ёғ тури ва бошқа компонентларнинг катта бўлмаган қўшимчалари кирувчи универсал охор тайёр аралашмаси қўлланади. Охорнинг бошқа тайёр аралашмаларида ПВС ва акрил сополимерлар – япон тўқимачилик корхоналарида кўп қўлланувчи комбинация ишлатилади. Тайёр охор аралашмаларини чиқариш мақсади компонентларни аралаштиришда хатоликларни ва уни тайёрлаш вақтини, шунингдек охор турли компонентларини олиб келиш учун харажатларни қисқартириш. Охор нархининг баъзи ҳолларда ошиши ундан олинадиган самара билан бир хил эмас, бироқ тайёр аралашмаларни қўллаш етарли малакага эга бўлмаган техник хизматчиларда фойдали булиши мумкин. КМЦ натрий тузи, асосан пахта толалар иплар учун ишлатилади. У крахмал билан крахмалнинг массасидан 3/1 қисм миқдорда қўлланади. КМЦ ни рангли тандалар, айниқса тўқ тусдаги, шунингдек якуний пардозлашдан ўтмайдиган мато тандалари учун жуда фойдали.

Юмшатувчи модданинг вазифаси – ипларнинг скалодан матонинг бошигача бўлган ҳаракатида ишқаланишини камайтириш. Иплар ўртасидаги ўзаро ишқаланишининг камайиши арқоқ или урилишини яхшилайди ва ҳомузга ҳосил булишда момиқ ажралишини камайтиради. Юмшатувчи модда сифатида, одатда ёғ, спермацет ёки стеарин ишлатилади, баъзан эса эмульсион ёғ ёки эрудви минерал ёғлар ҳам ишлатилади. Ёғлар ва стеарин суюқ ҳолда, улар эриш ҳароратидан бирмунча юқори ҳароратда сақланиши лозим. Бунда эримайдиган аралашмалар чўкмага тушади. Юмшатувчи модданинг миқдори, одатда

елимловчи модданинг массасидан 5 дан 10% гача ташкил этади. Құпинча яхши натижалар 7,5% юмшатувчи массасида олинади. Маңытум мұлжады оқор рецептини таңлаш қатор шартларни күриб чиқышни талаб этади:

1. Оқор рецептига тола турига мос келувчи елимловчи модда кириши керак. Гидрофия ва гидрофоб толали аралашмаларда бикомпонентли елимловчи модда талаб этилади.

2. Оқор тұқиша маңытум матолар ва тұқув дасттоxлари түри учун минимал узилишни таъминлаши керак.

3. Мокисиз тұқув дасттоxлари механизмларининг сиқылған ҳаво ёрдамида уларни тез-тез тозалаб турилиши заруриятисиз мустаҳкам ишлашини таъминлаш учун chanг ажралиши минимал бўлиши керак.

4. Оқорлаш материаллари нархини, тұқув ускуналари унумдорлигини, оқорни тайёрлаш нархини ҳисобга олган ҳолда ипларни оқорлаш нархи минимал бўлиши керак.

5. Компонентлар, тофора, қувурлар, насослар ва оқор қозонлари контакт юзаси тайёрланған материалларга мувофиқ бўлиши керак. Масалан, акрил кислотали оқорни құллашда ҳамма контакт юзалар зангламас пўлатдан тайёрланған бўлиши керак. Тұқув жиҳозлари тұғрисида ҳам унутмаслик керак.

6. Агар мато яқунловчи пардозлашдан ўтмаса, оқор тиниқ бўлиши ва ҳарорат ёки ёруғликкінг узоқ вақт таъсирида рангини ўзгартираслиги керак.

7. Оқор ёпишқоқлиги юқори бўлмаслиги ва пардозлашда енгил ювилиши керак.

8. Материаллар заҳарли бўлмаслиги ёки саломатликка зарар етказмаслиги керак.

9. Елимлаш минимал бўлиши керак (иложи борича), айниқса, захира деталлар сарфини камайтириш ва тұқув ғалтагида танда ити узунлигини ошириш ҳамда қалин матоларни ишлаб чиқариш учун керак.

10. Ҳамма оқор маҳсулотлар сувда осон эриши керак. Қайд этиш керакки, оқорнинг бирон рецепті бу шартларни бир вақтда бажарилишини таъминлай олмайди. Умумий самараға эришиши учун маълум моддаларда сарфларнинг бирмунча ошувиға йўл қўйиш мумкин. Масалан, пардозлашда катта самараға эришишда тұқув ускунаси унумдорлигининг пасайиши, табиий крахмал ўрнида сувда эрувчи крахмални қўллаш. Аксинча, ПВС ни крахмалга қўшиши тұқув саноатида кўпроқ самараға олиб келиши мумкин. Одатда, тўқимачилик саноатида техник муаммоларнинг кўпчиллиги оптималь ечимга фақат тўқимачилик корхоналарида эга бўлади, у ерда хом ашёларни ишлаш аҳамиятсиз қўйматга эга.

4.6.2. ЭРИТУВЧИЛИ ОХОР

Танланган эритувчи билан мос келувчи охорлаш маҳсулотлари ҳали ҳам ўрганишнинг илк боқичида. Улар хлорланган углеводородлар билан тұғри келиши ва охор олинишидан кейин эритувчи регенерациясидан сүнг күп марта ишлатилиши керак. Елимловчи модда сифатида эң күп полистирол ишлатилған, бунда қайта ишлатища 80 % охор қулланған. Одатда, эритувчи сифатида перхлорэтилен ишлатиласы. Каннен полистирол модификацияланған крахмалдан ва ПВС билан аралашмалардан қиммат бұлса ҳам, эритувчилар билан охорлаш умумий қиймати сувли охорни құллаш билан охорлаш қийматидан 27% га паст. Афсуски, эритувчилар билан охорлашда бевосита ҳаражаттар жуда катта. Изданишлар натижасыга күра эритувчили охорни құллашда узулишилік ўсади. 30 текс ипдан енгил полиэфир ип газламани мокисиз тұқыв дастгоҳларыда бош валинг 220 мин⁻¹ айланиш тезлигіда ишлаб чиқариша 1000 танда иплари ва 10000 арқоқ ипди 0,3 узилиш ҳолати олинди. Бу 1 дастгоҳ-соат вактда дастгоҳни 60% фойдалы ишлатиши вактіга 2,65 узилиш мұвофиқ келади. Арқоқ ва танданинг узилиши одатдагига нисбатан тұхталишларнинг умумий сони 3,5 бир дастгоҳ – соатда тұқывчи хизмат күрсатиш мөщөри саккыз дастгоҳдан ошмаслигини англаради. Худди шундай шароитларда сувли охорни құллашда 1 дастгоҳ-соатда фақат 0,9 узилиш рүй беради. Полистирол елимловчи модда сифатида танланған, чунки уни ювиш осон үтади. Бироқ, қайд этиш керакки, күп корхоналардаги мавжуд ускуналар полистиролли охорни ювишга тұғри келмайды. Бошқа материалларни құллашға ҳаракат қилишлар лаборатория тажрибалари босқичида бұлади. Бироқ эритувчилар билан охорлашға қызықиши доимий ўсмоқда. Янги елимловчи материаллар пайдо бўлиши ва охорлаш жараёнининг имкониятлари кенгайишини кутиш мумкин.

«Зульцер» фирмаси 388 см энли дастгоҳ ва 218 см энли кулачокли ҳомузда ҳосил қылувчи механизми «Пиканоль» фирмаси мокили дастгоҳлар ишлатилди. Ҳамма тандалар якка охорлаш қозонида құш ботириш ёки құш қозонда алоҳида охорлаш билан ва танда нимталарини уч цилиндрларда қуритиш билан охорланади.

«Зульцер» фирмаси дасттохыда ишланган матолар

1. Вискоза иштүү учун охор рецепти

Сув

полотно

Модификацияланган крахмал

Полиакрил кислота

Стеарин

2. Полиэфир-ипли газлама иштүү учун охор рецепти.

Сув

полотно

ПВС/ модификацияланган крахмал

ПВС

Стеарин

3. Техник иш газлама матолар учун охор рецепти.

Сув

атлас 5/2

Акрил сополимери

Модификацияланган крахмал

4. Иш газлама матолар күпчиллиги учун охор рецепти.

Сув

полотно

Модификацияланган крахмал

Полиакрил кислота

Стеарин

«Пиканоль» фирмаси дасттохыда ишлаб чиқылган матолар.

1. Полиэфир – иш газлама матолар учун охор рецепти

Сув

полотно

Модификацияланган крахмал

ПВС

саржа 2/1

Стеарин

2. Ўрта ва қалин иш газлама матолар учун охор рецепти.

Сув

саржа 12/2

Модификацияланган крахмал

атлас 5/2

Акрил сополимер

саржа 2/1


Стеарин

атлас 5/2

Охорлаш күрсаткычлари тұқув ускунаси каби мұхым аҳамиятга зга. Уларға охорга ботиришда танда полотноси зичлиги, танда тасцифлари, охор ёпишқоқлиги, сиқищ шартлари киради. Пневмомеханик йигириү үсулида олинган ип шу чизиқли зичликдаги ҳалқасимон йигириү машиналаридә олинган ипгә нисбетан 15% га күп охор шимади. Енимлашта танда полотноси зичлиги анча таъсир күрсатади. Танданинг катта зичлигіда енимлаш түрли ипларда уларнинг охорга ботирилишдаги ҳолатига қараб үзгариб туради, бунинг натижасыда паст үртә енимлаш ҳосил бұлади. Атлас 5/2 үралышты мато танда бүйіча 1 см га 37 ипгә зга. Енимлаш қозонида 1 см га 36 ип түғри келади. 50 текс ип $0,4/10^{-2}$ см диаметрга зга, бу 36 ип учун 0,52 см ни ташкил этади. Бундай шартларда охор эритмасини алоҳида иплар орасыга сингиши қийин. Иплар үртасидаги идеал масофа тахминан ип диаметрига тенг булиши керак. Бу ҳолда охорлаш талағба жавоб беріши учун танда полотносини иккі қисмга булиб еришиш мүмкін.

Ип газлама ип әгаллайдынг умумий жой танда полотноси бүйіча вал көнглигининг 50% ини, полиэфир – ип газлама ип эса – 67% ни ташкил этиши керак. Ҳимоя қопламини самарали қопланишидан кейин тандани шу даражада дастлаб қуритиш зарурки, иплар үзаро ёпишмасин. Одатда, танданинг иккі ярмини алоҳида иккі ёки уч барабанларда, сұнг қолғанларидә бутун тандани қуритилади. Күпинча бир танда ярмини бириңчи енимловчи қурилмадан кейин дастлаб уч құшимча барабанларда, танданинг иккінчи ярмини – түқкіз барабанли машинанинг уч орқа барабаница қуритилади, қолған олти барабанда эса бутун тандани яқынловчи қуритилиши амалға оширилади. «Целл» фирмасининг «Синкро-4» маҳсус қурилмасини құллаш анча қулай бұлыб, у енимловчи қурилмалар ва тұрт барабандан иборат қуритувчи қурилма орасыда үрнатылади. Бұлинган танда дастлаб иккі барабанда қуритилади, сұнг эса одатдаги қуритиш амалға оширилади. Баъзилар алоҳида дастлабки қуритиш алоҳида охорлашдан мұхимроқ аҳамиятта зга, деб таъқидлашади ва шунинг учун күпинча «Синкро-4» якка охорлаш қозони құлланылади. Тажриба күрсатады, иккала әндошиш ҳам бир хил мұхым ва охорлаш жараёнини такомиллаштиришда катта қадам касб этади. Сиқищ валларининг қатиқлігі ва материалы енимлаш катталигига катта таъсир күрсатади, бироқ бу ерда боғланишлар жуда мұраккаб ва аникланиши қийин. Одатда, анча қаттық валлар юмшоқларға күра

катта елимлаш беради. Бироқ валлар сиртини ўрашга мүлжалланган материал ҳам мұхым аҳамияттаға эга. Шорнинг аниқлашыча [5] 55-60 бирлик қаттиқдаги валлар қониқарлы ҳисобланади, анча қаттиқ валларни фақат баъзи маҳсус ҳоллар учун тавсия қилиш мүмкін. Сиқиши кучланиши ва елимлаш ўртасидаги боғланиш түғри пропорционал. Машинанинг секин юришида паст елимлашни компенсациялаш учун сиқишининг автоматик тартибга солувчилари құлланади. Машина тезлигининг тушишида сиқиши кучланиши камаяді. 53-расмда назорат автоматик тизими учун секин юрища охорлаш тезлиги ва сиқиши кучланиши ўртасидаги боғланиш күрсатылған.



53-расм. Назорат автоматик тизими учун охорлаш тезлиги
ва сиқиши кучланиши ўртасидаги боғланиш.

1,2,3-сиқиши валларда сиқиши кучланишининг имкониятлы
вариантлари; 4-сиқиши вали ҳосил қыладиган қолпамлар учун сиқиши
куchlаниши чегараси.

Секин юришда сиқиши күчланиши 1,5 кН ни, машинанинг максимал тезлигига эса 120 м/мин – 7 кН ни ташкил этади. Иккى чегара қийматлар ўртасида тартибга солишини чизиқли ёки экспоненциал қонун бўйича амалга ошириш мумкин. Чизиқли боғланиш қуйидаги кўринишга эга булади:

$$P=1,5+0,046$$

бу ерда P – сиқиши күчланиши, кН;
 ϑ – оҳорлаш тезлиги, м/мин.

Оҳор ёпишқоқлигини тахминан 2 марта га ва сиқиши күчланишини 10 марта га ошириш мумкин, бу танда узунлиги бирлигидан буғланувчи намлик микдорини иккى марта га камайтиради. Бироқ мавжуд ускуналар бундай сиқиши даражасини олишга имкон бермайди. Бунинг учун маҳсус конструкцияланган елимлаш қурилмалари талаб этилади. «Вест Пойнт» фирмаси 789 елимловчи аппарати 90,8 кН сиқиши күчланишгача ёки 0,5 кН 1 см танда полотносига сиқиши вали кентлиги 183 см да бир сиқиши жуфтига эга. Оҳорнинг ёпишқоқлиги елимлаш катталигига кўп таъсир кўрсатади.

4.7. ОҲОР СИФАТИНИ АНИҚЛАШ УСЛУБЛАРИ

Оҳор таркиби унинг ташқи кўриниши ва физик-кимёвий таркиби билан аниқланади. Ташқи кўринишидан оҳор бир хил елемли ва хамирсиз бўлиши керак. Физик-кимёвий хусусияти бўйича оҳор елемлаш материалига тўйинган ёпишқоқ бўлиши керак. Крахмал елемлаш маҳсулотлари ишлатилганда крахмалнинг қўшилиш текислиги ҳам текширилади.

Оҳорнинг ёпишқоқлиги унинг ҳароратига, тўйинганлигига ва оҳорловчи модда турига боғлиқ. У оҳорланган ипнинг технологик хусусиятига бевосита таъсир этади, чунки ёпишқоқлик натижасида ипга оҳорнинг киришиши аниқланади. Танда ипига оҳорнинг сингиши ҳамда ўзига олиш қобилияти оҳор қовушқоқлиги (B) дейиласида ва уни вискозиметр ёрдамида аниқланаб, бунда оҳор оқиб кетиш вақтини сув оқиб кетиш вақтига нисбати билан ифодаланади:

$$B = \frac{t_{ox}}{t_{vis}}; \quad (4.1)$$

t_{ox} – қовушқоқликни аниқлаш идишидаги оҳорнинг оқиб кетиши учун кетган вақт, сек;

$t_{\text{сп}}$ — шу ҳажмдаги сувнинг оқиб кетиши учун кетган вакт, сек.

Охирги вақтларда күпинча оҳорнинг нисбий шилимшиқлиги топилмоқда. Нисбий қуюқлик вискозометрик воронкадан фойдаланиб топиш мумкин, аммо Энглер вискозометри анча аниқликда топади. Нисбий қуюқлик 1,1-5 атрофида бўлади, лекин бу оҳор ҳароратига елимлаш маҳсулоти тўйингланлигига, оҳорланадиган ипнинг турига ва чизиқли зичлигига, елимлаш маҳсулотига боғлиқ.

Фабрикаларда күпинча оҳорнинг қуюқлигини топиша П.А. Ивановнинг ЭВИ-57ПЛ электровискозометри ҳам ишлатилади. Бу асбобда оҳор қуюқлиги сантитпаузаларда ўлчанади, маҳсус оҳорли стаканга ротор ўқи ботирилади. Электровискозометр ЭВИ-57ПЛ нинг ишлаш принципи қўйидагича. Оҳорга айланиб турган ротор ўқини ботирганда оҳорнинг қуюқлиги туфайли тұхташ вужудга келади. Фазовий силжиш ҳосил бўлиб, у электрон чизмада ўлчанади. Потенцометр шкаласида курсаткич т бўлинниш сонини кўрсатади.

Қуюқлик сантитпаузада:

$$\eta = a * m \quad (4.2)$$

a — берилган диапазон қурилмаси учун шкаланинг бўлинниш баҳоси.

Елимлаш маҳсулоти тўйингланлигини топиш уни қайнатиши вақтида пишишини тўғрилигини аниқлайди ва оҳорлаш машинасининг оҳор тогорасидаги тўлдириш даражасини аниқлайди.

Елимлаш маҳсулоти тўйингланлигини текшириш учун (2 г атрофидаги) оҳор қуритилиб қуруқ қолдиги аниқланади. Ҳозирги замон елимлаш маҳсулотлари рецептида 100% атрофида қуруқ оҳор моддалари ташкил қиласи, шундай қилиб қуруқ оҳор қолдиқлари оҳордаги қуруқ елимлаш моддалари таркибига мос келади. Қуруқ оҳор қолдиги 6 % ни топиб, оҳордаги елимлаш моддасига тўйингланликни аниқлаймиз, 1000 л оҳорда килограмм ҳисобида

$$K = \frac{G * 1000}{100 - W}, \text{ кг} \quad (4.3)$$

W — елимлаш моддасининг намлиги %.

Оҳорлаш машинасида ва елим қозонидаги қуюқ оҳор қолдигини топиб тогорада конденсат билан аралашув даражасини аниқлаш

мүмкин. Агар аралашув 5% дан ошса қайнатиша түйинганлик ошғанлигини билдиради. Өхөр реакцияси заарсиз булиши керак. Бундай өхөр сақлашга чидамли бұлади. Үсімліктар оиласига мансуб толалардан олинган танда иппарини өхорлашда кам ишқорлы реакция, жүн тандалар ва табиий ипак тандаси учун камнордон реакция тавсия этилади. У ҳолатда ҳам бу ҳолатда ҳам өхөрни заарсизлантиришгә тұғри келади.

Крахмални аралаштириш тенглиги қуйидаги усул билан аниқланади. 500 мл сувга 5-6 г өхөр құшилади. Өхөрнинг қуюқлиги бузилиб кам аралашган ва оғирроқ крахмал бұлакчалари тубига چүкади, майды бұлакчалар сувга құшилади, қисман осилған ҳолатда қолади. Бу майды бұлакчаларни шартты равища крахмалга құшилған ҳисобланади, крахмалнинг аралашы даражаси билан қарастырылади. Өхөрлеш машинаси өхөр төфорасидаги хлораминли өхөрнинг крахмал билан қушилиш даражаси 90-95% булиши шарт. Бу өхөр қатталиги буйича крахмал донларининг бир хилдигидан далолат беради ва қушилиш тенглигиге гувохлық беради.

4.7.1. ОХОРЛАШ МИҚДОРИ ВА УНИ АНИҚЛАШ

Өхөрнинг қисман тола таркибига сингиши ва ип юзасига қоплам ҳосил қилиши натижасида, өхөрланған иппарнинг вазни ошади. Вазннинг ошиши юмшоқ тандага нисбий фоизларда ифодаланиб өхөрланиш миқдори деб аталади. Өхөрланиш миқдори иккى хил ғаралады: қуринувчан (Π_k) ва ҳақиқиي (Π_x).

Қуринувчан өхөрланиш деб өхөрланған иппарнинг өхөрланмаган иппарга нисбатан вазни фарқы булиб, ҳисоблаш пайтида намлик эътиборга олинмайды. Қуринувчан өхөрланиш ҳар бир тұқыв навойи учун ҳисобланади.

$$\Pi_k = \frac{(P - p_n)}{p_n} \times 100 \% \quad (4.5)$$

бу ерда, P – навойдаги өхөрланған ип оғирлигі кг;

p – бир бұлак газлама учун кетадиган юмшоқ ип вазни.

n – навойдан олинадиган газлама бұлаклари сони.

Хамма гуруұдан олинадиган танда учун қуринувчан өхөрланиш қуйидаги формула билан топилади

$$\Pi_k = \frac{[(P_1 + P_2) - (Q - g)]}{Q - g} \times 100 \% \quad (4.6)$$

Бу ерда P_1 – гурухдаги оқорланған ипларнинг вазни , кг;
 P_2 – елимланған учлар вазни , кг ;
 Q – бир гурух танда ғалтаклардаги иплар вазни, кг;
 g - юмшоқ танда учлари вазни, кг.

Оқорлашда оқорлаш маҳсулотлари харажати қақиқий оқорланиш миқдорида намликтин ҳисобга олиб аниқланади:

$$\Pi_x = \Pi_k + W_k - W_o \quad (4.7)$$

W_k – танда ипларнинг оқорлашдан кейинги намлиги

W_o – танда ипларнинг оқорлашдан олдинги намлиги

Оқор миқдори толали материал турига, ипнинг чизиқли зичлигига ва унинг тобланишига, газламанинг киришишига ва зичлигига, ниҳоят оқорлаш материалларига боғлик.

Тұқыв дасттохыда ип қанча күп таъсир олса, оқорланиш миқдори фоизи шунчы күп ип юзасыда қоплама ҳосил қилиши керак. Ип қанча ингичка бұлса, оқорланиш миқдори шунчы күп, тобланиш күп бұлса оқорланиш миқдори камаяди, газлама зичлигиге ошиши билан оқорланиш миқдори күпаяди.

Хар хил иплар учун күринувчан оқорланиш миқдори, %;

Пахта иплар:

Бирламчи	- 5 - 10
Пишитилган	- 2 - 4

Жун қайта тараған иплар:

Бирламчи	- 6 - 11
Пишитилган	- 2 - 5
Жун аппарат	- 2 - 5
Зигир	- 4 - 10
Штапел вискоза	- 4 - 7
Табиий иплар	- 2 - 5

4.7.2. ОҚОРЛАШНИНГ ИП ХУСУСИЯТИГА ТАЪСИРИ

Оқорлаш жараёнида ип хусусияти үзгаради; оқорланиш натижасыда ип оғирлиги ошгач, унинг чизиқли зичлигі ҳам үзгаради; алоқида толаларнинг ёпишиши сабаб, ип мустаҳкамлиғи ошади ва өзилиши камаяди, чунки айрим толаларнинг ёпишиши

ипнинг жингалаклик хусусиятини йўқотади, бир-бирига нисбатан сирланчик бўлади.

Бундай мустаҳкамлик оҳорлаш дан кейин пахта ва жун ипларида 20-25%, зигир ипларида 12-25%, кимёвий толали ипларда – 40% гача ошади, чўзилиши пахта ипларида 25-30%, кайта тараалган жун иплар – 10-16% зигир иплар – 4-10% камаяди.

Оҳорланган иплар ҳомиза ҳосил қилиш жараённида ҳосил бўлувчи ишқаланиш, ўзгарувчан юклар, чўзилувчанлик каби қаршиликларга бардош бериши учун, улар етарли миқдорда силлиқ, юмшоқ ипга нисбатан мустаҳкам, етарли чўзилувчан, керакли намлиқда ва оҳорланган бўлиши керак.

4.8. ОҲОРЛАШ МАШИНАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ СИНФЛANIШИ


Оҳорлаш машиналарининг турлари хилма-хилдир, аммо уларнинг тўлдириш чизмалари бир хилдир. Танда ипларининг қуритиш усулига қараб, оҳорлаш машиналари бир неча турларга бўлинади.

1. Барабанли;
2. Камерали;
3. Арадаш;
4. Maxsus.

Барабанли қуритиш усулида танда иплари барабаннинг иссиқ сирт юзасидан тегиб ўтиши ҳисобига қуритилади. Бу усулда ШБ- 3/140, ШБ-9/140, ШБ-9/180, ШБ-11/180, ШБ-13/140, ШБ-13/180 (суратдаги ракамлар қуритиш барабанлари сонини маҳраждаги эса машинанинг ишчи эннии билдиради) русумли машиналар ишлатилиади.

Камерали усул – асосан бўялган ва жун ипларини оҳорлаш мақсадида қўлланилади. Бунда оҳорланган иплар камераси ичидаги иссиқ ҳаво ҳисобига қуритилади. Бундай машиналарга ШКВ-180, ШКВ-230 машиналари ва уларнинг мукаммалаштирилганлари мисол бўлади.

Арадаш усул ипакчиликда ишлатилиб, танда иплари ҳам иссиқ ҳаво, ҳам барабанлар ёрдамида қуритилиб, икки хил усул бирга қўлланилади ва ШБ-155-И русумидаги машиналарда бажарилади (И – ҳарфи сунъий ипак толаларига тааллуқли эканлигини билдиради).



54-расм. Оҳорлаш машинасининг умумий технологик схемаси.

Махсус усулда танда иплари инфрақизил нурлар, ҳаво – газли системалар ёрдамида қуритилади. Бу усул ҳали ишлаб чиқаришида қўлланилмаган. Ҳар бир машина лойиҳаси қуидаги асосий қисмлардан иборат:

- танда ғалтаклари учун тирговучлар;
- ипларни оҳорловчи оҳорлаш аппарати, оҳор тогораси ва сиқувчи валлардан иборат;
- қуритиш аппарати, оҳорга чуктирувчи ва сиқилган иплардан ортиқча намликни туширувчи;
- ажратувчи чивиқлар ёрдамида, иплар ёнма-ён ёпишишидан ажратилади ва навойга ўралади, баъзи ҳолларда тандага қушимча ишлов берувчи эмульсиялаш қурилмаси ўрнатилади;
- юритма механизми;
- оҳорлаш жараёнини назорат қилувчи қурилмалар.

Бундан ташқари ипларни сифатли оҳорлаш ва оҳорлаш режимини бир хилда таъминлаш учун оҳорлаш машинасига ҳар хил автоматик ростлагичлар ўрнатилган.

1. Тўкув ғалтакларига танда ипларининг бир хил тезлик ва зичлик билан ўралишини таъминловчи тенглаштирувчилар.
2. Оҳор сатҳини назорат қилувчи.
3. Оҳор ҳароратини сақлаб турувчи.
4. Намликни ростловчи автомат.

Бизга маълумки ҳамма машиналарнинг умумий технологик схемаси бир хил. 54-расмда кўрсатилгандек тирговучларга ўрнатилган 1 танда бир гурӯҳ ғалтакларидан 1 танда ипларини 2 ботирувчи вал оҳор тўла тогорага ботиради. Оҳор тогорасидан чиқсан ипдаги оҳор ортиқчалари 4 қисувчи валлар ёрдамида сиқиб олинади. Кейин иплар 5 қуритиш қисмига келади. Қуритилган иплар ажратувчи 6 чивиқлар орқали ўтади. Ажратувчи чивиқлар ҳар бир ғалтакдаги ипларни ажратади ва 7 ажратувчи тароқ танда иплари


зичлигини ва энини таъминлайди. Тортиш вали 8 ипларни тортиб 9 тўкув навойига ўрайди.

Танда иплари таранглигини меъёрлаштириш мақсадида танда галтаклари куттармага ҳар хил жойлаштирилади (55-расм).

Бир қаторли жойлаштиришнинг афзаллиги уни лойиҳасининг олдийлиги ва қулалиги бўлса, катта жойни эгаллаши эса, ҳар бир галтакдаги иплар таранглигининг нотекислиги унинг камчилигидир. Икки қаторли жойлаштиришда кам жойни эгаллайди, лекин галтакдаги иплар таранглиги ҳар хил бўлади. Танда галтакларини қия жойлаштириш билан тарангликни равонлаштиришга эришилади, бироқ танда галтакларини жойлаштиришда нокулайлик тугилади.

Танда галтакларидан ажралиб чиқаётган ипларнинг таранглиги бир хилда бўлмаслиги ипларнинг ҳар хил чўзишишига олиб келади, бу ҳол эса танда галтагидаги ипларни бир вақтда тугаб қолмаслигига олиб келади.

Натижада танда иплари сифати пасайиб чиқинди кўпаяди.



55-расм. Танда галтакларини куттармаларда жойлашиши.

а-бир қаторли; б-икки қаторли ; в-уч қаторли.

4.8.1. БАРАБАНЛИ ОҲОРЛАШ МАШИНАЛАРИ

Барабанли оҳорлаш машиналари тўкув ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳасида қўлланилади. Бу турдаги оҳорлаш машиналари икки барабанли ёки кўп барабанли бўлиши мумкин. Икки барабанли оҳорлаш машиналарини Иванова тўқимачилик машиналари ишлаб чиқариш заводи ишлаб чиқаради. Кўп барабанли оҳорлаш машиналарни Вичуг тўқимачилик машиналари ишлаб чиқариш заводида ишлаб чиқарилади.

Барабанли оҳорлаш машиналарининг қуритиш имконияти барабаннинг иссиқ сиртига тегиб турувчи танданинг узунлигига ва барабандаги бугнинг босимига боғлиқ. Агар барабандаги буг босими юқори булиб, барабаннинг иссиқ сиртига тегувчи ип

узунлиги қанча узун бўлса, машинанинг оҳорлаш тезлиги шунча ортади.

«Вичуг» тўқимачилик машиналари ишлаб чиқарувчи заводи 1400 мм ва 1800 мм иш энига эга бўлган 9 ва 11 барабанли, пахта, зигир ва уларнинг кимёвий толалар аралашмасидан, штапел, шунингдек кимёвий толали ипларни оҳорловчи машиналар ишлаб чиқаради. Завод ШБ-11/140-1; ШБ-11/140-2; ШБ-11/140-Л-1; ШБ-11/140-Л-2, ШБ-9/140-ШЛ-1; ШБ-9/140-ШЛ-2; ва шуларга ўхшаш 1800 мм иш энили ШБ-11/180-1 ва ҳоказо, машиналарни ишлаб чиқаради. 1 ва 2 рақамлар бир қаватли ва икки қаватли тирговучли, ёnidаги ҳарфлар эса қайси соҳада мўлжалланганигина билдиради. Масалан ШЛ-1 кимёвий толали ипнинг пилтталаб тандалашдан олинган битта навойни оҳорлади, ШЛ-2 гурухлаб тандалангандан гуруҳ танда ғалтакларини (2-16 гача) оҳорлади. Кўп барабанли машиналарнинг қуритиш қобилияти соатига 500 кг гача намни қурилади, яъни 16-80 ва 30-150 м/мин тезликда ишлаш имкониятига эга.


Энди бу машиналарнинг имкониятларини кўриб чиқамиз. Бу машиналарга диаметри унча катта бўлмаган барабанлар ўрнатилган 570 мм, бу ипларнинг сирт бўйича равон эгилишини таъминлайди, бунда танданинг чўзилиши камаяди, сиртга тегувчи ип узунлиги ортади (икки барабанли машиналарда 7,6 м ташкил этса, 9 ва 11 барабанли машиналарда 14,8 ва 18 м.ни ташкил этади). Барабандаги буғ босими 58,9 Па сифимгача чидамли, бу эса сиртдаги ҳароратни 150° С ва ундан юқорига кўтариши мумкин. Ҳар бир барабанда ҳароратни бошқариш мумкин, яъни биринчи барабан ҳароратини юқори, иккинчи барабанникини сал пасайтириб ва ҳоказо ҳароратни равонлаштириш мумкин. Бундай қуритиш унинг жадаллигини таъминлайди. Олдинги барабанлар сиртидаги антигедизион қопламалар танданинг барабан сиртига ёпишишдан сақлайди. Ишчи органларга ҳаракат узатиш доимий ток билан ишловчи икки двигателли узатма ишлатилади, бу оҳорлаш тезлигини кент бошқариш имкониятини беради ва равон ишлатишни таъминлайди. Машинанинг 3-4 соҳаларида оҳорлаш жараёнида ипнинг таранглигини бошқариш шароити мавжуд. Кўп барабанли машиналарда технологик жараённи назорат қилувчи автоматик асбоблар ўрнатилган. ШБ-11/140-1 машинасининг тўлдириш схемасини кўриб чиқамиз (56-расм). Танда иплари 2 тирговучларга ўрнатилган 1 танда ғалтакларидан ечилиб 8 тортувчи вал орқали машинанинг оҳор тўла оҳор тогорасига узатилади. Танда


ғалтагидан бирлаштирилган иплар 3 чибиқда эгилади ва 4 хизмат йүлакчасидан ўтади. Йүлакча машинага хизмат кўрсатишни енгиллаштиради ва у томондан бошқа томонга ўтишни осонлаштиради. Танда иплари чибиқ 5, танда таранглиги валик-датчиғи 6 ва 7 чибиқлар орқали 8 тортувчи вал тортади. Тортувчи вал машинанинг бош валидан ҳаракат олади. Сўнгра танда ботирувчи вал ёрдамида тогорага ботирилади. Бу вал диаметри 130 мм бўлиб, тобланган пўлатдан ясалган, рейка ёрдамида кўтариш ва тушириш мумкин, у силжувчи подшипникка ўрнатилган.

Елимланган танда или 10 сиқувчи валлар ёрдамида сиқиласди. Улар икки жуфт. Юқори сиқувчи валлар пўлат кувурлардан ясалган ва резина қопламага эга. Бу валлар сиқиши механизми ричагига подшипник орқали ўрнатилган. Сиқиши механизми босим таъсирида булади. Пости пўлат сиқувчи валлар узатма орқали ҳаракат олади. Оҳор тогораси варакли тобланган пўлатдан тайёрланган ва 200 л ҳажмга эга (1800 мм энли 250 л).

Елимланган ип 11 чибиқдан ўтиб, навбат билан қуритиш барабанлари 12 дан эгилиб ўтади. Барабанларнинг иш сирти-пўлат варакдан тайёрланган ва эллипссимон тагликка ёпиштирилган. Тагликка цапфа қотирилади. Цап цапфа орқали буг узатилади ва конденсат чиқариб ташланади. Ҳамма барабанлар занжирли узатма орқали мажбурий айланма ҳаракат олади. Машинанинг қуритиш қисми ва оҳор тогораси тепасида соябон ўрнатилган бўлиб, бу ердан намланган ҳаво сўриб олинади.

Куриган танда или машинанинг олд қисмiga ўтади, бу ерда навбати билан валик-датчик 13 эгилиб, чибиқ 14, эмульсияловчи курилма валиги 15, чибиқлар 16 ва 17 ва 18 ажратувчилардан ўтади. Ажратувчилар ёпишган ипларни бир-биридан ажратади. Қатор 19 тишлари орасидан ўтиб танда иплари олдинги ўлчовчи валикка 20 боради, чиқарувчи резинли вал 21, танда таранглигини бошқарувчи 22 валик-датчик, валик 23 орқали ўтиб тўкув новойи 24 га ўралади.






56-расм. ШБ-11/140-1 оҳорлаш машинасининг тўлдириш схемаси.

Ўзгармас ток истеъмол қилувчи машинанинг ҳамма қисмлари иккита электродвигателдан ҳаракат олади. Улардан бири $N_1 = 6$ квт) (56-расм) икки ёкламалик редуктор 10 орқали занжирли узатиш 9 билан тўкув фалтаги 8 га ҳаракат беради. Редуктор фалтакнинг бошланғич диаметрида (100 ёки 140мм) ишга тушади. Танланган тезлик диапазонига боғлиқ ҳолда (16-80 ёки 30-150м/мин) узатма алмашувчи юлдузсимон шестернялар мавжуд.

Иккинчи электродвигатель 4 ($N_2 = 14$ квт) ҳаракатни икки ёқлама цилиндрисимон редуктор орқали бош валга узатади, бу ҳам танланган тезлик диапазонига боғлиқ ҳолда занжирли узатма орқали амалга ошади. Бош валдан тишли ва занжирли узатмалар ёрдамида ҳаракат машинанинг асосий ишчи қисмларига - тортувчи вал 1, сикувчи валлар 2, қуритиш барабанлари 3 ва чиқарувчи вал 6 га узатилади. Ҳаракат узатишда 12 ва 14 редукторлар ҳам қўшилади.

Машинанинг иш қисмлари тезлигини, айрим бўлимидаги танда чўзилишини бошқариш мақсадида ўзгартириш мумкин. Бунинг учун машинада учта тенглаштирувчи механизм ўрнатилган. Орка тенглаштирувчи механизм 15 тортиш ва сиқиш валлариидаги чўзилиш ва тарангликни бошқаради, ўрта 13 сиқувчига вал -



57-расм. ШБ-11/140 машинасининг кинематик схемаси.

қуритиш барабани, олдинги 11 қуритиш барабани – чиқарувчи вал соҳасидаги чўзилиш ва тарангликни бошқариб туради. Тенглаштирувчи вални ишлатиш натижасида танда чўзилиш диапазонини 0,3 – 3,5% гача ўзгартириш мумкин, бу ипнинг турига ва чизиқли зичлигига боғлик.

57-расмда ШБ-11/180-1 машинасининг тенглаштириш механизми схемаси ифодаланган. Бу дифференциал механизмда узатувчи вал 5 дан занжирли вариатор ва планетар узатиш орқали қабул қилувчи вал ҳаракат олади. Вариаторнинг конуссимон айланаси 3 ричаг, 1 винт ва 2 маҳовик орқали ўқ атрофида ҳар хил йуналишда силжийди. Шу пайтда узатувчи ва қабул қилувчи айланалар радиуси ўзгариб туради. Натижада вариаторнинг узатувчи вали айланиш частотаси равон ўзгаришига вариатор йўл қуяди. Вариаторнинг узатувчи валидан ҳаракат Z_6 , Z_7 , Z_8 шестернялар орқали планетар узатишга утади. Z_6 шестерня бошқарувчи ҳисобланиб 5 валга эркин жойлашган. Шунингдек, 6 валга Z_4 шестерня ҳам эркин жойлашган. Бу шестерняларни боғловчи ўқга планетар ҳаракат қилувчи Z_2 ва Z_3 шестернялар ўрнатилган. Шестерня Z_3 шестерня Z_5 билан боғланиб 6 валга ўрнатилган. 6 вал Z_1 шестернидан, Z_6 ва планетар шестернялар Z_2 ва Z_3 дан кўшма ҳаракат олади.

Тенглаштириш механизми бошқариш диапазони

$$D = \frac{(i_{\max} - i_{\min}) 100}{i_{\min}} \quad (4.8)$$

бу ерда i_{\max} ва i_{\min} – тенглаштириш механизми максимал ва минимал узатиш нисбийлиги.


Ўз навбатида

$$i_{\max} = \frac{n_s}{[n_s - i + n_{6 \min} (1-i)]} \quad (4.9)$$

n_s – тенглаштириш механизмидан чиқиш айланиш частотаси, яъни Z шестерня ва 5 валнинг айланиш частотаси;

i – бошқарув тўхтаганда планстар узатманинг нисбий узатиши;

$n_{6 \max}$ $n_{6 \min}$ – тенглаштириш механизми 6 валининг максимал ва минимал айланиш частотаси.



58—расм. УМ-3 тенглаштириш механизмининг схемаси.

Бу ўз навбатида

$$i = \frac{Z_1 Z_3}{Z_2 Z_5} = \frac{30.24}{27.33} = 0,808$$

$$n_{3 \max x} = \frac{n_5 \sqrt{D_{\text{вар}} Z_8}}{Z_5} = \frac{n_5 \sqrt{4,5 \times 33}}{83} = 0,808$$

$$n_{6 \min} = \frac{n_5 Z_8}{\sqrt{D_{\text{вар}} Z_6}} = \frac{n_5 \cdot 33}{\sqrt{4,5 \cdot 33}},$$

$D_{\text{вар}}$ — вариатор бошқаруви диапазони.

Сонларни ўрнига құйымыз $i_{\max} = 1,185 n_5$ ва $i_{\min} = 1,031 n_5$

$$D = \frac{(1,185 - 1,031) 100}{1,031} = 15 \%$$

Агар, тенглаштириш механизми 0,3 – 3,5 % чўзилишга йўл кўйса, ишловчи ва чиқарувчи валлар тезлиги орасидаги фарқ 15% гача чўзилишни амалга ошириш мумкин экан. Тўкув фалтагига ўралётган танданинг бир хил таранглитини сақлаш учун фалтакдаги ип диаметри ошиши биландвигателнинг айланиш лаҳзаси пропорционал ошиши керак.

Двигател валининг лаҳзаси.

$$M = C_m \Phi (I - I_o) \quad (4.11)$$

C_m – двигателнинг механик доимийлиги;

Φ – магнит майдони қўзғалиши;

I – тарангликка сарфланадиган двигател энергияси;

I_o – двигателнинг юритмага узатиш ва механик йўқотишларга сарфланадиган энергияси.

Двигател валининг лаҳзасини бошқача қилиб қўйидагича ифодалаш мумкин.

$$M = \frac{KD}{(2i + M_o)} \quad (4.12)$$

K – ип таранглиги;

D – фалтакдаги танда ўрами диаметри;

i – узатиш нисбийлиги;

M_o – механик йўқотишга кетган сарф кучи лаҳзаси.

(2) формуладан келиб чиқадики, танда таранглиги K ни доимийлигини қўллаш учун ўрам диаметри ошишига пропорционал ҳолда двигател вали лаҳзасини ошириш керак.

(4.1) формуладан маълумки двигател вали лаҳзасини ошириш учун доимий оқимдаги двигател токини, ёки двигателнинг ўзгармас токдаги қўзғалиш оқимини ўзгартириш керак. Машинада иккинчи усул – ўзгармас токли двигателнинг қўзғалиш оқиминининг ўрам диаметрига пропорционаллигини бошқариш усули қўлланилган.

Агар I_o токни тўлиқ ўзлаштирилган деб қарасак

$$\frac{KD}{2t} = C_m I \Phi$$

Агар $C_m 2t I = C$ деб белгиласак

$$K = \frac{C\Phi}{D} \quad (4.13)$$

Демак Ф : D нисбийликни қувватласақ, унда танда или таранглиги доимийлиги сақланади.

Фалтак двигатели тезлиги унинг диаметрига тескари пропорционал

$$\frac{I}{D} = n \quad (4.14)$$

n – роторнинг айланиш частотаси
(4.3.) формула қўидаги кўринишга эга бўлади.

$$K \approx C n \Phi$$

Чунки двигател ЭЮК E \approx n \Phi хотимада.

$$K \approx C E$$

Демак, ўрам диаметри ошаётганда бир хил тарангликни сақлаш навои учун двигател ЭЮК ни доимий сақлаши лозим.

Валик-датчик ричакка жойлашган подшипникка ўрнатилган бўлиб айланади. Тарангликда турган валик-датчик, таранглик ўзгарганда ричаглар орқали куч ўлчовчи датчикка таъсир кўрсатади ва ундан бошқариш системасига импульс боради. Танда таранглиги доимийлиги сақланади.


Оҳорлаш машинасида тўкув навоини ўрнатиш ва тушириш механизми мавжуд. У маҳсус электродвигателдан ҳаракат олади ва ўрнатилган тўкув навоини қисади, шунингдек тўлган навоини ечади.

4.8.2. КАМЕРАЛИ ОҲОРЛАШ МАШИНАЛАРИ

Камерали оҳорлаш машиналари жун, зигир ва пахта толали рангли ипларни оҳорлаш учун ишлатилади. Қуритиш қисмидан ташқари қолган ҳамма механизмлари барабанли оҳорлаш машиналарига ўхшаш.

Бу машиналарнинг қуритиш қисми бўлган камераларда тандани қуритиш иссиқ ҳаво ёрдамида амалга оширилади. Ҳозирги замон фабрикаларида ҳар хил лойиҳали машиналар: қуритиш камерасидаги танда узунлиги 32 м гача бўлган ШК русумдаги ва унинг муқаммаллаштиргани ШКВ (камерали оҳорловчи, юқори тезликли) 140,180 ва 230 см иш энли машиналар ишлатилмоқда.

Машиналар бир, иккى – ва уч қаватли тирговучлар билан жиҳозланган бўлиши мумкин. Оҳорлаш тезлиги ШКВ-140 машинасида 20-100 м/мин гача ШКВ-180 ва ШКВ-230 машиналарида 20-80 м/мин гача бўлиши мумкин.



59-расмда ШКВ машинасининг куритиш камераси.

Оҳорланган ва сикилган 1 танда иплари навбати билан 2 пастки ва 3 юқориги қувурчасимон ва силлиқ 5 роликлардан эгилиб ўтади. Камерадан 6 оралиқ орқали ўтиб йўналтириш 7 ролиги машинанинг олд қисмига узатади. Ҳаракатланаётган танда 4 сопло (қиздирилган ҳавони сикувчи – узатувчи махсус қувур 13 қути орқали иссиқ ҳаво таъсирида булади. Танда соглодан 20 мм оралиқда булади ва ҳаво ҳаракати таъсирида тебраниб қурийди, натижада бир-бирига ёпишмайди. Бу чивиқларга ипларни ажратишни анча енгиллаштиради.

Куритиш камерасининг пастки қисмидаги 11 иситиш қурилмаси ва 9 шамоллаттич жойлашган бўлиб, улар электродвигателдан ҳаракат олади.

Ишлатилган ва тоза ҳаво аралашмасини 9 шамоллаттич сурib, 10 сузич ва 11 иситиш қурилмаси орқали ўтади ва у ерда 80-120С иситилади.

Машина энига қараб 2 тадан 8 тагача иситиш қурилмалари ўрнатилади. Иситилган ҳаво 12 қути орқали 13 тик қутilarга ва 4 сопло орқали танда ипига таъсир этади. Намланган ҳаво сўрувчи шамоллаттич орқали сўриб олинади.

Танда ипларининг чизиқли зичлигига қараб уларнинг тўлдириш чизмасини ўзgartириш мумкин. Шу мақсадда, камерадаги танда узунлиги 5 роликлардан ўтказилиш сонига қараб белгиланади.

Куритиш камерасининг буғлатиш қобилияти соатига 250300 кг. намликни ташкил этади [1].

Машинанинг иш қисмлари ўзгармас ток билан ишловчи иккига электродвигателдан ҳаракат олади. Улардан бири тұқув навойига, иккінчisi бошқа иш қисмларни ҳаракатта көлтиради. Машинада ип таранглиги беш үрінде бошқарилади. 1) танда ғалтаги, биринчи тортувчи вал – танда ғалтакларининг дискли тұхтатгичлари; 2) биринчи тортувчи вал ва биринчи жуфт сиқувчи валлар орасыда орқа тенглаштирувчи механизм; 3) иккінчи жуфт сиқувчи валлар ва қуритиш камерасидан кейин үрнатылған иккінчи тортувчи валлар орасыда – орқа тенглаштирувчи механизм; 4) иккінчи тортувчи вал ва чиқарыш вали орасыда – олд тенглаштирувчи механизм; 5) Чиқарыш вали ва тұқув навойи – тұқув навойни ўзгармас ток билан таъминловчи двигател.

4.8.3. АРАЛАШ ВА МАХСУС ОХОРЛАШ МАШИНАЛАРИ

Аралаш охорлаш машиналари олдинги иккита турни бирлаштиради: барабанли ва камерали. Бу машиналар баъзи ипак тұқув фабрикаларда ишлатилади.

ШБ-155-И машинасида аввал танда иплари камерада енгил қуритилади, сүнгра бешта құритеш барабанларига узатилиб тұла қуритилади.

Қуритиш камерасида ҳароратни 90°C атрофика терморегулятор таъминлайды. Камера остида иситиш қурилмаси ва ўқли шамоллатгич бор. Қуритиш камерасида 20% намлик қуритилади. Тұла қуритиш барабанлари сиртида амалга ошириледи. Барабанлар узатмалар орқали мажбурий ҳаракатта эга бўлиб, буғ билан қиздирилади, босим иппарнинг турига қараб бошқарилади.

Охорлаш жадаллиги ҳар хил турдаги кимёвий иплар учун бир хил эмас. Охорни ипга сингдиришни икки хил усули мавжуд. Биринчи усульда иплар “жало” усульда ботирувчи валга келиб охорга түйинтириледи, иккінчи усульда танда иплари ботирувчи вал орқали охорга ботирилади. Вискоза иппарини охорлаш учун (ипга намликни сингдиришни жадаллаштириш) охорга ботирмасдан шимдириш усули билан амалга оширилади.

Штапел тандаларни ёки юқори зичликдаги ацетат тандаларни охорлаш учун танда охорга ботирилади, чунки бу иплар охорни

үзига секин шимиб олади. Намликни йүқотиш сиқиши валларидаги босимни ўзгартериш натижасида амалга оширилади.

ШБ-155-И-1 машинаси гурӯҳлаб тандаланган танда ипларини, ШБ-155-И-2 машинасида пилтаблаб тандаланган ипларни оҳорлайди ва булар Иванова тўқимачилик машиналари ишлаб чиқариш заводида ишлаб чиқарилади. ШБ-155-И-1 машинаси алоҳида курилмага эга, булар тиргувчлар, ажратувчи тиф ва борич ташлаш механизми.

Танда иплари орасига ташланган боричлар танданинг навойга ўрашдачувалашиб кетишини огоҳлантириди ва тўкув дастгоҳида ишлагандага танда ипларининг ечилиши осонлашади. Тандани навойга ўрашда боричлар ўраш бошланишида ва охирида ташланади.

ШБ-9-140-ШЛ-2 оҳорлаш машиналарида тўққизта куритиш барабанлари ўрнатилган, шунинг учун камера ўрнатилмаган. Бу машиналар танда фалтакларидан кимёвий ипларни оҳорлашга мўжалланган ва ипларни ажратувчи ва улар орасига боричлар ташловчи курилмалар билан жиҳозланган.

Махсус куритиувчи оҳорлаш машиналари ишлаб чиқаришда кенг куллашга тадбик этилмади. Унинг ишлаши қўйидагича. Агар оҳорланган танда ипини бир-бирига параллел жойлашган иккита юқори частотали электр майдони орасидан ўтказилса, танда иплари дарров курийди. Электр майдони таъсирида ипнинг куриши ички толалардан бошланади. Юқори частотали ток ишлатилганда ип дарров курийди ва куритишга сарфланадиган вақт анча қисқаради.

Инфрақизил нурлар ёрдамида куритиш учун 250, 500 1000 Вт-куватли электролампалар ишлатилади, бурнинг сарфи камаяди, аммо электр энергияси сарфи анча ошади. Нурланиш камераларида ойна ва ҳаво айланиши ўлга қўйилса, намлик буғланиши жадаллашади ва оҳорланган ипни қуритишда энергиянинг сарфланиши 50-60% га камаяди.

4.8.4. ЭМУЛЬСИЯЛАБ ЖАМЛАБ ЎРОВЧИ МАШИНАЛАР

Танда иплари оҳорланмайдиган, танда фалтакларидан тўкув навоий олишда эмульсиялаб жамлаб-ўровчи машиналар ишлатилади. Юқори чизиқли зичлиқдаги пишитилган пакта или гурӯҳлаб тандалангач тўкув навоий олишда ПКП-185 жамлаб ўраш машинасида уралади. Бу машиналар зигир тўкув корхоналарида ўрта чизиқли зичлиқдаги иплардан танда олиш учун оҳорлаш машиналари ўрнига ишлатилади ва ипларни парафинлаш ва

эмульсиялаш амалга оширилади. Жамлаб ўраш машинаси тезлиги 70 м/мин гача. МПЭ машинаси анча такомиллашган жамлаб-эмульсияловчи машиналар туркумига киради ва 180-230 см иш энига эга. Бу машиналар бир-икки- ва уч қаватли танда фалтаклари учун ёки пилталаң тандалашда түкув новойи учун тирговуч билан жихозланган. Агар пилталаң тандалашда новойи учун тирговуч ўрнатилган бўлса, бунда машина МПЭ-180-3-1 русуми қўлланилади. Бу машиналарда ип танда фалтакларидан ёки түкув новойидан тортувчи вал орқали машинанинг олд қисмига узатилади ва у ерда юзаси эмульсияланади. Эмульсиялангач тандадаги намлик 15-30% ни ташкил этади. Кейин иплар боғичларда ажратилади тишли қатор орасидан ўтади, чиқарувчи вал орқали тортилиб түкув новойига ўралади. Жамлаб ўраш тезлиги 80 м/мин.

4.9. ОҲОРЛАШ МАШИНАЛАРИ ИШ ТАРТИБИННИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Оҳорлаш машиналарининг охирги ишлаб чиқарилганлари автоматик ва назоратчи асбоблар билан жихозланган, технологик жараённинг меъёрилигини ва сифатли танда ишлаб чиқаришни таъминлайди. Бу асбобларни эски лойиҳали оҳорлаш машиналарида ҳам қўллаш мумкин.

Ўралиш тезлигини ва зичлигини таъминловчи ростлагич. Түкув фалтагига танда ипини ўраш вақтида тезликни доим бир хилда сақлаб туриш учун оҳорлаш машинасига автоматик бошқарувчи ростлагич ўрнатилган. Ростлагич тахогенераторига ўралиш зичлигини таъминловчи (60-расм) ростлагичнинг икки елкали ричагига жойлаштирилган Z_1 , Z_2 тишли фидираклар орқали харакат берилади ва тахогенератор электродвигателни түкув навоидаги ўрам диаметрига мос ҳолда айланишини таъминлайди.

Түкув навоидаги ўраш зичлиги диференциал механизмдан ташқари зичлаш ростлагичи ёрдамида ўраш давомида бир меъёдра сақлаб турилади.

Чиқарувчи валнинг тезлиги қўйидагича аниқланади:

$$V = \pi D_n n = \text{const} \quad (4.15)$$

Танда ипининг түкув фалтагига ўралиши давомида ўраманинг диаметри кўпайиб боради. Ипнинг чизиқли тезлиги қўйидагича бўлади:


$$V = \pi D_{\text{мм}} n_i \quad (4.16)$$

$D_{\text{мм}}$ – ўқув фалтагидаги ўрам диаметри;
 n – фалтакнинг айланишлари сони.

Формуладан кўриниб турибдики, ўралиш тезлигини доимий сақлаш учун ўрамнинг диаметри ошиб борган сари навойнинг айланишлари сонини камайтириш лозим.

Ростлагич кўйидаги тартиб бўйича ишлайди. фалтак диаметри ортиб борган сари скало 5, рычаг 6 ва Z_1 , Z_2 тишили фиддираклар орқали тахогенератор валини 7 маълум бурчакка буради. Тахогенератор эса кучлантирувчи орқали доимий ток двигателининг чулгами билан боғланган бўлиб, натижасида ўрам диаметри ортган сари, электродвигателга берилаётган кучланиш камайиб боради, шу сабабли двигателни айланишлари сони ҳам камаяди ва бу ҳол тўкув навойнинг айланишлар сонини камайишига олиб келади.

Шундай қилиб, тўкув навойидаги ўралиш тезлиги доимий сақлаб қоли.




60-расм. Ўралиш тезлиги ва зичлигини таъминловчи ростлагич.
 1-танди ипи; 2-чиқарувчи вали; 3-тақсимловчи вал; 4-тўкув фалтаги;
 5-зичловчи скало; 6- икки елкали ричаг; 7-тахогенератор вали;
 8-пневмоцилиндр.

Ўралиш зичлиги, скalonинг 5 навойга сикилишини ўзgartириш, яъни пневмоцилиндрдаги 8 босим кучини ўзгартириш йўли билан ростланади.

Оҳор төгөрасида оҳор ҳароратини автоматик ростлаш. Машина төгөрасидаги оҳор ҳарорати автоматик ҳарорат ростлагич томонидан бир хил сақланади.

61-расмда оҳор ҳароратростлагичи чизмаси курсатилган. З оҳор төгөраси тешигида дилатометрик жезд қўйилган, у 2 латун қувурча ва системаси ҳароратростлагич чизмаси ва 1 инвардан ясалган ички стержендан иборат. Қувур катта, стержен эса кичик ҳарорат чизиқли кенгайтириш коэффициентига эга. Стерженнинг чап учи қувурча билан, ўнг учи эса 4 ричакка мустаҳкамланган. Ричаг охири 5 сув кўйиш тешигини беркитиб туради. Ҳарорат ўзгарганда латун қувурча чўзилади ёки тизимидағи ҳароратростлагич схемаси қўскаради, 4 ричаг силжийди, натижада 5 кўйиш тешиги ўзгаради. 6 қувурчада сув босими ўзгаради ва 7 мембранныни ростловчи тўсгич төгөрага буғ киришини камайтиради ёки купайтиради. Ростлагичга сув ўрнига буғни ҳайдаш учун босимли ҳаводан фойдаланиш мумкин. Иссик ҳароратнинг тебраниши ҳароратростлагичида $\pm 2^{\circ}\text{C}$ атрофига булиши керак.




61-расм. Оҳор ҳарорати ростлагичи схемаси.

Кўп барабанли оҳорлаш машиналарида оҳор қозонида ҳароратни бошқариш учун ЭРА-М автоматик ҳароратростлагич ўрнатилган. Ҳароратни сезувчи сифатида В қаршилик ҳарорат ўлчагичи хизмат қиласи. Датчикдан келадиган электрон огоҳлантириш ҳарорат

бошқарувчиси РТ-1 га келади ва пневмосистемали ростлагич түсгичига узатилади. Бу түсгич оҳор қозонига кучли босимда буғ узатиш йўлига жойлашган. Огоҳ қайд этилгач буғ очилади ёки ёпилади. Ростлагичнинг ҳамма элементлари ва қисмлари битта корпусга жойлашган: юқорида эса огоҳ лампаси, ростлагич ҳарорати нуқтасини кўрсатувчи дастак, маълум оралиқдаги оҳор ҳароратини ўрнатувчи дастак. Ҳамма шкала учун хатолик даражаси 1% дан ошмайди.

Оҳор сатҳини автоматик ростлаш. Оҳорлаш машиналарида оҳор хусусияти ва оҳорланган иплар хусусиятининг доимийлигини фақатгина оҳор тогорасидаги оҳор сатҳининг бир хиллиги натижасида эришиш мумкин. Шунинг учун, оҳорлаш машиналарида оҳор тогорасидаги оҳор сатҳини бир хил ушлаб турувчи сатҳ ростлагичи ўрнатилган.

Ишлаб чиқаришда кенг қўлланилаётган сатҳ ростлагичи бу РУ-3 (62-расм)дир.



62-расм. РУ-3 сатҳ бошқарувчиси схемаси.

Оҳорлаш тогорасининг деворида 1 метал скоба қайрилган тұртбұрчаксимон метали тутгич қотирилган ва унда 2 чинни ҳимоя ҳам қотирилган. Ҳимоя оркали 6 латун стержен-электродлар үтади. Электродлар уни оҳор сатҳига мослаштириб биринчи электрод уни иккинчига нисбатан 3 мм паст қилиб ўрнатилади.

Электродлар 3 электрон реле билан боғланган I скоба эса сим орқали ерга уланган. Реле занжир билан реверсив 4 электродвигателга уланган ва у оҳор қуловчи 5 жўмрак билан боғланган.

Агар оҳор сатҳи пасайса, электродлардан бири оҳорга тегмай қолади. Электр занжир узилади ва 3 реле электродвигател занжирига туташма беради, 4 электродвигател 5 жумракни оҳор идиши тўлганча очади. Идиш тўлгач иккала электрод оҳорга тегади ва туташма беради, электродвигател жўмракни ёпди. Идишдаги оҳор сатҳи 3 мм баланд паст тебранишида бўлади. Агар оҳор бакдан даврий ишловчи насос билан узатилса, оҳор сатҳи ростлагичи насос двигатели билан уланади. Бу ҳолда сатҳ ростлагич релеси магнит ростлагичи билан боғланади. Агар 5 жумрак очилса, насос ҳам ишга тушади ва у битта машинанинг жўмраги очик бўлса ҳам очик бўлади.


Охириги чиқариладиган оҳорлаш машиналарда РУ-3Э сатҳ бошқаруви автомати ўрнатилмоқда. Бу бошқарувчи ҳам илгариги каби реле ва ижрочи механизмдан иборат. Датчик 4 стержен 5 учлик, 3 ҳимоя, 2 гайка ва 1 ҳимояланган резинли калпоқчадан иборат.

Оҳор тогорасига ўрнатилган иккита датчиклар оҳорнинг оҳор тогорасида хоҳлаган сатҳда тўлишини таъминлайди. Агар сатҳ белгиланганидан ортиқ бўлса, юқори учлик оҳор тогорасига оҳор узатишни тұхтатади. Агар учлик сатҳдан оҳор пастга тушса учлик оҳор жўмрагини очилишига огох беради ва оҳор тогорага қўйилади ва бу жараён узлуксиз давом этади. Асбобга реленинг ўрнатилганлиги билан ижрочи механизм – реверсив электродвигател ва оҳор йўл жўмрагининг ишлаши ва тұхташини таъминлайди.

Куритиш барабанларида буг босимини автоматик бошқариш. Куритилаёттан танданинг намлиги бир хилда сақланиши керак. Барабанли куритиш машиналарида буг босимининг нотекислиги туфайли барабан сиртидаги ҳарорат ўзгариб туради, натижада куритиш даражаси ва оҳорланган танда намлиги ҳам ўзгариб туради. Барабандаги буг босимини доимий сақлаш учун буг босимини автоматик бошқарувчи курилмалар ишлатилади. (63-расм)

Бошқарувчи 1 буг йўлига ўрнатилади. Буг йўли 6 қувурча орқали 5 босим камерасига боғланган. Буг босими ўзгариши 4 менбрана ростлагичига билдирилади, унинг таъсирида 3 шток ёрдамида қопқок кўтарилади ёки туширилади, барабанга буг кириши ҳам ўзгаради. Буг босими ўзгариши 8 ричагда ўрнатилган 7 ва 9 юклар ёрдамида амалга ошади. Юк вазнининг ёки юкнинг ричагда жойлашишини ўзгаририш натижасида буг босими катталигини ҳам ўзгаририш мумкин.

Машинани тұхтаттанды барабан сиртидаги танды күйіб кетіши мүмкін. Буни барабанға бүг узатувчи бүг йулини огохлантириш учун автоматик бүг узатувчи клапан мавжуд. Бу клапан мембранага үхаш, аммо унинг штоги пружина орқали электромагнитта боғлиқ. Машина тұхтаганда электромагнит занжири узилади ва пружина шток орқали клапанни бүг узатышдан тұхтатади.



63-расм. Барабанлардаги бүг босимини бошқариш схемаси.

Машинани ишлаттанды шток күтарилади, клапан очилади, бүг барабанға узатилади.

Күп барабанлы охорлаш машиналарда барабанның сиртидаги ҳар бир соҳаси ҳароратни ДТВ-018 датчиги орқали үлчанади. Ҳароратни үлчаш диапозони 30-150°C гача. Барабаннинг иш сиртидаги ҳарорат контакт усули билан аниқланади (63-расм).


Барабаннинг сиртида емирилишга чидамли ва ток үтказувчи иссиққа бардош берувчи пластинка қолланған. У түлдирувчи йүл билан боғланған датчиклардан огохлантирувчи ҳарорат бошқарувчисига келади ва доимий ростловчисини ишга туширади, барабанға бүг узатыш үзгәради.

Охорланған танды намлигини ростлаш. Тұқув дастанда танданы тұқымага ишлатында намлик мұхим үрин тутади. Агар танды намлиги күпайса ёки камайиб кетса, тұқувда узуқларнинг күпайишига сабаб бўлади. Намлик камайғанда ип юзасидаги охор қолламининг эгилувчанлиги ва қайишқоғлиги йуқолади, күпайғанда танды ипларининг бир бирига илашиши күпаяди. Шундай қилиб,

танды намлиги оптималь булиши керак. Иплар намлиги қуйидаги жадвалга күрсатылғандек булиши керак.

Ип түрлари	Намлик, %
Пахта или	8 – 10
Зигир или	10 – 14
Вискуоза ва штапел ип	10 – 11
Ацетат ип	5 – 7
Жүн иппи	12 – 14

Намликин топиш учун махсус аникловчи асбоблардан фойдаланилади. Танда намлигини аниклашда энг күп кулланыладиган, танда электр үтказгичилигини ўлчаш услубидир. Қанча намлик күп бўлса ипдан ток үтказиш каршилиги шунча күп бўлади. Намлики бошкариш ва назорат қилишда оҳорлаш машиналарида электрон ростловчи ЭРВО-2М қурилмаси ўрнатилган (64-расм). Оҳорлаш машинаси 1 йўналтирувчи валидан эгиб ўтувчи тандага нисбатан 8 ролик-датчик қисилади. Ролик 7 ўқда эркин айланади. Ўқ скоба 6, тутиб турувчи 5 ва ҳамут 4 ҳимоячи 3га ўрнатилган. Ҳимоя шкиви сим арқонча ёрдамида 2 чибиқ бўйича ҳаракат қиласи, натижада тандалаш эни бўйича ҳар бир қисмидан намлики текшириш мумкин.



64-расм. ЭРВО-2М намлики ростловчи датчигининг схемаси.

Намликни ростловчиларнинг 3 тури мавжуд:

1) тезлик вариаторлари ўрнатилган ростловчилар оҳорлаш машиналарида ўрнатилади;

2) бу турдаги ростловчилар ўгармас токли электродвигателдан ҳаракат олувчи юритма ишлатилади. Бу икки турдаги ростловчиларда танда ҳаракати тезлиги машина томонидан бошқарилади;

3) бу турдаги ростловчиларда намлик машинанинг куритиш қисмига буғ узатиш ҳисобига ўзгаради.

Бошқарувчи датчик, бошқарув ва бажарувчи механизмлардан иборат. Бошқарувчи манбаига танда намлиги ўзгариши асосида токнинг ўтиш қаршилиги ўзгаради.

Ток кучи унча катта бўлмаганлиги туфайли бажарувчи механизми бошқара олмайди. Шунинг учун, бошқарища, бир томонида датчик қаршилиги ўрнатилган қаршилик кўпригидан фойдаланилади. Агар намлик меъерида бўлса, қаршилик кўприги тинч туради. Намликнинг ўзгариши натижасида кўпrik ўз тинчлигини йўқотади ва унинг занжирида ҳосил бўлган ток танда намлигини кўтаради ёки туширади. Ток таъсирида реле ишлайди, бажарувчи механизм электродвигатели чап ёки ўнг томонга айланади. Бажарувчи механизм вариатор доирасини силжитади ва ўзгармас ток электродвигателига таъсир этади, унинг ротори айланишини ўзgartиради. У ёки бу ҳолатда ҳам танданинг силжиш тезлиги машинада ўзгаради. Учинчи турдаги ростловчиларда бажарувчи механизм, буғ босимини ростлашига таъсир қилиб машинанинг куритиш қисмига буғ узатишни ўзgartиради. Танда намлиги берилган вазифага тенглаштирилади.

ЭРВО-2М намлик ростлагичи 6-10% пахта или 8-12% штапел или намлигини ростлаш учун ишлатилади. Зигир, кимёвий, пахта или ва бошқа тандаларни оҳорлашда намликни қайд қилувчи кварци KB-1 универсал намулчагич ўрнатилган.

Замонавий оҳорлаш машиналарининг қўшимча автоматик асбоблари: Оҳорлаш машинаси қисмларида ип таранглигини ўлчаш учун ИРТ-2М асбоби ўрнатилган. Унинг икки хил тури мавжуд. 2,5 ва 4,0 кН датчикка тушадиган юки. Танда таранглиги чиқарувчи валда, тўкув новойида, куритиш қисми-ўрта тортувчи валда ва танда ғалтаги – орқа тортувчи вал қисмларида назорат қилинади. Асбоб таранглик кучини қабул қилувчи куч ўлчовчи транзисторли датчиклар ва датчиклар ўрнатилган жойдаги танда таранглигини назорат қилиш учун кузатиш блокини ўз ичига олади. Шу блоклар-

инг панелли шкаласида ип таранглиги кўрсатилади. Машинада анда ирининг чўзилишини аниқлаш учун 1 УВУ кўрсаттичи ўлланилган. Асбоб иккита ДИ-1 импульс датчиги, кузатиш ва ошқариш блоклари билан жихозланган. Импульс датчиклари лдинги ва орқа ўлчов валикларидан ҳаракат олади. Чўзилиш ортувчи ва чиқарувчи валлар орасида ўлчанади. Кузатиш блокидаги нийб турган рақамлар шу бўлимдаги чўзилиши кўрсатади.

Навоидаги танда иплари умумий узунлигини, газлама бўлагидаги анда узунлигини, булаклар сони, ҳисоби ва ўлчов механизмига тоғ бериш учун машинада дастурланган танда ҳисоблагичи 1 СПТ рнатилган. У кузатувчи ва бошқарувчи ҳамда ДИ-1 импульс датчили билан жихозланган. Ҳисоблагичда бўлакни ўлчаш диапазони 0,1 м нижнида, 1 м дан 999,9 м гача ўрнатилади. Кузатиш ва бошқариш локи панелида узунлик ва бўлак сонларининг ҳисоблагичи, белги-ангандар дастурда ҳисоблагични ишлатувчи курилма жойлашган.

4.9.1. АВТОМАТИК РОСТЛАГИЧ АСБОБЛАР

Елимловчи курилмаларнинг ростлагичлари. Одатда елимловчи қозонда оҳор даражаси ва ҳароратини, шунингдек ишчи ва секин ҳришда сиқиши кучланишини ростловчилар бўлади. Оҳор даражаси ростлагичи икки турга бўлади. Биринчи турдаги ростлагич очиқ-ёпиқ артиби бўйича ишлайди. Иккинчи турдаги ростлагич иш тартиби ўйидагидан иборат. Оҳорнинг катта бўлмаган оқими оҳор қозонига ўтховсиз келади, асосий оқим эса – даражали тартибга солувчининг сигнали бўйича ростланади. Иккинчи турдаги ростлагичларнинг ғозаллиги шундаки, уларни кўллашда қувурларда оҳорнинг қотиб қолиши олди олинади. Терморегуляторлар воситасида клапанлар зилимлаш қозонига буф юборилишини бошқаради.

Намлии ростлагичи. Оҳорланган танда намлиги датчик ёрдамида ўлчанади. Жорий қиймат берилган билан таққосланиб, зарур ўлганда танда ҳаракати тезлиги ўзгаради. Ўзгаришлар тезлиги ва коррекция катталиги ростланиши керак. Танда намлиги даражаси олали материал тури ва машинанинг буғлантириш қувватига ўғлиқ. Бўяш билан бирга оҳорлашнинг бориши учун икки датчик ўзур. Биринчиси оҳорлаш тезлигини ростлаш учун кўлланади, иккинчиси бўяш ва оҳорлаш қозонлари ўртасидаги қуритиш ўзабанларида буф босимини бошқаради.

Чүзилиш ростлагичи. Улар жуда мұхим қурилмалар ҳисобланади. Бирок охорлаш машинаси зоналари буйича тенглаштирувчилар булмаса, уларнинг самараси кам. Юпқа тексли комплекс ипларни охорлашда чүзилиш ростлагичи айниқса зарур.

Ип түри	Материал	Барабан номери									Үрт. ҳарорат, °C	Макс Ҳарорат, °C
		1	2	3	4	5	6	7	8	9		
Монопип	Полиэфир	85	95	100	100	100	95	80	80	85	94	110
	Вискоз	90	95	110	110	110	105	85	80	90	101	110
	Ацетат	80	85	95	95	95	90	75	75	80	88	95
	Нейлон	85	95	100	100	100	95	80	80	85	94	100
1-гурұх		2-гурұх					3 -гурұх					
Ип	Пахта	150	150	150	150	150	150	150	150	150	150	150
	Вискоз	140	140	135	135	135	130	130	130	130	135	140
	Поли- эфир/пахта	135	135	130	130	130	130	130	130	130	131	135
	Поли- эфир/вискоз	135	135	130	130	130	130	130	130	130	131	135

Ізөх: Барабан №1 елемштас козони оржасында жойлашған.

Барабанларда бүг ҳарорати ростлагичи. Датчиклар миқдори толали материал түрига боялған. 9-ёки 11 қуритиш барабанли машинада штапел толали иплар учун бүг магистралы учун уч букланишли уч гурұх датчиклар зарур. Охорлаш машинасининг қуритиш қисмидә комплекс иплар учун бир барабанды якка тартибдагы датчиклар құлланади.

Жадвалда түқиз барабанлы машиналар учун характерлы барабанлардагы бүг ҳарорати көлтирилған. Баъзи ҳолатларда барабанларда бүг ҳароратини пасайтириш керак. Масалан, жуда кам ишлатиладиган тандаларни охорлашда намликті тартибға солувчини түғри ўрнатында машина тезлиги 120 м/мин га етиши мүмкін. Бунда танадани кузатиш, машина олд қисмидә вазифаларни бажариш ва тандалаш валларини назорат қилиш қыйин бўлади. Машина тезлигини назорат қилиш имконини сақлаб қолиши учун бир ёки иккى барабанларни тулик учирин зарур бўлиши хам мүмкін. Барабанларда ҳароратни доимий текшириш зарур. Ҳамма барабанларда термометрлар ўрнатилиши керак, улар кўрсаткичлари даврий назорат қилиниши лозим. Бүг сифати катта

ақамиятта эга, чунки барабанлар ичидә ҳаво ва сув иссиқлик ўтказувчалығы жуда паст. Америкалик олим Лайл ишларидә бүг 1% масса бүйічә ҳаво бұлишида иссиқлик узатиши 24% га камайиши күрсатылған [4]. Лайл ҳарорат ички юзада ҳаво ва конденсат ҳосилалари серияси ва барабанның усткі юзасыда сувнинг қатлами ҳосил булиши натижасыда пасайишини күрсатди.

Барабанның күрігінде турлы іопқа қатлашылар ҳосын
бұлиши натижасыда ҳарораттың пасайиши

Қатлам түрі	Қатламлар қалыптығы, мм	Ҳарораттың пасайиши, °С (121 °Сдан)
Ҳаво	0,254	22,4
Конденсат	0,254	1,3
Пұлат	6,35	0,4
Ажралған қатламлар	0,254	2,3
Сув	0,254	1,3
Хаммаси:		27,7

Барабан материалы иссиқлик қаршилиғи ҳаво қатлами ва ажралмас қатламларға нисбатан жуда кам. Барабанлар учун материал таңлаш фақат материалнинг механиқ хусусиятлари ва уннинг охор билан түгри келишига боғлиқ.

Охорлаш машинасини назорат қилиш ва бошқариш тизими.

Охорлаш машинасини бошқариш тизимінде компьютер ёрдамыда беш асосий қысметтерге ажратылады:

- 1) компьютер;
- 2) компьютерға электр сигналлар юборувчи датчиклар;
- 3) компьютерден электр сигналларни механиқ ҳаракатта айлантирувчи, бажарувчи механизмлар(масалан, клапанни очиш екін электр двигателни ёки);
- 4) маълумотларни компьютерға киритиш қурилмаси;
- 5) жараённи бошқариш учун маълумотларни босмалашга чиқариш қурилмаси.

Танда гурухы түғрисида маълумотларни киритиши билан компьютер барча назорат қилинувчиларни: машина зоналары бүйічә тарандырылған, барабанларда бүг ҳарорати ва охор ҳарорати,

охорлаш тезлиги ва оҳор рецепти бўйича асосий кўрсаткичларни беради. Елим пиширишда экранда оҳорнинг ҳамма асосий компонентлари ва уларнинг зарур миқдори пайдо бўлади. Оҳор компонентлари автоматик ўлчанади, хатолар эса экранда кўрсатилади. Аралашма тайёрлангандан кейин мувофиқ клапанлар очилади ва автоматик назоратда оҳорни қайнатиш бошланади. Компьютер назорати остида оҳорнинг мувофиқ машиналар ва заҳира қозони бўйича тақсимланиши, шунингдек оҳорнинг танда гурухига сарфланиши бошқарилади.

Куйидаги кўрсаткичлар муайянлаштирилади:

- тандалаш валилари ҳаволи тизим босимида тұхташи;
- қозонда оҳор ҳарорати;
- қозонда оҳор даражаси;
- сиқишик күчланиши;
- танданинг сиқиши вали — барабанлар вали зонасида танда таранглиги;
- қуритиш барабанларининг чиқариш вали тезлигига нисбатан тезлиги;
- барабанларда бүг ҳарорати, оҳорланган ип намлиги;
- танданинг навой ва чиқариш вали ўртасидаги таранглиги;
- навойни қисиши Күртмасидаги юк.

Ҳамма аҳамиятли статистик маълумотлар:

- оҳорланишининг ўртача тезлиги;
- тұхталишлар сони ва бошқалар йигилиб, технологик шартлар картасида босмаланади ва тұкув дасттоҳида келувчи ҳар бир навойга илова қилинади.

4.10. ОҲОРЛАШ НУҚСОНЛАРИ ВА ЧИҚИНДИЛАРИ

Тандани тұкувға тайёрлашда оҳорлаш жараёни жуда катта аҳамиятта эга. Чунки, ипни оҳорлаш сифати тұкув дастгохининг ишлашига боғлик.

Оҳор қайнатувчининг ёки оҳорловчининг ёмон ишлаши, меңерий иш режасига риоя қылмаслик ёки оҳорлаш машинасининг айрим механизмларининг носозлиги ёки автоматик асбобларининг носозлиги, шунингдек, иларнинг ёмон тандалаганлиги, оҳорланган иплар нұқсонларини ҳосил қиласи ва албатта, тұкув дасттоҳида юқори узуқлар булишига олиб келади.

Оҳорлашда асосий нұқсонлар қүйидагилардир:

Кам оҳорланған танда – оҳор сифати қониқтирипаслик, оҳор сатхининг пастлиги, қаттік қисиши натижасыда ҳосил бўлади.

Кўп оҳорланған танда – оҳорни ёмон қайнатиш, бўш қисиши ёки оҳор тогорасига ипни чуқур чўктириши натижасыда ҳосил бўлади.

Куримаган танда – оҳорланиш тезлиги ошиши ва куритиш ҳарорати пастлиги натижасыда ҳосил бўлади. Кўп куритилган танда – оҳорланиш тезлигининг пастлиги, оҳорлаш вақтида машинанинг узоқ тўхтаб туриши ва куритиш аппаратида ҳароратнинг юқорилиги натижасыда ҳосил бўлади. Танда кўндалангиде ортиқча елимланиши, машина узоқ тўхтаганда юқори қисувчи вални кўттармаслик ёки қисувчи валлар орасида бегона предмет қолиши натижасыда ҳосил бўлади.

Нотекис елимланиш – қозонда оҳорни нотекис қайнатиши, уни қаттік босимли буг билан бўшатиш, оҳорни нотекис узатиш ва қисувчи валлар босимининг нотекислиги.

Чатишма танда – иш жараёнида ипни ўз вақтида қаторда ташламаслик, буйинчаларни нотўғри ва вақтида қисмаслик натижасыда ҳосил бўлади.

Новойга нотўғри ўраш – қатор тишлиари орасида ипларни нотўғри жойлаштириши натижасыда ҳосил бўлади. Қисувчи механизми меъёрсиз ишлаши натижасыда танда иплари жуда буш ёки жуда таранг үралади, натижада тўкув дастгоҳларида узуқларни кўпайшига сабаб бўлади.

Танданинг нотўғри узунлиги – газлама ва елимланиши ҳисобини мураккаблаштиради. Бу ўлчаш механизмининг носозлиги ва уни нотўғри ўрнатиш натижасыда ҳосил бўлади.

Танда доф – оҳор тогорасини ва машинанинг бошқа қисмларини ёмон тозалаш натижасыда ҳосил бўлади ва газлама сифатини пасайишига сабаб бўлади.

Танда чўзилишининг ошиши – танда ғалтакларининг хаддан ортиқ тухтаб қолиши, тенглаштириш механизмининг нотўғри ишлаши ёки машина иш қисмларининг тўғри келмаслиги (бир-бираға мос эмаслиги) натижасыда ҳосил бўлади. Чўзилишнинг кўпайиб кетиши оҳорлаш жараёнида ва тўкувчиликда узуқларнинг кўпайишига сабаб бўлади.

Оҳорлашда чиқиндилар – оҳорланган ва юмшоқ иплар ва буйинчаларни кесиш натижасыда ҳосил бўлади. Машинани тўлдиришда бир қанча узунликда танда оҳорланиб, куритилиб кесилади ва уни оҳорланган танда ипининг охири (L) сифатида

чиқиндига топширилади. Гурухни ишлаб бўлгандан кейин тандалаш машинасининг ҳисоблагичини ноаниқ ишлаши натижасида ва тандалаш, оҳорлаш машиналарида тарангликнинг ҳар хиллиги натижасида танда ғалтаклари бир хил бўшамайди. Ғалтакдан маълум миқдордаги танда иплари ечиб олинади ва юмшоқ охири (L_i) сифатида чиқиндига топширилади.

Оҳорлашда чиқиндилар фойизи $Y_{оҳор}$ – қўйидаги формула билан топилади:

$$Y_{оҳор} = \frac{[L_i + L_2(1-K^{-1})]}{L} \cdot 100 \% \quad (4.17)$$

L – танда ғалтагидаги ипнинг хақиқий узунлиги;

K – гуруҳдаги ғалтаклар сони.

Ипак тўқима ишлаб чиқаришда тандани оҳорлаганда чиқинди деярли бўлмайди, чунки пилтаб тандалашдан фойдаланади ва буни шундай изоҳлаш мумкинки, уралган навой ишлаб бўлингач унга янги танда иплари боғланади.

Оҳорлаш жараёнида чиқиндиларни камайтиришнинг асосий тадбирлари танда ғалтакларининг тўхташини бошқариш, оҳорлаш ва тандаш машиналари ҳисоблагичларининг ишини даврий назорат қилиш, тандалаш машиналарини оҳорлаш машиналарига беркитишни қўллаш, юқори малакали оҳорловчилар иш услубларидан фойдаланишдан иборат.

4.11. ОҲОРЛАШ ТЕЗЛИГИ ВА ОҲОРЛАШ МАШИНАЛАРИНИНГ ИШ УНУМИ

Оҳорлаш тезлиги оҳорлананаётган ип тури, унинг чизиқли зичлиги, тандадаги иплар сони, қисиши даражаси ва машинанинг қуритиш аппаратурининг қобилиятита боғлиқ. Оҳорлаш тезлиги эмприк формула ёки корхона тажрибасига асосан тандаланади. Оҳорлаш тезлигини танлаш камчиликсиз оҳорланган тандани олишга асосланади. Оҳорлаш тезлиги буғнинг сарфланишига, танданинг оҳор билан тўйиниш сифатига ва машинанинг иш унумига таъсир қиласи.

$$V_{оҳор} = \frac{Q * 10^6}{n_{ин} * T_{ин} * a * 60} \text{ м/мин}, \quad (4.18)$$

$V_{оҳор}$ – оҳорлаш тезлиги

Q – қуритиш қобилияти, кг/соат,

$\Pi_{\text{ип}}$ — танда ипларининг сони;
 $T_{\text{ип}}$ — ипнинг чизиқли зичлиги, текс;
 А — сиккиш даражаси.

Оҳорлаш машиналарининг иш унуми оҳорланган ипнинг оғирлиги оҳорланган танда галтагининг гуруҳлари сони, маълум вақт оралитига ишлаб чиқарилган новойлар сони билан ифодаланади.

Машинанинг амалий иш унуми қўйидаги формулага асосан маълум вақт оралитига ишлаб чиқарган маҳсулот оғирлиги билан ўлчанади.

$$\Pi_{\phi} = \Pi_t \eta = \vartheta t m T \eta 10^{-6} \quad (4.19)$$

Π_t — назарий иш унуми;
 ϑ — фойдали вақт коэффициенти;
 V — оҳорлаш тезлиги, м/мин;
 t — машинанинг ишлаш вақти, мин;
 m — танда иплари сони;
 T — ипнинг чизиқли зичлиги, текс.

ФВК оҳорлаш машинасида ишсиз тўхташларига: гуруҳ билан тўлдириш, новойни алмаштириш, узуклар излаш, буйинчаларни кесиш вақти билан боғлиқ. Ҳар хил лойиҳали оҳорлаш машиналари учун фойдали вақт коэффициенти 0,6 дан 0,85 гача атрофидан бўлади. Машинанинг техник ҳолати қанчалик яхши бўлса, оҳорловчининг малакаси қанчалик юқори бўлса, фойдали вақт коэффициенти шунчалик юқори бўлади ва машинанинг иш унуми яхши бўлади.

Оҳорлаш машиналари иш унумига яна ўрам (танда галтаги ва тўкув навоий) ўлчамларини ҳам таъсири бор. Ўрам ўлчами қанча катта бўлса машинанинг тўхташи шунча кам бўлади, қайта тўлдириш вақти қисқаради ва машинанинг иш унуми ошади.

Назорат саволлари ва вазифалари

1. Оҳорлаш жараёнининг мақсади ва моҳияти?
2. Оҳорлаш жараёнига қандай талаблар кўйилади?
3. Оҳорга қандай талаблар кўйилади?
4. Оҳорлаш жараёнида адгезия “ёпишиш” қандай содир бўлади?
5. Оҳорланган ипларни физик-механик хусусияти қандай ўзгаради?
6. Оҳор маҳсулотларини айтинг?
7. Крахмал, ПВС ва КМЦ маҳсулотлардан тайёрланган оҳорнинг афзаллик томонларини айтиб беринг?
8. Аралаштирувчилар, юмшатувчилар, антисептиклар, антистатиклар, нейтрализаторлар қандай вазифани бажаради?
9. Оҳорнинг ёпишқоғлиги нима ва у қандай топилади?
10. Оҳорнинг тўйинганлиги деб нимага айтилади ва у қандай топилади?
11. Ёпишиш деб нимага айтилади?
12. Оҳорлаш машинасининг лойиҳавий қисмларини айтинг?
13. Ёпишиш қандай параметрларга боғлиқ?
14. Ипларнинг физик-механик хусусиятига чўзилиш қандай таъсир этади?
15. Оҳорлаш машиналарининг турларини айтинг?
16. Оҳорлаш машинасининг лойиҳавий қисмларининг вазифаси нимадан иборат?
17. Оҳорлаш тезлигини танлашда қайси омил ҳал қилувчи ўринни тутади?
18. Оҳорлашда чўзилиш қандай бошқарилади?
19. Тўкув навоийга танда ипларининг ўралиш зичлиги нима ёрдамида таъминланади?
20. Оҳорлаш параметрлари қайси асбоблар ёрдамида назорат қилинади ва бошқарилади?
21. Агар бир хил вазмдаги ипларнинг оҳорланмасдан намлиги 6%, оғирлиги 1,5 кг, оҳорлангандан кейин намлиги 8%, оғирлиги 1,17 кг бўлса кўринувчан ва ҳақиқий ёпишқоғлигини топинг?
22. Агар ёпишқоғлик 6,5% қайнатиш вақтида ва оҳорлаш машинасида йўқотиш 7% ташкил этса, 3 тонна ип учун оҳорлаш маҳсулотлари сарфини топинг?
23. 1000 л тайёр оҳорга 80 кг крахмал қушилса, оҳорнинг тўйинганлигини топинг?

24. Бир сменада охор қайнатиш сони топилсін: Берилған, қайнатыш қозоны ұажми 1000 л, смена (8 соат) да 5,5 тн ип охорланады, ёпишқоқлик 7%.

25. Агар охорлаш машинасі қуритиш қисміда буғлатищ қобилияты 120 кг/с, намлык вазнини сиқицьдан кейинги ип вазнига нисбати 1,43 танда иплари сони 3000 та, ипнинг чизиқли зичлигі 18,5 текс бўлса, охорлаш машинасининг тезлигини топинг?

26. Агар охорлаш тезлиги 30 м/мин, танда иплари сони 2800 та ипнинг чизиқли зичлигі 25×2 текс, $\Phi ВК=0,8$ га тенг бўлса, охорлаш машинасининг иш унумини топинг?

27. Агар охорлаш тезлиги 40 м/мин, танда иплари сони 4215 та, $\Phi ВК 0,84$ бўлса чизиқли зичлигі 18,5 тексли 8,5 тонна ипни смена (8 соат) да охорлаш учун ишлайдиган машиналар сонини топинг?

Таким образом, введение в практику науки метода А.И.Лебедева влечет за собой неизбежное изменение в методике и технологии изучения языка как науки.

**В БОБ.
ТАНДА ИПЛАРИНИ ҮТКАЗИШ ВА УЛАШ**

Охорлаш, жамлаб ўраш ёки пилталаш тандалаш машинасидан олинган түкүв фалтаги түкүв дастгоҳида газлама түқишидан олдин боғлаш ёки ажратиб олиб үтказиш каби охирги ишлов бериш жараёнинг үтади.

Тандани улаш – бу – тугаган эски ишлатилган танданинг охирги учларини қайта тайёрланган янги танданинг учлари билан тугун күренишида боғлашни билдиради. Улаш айнан түкүв дастгоҳида ёки түкүв фабрикасининг маҳсус тугунлашдан үтказиш бўлимида амалга оширилиши мумкин. Бъязи ҳолларда, улаш ўрнига танда ипларини түкүв дастгоҳи анжомлари ламел, шода ва тиф тишлари орасидан үтказилиади.

Үтказиш – танда ипларини ажратиб олиб уларни кетма-кет тарзда түкүв дастгоҳининг анжомлари-ламел, шода ва тиф тишлари орасидан үтказилишини билдиради.

Танда ипларини улаш маҳсус тугун тугиши машиналарида амалга оширилади, үтказиш эса асосан қўл усулда бажарилиб, айrim ҳолларда ярим механикавий ва механикавий усуllibарда бажарилади.

Тандани улаш ва үтказиш кўп меҳнат талаб қилинадиган жараён ҳисобланади.

5.1. ТАНДА ИПЛАРИНИ ҮТКАЗИШ

Ишлаб чиқарилаётган ассортимент ўзгартирилса, шода ва тифдан ипларнинг ўтиш тартиби ўзгарса, тиф, шода синганда ёки ейилганда янгиси билан алмаштирилса танда ипларини қўйидаги усул билан үтказиш муҳим ҳисобланади.

Түкүв дастгоҳининг анжомлари – ламел, гула ва тиф – қўйидаги қурилмалардан иборат.

Ламел – бу танда ипларини назорат қилувчи ҳисобланиб, танда или узилганда дастгоҳни тўхтатиш учун хизмат қиласи. Ламел узунчоқ юпқа пўлатдан тайёрланган бўлиб, иккита(айлана, тўртбурчаксимон) тешиклардан иборат. Айлана тешигидан танда или үтказилиб, тўртбурчаксимон тешигидан танда назоратчи рейка кийгизилади. Ламелнинг ўлчами ва оғирлиги танда итнинг чизиқли

зичлигига боғлиқ бўлади. Чизиқли зичликнинг ошиши билан ламелнинг ҳам массаси оғирроқ қабул қилинади.

Ламеллар тўқимадаги ипнинг чизиқли зичлигига қараб танланади ва танда иплари сонига тенг бўлади. Ламеллар рейкаларга ўрнатиб, рейкаларнинг сони ламелалар зичлигига боғлиқдир.

Ламеллар сони:

$$n_s = n_{mp}$$

Ламеллар зичлиги:

$$P_s = n_s / B_{ap} \cdot m_{ap} \leq [P_s], \text{ лам/см};$$

n_s — ламелларнинг сони;


m_{ap} — рейкаларнинг сони;

B_{ap} — ламел рейкаларнинг эни, см;

$[P_s]$ — рухсат этилган ламеллар зичлиги, танда ипларининг чизиқли зичлигига қараб танланади.

Танда назоратчи механизмининг лойиҳасига қараб ламелалар ҳам ҳар хил шаклда бўлади.

Гула — алоҳида шодаларга терилган бўлиб, танда ипларини ўтра ҳолатдан кўтариб-тушуриш, яъни ҳомузга ҳосил қилиш учун хизмат қиласди. Шода гулалар кийгизилган рамкадан ташкил топган. Кўп ҳолларда тўқув дастгоҳида металли планка шода рамалари қулланилади, эски конструкцияли дастгоҳларда эса ёғоч планкалар ўрнатилган бўлади.



65-расм. Шодалар тури.


Метал гуали шодаларнинг тузилиши. Метал гуали шодалар тўкув дастгоҳининг турига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Мокили тўкув дастгоҳларида асосан ёғоч планкали, метал ва дюралюминийдан тайёрланган рамкалар ишлатилади (65-расм, а,б.).

Ёғоч планкали шода рамкасининг тузилиши. Икки ёғоч планка бир-бира билан метал ёнчалар ёрдамида маълум оралиқда маҳкамланади. Метал ёнчалар иккитадан бўлиб, ички ёнчаларига иккита метал чивиқ ўрнатилади. Бу чивиқлар метал гулалар кийгизиш учун ишлатилади (65-расм, б).

Ёғоч планкалар, метал ёнчалар ва чивиқлар тўгри, текис ва силлиқ бўлиши керак. Ёнчаларда тешик бўлиб, бу тешикларга чивиқ ўрнатилади, чивиқларнинг учлари ҳалқа билан маҳкамланади.

Дюралюминий шода рамкаси. Бундай шода рамкаси бир неча хил бўлиб, улар пулат ёнчалар билан бириттирилади. Ёнчаларга иккита чивиқ ўрнатилиб, бу гула териш учун ишлатилади. Чивиқлар хомут ёрдамида планкада ушлаб туриласди. Уларга ўрнатилган метал гулалар пулат симдан тайёрланган бўлиб, кўзчаларининг эни ва баландлиги танда ипининг чизикили зичлигига боғлик. Гула тайёрлаш учун шода сими ишлатилади, бу симларнинг диаметри $0,24+0,8$ мм бўлиши мумкин. Гула кўзчалари унинг ўртасида жойлашади ва гуланинг қулоқчасига нисбатан 45° га бурилган бўлади. Бу тўкувчига танда ипини ўтказишида кулагилик яратиш учун қилинади (66-расм).

Гула икки қават симдан ясалади ва унинг икки учидага чивиқларга ўрнатиш учун икки қулоқча ва марказида кўзча ҳосил қилинади.



66-расм. Дюралюминий шода рамкаси.

Гулалар күзчаси қалайланган ва бураган бўлиши мумкин. Гулалар эса ҳар хил узунлиқда, яъни 265-355 мм бўлиши мумкин.

Кейинги вақтда шода симлари ўрнига пўлат пластинкадан тайёрланган гулалар ишлатилмоқда. Бу гулалар пишиқлиги ва юпқалиги симдан тайёрланган гулаларга нисбатан афзал бўлиб, кўпга чидайди. Бундай гулалар асосан мокисиз тўқув дастгоҳларида қўлланилмоқда.

Метал шода рамка ва метал гулалар ип шода рамка ва гулаларга нисбатан кўйидаги афзалликларга эга:

- метал шодаларнинг чидамлиги юқори;
- метал гулалар ҳар бири алоҳида бўлгани учун уларнинг сонини ўзгартириш ёки алмаштириш кулай. Шунинг учун, хозирги вақтда тўқувчилик корхоналарида асосан метал шодалар ва гулалар ишлатилмоқда.

Шодаларни тахлашдаги гулалар сони:

$$\Gamma = n_{\text{ш}}$$

Гулалар зичлиги

$$P_t = \frac{n_{\text{ш}}}{Z_{\text{ш}} B_{\text{ш}}} \leq [P_t], \text{ гула/см.}$$

$Z_{\text{ш}}$ – тахлашдаги шодалар сони;

$B_{\text{ш}}$ – шодаларнинг эни, см.

Тиф – танда ипларини тўқиманинг эни бўйлаб бир текисда жойлашиши, танда бўйича зичлигини таъминлаши ва арқоқ ипини тўқиманинг четига жисплаштириш учун хизмат қиласи. Тиф мокининг ҳомуздан учиб ўтиши учун йўналтирувчи бўлиб ҳисобланади.

Кўйма ва пайвандли тифлар мавжуд. Тиф номери деб, 1 дециметрга тўғри келадиган тишлари сонига айтилади ва кўйидагича топилади:

$$N_{\text{ш}} = P_t (1 - a_t / 100) Z_{\text{ш}}, \text{ ип/дм;}$$

P_t – тўқимани танда бўйича зичлиги, ип/дм;

a_t – танда бўйича қисқариши, %;

$Z_{\text{ш}}$ – бир тиф тишидан ўтакзиладиган иплар сони.

Тиф номери шунингдек

$$N_t = (m_\phi / b_\phi + m_{kp} / b_{kp})$$

формула билан ҳам аниқланиши мумкин.


Бу ерда m_ϕ – танда фон иплари сони;

b_ϕ – тиф тишлари оралиғига териладиган фон иплари сони;

m_{kp} – танда мілк иплари сони;

b_{kp} – тишлар орасыдан үтказилған иплар учун тиф эни, см.

Тиф тишлари орасыда үтказилған иплар сони ишлаб чиқылаёттан мато тузилишига боғлиқ. Кеңг энли матолари учун одатта бирдан тұртқагача иплар үтказыш (күпинча фақат 2-3 ип) құлланилади.



6/-расм. Утказыш машинасыдан танда ипларни утказиш.

1-тұкув ғалтаги, 2-танда ипи, 3-йұналтирувчи вал, 4-ламел, 5- гула,


6-тиф, 7-пассет, 8-пружина, 9-тепки.

Ипларни үтказиш құлда бажарилиб, 2-та ишчи (ажратып берувчи ва үтказувчи) ишлайды. Яңғы дасттоқ үрнатылғанда, ассортимент тури ўзгарғанда, авария қолларыда ёки жуда күп иплар узилғанда, дасттоқ жиқсөзләри ишдан чиққан қолларда ип үтказиш құлланилади.

Тұкув цехиге келтирилған тұкув навойларини бутун қажмидан фақат 10-15% фоиз тұкув навойлари үтказилади, қолган эса уланади.

Хозирги пайтда үтказыш автоматлари (68-расм) ҳам мавжуд булиб, «Барбер-Кольман; (АКШ) фирмаси томонидан яратылған бу автомат ёрдамида соатига 8000 тағача ип үтказиш мумкин.

Ламел, гулла ва тиф винтли вал ёрдамида дастур бүйича, дасттоқ анжомларини игнани ишлаш йүлиға үрнатади.



68-расм. Үтказиш автоматларидан ипларни үтказиш схемаси.
Фалтак, 2-қисқич, 3-винтли вал (ип ажратгич), 4-юмшоқ қисқич,
5-түкүв дастгоҳи анжомлари, 6-игна.

5.2. ТАНДА ИПЛАРИНИ УЛАШ

Янги танда иплари учларини ишланган танда иплари учларига улаш түгүн түгіш машиналари билан амалға оширилади, улар қуидаги белгилар буйича тавсифланади; күлланиш усулы буйича – құзғалмас, күчма ва аралаш (универсал); ип ажратышни қуидаги усуллари мавжуд: – игнали, чүткали ва пневматик.

Құзғалмас түгүн түгіш машиналарда тандаларни үтказиш бүлилларда боғланади. Тандани ишлаш пайтида түкүв дастгоҳларидан ламеллар, шодалар ва тиғ ва ишланган танда учлари билан бирга ечилади. Иплар ечилген ишчи анжомларидан чиқиб кетмаслиги учун қарама-қарши томондан 10 см кенгликдаги мато тасмаси қолдирилади. Ишланган танда учларини асбоб билан бирга үтказиш цехиге түгүн түгіш машинасига юборилади. Бу ерда ишланган танда иплари учи янги танда иплари учи билан боғланади ва түгунлар дастгоҳнинг олинувчи анжомлари орқали үтказилади.

Коломен оғир дастгоҳсозлик заводида УС-100 ва УС-175 құзғалмас түгүн түгіш машиналари чиқарилади ва улар фақат кенглиги билан фарқланади.

Құзғалмас түгүн түгіш машинаси қуидаги беш асосий қисмлардан иборат:

— янги тандани улаш учун мүлжалланган иккى ҳаракатланувчи аравача. Тандани тайёрлагандан сұнг аравачалардан бири тугун түгүвчи дастрох олдига келтирилиб, ипларни түгунлаш амалга оширилади. Түгунланғандан сұнг биринчи аравача түкүв фалтаги билан, терилиш ва тугаб қолған танда учларини түгунлаб нарига сурилиб, унинг үрнігінде иккінчи аравача узатылади. Шундай қилиб иккі аравачаның борлиги машинаниң тұхтаб турыш вақтінің қисқартыради. Биринчи аравачаны нарига сурышдан сұнг түгунлар оста-секін оралиқтардан тортиб үтказилади ва кейнгі тандани тайёрлаш бошланади:

— тайёрловчи дастрох — юкладгич, кесилған ишлаб тутатылған тандани улашға тайёрлаш, қисқычларда ипларни параллелаштириш ва мустақамлаш учун мүлжалланган;

— юқориги ҳаракатланувчи аравача — тайёрлаб қойылған ишлаб тутатылған тандани қисишиң ва уни конвейерда дастрохға күчириш учун хизмат қылади;

— асосий тугун түгүвчи дастрох — ипларни түгунлашни амалга оширувчи тугун түгіш механизми йұналтирувчи бүйлаб силжиди;

— тугун түгіш механизми — ишлаб тутатылған ва янги танда иплари учларини ажратади ва түгунлайди.

Құзғалмас тугун түгіш машиналари көнг құллланишга зәға эмас ва фақат алоқида фабрикаларда ишлатылади. Бундай машиналарның үрнатылышы учун көнг майдон талаб этилади ва дастрохларға усқуналарның түкүв фалтаги билан бирға олиб келиниш анча қийин ҳисобланади.

Құзғалувчан тугун түгіш машиналари ишлаб тутатылған танда иплари учларини янги түкүв фалтагидаги танда иплари учлары билан түгунлашни бевосита түкүв дастрохида амалга оширади. Түкүв фабрикаларда түрли ресумдаги құзғалувчан тугун түгіш машиналари ишлатылади. Бұ машиналар түгунланыётган танда көнглигига қараб фарқланади.

Құзғалувчан тугун түгіш машиналарига ипларни ажратиш усулиға қараб улар итнали ва чүткали бўлади. Итнали ажратиш эса — бир рангли ва рангдор тандаларни түгунлашда ишлатылади.

Итнали ва чүткали усулда ипларни ажратувчи УП ресумдаги ҳаракатланувчи машиналар түрли энли ишлаб чиқарылади (125, 180, 200 ва 250 см). Биринчи ресумдаги машиналар пакта ип газлама саноатида, иккінчиси — ипакчилик, шунингдек пакта ип-газлама ва жұн саноатида рангли тандаларни улашда құлланади.

Ипларни игнали ажратувчи УП – 125 тутун тушиш машинасининг тутун тушиш механизми, дасттоҳ ёнига олиб келувчи маҳсус аравачага ва иплар учун қисқичли қўзгалувчан таянчдан иборат. Тандани тўлиқ ишлаб тугатилгандан олдин тўкув дастгоҳидаги шодалар бир сатҳда ўрнатилиб тўкув ғалтаги ёнидан танда иплари кесилади. Кесилган танда учлари ламел механизмига ётқизилади. Бўш ғалтак ўрнига янги танда иплари ўралган навой ўрнатилади. Янги танда ипларининг учлари ёғоч планкалар билан қисилади. Планкалар скalo устидан тахминан 0,7 м га кўтарилади. Ишлашга тайёрланётган дасттоҳ скалоси ёнига қўзгалувчан қисқичли пештахта олиб келинади.


Қўзгалувчан тутун тушиш машиналарида қисқичларни ишга тайёрлаш қўйилдагидан иборат.

Қўзгалувчан пештахтанинг қисқич қутиларидан ғалтагидаги тандани (69-расм) маҳкамлаш учун хизмат қилувчи қисқичлар 1 ва 5 чиқарилади. Иплар қисқич қутиларига перпендикуляр ётқизилади ва 1 қисқич билан маҳкамланади. Ундан сўнг танда учлари таралади ва чўткада 6 маҳкамланади. Қисқич 5 билан иплар ўнг қисқич қутида маҳкамланади. Маҳкамланган танда устидан сим 3 тортилади, у ипларни улашдан сўнг сақлаб туради. 1 ва 5 қисқичлар орасида танда дастакни 8 айлантириш билан тарангланади. Сўнг ишлаб тугатилган танда (Д) ипларни диққат билан параллеластириб, қисиши қутиларда 2 ва 4 қисқичлар билан иплар қисилади. Иплар маҳкамлангандан сўнг дастакни 7 айлантириш орқали ишланган танда тортилади. Танда қутиларга перпендикуляр жойлашиши керак, қийшайиш 8 мм дан ортиқ бўлмаслиги лозим. Ипларнинг сезиларли қийшайиши қисқичлардан ўнг томонда жойлашган дастакни айлантириш билан бартараф қилинади.


Тандани тутунлашга тайёрлашдан сўнг қисқичлар қутисига электрдвигателдан ҳаракат олувчи тутун тушиш механизми ўрнатилади. Тутун тушиш механизми ғалтак ва ишлаб тугатилган танда ипларининг навбатдагисини ажратиш, уларни кесиш, тутунни улаш ва тортишини амалга оширади. Барча тандалар тутунлангандан сўнг, тутун тушиш механизмини қисқичлардан ечиб олинади. Скало уясига ўрнатилади ва танда навоига ўралиб тарангланади. Усто ёрдамчиси узуқларни боғловчи билан тугилган тутунларни тароқ билан тараб тиф тишлари орасидан ўтгунча назорат қилиб тандани ишлатади.

Қўзгалувчан тутун тушиш машиналарни ишлатишда пештахтанинг қисқичлар билан эркин ҳаракатланиши учун скalo орқа томонидан ўтиш пайти 600 мм дан кам бўлмаслиги керак.

Аралаш түгүн түгіш машиналарини аниқ ишлатилишига қараб құзгалувчан ва құзгалмас сифатыда құллаш мүмкін. Бу машиналарға УП-125-2М машинасі киради. Бу түгүн түгіш машинасі иккі қисиши пештахтаси билан жиһозланиб, үтказиш бўлимида тандаларни улаш үчун у құзгалмас каби ишлайди. Иккі пештахтанинг борлиги түгүн түгіш бошгасини анча самарали ишлатилишига имкон беради. Биринчи пештахтада ипларни улаш амалта оширилса, иккінчисида навбатдаги тандани улашга тайёрланади.



69-расм. Құзгалувчан түгүн түгіш машинасидеги қисгичларни түлдириш схемаси.



70-расм. Сараловчи игна (а) ва УП 125-2М машинасидеги игнали сараловчи механизм схемаси (б).

Биринчи пештахтада ипларни түгүнлаш тугагач бошча иккінчисига күчирилади. Шундай қылеб түгүн түгіш бошчаси унумдорлиги оширилади. Заруат түғилганда бу машина ипларни бевосита түкүв дастгохи ёніда түгүнлашда құзгалувчан сифатыда ишлайди. Юқорида қайд этилгандек, ипларни ажратиш усулига күра түгүн түгіш машиналари ипларни игнали, чўткали, пневматик ажратишга бўлинади. Игнали ажратиш машиналарида иплар игналар билан ажратилади (70-расм, а). Игна ўлчамлари түгүнланаёттан иплар чизиқли зичлигига қараб танланади. Заусенц (игна сиртида тик жойлашган учлар) – чиқишлар ўлчами қўйидаги формула билан аниқланади:

$$A = B = \frac{2}{3} d = \frac{2}{3} c \sqrt{T}$$

бу ерда A – заусенц кенглиги, мм; B – заусенц баландлиги; d – боғланаёттан хом ип диаметри; c – хом ип турига боғлиқ доимий коэффициент; T – хом ип чизиқли зичлиги, текс.

Формуладан келиб чиқадики, заусенцлар ажратишда ипларни $\frac{2}{3}$ диаметрга тутиб олади, ва ипни иккиталаб узатишга йўл

куймайди. Заусенцлар ўлчамига қараб иғналарга номерлар қўйилган бўлади (7 дан 100 гача).

Танловчи иғна номери заусенц катталигининг 100 га кўпайтирилган қийматига тенг:

$$N_i = 100 A = 200/3C \sqrt{T}$$

УП-125-2М машинада ипларни иғнали ажратиш механизми тузилишини кўриб чиқамиз (70-расм, б).

Иғнали ажратишда иплар ажратиш рамкаларда 1 винт билан қисилган 3 ва 4 иғналар билан амалга оширилади. Юқоридаги иғна 4 ишлаб тутатилган танда ипни (Д), пастки эса 2 – янгисини ажратиб олади (Н). Иғналар ромлари ричагларда 6 маҳкамланган, улар шатунлар 7 ёрдамида эксцентриклардан тебранувчи ҳаракат олади. Эксцентриклар бир бирига нисбатан 180° га айлантирилган, бунинг натижасида ричаглар 6, иғналар ҳам 2 ва 4 бир бирига қараб силжийди ёки аксинча. Иғналар заусенцлари навбатдаги ипларни ушлаб олиб, уларни бошқалардан анча нарига суради.


Ажратиш жараёнида иплар ричагларда 5 жойлашган тарангловчилар 3 ҳисобига зарур бўлган таранглик билан таъминланади. Тарангловчилар ипларнинг баъзан ёйилишини ва уларни заусенцлар билан ушлаб олиниш қулайлигини таъминлайди. Иғналар билан ажратилган иплар қабул вилкасига узатилади, у иплар билан назорат ричагларини қисади. Агар иғналар фақат бир ипни ажраттан бўлса қабул вилкаси механизми машинани ўчиради.

Қабул қилиш вилкаси ипларни олдинги қўшувчи ричагларга узатади. Сунг иплар кескич орқали орқа қўшувчи ричагларга ва қисиши механизмига узатилади, у ипларни кесиши тугун тугиш механизми тумшуқчаси билан ушлаб олиш вақтини белгилаб олади (70-расм). Тугун тугиш механизми тумшуқчаси 1, муфтага 2 ўрнатилган бўлиб узатишда айланниб ҳаракатланади. Тумшуқча 1 ипни ушлаб олиб уларни трубкага 3 атрофида ўраб илмоқ ҳосил қиласди. Тумшуқча ипларни ушлаб олиш пайтида улар қайчилар билан кесилади, илмоқ эса кесилган иплар учини ажратиш механизмидан узоқлаштиради. Муфтанинг 2 олдинга ҳаракатланишида иплар тумшуқчалар билан тортувчи иғнага 4 узатилади. Иғна ҳаракатланиби иплар учини найча ичига тортади ва уларни қисади. Икки илмоқли тугун ҳосил бўлади. Найчада ҳосил

бұлған тугун тутун ташловчи 5 ва ташловчи илмоқ ёрдамида ташланади. Шундан сүнг тугуланган иплар сим 3 га ётқизилади.

Чүткали ажратиша янги ва ишлаб тутатылған тандаларнинг навбатдаги иплари иккى механизм – чүткали муҳим симлар ажратиш тақсимловчилар ва ажратувчилар биргаликдаги ҳаракати ҳисобига ажратылади. Ипларни ажратыш чүтка орқали амалга оширилади. Чүткалар кулачоклардан ҳаракат олувчи ричагларга 2 маҳкамланган. Муҳим симлар найда 3 ичидан үтади. Найдалар мураккаб ҳаракат олади. Ҳар бир найдалар жуфти кулачокдан 6 ричаг 5, шток 7 ва ҳалқа 4 орқали навбат билан шнур учларини силжитади (бир юқорига, бир пастта). Бир вақттинг үзіда найдалар үз үкі йұналишида силжийди. Найдаларнинг мураккаб ҳаракатлари натижасыда саралаш учун мұлжалланған иплар ажратылыш рүй беради. Бу иплар чүткалар 1 билан ажратыб олинади, ушлагичлар билан назорат механизмінде ва сүнг тугун қосил қилиш қысмінде узатылади.

Пневматик ажратиша янги ва ишлаб тутатылған асослар навбатдаги иплари бошқалардан ҳавосурыш натижасыда ажратылади. Машинада танланған ипларнинг тугуланыши үзитортилувчи тугун билан амалга оширилади.



71-расм. Тугун боғлагичнинг умумий схемаси (а)
ва унинг кесими (б).

Замонавий тугун туғиши машиналари бир минутда 300-400 ипларни тугулайды. Машиналарнинг ҳақиқий унумдорлығы янги ва ишлаб тутатылған тандаларни тугулашға тайёрлаш билан боғлиқ машиналарнинг тұхтоворға боғлиқ. Танда туриға, иплар өзизиқли зичлигі ва уларнинг тандадаги сонига қараң құзғалмас ва аралаш тугун туғиши машиналарнинг ҳақиқий унумдорлығы соатига 5000-10000 атрофика тугун туғилади. Құзғалувчан тугун туғиши машиналари унумдорлығы пастроқ, соатига 3000-8000 тугун туғилади.

5.3. УЛАШ МАШИНАСИННИГ УНУМДОРЛИГИ

Тугун боғловчи механизм биттә тугун боғлаши асосий валниңк икки марта айланиш вақтига түфри келади.

1. Улаш машинасининг бир соатдаги унумдорлиги:

$$a) \Pi_{xy} = \frac{\pi * 60}{2} \Phi BK, \text{ ип/соат}$$

$$b) \Pi_{xy} = \frac{\pi * 60}{2 n_t} G * \phi BK, \text{ кг/соат}$$

ипларни ўтказиша ПС-140, ПСМ-240 дастгоҳлари қўлланиланиб унумдорлик ишчи малакасига қараб 1000-2000 ип/соатни ташкил этади.

5.4. ЎТКАЗИШ ВА УЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДАГИ ЧИҚИНДИЛАР ВА НУҚСОНЛАР

Ўтказиши жараёнидаги чиқинди қўйидаги формула билан аниқланади:

$$Y = \frac{l}{L_n} 100 \%$$

l — чиқинди иплар узунлиги, (0,4-0,6 м);

L_n — тўкув ғалтагидаги ипнинг мувофиқ узунлиги, м.

Улаш жараёнидаги чиқиндилар

$$Y = (l_1 + l_2 + l_3) 100 / L_n \%$$

l_1 — улагандан кейинги қолдиқ иплар узунлиги, (0,2 м);

l_2 — қисқичдаги ип узунлиги, (0,5 м);

l_3 — тугуларни ўтказишдаги иплар узунлиги, (1,2 м);

L_n — тўкув ғалтагидаги ипнинг мувофиқ узунлиги, м.

«Штоубли» (Швейцария) фирмаси «Топматип-ПС» тугун туғиши машинасининг таърифи

1995 йилдан илгари «Устер-Цельвегер» Швейцария фирмаси чиқарувчи тугун туғиши машиналарини «Штоубли» Швейцария фирмасининг француз филиали томонидан чиқарилади. УП-6М

түгун тугиши машинаси билан қиёслаганда «Топматик-ПС» машинаси анча кенг ассортиментлар учун имкониятларга эга: - боғланувчи иплар диапазони 500 дан 0,8 тексгача; - барча табиий ва синтетик, якка ва эшилган иплардан ташқари машина фасонли ва юқори эластик ипларни боғлайди; - машина 400 см гача кенгликдаги тандаларни боғлайди. Танданинг сифатли боғланишга эришиши учун «Топматик-ПС» машинаси қуйидаги хусусиятларга эга: - ипларни нотуғри танлашда индикатор қайси тандада - юқорилагига ёки пастдагига хатога йўл қўйилганлигини кўрсатади; - ипларни такорий танлашда түгун боғлаш тезлигининг автоматик пасайиши рўй беради, бу сифатли боғланишни оширади.

«Штоубли» швейцар фирмаси «Дельта-200» ўтказиш автоматинг таърифи.

«Штоубли» фирмаси француз филиали «Устер-Цельвегер» (Швейцария) фирмаси лицензияси бўйича ўтказиш автомати чиқаради.

«Дельта» автомати ПА-250 автоматидан қуйидаги хусусиятлар билан фарқ қиласди.

Ассортимент имкониятлари анча кенг:

- тиг номерлари диапазони 20 дан 350 гача;
- терилаётган иплар чизиқли зичлиги диапазони 330 дан 3,5 тексгача;
- шода ромлари миқдори чегараланмаган;
- автомат пахта ип газлама, жун, ипак, зигир хом иплари ва уларнинг аралашмалари, комплекс синтетик иплар, юқори эгилувчан, пишитилган, фасон ва шиша толали иплардан хом ипларни тера олади.
- ўтказиш бир ҳамда икки тўқув навоийдан 400 см гача кенгликдаги тандада амалга оширилиши мумкин
- Автомат маҳсус гулалар ва ламеллар талаб этмайди ва саноатда тарқалишга эга бўлган турли ламеллар, гулалар ва тиглардан ўтказишни амалга ошира олади. Танданинг ўтказилиши юқори сифатли дискетага ёзилиб автомат бошқарув микропроцессорлари пульсига киритилувчи таҳтлаш расми ёрдамида таъминланади.

Назорат саволлари ва вазифалари

1. Ўтказиш мақсади ва моҳияти қандай?
2. Боғлаш мақсади ва моҳияти қандай?
3. Шода, ламел, гулаларнинг тузилиши ва мақсадини айтиңг?
4. Ўтказиш автоматининг афзалиги нимада?
5. Боғлаш машинаси турларини санаб чиқинг?
6. Тиг номери қандай топилади?
7. Бир рангли пахта, ипак, жун танда ипларини боғлаш учун боғлаш машинаси қандай ташланади.
8. Ипларни ўтказиш усулларини аникланг?

VI БОБ

АРҚОҚ ИПЛАРИНИ ТҮҚУВГА ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁННИНГ МАҚСАДИ ВА ИШЛАТИЛИШИ.

Арқоқ иплари түқув фабрикасига қар хил ўрамларда келади: найчада, өзінде, ғалтакда, бобинада. Бу ўрамлар ҳамма вақт ҳам түқув дастгохи истеъмолига мөс эмас. Шунинг учун арқоқ ипларини дасттоҳ мокиси истеъмолига мөс шакл ва ўлчамларга келтириш учун қайта ўралади.

Мокили түқувчиликда күпинча найча ўрами ишлатилади. Түқув дастгоҳида найча мокига жойлашади ва моки ҳаракати давомида найчадан ип ечилиб ҳамузага ташланади. Мокисиз түқув дастгоҳларда арқоқ или сифатида бобиналардан фойдаланилади, арқоқ или бобинадан ечилиб кичик ўлчамли қистиргичлар, маҳсус қисгичлар, рапира ёки бошқа усуллар билан ҳамузага ўтказилади. Ғалтаклардан эски лойиҳали пилта түқувчи дастгоҳларда фойдаланилади.

Бурамалар ва арқоқ узуқларини камайтириш учун түқув жараёнидан олдин баъзи ҳолларда арқоқ иплари намланади ёки эмульсияланади.

Шундай қилиб, арқоқ ипини түқувга тайёрлаш жараёни иккита шарт бўлмаган жараёндан иборат – арқоқ ипини қайта ўраш ҳамда уларни намлаш ва эмульсиялаш. Агар арқоқ или түқув дастгоҳига қулай ўрамда ва етарли намлиқда бўлса, уни ҳеч қандай тайёрловсиз ҳам түқув дастгоҳига узатиш мумкин.

6.1. АРҚОҚНИ ҚАЙТА ЎРАШИ.

Мокили дастгоҳлар учун арқоқ ипини найчага қайта ўраш арқоқ ўровчи машиналарда ёки автоматларда амалга оширилади. Агар арқоқ или бобиналарда истеъмол қилинса, бу ўрамлар танда қайта ўраш машиналари ёки автоматларидан ҳам олинса бўлади.

Арқоқ ипларини қайта ўраш, танда ипларини қайта ўраш каби қисман йигитирав нуқсонлари йуқотилиб, хас-чўплардан тозаланади, арқоқ бўйича узуқлар камайиб, ипнинг технологик хусусияти яхшиланади, бу эса түқув дастгоҳининг иш унумини оширади. Арқоқ ипини қайта ўраганда солиштирма зичлиги 20-50% ошади, натижада найчадаги ип узуунлиги ҳам ошади.

Мокили дастгоҳлар учун арқоқ күпчилик ҳолларда ёғоч найчаларда баъзида қофоз найчаларга ўралади. Юқори чизиқли зичлиқдаги арқоқ иплари (зигир, каноп ва чиқинди иплар) асоси қаттиқ бўлмаган қувурчасимон найчаларга ўралади.

Тўқувчиликда ишлатиладиган найчалар ҳар хил шакл ва ўлчамларда бўлади. Ўлчам ва шакллар мокили дастгоҳлар мокисининг ўлчамига қараб танланади.

Арқоқ ўрами конуссимон шаклда олинади, чунки ип бундай ҳолатда енгил ечилади. Иплар ўз-ўзидан ечилиб кетавермаслиги учун конусли ўровчи маълум о бурчак асосида ўралади.

Ип турлари	α бурчак катталиги
Пахта или	30
Штапел	26
Жун	24-26
Мовут	28-30
Зигир	
Қуруқ йигириши	23
Хўл йигириши	18-20

Ўрам қатламларининг жойлашиши параллел ёки крестсимон бўлиши мумкин.

Кўпчилик ҳолларда крестсимон ўрамлар ишлатилади, чунки найчадаги ипнинг ечилиши осон кечади.

Найчадаги ипнинг конуссимон сиртидаги қатламлар сони ип юргизгичнинг найчадаги ипнинг у четидан бу четигача ҳаракати давомида найчанинг айланишлар сони билан топилади. Ўрамдаги қатламлар сонини умумий куринища

$$i = t n \text{ га тенг.}$$

t – ип юргизгичнинг найчадаги ипни у четидан бу четигача ҳаракатига кетган вақти;

n – найчанинг t вақтда айланишлар сони.

Қатламлар устма-уст тушмаслиги учун қатлам чизиқли бўлиши керак ва урчуқнинг ип юргизгичга нисбий ҳаракат узатиши мос танланishi керак.

Найчадаги ип юзасига қатламларининг жойлашиши, мм

$$\alpha = \Gamma \phi$$

т – найчадаги ип радиуси, мм

φ – силжиш бурчаги, градус.

Замонавий арқоқ-ұраш автоматларидан ип юргизгіч ёки урчукқа илгариланма-қайтма ҳаракат узатылады. У ұрама маркази атрофіда қатламларни бироз аралаштиради. Бунинг натижасыда тенглаштирилган үрамнинг катта зичлиги, алохіда қатламларнинг боғланиши, үрамнинг цилиндрисінен қисмінің конуссімін қолатға түрі үтиши, түкүв дастгоҳыда ишлов берганды қатламларда бурамлар сонининг камайишини таъминлады.

Арқоқ ипини найчага ұраш учта ҳаракатнинг бирлашиши натижасыда амалға ошады: айланма ҳаракат-ипни найчага ёки асосға ұраш учун; илгариланма-қайтма ҳаракат-ұрам қатламини түгри жойлаштириш учун; илгариланма ҳаракат-ұрам үкі юзасыга қатламни жойлаштириш учун. Бу ҳаракатлар үровчи урчук, жойлаштирувчи ип юргизгіч ёки найча томонидан амалға оширилады. Бу құртмалар ёрдамида ўёки бу ҳаракатларни амалға оширишга боғлиқ қолда арқоқ үровчи машиналар уч гурухға бўлинади.

Гурухлар	Машнина маркасы	Ҳаракатни амалға оширувчи қисм		
		Айланма	Ишарелма-қайтма	Илгарилма
I	УП	Урчук	Урчук	Ип юргизгіч
II	АТИ-290	Урчук	Ип юргизгіч	Найча
III	УЛ-300, Хакоба ва бошқа	Ҳаракат узатувчи шпиндел	Ип юргизгіч	Ип юргизгіч

Шу билан бир қаторда арқоқни қайта үровчи машиналар куйидаги сабаблар билан ҳам синфланади:

– Ишлаб чиқарылган найча үрамларини алмаштириш урчуғи турига қараб арқоқ үровчи машиналарга ва автоматларга бўлинади: арқоқ үровчи автоматлар тұла ип үралған бобинани олиш, буш найчани үрнатиш ва унга ип охирини, үровчи ёрдамисиз үраб юбориш вазифаларини бажаради. Арқоқ ұраш автоматларини кўллаш үровчи иш унумини оширади.

– Илгариланма-қайтма ҳаракат тезлиги натижасыда қатламдаги ип, үрам конусига ёнма-ён параллел ёки бурчак асосида жойлашади. Арқоқ-ұраш машиналари ҳам танда үровчи машиналар каби параллел ёки крестсімін үровчи машиналарга бўлинади.

– Үраладиган үрам турига нисбатан-найчага үровчи ёки асосға үровчи машиналарга бўлинади. Найчага үровчи машиналар ёғоч

ёки қоғоз найчага арқоқ ипини үрайди. Найчага үровчи машиналарда ип урчуққа үрнатылған найчага үралыб, сұнгра урчуқдан олинади. Бир хил үлчамли мокилар учун қувурчасимон найчанинг қаттиқ асоси йұқылғы сабабли үрам зичроқ үралади ва 1,5-2 баравар узун ип жойлашади.

— Найчани үрнатыш турига нисбатан — урчуқты ва урчуқсиз булиши мумкин. Урчуқсиз машиналарда арқоқ найчаси шпинделга қисилади. Улардан бири ҳаракатлантирувчи, кейингиси қувватловчы. Шпинделлар найчани мустаҳкам ушлайди ва юқори частотада айланганда тебранишдан огох этади.

— Урчук ва шпинделларнинг жойлашишига қараб үраш найчаси үқи тик ва ётиқ жойлашган машиналарға булинади. Ҳозирги замон арқоқ үраш автоматларининг ҳаммаси ётиқ урчуқлидир.

— Бир вақтда үраш бошчасидан үраладиган найчалар сонига қараб битта, иккита, учта ёки түртта шпинделли булиши мумкин.

6.2. АРҚОҚ ҮРОВЧИ АВТОМАТЛАР

Ипни тұқувга тайерлашдаги арқоқ ипини қайта үраш жараёни анчагина автоматлаштирилған үтимдир. Тұқув корхоналарида күпинча арқоқ үраш автоматларидан фойдаланылади, чунки арқоқны қайта үраш анчагина мураккаб жараёндир.

Арқоқ үраш автоматларининг асосий вазифаси тозаланған конуссимон ёки цилиндрик мокига үралып тузилиши ва үлчамлари билан мос келувчи арқоқ найчасига үраб олишдан иборат. Үрам тузилиши моки тұхташида ипли найчанинг барқарорлыгини таъминлаши керак. Мокининг тұхташи уннинг ҳаракат тезлігі максималнинг 80% ни ташкил эттанды бошланади. Меъерій шароитларда 30 г массалы найча тұхташи үрашга таъсир этувчи 50 Н дан ортиқ күч таъсир этади, бу үралышнинг нотұғри тузилишида иплар үрамининг тушиб кетиши учун етарли. Баъзи дастгоҳларда бу күчлар яна ҳам күпроқ. Мокида найчанинг жойлаштирилиши жуда мухим. Арқоқ найчаси моки деворидан зарур масофада бұлған максимал диаметрга эга булиши керак. Автоматнинг түрли бошчаларидан ишланыптың найчалар диаметри үзгариб тұрса, диаметрни тартибга солиши механизми шундай үйлге құйилған булиши керакки, катта четта чиқишлиарда үралыш диаметри талаб этилған узунлукни таъминласын. Бу эса, найчаларнинг күпчилиги мумкин бұлған үлчамлардан кичик бұлади.

Арқоқ-ұраш автоматларыда найчалар диаметри доимийлиги бир бошчада ҳам, бошчалар орасыда ҳам таъминланиши керак.

Найча дастгоҳ кенглигидан катта ип узунлигидаги заҳира үралишга эга бұлиши керак. Ипнинг юқориги учини ўровчи томонидан осон топилиши керак, акс ҳолда катта чизиқли зичликдаги хом ипни ишлашда унумдорлик 20% га ва кичик чизиқли хом ипни ишлашда 10% га пасаяди. Күтили арқоқ таъминловчига эга бұлған тұқыв дастгоҳларыда пастки заҳира үралишдан ташқары юқори заҳира үралиш ҳам зарур. Бұш найчалар билан автоматик таъминланиш күзде тутилган бұлиши керак, ниҳоят тайёр найча кутига тұғри ётқизилиши керак. Тұплам иплар найчаларни улар орасидаги алоқаны бартараф этувчи игнали таҳтага үрнатилишини талаб қылади. Баъзи турдаги хом иплар учун тұла найчаларни құйиш учун новали қурилмалар күзде тутилған. Арқоқ билан күтили таъминлануучы тұқыв дастгоҳлари учун тұғри параллел найчаларни жойлаштирувчи маҳсус күтилар ишлатилади. Арқоқ-ұраш автоматларыга құйиладың асосий талаблар мана шулар. Жарабаеннинг баъзи технологик тавсифларини күриб чиқамиз:

Уралишнинг зичлигі ва тенг оғирлигі. Хом ипнинг тенг оғирликли үралишини икки қурылма таъминлайды: биттаси хом ип тараптегінин даврий ип найча асосиға ётқизилишида оширади, бошқаси үралиш үрамларини дифференциал ётқизилишини таъминлайды. Үралиш барқарорлигини таъминловчы хом ип минимал тараптегашувини үрганишда 18 см узунликдаги найчага 1,5 текс асетат или ва 16,5 текс вискоз ипини ұраш ва дифференциал ұрашни құллашда тараптегашувни 36 дан 26 сН ва 62 дан 50 сН гача камайтириш мүмкін. Ётқизилиш йўли ошса үрамнинг тенг оғирлигі ҳам ошади, аммо маълум диаметрда ип узунлиги камаяди. Баъзи автоматларда жойлашиш йўли узунлиги доимий ошади. Ип тараптегінинг ортиқча даражаси матоннинг йўл-йўл бұлишига олиб келади.

Уралиш диаметрининг доимийлигі. Үралиш диаметри доимийлигига эришишнинг оддий усули – ип ётқизилиш механизмини назорат қылувчи ұраш ролити ёрдамыда амалға оширилади. Үралиш диаметри доимийлиги хом ип чизиқли зичлигининг бехосдан ўзгаришида ҳам таъминланади. Алоқа роликлари булмаган ұраш автоматлары мавжуд бўлиб, қатламларнинг үрам ўқи бўйлаб силжиши эса олдиндан үрнатилған тезлик билан амалға оширилади.

Уралиш қатламыда ип узунлигі. Тигнинг турли кенгликдаги дастгоҳларда мато ишлаб чиқарыш учун қатламда ип узунлиги

тартибга солиниши керак. Одатда, қатламда ип узунлиги 5-15 м ни тащкил қылади. Көнг тұқым дасттохларидан катта чизиқты зичликдаги хом ипларни ишлатиша қатламда ип узунлигини «тортиш» учун мослама бўлишини кўзда тутиш керак.

Юқориги ва пастки заҳира ўралниш. Бу тавсифлар қўювчилар иши унумдорлигига анча таъсир этади. Ипнинг юқориги учи қалта ва тўғриланган, пасткиси эса – узунликда минимал юзага чиқарилган бўлиши керак. Тенг оғирликли ипларнинг бурамларга мойиллиги сабаб юқори заҳира ипни ўрамасак ҳам бўлади.

Урчуқлар айланиш тезлиги. Ҳозирги вақтда 1200 мин⁻¹ айланиш тезлиги бир меъёрда ҳисобланади. Бироқ айланиш тезлиги қатламда ўрамлар сони билан боғлиқ бўлиб, ип ётқизувчи қайтмайлардан ҳаракати чегараси борлигини қайд этиш лозим. Баъзи машиналарда 1200 мин⁻¹ урчуқлар айланиш тезлигига қатламда ипнинг ўрами 13 тага, бошқаларида – ўрам 10 тага эришиш мумкин. Қатламда ўрамлар сони 6 дан 13 гача ўзгариши мумкин, бироқ баъзи машиналар учун 7 қиймати стандарт ҳисобланади. Ип ётқизилиш узунлигини 6 см гача ўзгартириш мумкин, бироқ ётқизилиш узунлиги L ва диаметр D ($L=1,6 D$) ўртасидаги қабул қилинган нисбатни ҳисобга олган ҳолда ётқизилиш узунлиги 3,75 см га тенг бўлади.

Айланиш ўналиши. Урчуқнинг соат миллигага тескари айланишда ўралтан найчадан ипни ўқли ўраб олишда хом ип 9 га эшилиш беради. Агар хом ип Z эшилиши бўлса, хом ип эшилиши камаяди. 30 тексли хом ип 1 см га 7 эшилишга эга. Урчуқнинг айланиши хом ипга 1 см га 0,3 эшилишни беради ёки уни очади, бу натижада 1 см га 6,7 ёки 7,3 эшилишни беради. Шундай қилиб, талаб этиладиган ўрамда хом ип 1 см га 6,7 эшилишга эга бўлиш керак.


Автоматлаштириш даражаси. Ишлаб чиқариш маҳсулотлари ассортименти чегараланган корхоналарда ҳар бир 10-30 бошдан бўш найчалар билан ҳампа таъминлаш ва тўла найчаларни автоматик жойлаштиришни қўллаш афзалроқ. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот ассортиментининг катталигига турли бўш найчали ҳар бир бош учун якка магазинлар мақсадга мувофиқ. Автоматлаштиришнинг ҳар қандай даражаси ишлаб чиқариш шароитларидан келиб чиқган ҳолда қўлланиши керак. Акс ҳолда, қисқа муддатли иш даври ускуналарни қайта созлашга кетадиган узоқ муддатлар билан навбатлашади. «Швейтер» фирмасининг көнг тарқалган MSL 40 арқоқ ўраш автомати ҳар бир ўраш бошчасига

бүш найчаларни автоматик узатиш ва тұла найчаларни параллел жойлаштириш билан ишлайди.

6.2.1. УА-300 АРҚОҚ ҮРАШ АВТОМАТИ

Тұқув корхоналарида арқоқ үраш автоматлари көнг күлтәнілади. Каменск машина созлиқ заводыннан УА-300, УА-300-3, УА-300-3М русумли ва шунга ўшаш автоматлар мисол бұла олади. Булар бир томонлы найча узунлиғи 160 дан 210 мм гача бұлған арқоқнан қайта ўровчи ип юргизгичли арқоқ-үраш автоматларидір. Автоматларда урчуклар орасидаги масофа 300 мм. Автоматлар ҳар хил турдаги иплар учун баъзи ўзгартыришлар билан ишлаб чиқарылади. Масалан, ипак тұқувчиликда УА-300-3МШЛ, жун тұқувчиликда УА-300-3Ш автоматлари ишлатылади. Дастреки УА-300 автоматларыда үраш боши магазинини бүш арқоқ найчаси билан құлда тұлдырылар зди, УА-300-3М автоматларыда эса ҳампа (бункер) мавжуд булиб, бүш найчалар автоматик равищда үраш боши магазинига бориб тушади.

УА-300-3М автоматы – бир томонлы урчуксиз, икки бұлымли, ҳар бир бұлымда олтита үраш бошчали машинадир. Ҳар бир үраш бошчасыда маҳсус қути булиб ҳаракатни мұстакил олиб ишлайди. Найча иккита шпиндел ёрдамида қисилиці, ҳаракатланувчи шпиндел найчанинг бөш қисмінде бұлади. Горизонтал жойлашған найча иш давомида айланма ҳаракат олади, ип юргизгич эса илгарыланма-қайтма ва илгарыланма ҳаракат олади. Автоматтың ҳаракатлантирувчи шпинделі 6000-12000 айл./минут частота билан айланади. Қайта үраш тезлигі қайта үраладынан ипнинг өзінің зияндағы түрінде қаралады. Иш давомида УА-300-3М автоматыда (72-расм) бобина үрнәттігінде үрнәтилген бобинадаги ип 1 баллон чегараловчи ҳалқа 2 орқали үтиб, гардиш тарапғловчы күрілма 3 үзи тұхтатиши механизми күзі 5, йұналтирувчи күз 6, ип юргизгич илмоги 7 дан үтиб 8




72-расм. УА-300-3М автоматтың тұлдыриш схемаси.

наичага уралази. Иштөв берилеттан ип түрига қараб бобинаны баландлыгини горизонтал қиятигини ростлаш мүмкін.

Автоматтинг тараңгловчи асбоди иккі жуфт тұхтатувчи гардишлардан иборат ва пружина билан юқланади. Гардишлар мажбурий ҳаракатни ійнәттирувчи 4 роликдан тишил үзатма орқали олади. Тұхтатувчи гардишларнинг мажбурий ҳаракаты унинг ифлоскликтарнинг тиқилиг қолғаныдан дағолат беради.

Хар бир ураш бошчасига ҳаракат үзатыш умумий электродвигателдан 2 амалға оширилади (73-расм). Электродвигателдан камарли 1 үзатма орқали автоматтинг бош 3 вали айланма ҳаракат олади. Бош валидан ҳаракат алоқида үраш бошларига үзатилади.



73-расм. VA-300-3М автоматтың үраш бошының кинематик схемасы

Камарли үзатма 4 ва шестерня Z_1, Z_2, Z_3, Z_4 лар орқали ҳаракат үрчүү вали 5 га ва шпинделга үзатилади. Оралықдаги вал 7 дан Z_5, Z_6 шестернялар орқали эксцентрикли вал 8 ҳаракат олади. Валыннан құзғалуучан шлонкасига 9 эксцентрик жойлашган. Эксцентрик айланиб 10 ип юргизгичнинг ҳаракатини таъминлады. Эксцентрикли валга үрнатылган Z_7 шестерня ҳаракатини Z_8 эксцентрик юзали шестерняяга үзатади. 11 бармоқ юзага кириб шестерняягы үқли ҳаракат беради. Кривошип ёрдамида 13 тортгич ва 14 ричаг 15 күчүкча ёрдамида ҳаракат Z_9 шестернядан Z_{10} храповикка үзатилади. Храповикдан Z_{11} ва Z_{12} шестернялар орқали ҳаракат 16 винтга үзатилади.

Винт 17 ром билан болғанған булиб 9 эксцентрикка ва ип юргизгичге қайтма ҳаракат үзатади. Ип юргизгич роми дастасининг винт билан болганини ярим гайка орқали амалға оширилади. 16

винтнинг узатиш қадами, ўралаётган арқоқ ипининг чизиқли зичлигига боғлиқ. Автоматларда қадам 2;3 ва 4 мм қилиб ўрнатилиши мумкин.

Тенглаштирилган ўрам ҳосил қилиш учун 16 винт ва ип юргизгич Z_{11} шестернянинг ва Z_8 ҳалқа тирқишли шестернянинг ҳаракати ҳисобидан ($\pm 2,5$ мм) илгариланма-қайтма ҳаракат олади. 16 винтнинг айланиш частотаси ўзгариши билан ип юргизгичнинг қайтма ҳаракати ҳам ўзгаради, шу билан бирга найчага ўралаёттан ип диаметри ҳам камаяди; ип юргизгичнинг қайтма ҳаракати қанча кичик бўлса қатламлар шунча кам бўлади, найча диаметри ошади. 16 винтнинг айланиш частотасини маҳсус түсгич 12 орқали бошқарилади ва кучукчанинг иш йўлини ўзgartиради. Ҳар бир ўраш бощчаси ўрам диаметрининг ростлагичи билан жиҳозланган. 15 кучукча 13 тортичнинг ва 14 ричагнинг тебранма ҳаракати туфайли доимий ҳаракатда бўлади. 12 түсгич храповик тишиларининг қисмини кучукча таъсиридан сақлайди. Храповикнинг тиши қанчалик түсгич билан ёпиқ бўлса, храповикнинг ҳаракат узатиши шунча кичик бўлади, ип юргизгич ҳаракати камаяди, найчадаги ўрам диаметри ошади. Түсгични бошлангич ўрнатиш маҳсус дастак ёрдамида олиб борилади. Дастакнинг соат мили бўйича ҳаракати ўрам диаметри ошишига мос келади.

УА-300-3М автоматида найча конуссимон қатламишининг боғламлар сони:

$$i = \frac{05 \times Z_6 \times Z_3}{(Z_5 \times Z_4)} = \frac{05 \times 14 \times 81}{51 \times 14} = 7,936$$


Қатламнинг силжиш бурчаги:

$$\psi = 2\pi (n - n_1) = 2\pi 0,872 = 5,48 \text{ рад}$$

Ип узилганда ёки калавадаги ип тугаганда найчанинг айланишидан ўзи тўхтатгич механизми таъсирида тўхтайди, камарли узатма 4 иш шкивидаң бўш шкивга ўтади.

74-расмда ўзи тўхтатгич механизми ифодаланган. Ип 1 чинни кўз 2 дан ўтиб, чивиқ 3 ни чегараловчи 4 га қисади. Бунда дастак 5 итаргич 6 устига кўтарилиган ҳолатда туради ва тебранма ҳаракат қиласи. Ип узилганда ёки бобинадаги ип тугаганда чивиқ дастак билан биргаликда О ўққа нисбатан буралади ва дастак тиши 6 итаргич тиши рўпарасида тўхтайди. Итаргич, дастакга таъсир қилиб,

вилка 7 ни бурайди. Бунда қирқим 8 чивиқни ҳаракатта келтириб 9 илмоқни күтәради ва 10 бармоқни ва 11 юргизиш дастагини бүшатади. Пружина таъсирида юргизиш дастаги буралиб камарни вилка 18 (73 расм) орқали суреб ишчи шкивдан бүш шкивга ўтказади. Юритувчи шкив 19 тұхтатгыч орқали тұхтатилади.



74-расм. Ўзи тұхтатиши механизми схемаси.

Найчани қисиб турувчи шпинделдан шпинделга ўрнатади, ипни найча боши билан шпинделга қисади, пастдан қирқиб, юритувчи шпинделни ишлатиб, захира ўрам ўрайди ва ип юргизгични меъёри найчага қатламлар ўашни таъминлади.

Кулачокли вал 22 га Z_{19} шестернә жойлашган ва I – IX бұлған тұқызта кулачок ҳам ўрнатылған. Кулачокларнинг навбат билан ишлаши натижасыда найчани автоматик алмаштириш жараёни амалға ошади. Кулачокли вални ишпа тушиши ип юргизгич орқали амалға ошади. Ўрнатылған узунлик бүйіча ип үралгач, ип юргизгич 1 (75 расм) ишлатиши чибиқ 2 ни босади. Бунда ўрнатувчи ҳалқа 3 ричаг 4 ни босади ва уни сийжитади. Ўрнатувчи ҳалқа 2 чибиқ ҳолатини үзгартыриб найчадаги ип ўрами баландлыгини бошқаради. Ричагнинг 4 пастки елкаси 7 муфта 5 тиргагични бүшатади. Тиргак 5 пружина 6 таъсирида буралиб ўн иккى болт 8 лар ҳаракати йўлидан биттасига тушади.

Ҳаракат шестернядан муфта орқали кулачокли валга узатилади ва у бир марта айланади. Ричаг 4 тиргак 5 ни итариб – муфтани ажратади, бу вақтда эса ип юргизгич дастлабки ҳолатта қайтади.


Найча алмашиш вақтида шпинделни бўш вақти

$$60/n_{\text{в}} = 60/8 = 7,5 \text{ сек}$$


$n_{\text{в}} = 8$ — кулачокли валнинг айланиш частотаси, мин⁻¹

Тула найчани алмаштириш юритувчи шпиндел тұхтаган пайтда амалга ошади (76 расм) I кулачокка 1 ролик қисилади. Текисловчи шпиндел 2 ўққа ўрнатылган. Шу ўққа 3 ричаг ҳам қотирилган. I кулачок айланғанда текисловчи билан тулашиш радиуси камаяди. Бу 3 ричагни 6 пружина таъсирида соат милига тескари йўналтиради ва 4 бармоққа таъсир қилиб юритгич 5 ни бурайди.

Камар ишчи шкивдан бўш шкивга ўтади ва урчуқнинг ҳаракат-лантирувчи шпинделни тұхтатади.



75-расм. Эксцентрик вални ҳаракатга келтирувчи муфтанинг схемаси.



76-расм. Найча алмашиниш вақтида етакловчи шпинделнинг ёкиш ва учирish механизми схемаси.

Ҳаракатлантирувчи шпиндел тұхтагач, кувватловчи шпиндел тортилади ва ўралган найча бүшатилади. 77-расмдаги III кулачоқдан I ричаг ҳаракат олиб, 3 пружина қаршилигини қайтаради, кувватловчи 4 шпинделни қисиб ўралган найчани бүшатади.


Шпиндел то янги бүш найча ўрнатгунга қадар қисилган ҳолатда туради. Узуқни олганда найчани құлда алмаштирганда 5 даста қисилади, 2 ролик 1 ричагни тортади ва шпинделни күвватлайды. Юритувчи ва күвватловчи шпиндел орасидаги масофани найчанинг узунлигига қараб бошқарилади.

Найча бушатилгач ип юргизгич узилиб дастлабки ҳолатига қайтади.


VII кулачокка 1 ричаг пружина 2 ёрдамида қисилади (78-расм).

Кулачокнинг кичик радиуси тортгич 3 га таъсир этганда 7 чивиқни бүшатади. Чивиқ дастак 6 нинг юқори елкасини босади ва 5 ярим гайкани 4 винтдан есади (73 расмда 16 билан белгиланған). Бир үраш вақтнинг узида чивиқ 7 ип юргизгич бармоғи 10 ни 9 эксцентрикдан ажратади.

Ип юргизгичнинг дастлабки ҳолатта қайтиши V кулачок орқали амалга ошади, чунки ричаглар системаси ип юргизгични танага қараб қисади ва уни дастлабки ҳолатига қайтаради. Арқоқ или бу пайт ҳаракатлантирувчи шпиндел олдида туради. Шундан кейин дастлабки ҳолатта қайтгач, бүш найчани ўрнатувчи механизм ишга тушади ва у VII кулачокдан ҳаракат олади. Навбатдаги бүш найча пружина остидаги ричагларнинг махсус кучучалари ёрдамида шпинделга олиб келинади. Бу пайтда арқоқ или шпиндел ва найча бошчаси орасида бўлади. Найчани шпинделлар қисади ва механизмнинг ҳамма қисмлари дастлабки ҳолатга қайтади.




77-расм. Күвватловчи шпинделни силжитиш.



78-расм. Ип юргизгични тўхтатиш механизми схемаси.

Ип қирқиңгач ишлаб чиқарылған арқоқ үрами үраш бошчаси остилагы қутыга автоматик тарзда тушади. Бир қатор газламаларни түкишда автоматик түкүв дастгоҳыда түқиб чиқаришла арқоқ се үгичидан фойдаланишнинг сабаби, найчага заҳира арқоқ булиши шарт. Арқоқ үрамнинг бу тури газлама ўрилишининг раппорти бузилишидан сақлады. Агар найчани заҳира иписиз арқоқ ғезгич алмаштыраса күп ип чиқындиси қолади. Заҳира ипнинг узунлиги наичада 3-5 ҳамуздан моки үтишига етарли булиши керак. УА-300-3М автоматларыда заҳира үрам олиш учун шпиндел ип юргизичдан анча олдин айланышни бошлады. II кулачокка

7 сектор ўрнатылған бўлиб, у ролик Iни қисади. Сектор ҳолати I ва II кулачокларга нисбатан ўзгариб ҳаракатлантирувчи шиндел ишлати лаҳзасини бошқарди ва заҳира иши уралади. Ип найчанинг бир жойига ип юргизгични ишлатувчи механизм яримгайка 5ни винт 4 билан ва ип юргизгич бармоғи 10 эксцентрик 9 билан боғланғунча ўрайди.



79-расм. Најчани узатиш
ва ҳампа схемаси.

80-расм. УА-300-ЗМ1-ЛЯ
автоматининг найчани терни
механизми схемаси.

УА-300-3М арқоқ-ұраш автомати ҳар бир үраш бошчаси учун бұш найча магазинини автоматик тұлдирувчи механизм билан жиҳозланған. Машина ёніга ҳампа жойлашған, унға 250-350 бұш найча сиғади. Ҳампадан вилка найчани ушлаб (79-расм) З занжир ёрдамида тик 4 күтәргич орқали найча күтәрилади. Найчани яхшироқ ушлаш учун ҳампа ичидағи тақтача 2 найчаларни аралаштириб туралы. Юқорига күтәрилған найчалар 6 туширувчи ёрдамида кия тешік нова 5 га тушади, бу ерда тұпланади. Нованинг охирида тик ликобча ва туширувчи механизм булиб, горизонтал конвейернинг уяларига найчани туширади ва конвейер ҳар бир үраш бошчаси магазинига етказади. Ҳампа иш унуми минутига 24-26 найча.

Зигир ипларини найчага үраш учун УА-300-3М1ЛЯ арқоқ-ұраш автоматидан фойдаланилади. Бу лойиҳали автоматлар одаттагы автоматлар иш жараёнларидан ташқари найча учига күшимча зақира үрайди ва тұла найчани қутига бир текисда теради. Күшимча зақира ипни мокичага үтказиш ва ишлатиш учун керак. Күшимча зақира ипнинг узунлиғи 0,5-2 м гача қабул қилинади. Уни найчага тұла үрамдан сұнг 8 мм дан кейин жойлаштириш амалға оширилади. Зақира үрамнинг ечилиб кетишидан сақлаш учун ипнинг охири боғланади. Бу күйидеги амалға оширилади. Найчага кераклы узунликдаги ип үралғач арқоқ или аралаштирилади ва шпиндел ёрдамида бир неча қатлам үралади. Ип дастлабки қолатига қайтади, найчанинг айланиши тұхтайди, максус метал кувурча қатламни шпинделдан найча охирига суради ва ип охири боғланади.

Күтидан арқоқ истеъмол құлувчи автоматик тұкув дастгоҳлари күтиси (Я3-195) ұажми 30 мм, үрам диаметри 80 мм бұлған найча сиғади, арқоқ үраш автоматида үраш бошчасининг остига үрнатиласы. Навбатдаги найчани үраб бұлғандан кейин, урчук тұхтайди ва бушатилған найчани қутига жойлаштириш механизми иште тушади.

80-расмда УА-300-3М1ЛЯ арқоқ-ұраш автоматининг қутига найчани жойлаштириш механизми ифодаланған. Найча шпинделдан бұшагандан кейин найча бошчаси билан нова 3 нинг юқори қопқоқ 4 га тушади. Тортгич 5 юқори қопқоқ 4 ни новадан чиқаради ва найча нованинг пастки қопқоғи 2 га тушади. Шу пайт юқори қопқоқ дастлабки қолатига қайтади ва найчани горизонтал қолатта жойлаштиради ва кейинги найча ишланғунча қопқоқ үз қолатини үзгартырмайды. Найчани алмаштириш лаҳзасида пастки қопқоқ очилади олдинги найча жойлаштириш ҳампаси 6 га тушади.

Итаргич 1 тортгич орқали найчани кути 7 га итарида. Бу ҳолат, кути тұлғунча давом этади, кейин эса ўзи тұхтатиш механизми ўраш бошчасини ишдан тұхтатади.

6.3. ҲОРИЖИЙ АРҚОҚ ЎРАШ АВТОМАТЛАРИНИНГ АЙРИМ ҚУЛАЙЛИКЛАРИ

Арқоқ ипини найчага ўраш жараёни мұраккаб жараён бұлиб, мокили даттоқдарни газлама тұқын жараёнида әхтиёж күттегілердің жағдайынан жариялады. Арқоқтың өзінде жағдайынан жариялады. Арқоқтың өзінде жағдайынан жариялады.

Арқоқ ўраш автоматларини, үралған найчани кутига, касетага автоматик тәриш механизмлары билан жиһозланады.

Захира арқоқ, ташиш вақтида учи очилиб ва чатишиб кетмаслиги учун учини боғлаш керак. Буни «Уайтинг» (АҚШ) фирмаси ип охирини захирада ип остига тикади, «Шляфгорст» (Германия) фирмаси автоматларыда эса иккінчи захирада учи ҳалқа қилиб боғланады.

Күзғалмас ўраш бошлари билан бир қаторда арқоқ-ўраш автоматларининг айланма ҳаракат қилувчи турлари мавжуд. Масалан, Американың «Эббот» фирмаси айланма ҳаракат қилувчи автомат яратади. Ўраш бошларининг тұла айланыш даврида найчага ип тұла ўралади. 12 ўраш бошли қархпалаксимон автомат Японияның «Исикава Сейсакусе» ҳиссеселердің жамияти томонидан яратылды. Ҳар бир ўраш бошаси найчани алмаштириш механизмі олдиде тұхтайды ва қолғанлари ўрашни давом эттиради, ўраш бошаси ҳаракатини алохидә электродвигател бошқаради.

6.4. ҚАЙТА ЎРАШ ТЕЗЛІГІ ВА АРҚОҚ ЎРАШ АВТОМАТЛАРИНИНГ ИШ ҮНУМИ

Арқоқ иплари найчага ўралиши давомида мұраккаб ҳаракат қиласы: Найчага ўралади ва найчага равон жойлашади. Арқоқ-ўраш автоматларыда ип тезлигі иккі хил тезликдан ҳосил бўлади – айланма ϑ_1 ва алмашувчи ϑ_2 тезликлардан. Шунинг учун

$$\vartheta_1 = \pi d n_1 \quad \vartheta_2 = 2 h n_2$$

$$\vartheta_{\text{ин}} = \sqrt{(\pi d n_1)^2 + (2 h n_2)^2}$$

d — найчадаги ип ўрамининг ўртача диаметри, м;
 n — урчуқнинг айланиш частотаси, мин⁻¹;
 h — урчуқнинг ўқли силжиши ёки ип юргизгич узунлиги, м;
 t — бир минутдаги ўқли силжишлар сони.

Арқоқни қайта үрашда автомат тезлиги найча диаметрига боғлик ҳолда узгаради. Тезликни ҳисоблашда ўртача диаметр d қабул қилинади.

$$d = [0,5 (d_1 + d_2) + D]/2 = \frac{(d_1 + d_2 + 2 D)}{4}$$

Кувурли найчанинг ўртача диаметри

$$d = \frac{D}{2}$$

D — найча диаметри, м; d_1 — ўрам асосидаги найча диаметри, м;
 d_2 — ўрам юқорисидаги найча диаметри, м;

Үраш автомати лойиҳасига, турига ва ўралаёттан арқоқ ипининг чизиқли зичлигига боғлик ҳолда ҳар хил тезлиқда ишлайди.

Арқоқ үраш автоматларининг амалий иш унуми

$$\Pi_i = \vartheta t m T \eta 10^{-6} \text{ ФВК}, \text{ кг}$$

ϑ — арқоқ ипини қайта үрашдаги ўртача тезлик, м/мин;

m — машинадаги урчуқлар сони;

t — машинанинг иш вақти, мин;

T — ипнинг чизиқли зичлиги, текс;

η — ФВК.

Фойдали вақт коэффициенти (ФВК), тўлган найчани алмаштириш, бўш найчани ўрнатиш, узуқларни олдини олиш, бобинани алмаштириш ва шунга ўхшаш машинанинг ишдан бўш ҳолатини ҳисобга олади. Ўралаётган ўрамда арқоқ или узунлиги қанча кўп бўлса, ўровчи иш усуllibарини қанча тез бажарса ва узук қанча кам бўлса ФВК кўп бўлади ва машинанинг иш унуми ҳам ошади.

Арқоқ үраш автоматларини ишлатганда, найчани алмаштириш автоматик амалга ошиши туфайли урчуқнинг бўш вақти қисқаради. Илғор ўровчиларнинг иш услубини қўллаш натижасида арқоқ — үраш автоматларининг иш унумини ошишига асос бўла олади.

6.5. АРҚОҚ ИПИНИ ҚАЙТА ҮРАШДА НУҚСОН ВА ЧИҚИНДИЛАР

Арқоқ-үраш автоматларининг айрим механизмлари носозлиги ва үровчининг ишга эътиборсизлиги туфайли, арқоқ ипини қайта үрашда нуқсонлар ҳосил бўлиши мумкин.

Арқоқни қайта үрашдаги асосий нуқсонлар:

— Арқоқ найчасининг шакли ёки ўлчамлари нотўғрилиги - узукни олгач ип юргизгични нотўғри ўрнатиш, ўрам диаметрини бошқариш механизмининг нотўғри созланиши, тарапловчи асбобнинг носозлиги сабабли ҳосил бўлади. Найчага катталашган диаметрда ип ўралса тўкув дастгоҳида ишлатиб бўлмайди. Нотўғри шаклини арқоқ ипини дасттоҳга ишлатса арқоқ ипининг узилиши кўпайди.

— заҳира ўрамнинг бўлмаслиги – заҳира үраш механизмининг нотўғри созланиши натижасида ёки кесилган ип учи янги найчани ўрнатганда шпиндел ушлаб қолмаса, нуқсон ҳосил бўлади;

— юмшоқ ёки қаттиқ ўрамлар – тарапловчи асбобнинг нотўғри созлаш натижасида ҳосил бўлади;

— чатишган ва ифлосланган арқоқ найчалари – буни дастгоҳга ишлатиш мумкин эмас, чунки газлама нуқсонли бўлади;

— кесилмаган ип – ип ўрамини алмаштирганда ип кесувчи пичноқнинг носозлиги туфайли содир бўлади.

Арқоқни қайта үраш жараёнидаги чиқиндиларга – узукни улашдан сўнг қоладиган ип учлари, йигирув нуқсонларини олиб ташлаш учун кетадиган иплар, бобинада ишламай қолган ип чиқиндиси киради. Чиқиндиларнинг кўп бўлиши маҳсулот таннархини пасайтиради, шунинг учун уни қисқартириш чораларини доимо излаш керак.

6.6. АРҚОҚ НАЙЧАСИНИ ТОЗАЛАШ УЧУН МАШИНАЛАР

Бир қатор газламаларни автоматик тўкув дастгоҳларида ишлаб чиқарганда арқоқ найчасида заҳира ип қолдиқ бўлиб қолади. Найчани тозалаш – кўп меҳнат талаб қиласидиган жараён. Бу жараён маҳсус машина ва агрегатларда амалга оширилади.


И.М. Карасева ва М.М. Рублева арқоқ найчасини тозаловчи агрегат лойиҳасининг иш жараёнини кўриб чиқамиз. (81-расм). Кути I, чивик 2 ва двигателдан иборат кўтариш қўрилмаси ёрдамида З ҳампани арқоқ найчасидан тўлдиради. ҳампага 18-20 мингта найча сифади. Пештахта 4 орқали найча автоматик истеъмолчи 6 ва ҳампа

5 га тушади. Автоматик истеъмолчи иккита конвейер 7 га эга ва у найдани 8 кассетага узатади. Конвейерлар илгичли камарлардан иборат бўлиб, найдаларни бошидан ушлайди. Найдаларни конвейер орқали равон узатиш маҳсус йўналтирувчилар ва узатувчилар орқали амалга оширилади. Кассеталар қавариқ кути шаклига эга, ичидан найда бошини йўналтирувчиси мавжуд бўлиб, кассета 9 автоматни узлусиз ишини таъминлайди. Навбатдаги найда кассетадан автоматта тушгач заҳира ўрамдан резина дастаклар билан қисилади. Маҳсус итаргич найдани биринчи жуфт қискичлар томон итади. Шу ҳолатда заҳира ўрам тахминан найда ўргасигача сурлади. Сўнгра, биринчи қискичлар бўшатади, иккинчи жуфт қискичлар найдани ушлаб тула тозалайди. Тозаланган найдалар йўналтирувчи ёрдамида кути 10 га ташланади, қолган чиқинди иплар эса маҳсус чиқинди йигитчига ташланади. Автоматнинг иш унуми соатига 5000 та найда тозалайди. Агрегатни бир киши бошқаради.

А в т о м а т и к
истеъмолчини агрегат
тозалаган найдаларни
а р қ о қ - ў р о в ч и
автоматларга узатувчи
сифатида ҳам
фойдаланиш мумкин.
Автомат тепасига
заҳира найда кассетаси
ўрнатилади. Ҳар бир
а р қ о қ - ў р а ш
автоматидаги алмашинувда пластиинкасимон конвейер бўш найдани
батареяга узатади.

Айрим корхоналарда найдани тозалашда барабанлардан фойдаланилайди. Барабанга 1200 тагача найда жойлаштирилади. Барабан ичига эса конус ёки чархпалак ўрнатилган бўлади. Ҳаракат двигателдан конус ва чархпалакка узатилади. Барабан 120 м/мин, конус 250 м/мин айланиш частотаси билан айланади. Барабан айланиб найдани конусга ташлайди. Ипнинг бўш учи илинади ва айланиш давомида тозаланади. 8-10 минут ўтгач тозалаш тұхтатилади ва тозаланган найдалар ва чиқиндилар бўшатиб олинади. Найдалар 85-90% тўла тозаланади. Иш унуми соатига 4000 та найдани тозалайди.

Баъзи корхоналарда МШО-1 машинасидан заҳира ўрамни тозалаш учун фойдаланилади. Юқоридаги агрегатлар сингари бу



81-расм. МШО-1 найдани тозалаш агрегати схемаси.

машинада ҳам найчалар ҳампага солинади, у ердан узатувчи механизм ёрдамида улар булувчи новага узатилади. Кейин найчалар истеммол конвейеридан найча тозалаш конвейерига тушади. Конвейерда найча боши текис камарлар билан қисилади. Пуркагичдан чиқаётган сиқиған ҳаво ёрдамида, ип учи капрон жилвир ёрдамида ушлаб олинади, жилвир ва чархпалак бир-бирига қарши айланishi натижасида ип ечилади. Электромеханик сезгич найчани навларга ажратади. Тозаланган найчалар кутига ташланади, тозаланмаган найчалар қайтадан ҳампага ташланади. Машинанинг иш унуми соатига 9200 найча тозаланади.

Барабани ишлатганда найчадаги лакнинг тушиши, четларининг бузилиши, металл қулоқчаларини тушиши ва ҳатто найчаларнинг синиши кузатилади. МШО-1 машинасида бу камчиликлар бўлмайди. Учта ўтимдан кейин тұла тозаланган найчалар 98% ташкил қиласди.

6.7. АРҚОҚ ИПИНИНГ НАМЛИГИНИ САҚЛАШ


Етарлича гигроскопик бўлган арқоқ ипи, шароит ўзгарганда намли таркибини тезда ўзгартиради. Ип етарлича намликка эга бўлмаса, тўкув жараёнида бурамлар сони ошади ва узуқлар кўпаяди. Агар намлик ошса алоҳида боғламларнинг илашиши ошади, ипнинг мустаҳкамлиги камаяди ва моки кўзидан ёки ташлагичлар орқали ўтганда ишқаланиш коэффициенти ошади, ип юқори тарангликда чиқади. Намлик меърида бўлса, бурамлар ва илашиш минимал бўлади.

Шуни алоҳида тарьидлаш керакки, намлик кўпайиб кетса ипнинг физик-механик хусусияти ўзгаради, газлама юзасига сариқ йўллар ҳосил бўлади. Паҳта иплари учун ҳақиқий намлик 8-9% ни ташкил этади.

Агар арқоқ или намлиги етарлича бўлмаса, у дастгоҳга узатиш олдидан намланади. Асосан паҳта, зигир, пишитилган жун иплари, табиий ипак (креп, муслин) шунингдек сунъий креп иплари намлашдан ўтказилади.

Арқоқ ипларини намлашнинг учта тури аниқланган:

Камерали, арқоқ или камераларда, маҳсус хоналарда ёки юқори нисбий намликка эга бўлган ертўлаларда намлаш; арқоқ иплари қозон ёки аппаратларда буглаш йўли билан намлаш; маҳсус намловчиларни қўллаш, бунда арқоқ или маҳсус аппаратларда ҳўлловчи аралашмага аралаштирилган совуқ сув билан ишлов берилади.



82-расм. UA намликни таъминловчи аппарат схемаси.

усулни қўллашда кенг бино ва заҳира ип талаб қилинини сабабли, ҳозирги вақтда қўлланилмайди.

Арқоқ ипларини буғлаш йўли билан намлаш, махсус аппаратларда ҳарорат $40\text{--}50^{\circ}\text{C}$ сақланади. Агар ҳарорат ошиб кетса ип хусусияти ўзгаради, найча шакли ўзгаради ва унинг бўёғи юмшайди.

82-расмда UA русумли намликни таъминловчи аппарати схемаси ифодаланган. Ип 1 истеъмолчи панжарага терилади ва у орқали 2 конвейерга тушади, конвейер камера ичидаги жойлашган ва истеъмол панжарасида 2 марта тез ҳаракат қиласди, натижада урамлар юпқа қатламда жойлашади. Камерада бешта 3 пуркагич сув пуркайди. Тешикли 5 қувурлар орқали буғ узатилади, у конвейер панжараси орқали ўтиб ипга таъсир кўрсатади. Шундай қилиб арқоқ ипига сув ва буғ таъсир қиласди. Намланган ип конвейердан кутига ёки 6 аравага тушади. Камерадаги ҳароратни ўлчаш учун 5 термометр ўрнатилган, паҳта ипини намлашда 45°C гача, жун ипларини намлашда 50°C ҳарорат сақланади. Истеъмол панжараси тезлиги $0,5\text{--}1,25\text{ м/мин}$, конвейер тезлиги эса $1\text{--}2,5\text{ м/мин}$ ва алмашинувчи шестернялар орқали бошқарилади. Аппаратнинг ишлаб чиқариш унумдорлиги соатига $280\text{--}350\text{ кг}$ арқоқ ипи.

Айрим корхоналарда арқоқ ипини буғлаш учун автоматлаштирилган вакуумли-тўлдирувчи қозонлар ишлатилади. Махсус аравага бир неча қаватда кутиларга найча солинган ҳолда жойлаштирилади. Арава қозонга киритилади. Иш унуми $280\text{--}350\text{ кг/соат}$ арқоқ ипи. Қозондан ҳаво сўрилиб, буғ юборилади ва ип билан киришади. Буғлаш бир неча минут давом этади, сўнгра, буғ узатиш тўхтатилади, ҳароратни тушириш учун қозонга совуқ сув томчиланди. Вакуум усули ипни намлашни иш унумини сезиларли оширади.

Ипларни вакуумли буғлаш учун АШР-3М ва МИР-2М камераларидан ҳам фойдаланилади, буғлаш даври $6\text{--}15$ мин. Бир соатда $500\text{--}1000\text{ кг}$ ипни намлайди.

Камерали усулда арқоқ иплари юқори намликка эга бўлган махсус ер тўла ёки камераларда қутига солиб сақланади. Юқори намлик пуркагич ёрдамида сув пуркаш йўли билан ҳосил қилинади. Бу

Фақатгина, арқоқ ипини рангланмаган асос ёки лакланмаган найчаларда намлаш тавсия этилади, чунки рангланган найчалар бүт ва нам таъсирида яроқсиз ҳолга келиб қолади. Найчалар ҳалқаси зангланмайдиган металлдан ясалиши керак.

Арқоқ ипини намловчилар (ёғлар) ишлатиб намлаш, совуқ сувга ёғлар құшиб ишлов бериш, қалин үрам орасига намни тездә ва текис киришишини таъминлайды ва ипдан намни қочишини камайтиради. Намловчи сифатида ализарин ёғи, Т контакті, никел аралашмаси каби моддалар киради. Баъзи ёғлар рецептини мисол қилип күрсатамиз:

- 1) совуқ сувга Т контакт аралашмаси (1л сувга 25 г Т контакт).
- 2) совуқ сувга ализарин ёғи аралашмаси (1л сувга 2,5 г алезарин ёғи).
- 3) совуқ сувга қуруқ никел аралашмаси (1 сувга 2,5 г никел).
- 4) совуқ сувга алезарин ёғи ва минерал ёғи аралашмаси.

Юқорида күрсатылган намловчилар билан ишлов берилған арқоқ иплари, үрам қалинлиги буйича тенг тарқалған намликтин узоқ вақт сақтайтынды. Намлашда ёғли намлаш пахта зиғир ва жун ипларидан күлланилади.

УА русумли машинасида иплар ёғли намланади. Иш конвейерида аралашаёттан ипга ёғли нам 5 та пуркагич ёрдамида сепилади. Камерада иплар аралашаёттанды, унинг намлигини 2 минутда 10-12% га күтариш мүмкін.

Баъзи корхоналарда арқоқ-ўраш машиналари ўзида намлашга ўтильмоқда. Бу иқтисодий тежаш күрсаткычига эга бўлиб, намликтин 9-10% га, дастгоҳга арқоқ узуқларини 1 м газлама хисобига 0,1-0,2 марта камайтиради.

ЮНИФИЛ ЎРАШ БОШЧАСИ

1975 йилда тўқимачилик машинасозлиги мавзуларида арқоқ-ўраш автоматлари қараб чиқилмасди, фақат автоматик тўкув дасттоҳларида ўраш бошчалари таърифланган. Бу ўша даврда тарқалған автоматик тўкув дасттоҳлари учун «Лисона» фирмаси арқоқ тайёрлаш тизими кулаї, яъни Юнифил ўраш бошчаларини кўллаш, деган фикрни тасдиқлайди. Буюк Британия тўқимачилик Кенгashi маълумотида күрсатилишича, чойшаб полотноси ишлаб чиқаришда Юнифил ўраш бошчалари билан жиҳозланган автоматик тўкув дасттоҳлари «Зульцер» фирмаси тўкув дасттоҳларига нисбатан тежамлироқ. 1950 йилда биринчи марта таклиф қилинган тўкув дасттоҳининг ўраш бошчаси

билин жиҳозланган анча катта аҳамият касб этади. Албатта, найча диаметрини ва моки баландлигини камайтириш ҳисобига ҳомуза баландлигини имкони борича камайтиришга ҳаракат қилиш керак. Бу танданинг кам узилишини таъминлайди ва мокининг анча ўтиш тезлигини оширади. Замонавий 280 см кенгликда мато ишлаб чиқарувчи тўкув дастгоҳи минутига 170 арқоқ тезлиги билан ишлайди, бу арқоқ ташлаш тезлигини 475 м/мин.га ошириш мумкин.

Найчада хом ипнинг минимал миқдори 25 г, ипнинг тушиши 3,6 мин рўй беради, бу ўраш бошчасида 700 м/мин ўраб олиш тезлигига 25% арқоқ заҳирасини таъминлайди. Бундай шароитларда кичик ҳомуза ва жуда ёнгил моки чойшаб полотноси ишлаб чиқариши мақсадга мувофиқдир. Ишлаб чиқарилишида ўраш бошчаси тўкув дастгоҳлари рапирили дастгоҳлар ва кичкина мокичали дастгоҳлардан анча афзал бўлган матолар бор, айниқса аралаш иплардан юпқа матолар тўқиб чиқаришда. Бироқ, бу соҳада «Рюти» фирмаси Те Стрейк пневматик тўкув дастгоҳининг муваффақияти бу ҳолни ўзгартириши мумкин. Ўраш бошчаси тўкув дастгоҳларининг муваффақиятли ишлатилиши учун ўраб олишда узилиш паст булиши керак. Аппарат усулида йигириб олинган ипни ўраб олиш талайтина ипларнинг юқори узилишлиги ва найчада ипларнинг юқори бўлмаган узунлиги билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради. Электрон тозаланишдан ўтган ёки аралаш ипларни ўраб олишда узилиш жуда кам. Ўраш бошасининг бир меъёрда бўлиши учун 14 найча етарли. Юнифил ўраш бошчали дастгоҳда шикастланган найчани топиши осон. Найчалар ҳам анча тежалади, чунки оддий дастгоҳ учун 400 га яқин найча керак. Бу ҳолда, шубҳасиз, чиқиндилар миқдори камаяди ва мато сифати яхшиланади. Бундан ташқари баъзи арқоқ-ўраш автоматларида учрайдиган ўраб тутатилмаган найчалар бўлмайди. Арқоқни мойламаслик мумкин. Тўрт рангли Юнифил МС ўраш бошчаси тўкувчиликнинг анча мураккаб муаммосига альтернатив ечим беради. Бу тўрт рангли арқоқ билан матолар ишлаб чиқаришда рангли арқоқнинг кўп заҳираси ёки диққат билан ҳисоблаш ва ўраш урчуқларининг тез-тез қайта созланishi зарур. Юнифил МС ўраш бошчаси матога рангли арқоқ зарур нисбатини сақлаб қолади, фақат конуссимон рангли ип ғалтакларининг кичик заҳирасини сақлаш талаб этилади. Ўраш бошчаларини қўллашда найчаларда иплар заҳираси тўлиқ тутатилади, бу кўпинча ипни конуссимон ғалтакларда қиммат турувчи найчалар этишмаслиги сабабли қайта

ўрашни талаб этади, бу эса ипга құшимча түгунлар киритади ва унинг ишлеш нархини оширади. Ҳозирги вақтда күп рангли тұқымачиликта эңг самарали үскунна тури бу рапирали тұкув дастгоҳларидир.

6.8. ПНЕВМОМЕХАНИК УСУЛИДА ЙИГИРИЛГАН АРҚОҚ ИПИННИ ҚАЙТА ҮРАШ

Пневмомеханик йигириш машиналаридан ипни үраб олиш анча вақтдан бери мұхокама қилинади. Олдин бу ипни қайта үрашда «тозалаш керак» деб ҳисобланар эди. Ҳозирги вақтда пневмомеханик йигириш ишлаб чиқаришида 30 тексгача ип ва баъзи шароитларда 42 тексгача ип иқтисодий фойдалыдир. Бундай ипдан одатда сифатига юқори талаб бұлмаган матолар тайёрланади. Пневмомеханик йигириш усулида ишлаб чиқарылады иплар одатта поплин, перкаль ва плашбоп матолар учун одатта иқтисодға түрги келмайды. Сифатига юқори талаб қилинады ишлаб чиқарышида қайта үраб олиш талаб этилмайды, агар бу машиналарда ипни тозалаш ва улаш учун құшимча қурилмалар - «Сойсен фирмаси Аутокора» кабилар үрнатылған бұлса. Бундай ип күрсаткичлари бүйіча ҳар қандай тараған, тозалашдан үттан ипдан қолишмайды, шунинг учун сифатига юқори талаб құйылады ишлаб чиқарылады ипнинг иптарни доим қайта үраш керак деган фикр нотұғри. Пневмомеханик йигириш усулида ишлаб чиқарылады самарали чизиқлы зичликдаги ипнинг экстремал қийматини иккі хол чегаралайды. Бириңчидан, бу ипнинг чизиқлы зичлигини пасайтиришда капитал кириларнинг ошиши 60 тексли ип учун капитал кирилар 4,9 % ни, 16 тексли ип учун эса 70,7% ни ташкил этади. Энергия қиймати ҳам пневмомеханик йигиришда юқори чизиқлы зичликдаги иптарнинг құлланилишининг мақсадға мувофиқлігini күрсатади. Тажриба күрсатады, пневмомеханик йигириш машиналардан чиқкан арқоқ или қайта үрашни камдан-кам талаб этади. Ник үзининг тадқықотида [4] 16 дан 150 тексгача арқоқ ипнинг қайта ишленишини қараб чиқди, бунда унинг ҳалқасимон йигириш машиналаридан иптарга нисбатан узилишининг озгина ошишини қайд этди. Бироқ тұқымачиликта цилиндрсімөн 128 мм баландлықдаги бирламчи ғалтакларнинг құлланишида бирон-бир қийинчилік бұлмаган. Бу Хиблом айтган

нуқтаи назарни тасдиқлайды [4], унинг фикрича «ўраш кўпчилик жараёнларга мувофиқ келади», шунинг учун ипни қайта ўраш жараёнини қисқартириш мумкин. (36 тексдан 200 тексгача). RU11 «Ингольштад» фирмаси машиналарида ишлаб чиқилган ипларни ишлишиш тажрибасида, «Зульцер», «Дорнье», «Сомет» ва «Рюти» фирмалари турли турдаги тўкув дастгоҳларида ишлашда бирламчи ўрамдан ип ўраб олишда ҳеч қандай қийинчилик туғилмаганини кўрсатади. Барча ҳолларда пневмомеханик йигириш машинасидан бирламчи галтак тандада иплари узилиши «Шляфгорст» фирмаси Аутоконер ўраш автоматида электрон тозалашдан ўтган ипли галтаклардаги узилишлардан паст бўлди. Ипла тугунлар сонининг ҳамда юпқа жойлар камайиш билан фарқланиши тушунтирилади. Ўрганилган матолар ичидан деним, чойшаб полотноси, гул босилган газлама бор эди. Айниқса, юқори чизиқли зичликдаги ипларни ишлаб чиқариш афзал бўлиб қолди. Ип микропрокладчили тўкув дастгоҳларида (200 тексгача) ва ралирили тўкув дастгоҳларида (450 тексгача) муваффақиятли қайта ишланди. Пневмомеханик йигиришининг ўзлаштирилиш қийинчилиги, шундай қилиб, мато сифати ипни тайёрлаш бўлимида қайта ишлаш хусусиятлари билан боғлиқ эмас, сабаби кўринишдан ҳалқасимон йигириш кўрсатадиган тескари таъсирида бўлса керак. Ҳозирги вактда кўп урчуқли ип найчаларини авто ташувчи машиналар бор. Ўрта ва паст чизиқли зичликдаги иплар учун автоматлаштиришнинг учинчи даражали ўраш автоматлари кўп йиллар давомида рақобатбардош бўлиб қолмоқда. Пневмомеханик йигиришдаги ип тежамли бўлган жойда машиналар автоматлаштириш даражаси ўраш автоматлари учун бўлган каби омиллар билан аниқланади.

Назорат саволлари ва вазифалар

1. Арқоқ ипини тұкувга тайёрлашнинг мақсади ва моҳияти нима?
2. Арқоқ ни қайта ўрашга қандай талаблар қўйилади?
3. Арқоқ ўрами қандай омиллар билан тавсифланади?
4. Арқоқ ипи ўрамида юқори ва пастки заҳира ўрами қандай аҳамиятта эга?
5. Арқоқ ўрашнинг тезлиги қандай омилларга боғлиқ?
6. Арқоқни қайта ўраш автоматлари қандай синфланади?
7. Арқоқни қайта ўраш автоматларида ипни таранглиги нималарга боғлиқ?
8. Ип тарангловчиларни аҳамияти қандай?
9. Арқоқ – ўраш урчугининг кам чилиги ва афзаллигини айтинг?
10. Арқоқ ипини қайта ўрашда чизиқли тезлиги қандай омилларга боғлиқ?
11. Арқоқ ўраш автоматлари ип унуми қанақа омилларга боғлиқ?
12. Арқоқни ўрашга тайёрлашнинг қанақа усуллари мавжуд?
13. Нам билан арқоқ ипита ишлов берганда ип хусусиятига қандай таъсир қиласыд?

VII БОБ.
ГАЗЛАМА, УНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ХОССАЛАРИ
7.1 Газлама тушилиши ҳақида тушунча

Тұқима (газлама) тұқын дастгоҳида иккى системадаги ипларнинг ўзаро ўрилишидан ҳосил бўлади. Тұқиманинг узунлиги бўйича жойлашган иплар танда ёки танда иплари, тұқимада кўндалант эни бўйича жойлашган иплар арқоқ ёки арқоқ иплари дейилади.

Тұқиманинг таишқи күриниши, хоссалари ва вазифаси унинг тузилиши ҳамда физик-механик хоссаларига боғлиқ.

Тұқиманинг тузилишига уни ҳосил қиласидан ип турлари, танда ва арқоқ ипларнинг зичлиги, ўрилиш турлари таъсир қиласиди.

Юқори сифатли иплардан маълум тузилишли тұқима тұқиши мумкин.

Тұқимада танда ва арқоқ иплари сийрак ёки зич жойлашган бўлиши мумкин. Унинг танда бўйича зичлиги, арқоқ бўйича зичлигидан фарқ қилинади.

Тұқиманинг 10 см энига тўғри келадиган танда иплари сони унинг танда бўйича зичлиги, 10 см узунлигига тўғри келадиган арқоқ иплари сони унинг арқоқ бўйича зичлиги деб аталади.

Тўкувчилик ўрилишлари ҳар хил бўлиб, тұқиманинг тузилиши ва хоссаларини белгилайди. Тұқима юза сиртидаги гул ва тұқима сиртининг ҳарактери, рельефлилiği ёки силлиқлиги, кўндаланг ва бўйлама йўллари бор йўқлиги, товланиб туриши, танда ва арқоқ ипларнинг ўрилиш турига боғлиқ бўлади. Тўкувчилик ўрилишлари газламанинг пишиқлигига, чўзилувчанлигига, қалинлигига, ситилувчанлигига ва қаттиқлигига, киришиш ёки чўзилишига ҳамда бошқа хоссаларига таъсир қиласиди.

Тўкувчилик ўрилишлари тўрт синфга: бош (силлик) ўрилиш, майда гулли ўрилиш, мураккаб ўрилиш ва йирик гулли ўрилишларга бўлинади. Ҳар қайси тўкувчилик ўрилишида танда бўйича ва арқоқ бўйича рапортлари бўлади. Танда бўйича рапорт — танда йўналишида тасвирнинг такрорланишигача бўлган танда иплари сони, арқоқ бўйича рапорт — арқоқ йўналишида тасвирнинг такрорланишигача бўлган арқоқ иплари сони.


Тўкувчилик ўрилишлари ичидаги энг кенг тарқалган ўрилиш бош ўрилишdir.

Бош ўрилишга полотно, саржа, атлас ва сатин ўрилишлар киради.

Бу ўрилишларда ҳар қайси танда или рапортда арқоқ или билан фақат бир марта ўрилишади; ҳар доим танда бўйича рапорт арқоқ бўйича рапортга тенг бўлади.


Полотно ўрилишда танда ва арқоқ иплари навбатма - навбат келади: тўқиманинг юза сиртида бир гал танда или, бир гал арқоқ или чиқади (83-расм). Полотно ўрилиш рапорти танда ва арқоқ бўйича икки илга тенг. Полотно ўрилишда тўқилган тўқиманинг сирти ва тескариси бир хил ва текис бўлади. Полотно ўрилишда тўқилган газлама энг пишик, зич тўқилганда эса анча мустаҳкам бўлади. Агар полотно ўрилишда танда арқоққа қараганда йўғон бўлса, тўқимада кўндаланг йўллар, арқоқ йўғон бўлса, бўйлама йўллар ҳосил бўлади. Бундай тўқималар турли репсли деб ҳам аталади. Чунки ташқи кўрининишидан репс ўрилишли тўқимага ўхшайди.

Саржа ўрилиши тўқиманинг ўзига хос томони шундаки, унда тўқима диагонали буйлаб кетган йўллар бўлади. Саржа ўрилиши тўқиманинг юза сиртида, одатда йўллар чапдан ўнта қараб, пастдан юқорига, баъзан ўнгдан чапга қараб кетади. Саржа ўрилишда рапортда иплар сони энг камидан учта бўлади. Ҳар гал аркоқ или ташланганда якка қоплаш бир илга силжайди.




83-расм. Полотно ўрилиш

$$\begin{aligned}R_a &= R_t = 2 \\S &= 1\end{aligned}$$




84 расм. Саржа 3/1 ўрилиш

$$\begin{aligned}R_a &= R_t = 4 \\S &= 1\end{aligned}$$



85 - расм. Сатин 7/3 ўрилиш

$$R_a = R_f = 7 \\ S = 3$$



86 - расм. Атлас 7/2 ўрилиш

$$R_a = R_f = 7 \\ S = 2$$

Саржа ўрилиш каср (масалан, 2/7) билан белгиланиб, суратда ҳар қайси раппорт қаторидаги танда қоплашлар сони, маҳражда эса арқоқ қоплашлар сони құрсатиласы (84-расм). Саржа раппорти сурат ва маҳраждаги рақамлар йиғиндиисига тенг. Саржа раппортидаги иплар сонига ҳамда танда ва арқоқнинг зичлигига қараб, саржа ўрилишидаги йүлларнинг қиялик бурчаги ҳар хил булиши мумкин. Саржа ўрилишли түқималар эластик, майин, лекин пишиқлиги, полотно ўрилишли түқимага қараганда пастроқ булади. Саржа ўрилишида сийракроқ түқилган түқималар диагонал бүйича чүзилувчан булади. Саржа ўрилишта 2 хил булади: арқоқлы ва тандали.

Сатин ва атлас ўрилишли түқиманинг юза сиртида чизиқ қоплашлар булади. Шунинг учун түқиманинг юза сирти, одатда, силлик булади ва товланиб туради. Атлас ўрилишдан сатин ўрилишнинг фарқи шуки, сатиннинг сиртида арқоқ иплари, атласнинг юза сиртида эса танда иплари күп чиқади. Сатин ва атлас ўрилишлар раппортида камида бешта ип булиши ва қоплаш силжиши иккidan кам бүлмаслиги керак. Етти ипли сатин ўрилишда (85-расм) рапортта ҳар қайси танда ип фақат бир марта түқима юза сиртида чиқади, сүнгра олтита арқоқ или тагига үтади.

Сатин ўрилишида арқоқ қоплашлари чүзиқроқ бүлтәнлигі учун түқимани арқоқ бүйича жуда зич түқишига имкон туғилади. Атлас ўрилиш (86-расм) сатин ўрилишга ўхшайды, лекин етти ипли атлас ўрилиш рапортдаги ҳар қайси танда ип олтита арқоқ или устидан

ва битта арқоқ тағидан ўтади. Атлас ўрилиши тұқиманинг юза сирти таңда итларидан иборат бұлади. Сатын ва атлас ўрилишларда тұқылған газламалар ишқаланишта чидамли, лекин ситилувчан бұлади.

7.1. Тұқиманинг асосий хоссалари

Чизиқлы үлчамлары. Тұқимачилик саноати маълум узунликдаги тұп газламалар ва якка буюмлар ишлаб чиқаради. Бир тұп газламанинг узунлиги, газлама турига ва ундан қандай буюмлар тиқилишига боғлиқ бўлиб, 50—150 метрни ташкил қиласди. Газлама эни ҳам унинг вазифасига боғлиқ бўлиб кўпинча, 80—140 см ни ташкил қиласди. Тұқылған газламаларнинг эни 30 см дан кам бўлса, улар тасмалар учун ишлатилади. Бундай газламалар маҳсус тұқув дастгоҳларда ишлаб чиқарилади.

Газлама қалинлиги, толали материалнинг турига, таңда ва арқоқ иппарининг чизиқлы зичлигига, ўрилиш турига, таңда ва арқоқ бўйича зичлигига ва газламани пардоэлаш усулларига боғлиқ.

Газлама қалинлиги маҳсус қалинлик үлчагичлар ёрдамида ўлчанади. Енгил кўйлаклик газламаларнинг қалинлиги 0,1—0,14 мм, костюмлик газламаларнинг қалинлиги 0,7—1,9 мм, пальтолик газламаларнинг қалинлиги 1,5—3,5 мм бўлиши мумкин.

**Тұқиманинг сирт зичлиги,
яъни 1 м² газламанинг оғирлиги (г/м²)**

Газламалар хисби	Сиртқи зичлиги, г/м ²		
	Енгил газламалар	Урга газламалар	Оғир газламалар
Ип — газламалар	100	100—200	200
Жун газлама; Юпка жун газламалар (Дағол-йўғон газламалар	300	300—500	500
Табииний ипак газламалар	400	400—600	600
Кимёвий тола- лардан тұқылған газламалар	50	50—100	100
	50	50—100	100

Газламанинг зичлиги. Газламанинг зичлиги арқоқ бүйича ва танда бүйича зичликларга булинади. Газламанинг арқоқ бүйича зичлиги деганда унинг 1 ёки 10 см узунлигига тұғри келадиган арқоқ иплари сони, танда бүйича зичлиги деганда эса 1 ёки 10 см энiga тұғри келадиган танда иплари сони тушунилади.

Күшни иплар оралиғи битта ип диаметридан катта газлама сийрак газлама деб, күшни иплар оралиғи ип диаметрига тенг газлама қалинлиги ұртаса газлама деб, күшни иплар оралиғи ип диаметридан кичик газлама қалин газлама деб аталади.

Танда ва арқоқ бүйича зичлиги бир хил бұлған газлама мувозанатлашган ёки бир хил зичликдаги газлама деб, танда ва арқоқ бүйича зичлиги ҳар хил бұлған газлама мувозанатлашмаган газлама деб аталади.

Газламада ипларнинг киришиши. Танда ва арқоқ иплари үзаро үрилиши натижасыда улар газламада тұлқинсимон шактада жойлашади. Маълум узунликдаги тұқима олиш учун шу узунликдан күпроқ танда или сарф бұлади. Сарф бұлған танда или узунлиги билан ундан түқилған газлама узунлигиге орасидаги фарқни ифодаловчи миқдор танда киришиши дейилади. Газламадаги арқоқ или ҳам этилиб, унинг эни ҳам қисқаради. Устки ва остки иплар орасидаги ҳомуздан ұтказилған арқоқ ипининг узунлигиге билан ҳосил бұлған газлама эни орасидаги фарқ арқоқ ипнинг киришиши дейилади.

Танда киришишини фоиз ҳисобида қыйидаги формуладан аниклаш мүмкін.

$$a_T = \frac{L_u - L_t}{L_u}$$

Бу ерда: L_u – газламадан тортиб олиб текисланған узунлиги; мм
 L_t – газламанинг узунлигиге, мм

Арқоқ киришиши ҳам шу усулда аникланади.

Газламанинг физик - механик хоссаларига пишиқлик, узайиш, пластиклик, қаттиқлик, драпланувчанлик ва бошқалар киради.

Пишиқлик газламанинг өзүлишга қаршилиги, яни унинг ташқи күчларға чидамлилігі. Маълум үлчамдаги газлама бұлагини узиш учун етарли минимал күч узувиңи күч деб аталади. Пишиқлик тұқимада танда бүйича ҳам, арқоқ бүйича ҳам аникланади. Бунинг учун 5×20 см намуна бұлагини узиш машиналаридан узид аникланади. Газламаларнинг узилишга чидамлилігі уларнинг толавий таркибиға, танда ва арқоқ ипларининг йүғонлигиге, зичлигиге, үрилиш турисына бошқаларга бағыт.

Узайиш – узиш машинасида газлама намунасига чўзувчи куч таъсир этганда унинг узунлигини ортиши. Узайиш мم да (абсолют узайиш) ёки намунанинг дастлабки узунлигига нисбатан фоизда (нисбий узайиш) ифодаланади.

Газламанинг умумий узайиши қайишқоқ, эластик ва пластик узайишлардан иборат бўлиб, улар кўп жиҳатдан газлама сифатини белгилайди.

Чўзувчи кучни олиш билан шу онда йўқоладиган узайиш қайишқоқ узайиш дейилади. Эластик узайиш деб чўзувчи куч олингандан сунг маълум вақт ўтиши билан йўқолувчи узайишга айтилади.

Қаттиқлик – газламанинг ўз шаклини ўзгартиришга қаршилик қилиш хусусияти. Газлама учун эгилишга қаршилик кўрсатиш хусусияти энг муҳим. Эгулувчанишк қаттиқликка тескари қиймат бўлиб, газламанинг ўз шаклини осонгина ўзгартириш хусусиятига эга.

Драпланувчаник – газламанинг чиройли думалоқ бурмалар ҳосил қилиш хусусияти. Драпланувчаник аввало газламанинг эгилувчанилигига боғлиқ, эгулувчан газлама яхши драпланади.

Фижимланувчаник – ҳар хил кучлар таъсирида газламанинг букилган жойларида бурмалар ҳосил бўлиши. Фижимланмайдиган газламалар одатда бежирим бўлади. Фижимланувчаник тўқиманинг толавий таркиби, танда ва арқоқ илларининг йўғонлигига, газламанинг зичлиги ва пардозланишига боғлиқ.

Чидамлилик – газламанинг ундан тикилган кийимни кийганда вужудга келадиган емирувчи таъсирларга чидаш хусусияти. Чидамлиликни баҳолаш учун об-ҳаво шароити, тозалаш, ювиш ва бошқа омилларнинг таъсири ҳисобга олинади. Газламанинг бу хоссаси ундан тиқилган кийимни маълум вақт кийиб юриб аниқланади.

Ҳозирги вақтда ип газлама саноати кўплаб ҳар хил газламалар ишлаб чиқармоқда. Соф пахта ип газламалар билан бирга пахтанинг кимёвий толалар билан аралашмасидан газламалар ишлаб чиқариш тобора кўпаймоқда.

Ип газламаларини иккι катта гурӯҳга бўлиш мумкин: турмушда ишлатиладиган ва техник газламалар. Турмушда ишлатиладиган газламалар бир неча синфларга: ич кийимлик, чойшаблик, жилдлик, уст кийимлик, мебелбоп – декоратив газламаларга ажратилади. Энг типик ип газламалар ичida чит (миткаль), бўз, сатин, диагональ, молескин, шотландка, вельвет, духоба кабилар тарқалган.

Ҳар бир газламанинг ўз рақами (артикули) ва қатъий белгиланган хоссалари (тўлдириш омиллари): эни, зичлиги, квадрат

метрининг массаси (ёки сирт зичлиги), ўрилиши, пишиқлиги бўлади ва ҳоказо. Бундай тартибдаги газлама ишлаб чиқаришни осонлаштиради ва сифатини оширади.

7.3. Танда ва аркоқ ипларига кўйиладиган асосий талаблар

Тўқима тўқиши учун ишлатиладиган танда ва аркоқ иплари сифатли бўлиши лозим.

Тўкув фабрикаларида ишлатиладиган танда ва аркоқ иплари чизиқли зичлиги, пишиқлиги ва узайиши, нотекислиги ва бошқа хоссалари билан белгиланади.

Иппинг чизиқли зичлиги деб ип массасининг (г да) узунлигига (км да) нисбатига айтилади ва тексда ўлчанади, яъни

$$T = \frac{g}{l}$$

бу ерда; g — иппинг массаси, г ёки кг; l — иппинг узунлиги, км ёки м.

Аввал иппинг чизиқли зичлиги ўрнида ип номери (N) — ип узунлигининг массасига нисбати ишлатиларди. Чизиқли зичлик номер билан қўйидагича боғлиқ:

$$T = \frac{100}{N}$$

Иппинг пишиқлиги ва узайиши. Иппинг узилишга пишиқлиги унинг сифатини ифодалайдиган энг муҳим кўрсаткичлардан биридир. Иппинг узилишга пишиқлиги деганда унинг ташқи кучларга чидамлилиги тушунилади. Пишиқлик иборасининг ўрнида кўпинча узувчи куч ибораси ишлатилади. Маълум узунликдаги ипни узиш учун етарли минимал куч узувчи куч деб аталади ва Ньютон (H) да ўлчанади. Узувчи кучни аниқлаш учун иппинг узиш машинасида узиб кўриш керак.

Иппинг пишиқлигини ифодалашда абсолют ва нисбий миқдорлардан фойдаланилади. Якка ёки бир нечта (пасма) ипларнинг узувчи кучи — абсолют миқдор, километрдаги узувчи узунлик эса нисбий миқдордир.

Узувчи узунлик (км) пишиқликнинг чизиқли зичликка нисбатига тент:

$$L = \frac{P}{T} \text{ (сн текс).}$$

Узиш машинасида ипнинг пишиқлигини аниқлаш билан бирга унинг узайиши ҳам аниқланади. Узилиш пайтида намуна узаяди. Узилишдаги узайиши мм ларда (абсолют узайиш) ёки намунанинг дастлабки узунлигига нисбатан фоизларда (нисбий узайиш, E) ифодаланиши мумкин.

$$E = \frac{l_1 - l_2}{l_1} \cdot 100 \%$$

бунда: l_1 – намунанинг дастлабки узунлиги, мм;
 l_2 – намунанинг узилиши пайтидаги узунлиги, мм.

Тўкувчиликда ишлатиладиган ипларнинг чизиқли зичлиги бутун узунлиги бўйича бир хил бўлиши керак, акс ҳолда улардан тўқиладиган тўқима сифатсиз чиқади.

Тўкувчиликда ишлатиладиган ипларга кўйиладиган талаблар ип учун Давлат стандартида белгиланган. Ипнинг нави унинг пишиқлиги ва бир текислигига қараб аниқланади; тозалигига қараб эса у синфларга ажратилади. Стандартга мувофиқ, масалан, пахтадан йигирилган ип юкори, биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи навларга ажратилади. Стандарт жадвалларида ипнинг хоссалари бўйича нотекисликларга йўл кўйиладиган қийматлар кўрсатилган бўлади. Агар ип ҳамма хоссалари билан стандарт талабларига тўла жавоб берса, у олий сифатли ип ҳисобланади.

Газламада ипларнинг қисқариши. Танда ва арқоқ иплари газламада бир-бiri билан ўрилишиб эгилади ва тўлқинсимон шаклга киради. Маълум узунликдаги газлама олиш учун тандани ҳар доим узунроқ олиш керак бўлади. Танданинг узунлиги билан ундан тўқилган газлама узунлиги орасидаги фарқ танданинг қисқариши дейилади. Тўкувчиликда арқоқ иплари ҳам эгилиб газламанинг эни бўйича қисқаришига сабаб бўлади. Устки ва пастки иплар орасидаги бўшлиққа ўтказилган арқоқ узунлиги билан газлама эни орасидаги фарқ арқоқнинг қисқариши дейилади.

Ипларнинг қисқариш катталиги фоизда ифодаланади ва қуйидаги формуладан аниқланади:

$$a_r = \frac{L_T - L_r}{L_T} \cdot 100$$

бу ерда: L_T – газламадан сугуриб олинган текисланган танда ипнинг узунлиги; L_r – или сугуриб олинган газлама бўлагининг узунлиги, см.

Мисол. Газлама бўлагининг узунлиги 20 см, шу газлама бўлагидан сугуриб олинган таңда ипининг узунлиги 21 см. Ипнинг киришиши қўйидагига тенг:

$$a_T = \frac{21 - 20}{21} \cdot 100 = \frac{1 \cdot 100}{21} = 4,76 \%$$

Арқоқ бўйича қисқариш ҳам ҳудди шу усулда аниқланади.

Назорат саволлари ва вазифалар

1. Туқима ними?
2. Бош ўрилишга қанақа ўрилишлар киради?
3. Тўқиманинг қанақа асосий хоссалари мавжуд?
4. Саржа 3/2, 2/3 ўрилишларини чизинг.
5. Сатин 8/3, атлас 7/4 ўрилишларини чизинг.
6. Урилиш раппорти деғанда нимани тушунасиз?

VIII БОБ. ТҮҚУВЧИЛИК

8.1. Түқув дастгоҳининг турлари

Барча түқув дастгоҳлари түқиманинг ҳосил булиш жараёнинг қараб узлуксиз ва даврий дастгоҳларга бўлинади. Узлуксиз дастгоҳлар кўп ҳомузали ва айланаш булиши мумкин. Айланаш дастгоҳларда қопсимон түқималаргина тўқиши мумкин. Кўп ҳомузали дастгоҳлар тузилиши мураккаб бўлганлиги ва тўқиладиган түқималар тури чекланаганлиги учун түқувчилик саноатида кенг қўлланилмайди. Тўқима даврий шаклланадиган түқув дастгоҳлари арқоқ ташлаш усулига қараб қўйидагиларга бўлинади. Мокили, кичкина ўлчамли мокичали, пневматик (ҳаво ёрдамида), гидравлик (кагта босимдаги буф ёрдамида), рапирали ва пневморапирили дастгоҳлар.

Тўқиладиган түқиманинг энiga қараб, түқув дастгоҳлари энисиз (эни 100 см гача) ва энли (эни 100 см дан ортиқ) булиши мумкин.

Мокилар сонига қараб, дастгоҳлар бир ва кўп мокили булиши мумкин. Гулли түқималар тўқиладиган кўп мокили дастгоҳларда ҳар қайси турдаги арқоқ иплари алоҳида-алоҳида мокига ўнатилиб, маълум тақрорланишда ҳомузага ташланади.

Дастгоҳларда ўнатилган ҳомуза ҳосил қилиш механизмининг турига қараб кулачокли, кареткали ва жаккард дастгоҳларга бўлинади.

Кулачокли ҳомуза ҳосил қилиш механизми оддий бўлиб, полотно, саржа ўрилиши тўқималарни тўқишида ишлатилади.

Кареткали ҳомуза ҳосил қилиш механизмлари мураккаб ўрилиши тўқималар тўқишида фойдаланилади.

Жаккард машиналари йирик гулли ўрилиши тўқималарни тўқишида ишлатилади.

Тўқувчилик саноатида ишлатиладиган дастгоҳлар қўйидаги русумли бўлади:

Мокили дастгоҳлар: АТ-100-5М, АТ-120-6М, АТМ-175;

Мокисиз дастгоҳлар: СТБ-180, СТБ-220, СТБ-2-250, СТБ-3-330; (арқоқ ипи ҳомузага кичик ўлчамли мокичалар ёрдамида ташланади).

Пневматик түқув дастгоҳлари: Р-150, Р-125 ва ҳоказо;

Пневморапирали түқув дастгоҳлари: АТПР-100, АТПР-200, АТПР-200-2У;

Рапирали түқув дастгоҳлари: СТР-190, Зульцер-Рюти G-6100, Зауер-500.

8.2. Чет эл фирмаси мокисиз түқув дастгоҳлари

1962 йилда Мончестр университети қошидаги технология ва фан институтыда «Түқув жиҳозларининг замонавий ривожланиши тенденциялари» мавзусидаги ўтган симпозиумда мокисиз түқувчиликнинг истиқболи ва ҳолати масаласи кўриб чиқилган эди. Симпозиумда автоматик түқув дастгоҳларининг тутган ўрни қўйидагича эътироф этилди.

Кутилганидек түқув жиҳозларини ривожлантиришда асосий эътибор арқоқни автоматик алмаштирувчи қурилмали, традицион мокили түқув дастгоҳларини мукаммаллаштиришга қаратилган.

Тан олиш керакки, түқув ривожланишининг асосий мағзи охирги 50 йилда худди шундай, ҳар қандай шароитда ишловчи түқув машиналари яратишга қаратилган маҳсус газламалар ишлаб чиқариш бундан мустасно. Бугунги кунда автоматик дастгоҳлар алмаштириляпти. Бу фақат уларнинг иш унуми муқобиллиги, хизмат кўрсатиш қулиялиги ва газлама ишлаб чиқариш диапазони-нинг кенглиги, газлама сифатини яхшилиги билан асосланади.

Ўша пайтларда ўта консерватив ҳисобланган бу гоялар узини оқлаганлиги ҳозирги вақтда тан олинади.

«Зульцер» фирмаси кичик мокили түқув дастгоҳлари мувофақияти, пневматик ва гидравлик арқоқловчи дастгоҳлар тежамкорлиги ўз самарасини бераяпти ва бу дастгоҳлар түқувчиликнинг чегараланган соҳаларида ишлайпти. Винсент усулида ҳомузани арқоқлаш ва чизиқли гинераторли, двигатели, мокили Лейтвейт усулида арқоқлаш түғрисидаги янги фундаментал фрикцион арқоқловчи дастгоҳлар йўналиши түғрисида башорат қилди ва бу башоратлар ишлаб чиқаришда ўрин топа олмаган бўлсада, Винсент усули ўз системасида бир қанча мамлакатларда патент олди.

Максус ҳодисалардан мустасно ҳолда «Зульцер» мокисиз түкүв дастгоҳлари ичидә баҳосиз эң яхши деб тан олинди. Дастгоҳ амалда арқоқни автоматик алмаштирувчи дастгоҳлар сингари универсал бўлди. Иш унуми анчагина ошиди, ҳомуздан арқоқ ўтказиш тезлиги 30 – йил ичидә 60 % га кутарилди. Шундан ярми охирги йилларга тўгри келади ва бу унинг универсаллиги туфайли эришилди.

Афсуски кичик мокили дастгоҳлар иш жараёни кўп рангли ва илмоқли газламалар ишлаб чиқариш ечимини бермайди.

Тўрги рангли механизмдаги «Зульцер» фирмаси дастгоҳларининг яратилиши, барча механик масалаларни, кўп рангли механизмдаги дастгоҳнинг бир томонидан навбатма- навбат арқоқлашни ҳал қилингандай эди. Оғир кутилар ўрнига енгил арқоққа қайтувчилар алмашди, бунда дастгоҳ тезлиги бир мунча ошиди.

Аммо ҳомузага арқоқни ўтказиш иш унумдорлиги юқори ва арzon механизмлар бўлган рапирави дастгоҳлар жуда ўси. Рапирага арқоқ узатиш кичик мокига узатишга нисбатан анча сода, тўрги рангли тўкувчилик харажатлари сезиларли кам. Илмоқли тўкувчиликда ҳам, рапирави дастгоҳларни ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлди. Эни 280 см бўлган F 2001 «Рюти» фирмаси рапирави дастгоҳларida арқоқни ўтказиш тезлиги 784 м/минутни ташкил этади.

Қатор мокисиз тўкүв дастгоҳлар кичик мокили «Зульцер» фирмаси дастгоҳларига нисбатан афзалликка эга, аммо улар универсал эмас турли хил ассортиментлар ишлаб чиқариш учун жиҳоз танлаёттандан икки йўналиш ўрганилиб чиқиласди. Ҳар бир турдаги газлама ишлаб чиқариш учун оптимал дастгоҳ танлаш, ёки баъзи бир гуруҳ газламаларни ишлаб чиқаришда паст кўрсаттич билан ишловчи «Зульцер» фирмаси дастгоҳларини ўрнатиш мумкин.

Эҳтиёж қисмларини тежаш, транспорт йўналишларини ва технологик режаларни мукамаллаштириш каби мухим омиллари аралашма дастгоҳлар паркини кўринарли иқтисодиётта олиб келди. Чет элдаги катта тўкүв корхоналари ўз ичига 4 та асосий гуруҳни оловучи ишлаб чиқариш дастурига эга бўлди: Силлиқ ва чорхона поплин, кучайтирилган полиэфир иплардан тўқилган газламалар ва юпқа вельвет корд.

Ҳар бир гуруҳ газламалар 100 – 200 та дастгоҳга тўқилади. Бу газламалар учун техник иқтисодий кўрсатгичларга қўйидагича дастгоҳлар танлаш мумкин.

Чорхона поплин	F 2001 «Рюти» фирмаси
Силлиқ поплин	кичик мокили «Зулцер» фирмаси
Кастюмбоп ва шим	L 500 «Рюти» фирмаси
Юлқа «Вильвет корд»	кичик мокили «Зулцер» фирмаси

Агар фақаттинга «Зульцер» фирмаси дастгоҳлари қабул қилинса албатта ишлаб чиқариш ҳаражатларини ҳисобга олиш керак, аммо ўхшаш ҳаражатларни баҳолаш мураккаблашади.

Махсус тўқув корхонани бошқариш енгил. Сочиқ газламалар, поплин, перкал ва ҳоказо газламалар ишлаб чиқариш учун дастгоҳлар универсал ва қиммат кичик мокили дастгоҳлар билан беллашиши мумкин.

8.2.1. «Зульцер» фирмаси кичик мокили тўқув дастгоҳлари

Фақтинга «Зульцер» фирмасининг кичик мокили тўқув дастгоҳлари саноатда кенг қўлланилмоқда, аммо «Рекуэлл - Драйпер», «Омитан ва Нотекс» фирмалари дастгоҳлари техник хусусияти тавсифи ундан қолишмайди.

Ҳозирги кунда 1 000 000 дан ортиқ «Зульцер» фирмаси дастгоҳлари ишламоқда.

Автоматик тўқув дастгоҳларидан «Зульцер» фирмаси дастгоҳлари икки жиҳатидан фарқ қиласди: арқоқни ҳомуздан ўтказиш ва батан механизми ҳаракати йўналиши. Ҳомуза ҳосил қилиш, танды ва товар бошқарувчи механизmlари ўхшаш.

Иш тажрибаси:

Милк ҳосил қилиш: Дастрлабки йилларда бувлама милкни дастгоҳларга қўллашга кўп қаршилик мавжуд эди. 50 йилларда бувлама милкни тан олиш учун дастгоҳ ижодкорлари роса тер тўкишиди. Хусусан кўйлакбоп газламалар ишлаб чиқаришда қўл келди. Бунга пардозловчиларни ишонтириш анча қийин кечди.

Савдо ходимлари эса газламани сотища милк энини ҳисобга олмадилар.

Баъзи турдаги газламаларни ишлаб чиқаришда бувлама милклар одатий милкга нисбатан анча қулайдир. Сатин газламалар учун газлама ўрилишига яширинади. «Зульцер» фирмаси дастгоҳларида

одатда иккى томонда ҳар бирининг эни таҳминан 14 мм тенг бўлган буқлама милкни газламалар ишлаб чиқарилади.

Баъзи ҳолларда буқлама милкка ишлов берилади. Масалан: газламани пардозлашда киришишига қарши ёки милкни ва ўрамни таңлашда.

Якка ипдан тўқилган юпқа поплин милки тўлқинсимон булади. Шода гуласидан ўтказилган пишитилган иплардан ярим репс 3/1 ўрилишда тўқиши яхши натижалар беради. Милқдаги пишитилган ипнинг чизиқли зичлиги фондаги якка ипнинг чизиқли зичлигидан 20 % кам бўлиши керак. Фланелда ва паҳта ипдан тўқилган мато репс 2/2 ўрилишда бўлса, шу ўрилиши тексари диагоналда қўллаш керак. Агар газлама саржали ўрилишда бўлиб, милк ўрилиши ва тўлдириш коэффициенти нотўғри таңланса пардоzлашда анча қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Саржа 2/2 газламани тўқиши учун милк ўрилиши репс 2/2 ёки ярим репс 3/1 ўрнатилса, флоретин ёки саржа 3/1 газламаси учун репс 2/2 ўрилиши милк билан ишлаб чиқарилади. Иккала ҳолатда ҳам милқдаги танда зичлиги фонга қараганда 35% кам қабул қилинади.

Дастгоҳда милкни ҳосил қилиш учун буқлама милк ҳосил қилувчи механизм мавжуд ва унга арқоқ ипни бир қисмигина иштирок этади. Натижада милк зичлиги фон зичлигидан фарқ қиласи. Танда ипларининг сони милк учун ўрнатилган шодаларга боғлиқ булади.

Агар ўрилиш полотноли бўлса, ҳар иккинчи ип буйлаб милк ҳосил қилинади ва милқдаги арқоқ или зичлиги 50 % га ошади. Ҳосил булган битта милк тозаловчи билан қирқиб ташлаш мумкин.

Техник иқтисодий кўрсаттичлари

Мокини ишлатмасликни ижобий томонлари билан бир қаторда камчиликлари ҳам бор. Ҳомузанинг кичиклиги ва ҳомуза ҳосил қилишда вақтнинг озлиги, ҳомуза тозалигини ўрнатиш учун ип юқори таранглиқда бўлиши талаб қилинади. Бу илмоқли газламалар тўқишида муҳим ўрин тутади. Тиф қадами 2 марта камаяди. Демак мокили тўкув дастгоҳларига нисбатан ипнинг ишқаланиши 30 % га камаяди. Шунингдек ишқаланиш табиати ҳам ўзгаради. Мокили тўкув дастгоҳларида ҳомузанинг пастки қисми тифдан ўтади.

Агар мокисиз тўкув дастгоҳлари яхши техник иқтисодий кўрсаттичларга эга бўлмаса, унинг барча афзалликлари рақобатсиз бўлади. Газлама эни 160 см, бош вал айланиш частотаси 200 мин⁻¹ автоматик тўкув дастгоҳларини кўриб чиқамиз. Таанданинг бир соатда 1,5 узилишига арқоқни соатига 0,75 марта деб қабул қиласиз.

Агар түкүв дастгоҳи 130 айл/минут билан ишласа, 1 кг танда ва арқоқни узилиши ўзгармай қолса, 1 дастгоҳ соатига узилиши 2,3 марта ошади. Бу шароитда түкүвчи фақатгина 7 ёки 8 та дастгоҳга хизмат күрсата олиши мүмкін.

«Зульцер» фирмасы кичик мокили түкүв дастгоҳларида баъзи газламаларнинг техник иқтисодий күрсаттичи.

Күрсаттичлар	Вискова шлангел тола газламаси	Понжини	Перкаль	Тоглини
Дастгохнын түзүлүрниң эни	330	388	388	330
Бөлт жалғынг айланыш частотаси айл/мин	225	210	210	225
Газлама эни, см	3x102	3x122	2x185	2x155
Танда ишларнинг 1 см дагы сони	24	53	32	32
Танда	Вискова шлангел тола иш	Полиэфир на пахта толаси иши		
Танданынг чиңгизи төзүлгү, текс	25	13	18	15
Умумий ишлар сони	7344	19398	11870	16120
Арқос ишларнинг 1 см дагы со-ни	24	30	30	30
Арқос	Вискова шлангел тола иш	Полиэфир на пахта толаси иши		
Арқос ишларнинг чиңгизи анынгы, текс	25	15	15	15
Нирс бүйінча тұлғыриши коефи-циенті	24,5	32,1	26	32,4
Үрдізиш		Полютиюші		
1 минутта дастгоҳда ишлов бериладиган иш үзүнлігі, м				
Танда	720	1360	830	1258
Арқос	720	800	815	732
Жамы	1440	2160	1645	1990
Танда ишларнинг узилиши 1 дастгоҳ соатида	0,66	2,32	1,68	1092
Арқос ишларнинг узилиши 1 дастгоҳ соатида	0,39	0,82	0,96	0,82
1 дастгоҳ учун өрдемчі техноло-гик вакт	0,86	2,73	2,16	2,33
Дастгохнинг иккі тұхта иш орасида шекшілділдігін ши үзүнлігі, м	82280	41270	37386	43576
Хизмат күрсатиш соҳасы (Оврупа шароитта)	32	14	16	16
Фойдалы вакт коэффициенті	90	89,2	92,3	88,7

Пневмомеханик ишларни оқорлашда оқорланиш 17% ни ташкил этади. Деним, тик ва чойшаббоп газламаларни түқишида пневмомеханик йигирилган танда ишлари мувофақиятли ишланмоқда. Узилишлари ҳалқаға йигиришдегі нисбатан 20–30% дан кам. Барча ҳолатларда танда ишлари кенг қулаг қилиб оқорланади. Буни олинган натижалар тасдиқлайды.

Газлама сифаты. Ҳар қандай мокисиз түкүв дастгоҳи мокили түкүв дастгоҳларига нисбатан афзаллікларга эга. Мокили түкүв

дастгохидә түкиманинг сифатига боғлиқ бўлган иккита муаммо мавжуд: газлама ўртасида арқоқ ипининг узилиши ва тиқилиб қолиши. Шпарутка қайчисини ишига ва огоҳлантирувчи қайчисига етарли эътибор берилса, кўпчилик газламаларни тўкишда қисқаришини олдини олиш мумкин. Дастгохнинг стандартлашган қисми бу икки томонида ўрнатилган электрон арқоқ назоратгисидир.

Кичик мокили дастгоҳларда муаммо бўлган бир масала тифнинг очилишидир.

Мокили тўкув дастгоҳларида илмоқли юзани олиш осон, чунки танда иплари таранглиги паст ва ҳомуза ҳосил қилиш фазасини бошқариш чегараси кенг. Мокисиз тўкув дастгоҳларида ҳомуза аниқ булиши шарт. Акс ҳодда танда ипларининг узилиши, қўшилмалар ёки мокига тушган ёдан газламага доф ҳосил бўлади. Шароитни тузатиш учун кулачок юқорисини катталаштириш керак, юқори номерли тиғдан фойдаланиш керак ва тиф тишлари орасига ўтадиган иплар сонини ошириш керак.

Асосий масалалардан бири бўлиб қолган сабаб мокисиз тўкув дастгоҳларида ёф насоси ишлаши натижасида ҳосил бўладиган ёғли доғлар бир неча йиллар давомида пластмасса ўтказгичларда фойдаланиш учун тадқиқотлар олиб борилди, аммо улар тез ишдан чиқди. Шерли институтидаги тадқиқотлар шуни кўрсатди 34,8% нуқсонларга кетган ҳаражатлар таннархи фақатгина уни олдини олиш усуллари топилган кир ва мойли доғларга сарф бўлган.

Ҳозирги вақтда уни олдини олиш усуллари топилган «Зильцер» фирмаси мойлашни янги EGS системаси тавсияси кичик мокили ёғланишни олдини олади, шу билан бирга арқоқ ипини ҳаракат қилиши технологик жараённинг яхшиланиши газлама нуқсонлари анча камайди.

Тўкувчиликда асосан 2 та тўкув навой билан ишлашда ва тоқ сонли полотнолар тўкишда маълум қийинчиликлар вужудга келади ва бу муаммолар новойлар ўртасини боғланишини ва полотнолар орасини очиш билан боғлик.

Муаммолар икки новойдаги ип хусусияти билан ҳосил бўлиши охорлаш жараённинг баъзи ўзгаришлари билан боғлиқдир. Асосан бу бўяшдан кейин маълум бўлади. Шуни тасдиқлаш мумкинки ип хусусиятидаги озгина ўзгариш ҳам тўкув дастгоҳига танда бошқаруви дифференциал механизми ишига таъсир қиласи, хусусан гилам тўкишда политропилен пилта асоси гиламлар тўкишда яққол билинади. PS фирмаси электрон қурилмаси билан

жихозланган танда бошқаруви механизми нүқсонли газлама ишлаб чиқариш олдини олади.

PS русумли дастгоҳлар ишида баъзи муаммоларга дуч келинади, хусусан кенг энли икки тизимли арқоқда ишловчи, чизиқли зичлигига фарқ қилувчи дастгоҳларда кўринарли бўлади. Қийинчиликлар ўтказгич қисқичи арқоқни танлашда иккала илни яхши қисиши билан боғлиқдир. Баъзи турдаги газламаларни тўқишида йўналтирувчи тароқ қийинчиликлар ҳосил қилиши мумкин. Масалан: ингичка иплардан газлама тўқишида.

8.2.2. Рапирави тўқув дастгоҳлари

Арқоқни ҳомузага рапира орқали ўтказиш тўқувчилик жараёнининг анча мукаммаллаштирилган турига киради ва бу усулида ҳомузага илмоқ ёрдамида ўтказилади. Бу арқоқ ўтказиш усулини дастлабки мокисиз тўқув дастгоҳларида ишлатилар эди. Мокисиз тўқув дастгоҳлари тўғрисида Хонтон унча катта бўлмаган бобдаги китобида Габлер тўқув дастгоҳининг икки томонлами рапиравлар билан арқоқлаш усулига изоҳ берган эди. Ҳамма рапирави тўқув дастгоҳларини рапира турига қараб қўйидагиларга бўлиш мумкин: қаттиқ рапиравлар, эгилевчан ва телескопик рапиравлар билан ишловчи дастгоҳлар. Арқоқни ўтказиш тури бўйича икки тури мавжуд, Девас ва Габлер.

Габлер усулида арқоқловчи дастгоҳлар бир томонли ва икки томонли бўлиши мумкин. Девас усулида арқоқ или ҳомузага ажратиб ўтказилади, газламанинг икала милки мустасно қолади. Габлер усулида арқоқловчи дастгоҳларни «Драйпер» (DSL модели) «Гюскин» ва «Десви» фирмалари дастгоҳ ишлаб чиқаради. Девас усулида арқоқловчи дастгоҳларни эса «Дорные» SACM (модел MAU) «Гонне» «СМИТ» «Сомет» ва «Рюти» (модел F 2001) фирмалари ишлаб чиқаради. Каттиқ рапирави дастгоҳларни «Дорнье» ва «SACM» фирмалари, эгилевчан рапирави дастгоҳларни «Пиканол» (модел PGM) «РЮТИ» «Сомет», «Смит» ва «Дидерекс» (модел Версомат) ва «Заурер» (модел 400) фирмалари ишлаб чиқаради ва «Рюнние» фирмаси ва «SACM» (модел DN) фирмаси дастгоҳлари иккита рапира билан ишлади. Чунки бир вақтда икки полотно устма – уст жойлашган ҳолда тўқилади.

Агар дастгоҳ эни 200 см ли текис рапирави бўлиб, 230 мин^{-1} билан ишласа, ҳосил бўлган максимал тезланиш $330 \text{ м}/\text{с}^2$ ни

ташкыл құлади. Рапира узунлігі шу лаңзада 55,9 см ва вазни 0,16 кг, тезлантиручи күч 53 Н ва тобланишни йүқотиш учун (EI) 674, 7 Н мм^2 минимал мустақаммилік күчи керак. Агар рапиралар күчайтирилған пластикдан ясалған бўлса, пилта мустақаммилігини шундай қабул қилиш керакки, рапиранинг эгилиши мустасно бўлсин ва рапира барабанидаги пилта кераксиз кучланишга учрамасин. Пластикни күчайтириш учун пилта учун материалнинг эгилиш қаттиқлігі 21,5 Н мм^2 сифатга эга. Бундай рапира тезланувчан күчга чидамсиз ва унга эгилувчанлик қўшилади. Шунинг учун рапиранинг бош шакли муҳим ўрин тутади. Кўриниб турибдик тезланиш вазни камайиши билан шунга пропорционал ҳолда эгилувчан кучлар ҳам камаяди. Шунинг учун баъзи рапиранинг бош вазни сезиларли камайтирилган.

Масалан: «Заурер» фирмаси дастгоҳи рапира боши бор йўғи 40 г.

Дастгоҳ эни ошиши билан рапираны эгилиши масаласи ҳосил бўлади. Эгилувчи юк тезланиши ҳаракатлантирувчи рапира узунліги квадратига боғлиқ. Шунинг учун 340 см энли рапириали дастгоҳлар йўналиштирувчи рапирага эга. Бунга «Смит» фирмаси дастгоҳлари ёки «Дорнье» фирмасининг қаттиқ рапириали дастгоҳлари мисол бўлади. Бундай энли дастгоҳларнинг тезлігига кичик ва тиф эни ошиши билан ҳомузага арқоқ ўтказиш сезиларсиз ошади.

«Рюти» фирмасининг Те Стрейк дастгоҳлари ва «Цудакома» фирмасининг ZA 280 см энли дастгоҳларида ҳомузага арқоқ ўтказиш ишлаб чиқариш майдонига нисбийлігига нисбатан 3–4 марта катта. Телескопик рапириларни ишлатиш ишлаб чиқариш майдонига бўлган талабни камайтиради.

«Версамат» 26 «Дидрикс» фирмаси ва «Заурер» фирмасида телескопик рапириали дастгоҳлар ишлаб чиқарилади ва тиф энини дастгоҳнинг умумий энига нисбати 0,5, «Дорнье» фирмаси дастгоҳларида эса 0,43, «Тканап» фирмаси PGW дастгоҳларида 0,52 га тенг.

8.2.3. «Зульцер Рюти» тўкув дасттоҳнинг жараёни

Арқоқни ўтказиш «Зульцер Рюти» дастгоҳларида қаттиқ рапира ёрдамида бўлиб Девас усулида арқоқлайди, рапирилар ҳаракатини иккита пастки тишли шестерналардан олади. Тик ва горизонтал йўналишдаги ҳаракат роликка қараб йўналади.

Рапира склизга ўрнатилған маҳсус қўзғалмас йўлакдан олдинга ва орқага қараб ҳаракат құлади. Арқоқнинг аниқ ўтказилишини таъминлаш

учун батан орқа ҳолатда бўлади, бунда бош валнинг айланиш бурчаги 250° С да бўлади. Батан кулачокларидан ҳаракат олади.

Дастгоҳнинг маҳсуслиги арқоқни позитив усулда арқоқлаш билан ажralиб туради. Ип узатувчи рапирадан қабул қилувчи рапирага узатилади, қисқичларнинг очилиши ва ёпилиши кулачоклардан ҳаракат оловчи позитив ричаглар орқали назорат қилинади. «Зульцер Рюти» дастгоҳларида арқоқ ипининг ўтказиш юқорида кафолатланган. Ўнг милкда қисқич кулачок ёрдамида очилади, сўнгра ип милкка қисилади, кейин милк кесилади. Қисқичлар кафолатли ишлайди ва енгил узилиш юкли ипларни ишлатганда ҳам қийинчлик туғдирмайди. Рапира бошининг бундай кафолатли иши ва курилмаси ҳар бир арқоқ ипининг турли чизикли зичликда ва бошқа аниқликда бўлиши мумкин эканлигини таъминлайди. Маълум рангдаги арқоқни узатиш ҳомузга ҳосил қилиш кареткасидаги перфолента орқали амалга оширилади. Арқоқлаш механизми саккиз рангли арқоқ билан ишлаш имкониятини беради. Рапирави дастгоҳларда тўқиши қулагай ва у арzon нархли жараёндир. Аммо мокили тўкув дастгоҳлари сингари бу ерда ҳам чегара мавжуд. Кўп ранглилик, арқоқ буйича ипни ажратиш механизми учун иш йуналишини маълум миқдорда чегаралайди.

Милк ҳосил қилиши. Милк тўқишида урилиш ўзгартирилиши мумкин. Милкни кесиб ташлагич газлама четида 3-4 мм ли пўлаги қолади. Газлама чети очилиб кетмаслиги учун милк иккى томонида дастгоҳда тикилади ва у милкнинг мустаҳкамлигини оширади. Ҳар қандай кучга бердиш беради. Одатда милкка пишилтилган иплар тавсия этилади. Кесилган милклар мажбурий олиб ташланади. Ишлаб чиқариш шароитида 210 см энили дастгоҳларда арқоқ чиқиндилари 5% дан кам бўлишига эришиш қийин, агар дасттоҳ эни 340 см бўлса 3% гача рухсат этилади. Фирма бу кўрсатични 2-4% атрофида тавсия этади. Иккала томондаги милкка 24 тагача танда иплари ўтказиш мумкин. 210 см энили дастгоҳларда газлама ишлаб чиқариша 4 % гача чиқинди чиқариш тавсия этилади.

Агар дастгоҳда илмоқсиз газлама ишлаб чиқарилса, буклама милк ҳосил қилиш имконияти бор ва дастгоҳда милк ҳосил қилувчи курилма ўрнатиш керак. Милк ҳосил қилувчи курилма хизмат кўрсатиш учун қулагай ва арzon нархлидир. Чунки бу ерда механик қурилмалар бўлмай милк ҳосил қилиш иғнаси арқоқни қисқичлар билан қисади. Шундай қилиб арқоқ чиқиндисига милкдаги жуфт арқоқлар киради ва бунга қўшимча равища кесилган милк олиб ташланади.

Батан ҳаракати. Арқоқ ипини ўтказиш батан тик турган ҳолатда,

бөш валнинг 2/3 айланишида бажарилади. Батан ҳаракатни мокили түкүв дастгоҳига нисбатан 2 баробар ортиқ ва кам вақт талаб қиласы да батан уриши да қайтиши қутылганидек импульсив эмас. Шунинг учун ҳам кинематик болғылардың кичик мокили түкүв дастгоҳларига үхашады. Батан ҳаракатини икки ёнидаги синхронлаштирилган юритма қутисидан олади.

Синхронлаштирилган ён томонидаги юритма қутилари тиғ ва рапира ҳаракатини синхронлаштириб, рангни танлаш механизмига товар ва танда бошқарувига ва рапира құсқычларига ҳаракат узатади. Юқори вал ҳаракатни кулачоклар жуфтлашидан олади ва узатиш қисмі орқали батанга ҳаракат узатади.

Юқори вал ёнидаги кулачоклар рапирага ҳаракатни шестернядар ва рейкадан иборат тишли узатма орқали узатади. Бу мураккаб ҳаракат кулачоқдан тишли сегмент жуфт қия тишли шестернядардан узатылади. Агар дастгоҳ эни тұла ишланилмаса силжитувчи ричаг шундай бошқарилады, рапира ҳаракатни уша оралиқдан бошлайды ва унинг әнінде боелиқ эмас. Бу эса дастгоҳ тезлигини ошириш имкониятini беради.

Масалан: Агар тұла тиғ эни 220 см ишлатилганда рапира бош валнинг 220 мин⁻¹ ҳаракатида 1115 мм йул босади. Рапиранинг 865 мм силжишида айланиш частотасини 245 мин⁻¹ га ошириш мүмкін, агар 715 мм бўлса айланиш частотаси 260 мин⁻¹ бўлади ва милк ҳосил қилиш механизмини ўрнатиш шартлаштириб қўйилади.

8.2.4. «Зульцер Рюти» дастгоҳларыда иш тажрибаси

«Зульцер Рюти» фирмасининг G-6100 түкүв дастгохининг енгил газламадан оғиригача бўлган кенг диапазонли матоларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

«Зульцер Рюти» дастгоҳларыда тўқиладиган тўқима турлари.

Газлама түри	Дастгоҳ эни	1 см ² ишлар сони		Танда түри	Арқоқ түри	Иштептег чизигүйлілік зачыны, теке		Үзиллиши	Юз солиништира зижитиги
		Танда	Арқоқ			танда	Арқоқ		
Измокли сочник	220	26	19	Пакта иши	Пакта иши	25x2	25x2	Полупенс	475
Костюм-бои	340	33,5	24,8	П/эфир вискоза	П/эфир вискоза	25x2	107x2	полотно	192
П/э вискоза	340	33,5	19,3	П/эфир вискоза	ипларн	40	4	полотно	210
Юбка учун	210	45	20,8	П/эфир варалаш	П/эфир варалаш	40x2	167	Саржа 3/1	450

Жадвалдан күриниб турибдики, бу дастгоҳларда эни 210 см дан 340 см гача бўлган газламаларни 92-95% фойдали вақт коэффициенти билан тўкиш мумкин. Бу газламаларни баъзиларини мокили тўкув дастгоҳларида тўкишда баъзи қийинчиликларга дуч келади.

Юбқа ва полиэфир вискоза газламаларини бошқа дастгоҳларда яхши техник иқтисодий курсаттичлар билан жиҳознинг кескин емирилишисиз тўкиб бўлмайди.

«Зульцер Рюти» тўкув дастгоҳларида шунингдек, техник газламаларни турли арқоқ иплари билан (шишасимон иплар 3,3 тексдан 2250 текс комплекс иплар) ва турли урилишлар (уч қаватли газламалар) тўкиш мумкин.

«Зульцер Рюти» тўкув дастгоҳлари учун танды ва арқоқ тайёрлаш катта ишлаб чиқариш харажатлари талаб қиласи, шунинг учун бу дастгоҳларда ишлаб чиқариш дастурлари тез-тез ўзгариб турувчи юқори сифатли қимматбахо газламалар ишлаб чиқариш тавсия этилади.

Бу дастгоҳда бошқа дастгоҳларда ишлаб бўлмайдиган арқоқлар билан ишлаш имконияти бор. Дастгоҳда 210 см дан 340 см гача бўлган паст сифатли полиэфир иплари, 450 текисли пневмомеханик йигирив чиқиндилари иплари, тараш ва саваш жараёнларидан чиқсан чиқиндилардан ҳосил қилинган аппарат ипларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Дастгоҳда 2,5 мм энли полипропилен пилтани 200 текислинейлон комплекс ипларини ҳомуздан утказиши тажрибаси қилиб кўрилган. Бир корхонада эни 220 см газлама, мебел учун ва пардабоп газлама ишлаб чиқаришга ихтисослашган, «Зульцер Рюти» дастгоҳида 200 та турли чизиқли зичликли арқоқ иплари ишлатиб кўрилган. Жадвалда кўрсатилган газламалардан ташқари дастгоҳда юза зичлиги 90 г/м^2 эга бўлган куйлакбоп газмоллар пахта ипли Батист, чорхона газламалар, танды ва арқоқ ипларининг 1 см зичлиги 70 та ипгача бўлган акрил ипларидан костюмбоп Понама газламаси ва плаш учун Поплин газламаси тўкиш мумкин.

Ипларинг узилишлари мокисиз тўкув дастгоҳлари билан деярли бир хил, шу сабабли кулочли дастгоҳлардай, ҳомуза ўлчамлари, танды иплари таранглити, танданинг тиғдаги ишқаланиши деярли бир хил. Аммо арқоқ узилиши сезиларли паст. Ишлаб чиқариш тажрибалари шуни кўрсатадики «Дорнье» дастгоҳларида арқоқ узилиши 1/3 га тенг. «Зульцер Рюти» дастгоҳларида эса 1/6 га тенг, яна арқоқ урамаси туритга талаблар кам кўйилади. Дастгоҳнинг пневматик дастгоҳларга ва мокисиз тўкув дастгоҳларига нисбатан юқори иш умумига эга бўлишидан ташқари, рапириали дастгоҳларнинг узуклар камлиги алоҳида эътиборга эга.

Дастгоҳ юқори сифатли газлама ишлаб чиқаришиңи кафолатлайди. Рапиранинг мойга ботиритмаслиги-ёғли чалмақ, ёғли газлама нуқсонларини йўқотади. Арқоқ или таранглигининг пастлиги ва уни электрон назорат қилиниши арқоқсизлик нуқсонини йўқотади. Чунки арқоқ автоматик бошқарилади. Шунинг учун сарфлаш ҳаражати ҳам пастдир.


8.2.5. «Зульцер Рюти» тўкув дастгоҳи тулдириш схемаси ва тулдиришда таъсири этувчи омиллар

«Бухоротекс» ҳиссадарлик жамиятидаги G-6100 «Зульцер Рюти» фирмаси тўкув дастгоҳлари асосан илмоқли сочиқ ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Дастгоҳда иккита тўкув новойи ўрнатилган бўлиб, пастдаги тўкув новойига асос илдиз иплари уралган, юқори новойга эса илмоқ учун танда иплари уралган. Асос (илдиз) ва илмоқ танда иплари тўкув дастгоҳининг асосий ишчи анжомлари ламел, шода гуллари ва тифтишлари орасидан ўтади. Ламел дастгоҳида ҳар бир алоҳида танда или узилганда тўкув дастгоҳини автоматик тұхтатиш учун хизмат қиласи. Шодалар баланд ва пастга қараб ҳаракат қилиб танда иплари орасига ҳомуза деб аталувчи бўшлиқ ҳосил қиласи ва бу ҳомуздан момик сочиқ ҳосил қилишда ҳомузага ўтказилган арқоқ ип газлама бошига тұла келтирилмайди. Чунки момик ҳосил қилиш жараёни тифнинг мураккаб ҳаракати билан боғлиқдир. Илмоқ ҳосил қилиш дастгоҳларда иккى хил усул билан амалга оширилади, а) дастглаб 3 ёки 3 арқоқ или тўқима боши якинига келтирилади, қачонки 3 ёки 4 арқоқ или ўтказилгандан сўнг ҳамма арқоқ иплари тўқима бошига келтириб ўрилади. Натижада илмоқлар ҳосил бўлади. Илмоқ ҳосил қилиш мураккаб жараёндир. Одатда асос иплари таранглиги дастгоҳда бир хилда бошқарилади.


Илмоқ танда иплари таранглиги бўш сақланади, қачонки охирги ип ҳомузага ўтказилгач ҳамма арқоқ тўқима четига келтириб ўрилади. Илмоқли ип сирпаниб асос ипига нисбатан илмоқ ҳосил қиласи. Ип таранглиги дастгоҳда маҳсус механизм орқали ҳосил қилинади. Таранглик катталиги бош валининг ҳар бир айланишида даврий алмашинади.

87-расмда Зульцер-Рюти G-6100 тўкув дастгоҳида шодаларни ҳаракатта келтириш механизмининг схемаси кўрсатилган.

«Зульцер Рюти» фирмасининг G-6100 тўкув дастгоҳи ҳомуза ҳосил қилиш механизми иккى кўтарма очиқ ҳомуза ҳосил қиласи. Бу кареткаларда турли хил гулли сочиқлар тўқиш мумкин. Каретка 24 шодага мўлжалланган ва унда майда гулли тўқималар ишлаб



87-расм. Зульцер-Рюти G-6100 түкүв дастгоҳида шодаларни ҳаракатта көлтириш механизмининг схемаси.
1-тиргак, 2,3-ричаг, 4-икки елкалы ричаг, 5-хомут, 6-шода, 7-илгич.



88-расм. Зульцер-Рюти G-6100 түкүв дастгохининг технологик схемаси.

1-асос ипи, 2-скало, 3-ламел, 4-илмоқ ипи, 5-йұналтирувчи валиклар, 6-шодалар, 7-елка, 8-вален, 9-йұналтирувчи валик, 10-товар вали

чиқарыш мүмкін. Унинг эксцентрикли ҳомузда ҳосил қилиш механизмидан фарқи шундаки, кареткалы механизмдеги иғнадан ҳаракат бошланади. Шодаларнинг күтарилиб тушиши алоҳида механизм орқали амалга ошади. Каретканың тұла ҳаракати даври дастгохнинг икки марта иш бажаришидан ҳосил булади. Каретка дастгохининг чап томонида үрнатылади. Шодаларнинг күтарилиб тушиши тарлиби маҳсус картон орқали амалга ошади. Ҳомузанинг тозалигини

аниқлаш учун шодадан түкима бошигача булган масофа тенг булиши керак. Ҳомуз асасында қилиш кареткаси майды гули расмлар асасында ишончлы ишлайди.

88-расмда Зульцер-Рюти G-6100 түкув дасттохининг технологик схемаси курсалтилган.

«Зульцер Рюти» G-6100 түкув дасттохининг даврий ҳаракати

Механизмлар	Бош валдинг айланниш градуслари	Механизмларнинг ҳолати
1. Ҳомуз асасында қилиш механизми	65-175 175-245 245-65	Ҳағозашининг отчилиши Ҳағозашининг очиң ҳолди туриши Ҳағозашининг ёшлиши
2. Зарб механизми (рапираларнинг ҳаракати)	175-198 198-250	Рапираларнинг урамаси Рапираларнинг тарқалиши
3. Батан механизми	200-250 260-332	Батанинг арқокни жиссангашибтириши Батан орқа ҳолатда
4. Тандони бўшатиш ва тўхтатиш	250-320 320-30 30-250	Тандони бўшатилиши Тандони ҳаракатдан тўхтатиш Тўхтат
5. Арқокнига тарағли- тини таънипловчи	110-198 198-250 250-110	Тарағловчи мосламанинг кўтарилиши Тарағловчи мослама юқори ҳолатда Мосламанинг пастки ҳолати.
6. Арқок қисгичи	165-255 255-315 315-165	Қисгичи юқориги ҳолати Қисгичишиг пастта ҳаракати Қисгичининг пастти ҳолати

«Зульцер Рюти» G-6100 түкув дасттохининг техник тавсифи

Тавсифнома	Бирлиги	Кўрсаттич
Дасттох русуми Бош вал айланниш частотаси Тўкув галтаки узмалари: Гардши диаметри Галтак ўқи диаметри Тандонни тарағлини Ҳомуз асасында қилиш механизмни Габарит узмалари: Баландлиги Энг Бўни Электродвигател қуввати	мм/мин мм мм н мм мм мм КВТ	G-6100 460 1250 25 220-4550 кареткали 3075 2010 4900 4.2

8.3. Тўкув дасттохининг асосий механизмлари

8.3.1. Ҳомуз асасында қилиш механизмлари


Тўкув дасттохидаги түкима асасында қилиш учун танда иплари иккита қисмга бўлинади, улардан бири ўрга ҳолатдан юқорига кўтаришада,

иккинчиси пастга тушади. Ипларнинг кутарилиши ва тушиши шодалар ёрдамида бажарилади. Шодалар ёрдамида танда иплари ўрта ҳолатдан юқорига ва пастга ҳаракатланганда ҳосил бўлган оралиқ ҳомузга (зев) дейилади. Ҳомузага арқоқ или ташланади. Арқоқ или тўқима бошига урилади ва тўқима элементи ҳосил бўлади.

Тапда ипларини икки қисмга бўлиш ҳомузга ҳосил қилиш жараёни дейилади. Шодаларга ҳаракат узатувчи механизmlар ҳомузга ҳосил қилиш механизmlарни деб аталади.

Ҳомузга ҳосил қилиш механизmlарни тўкув дастгоҳида икки вазифани бажаради 1) ҳомузга ҳосил қилиш ва 2) шодаларни маълум тортибда кутариш ва тушириш билан тўқимада ўрилиш ҳосил қилиш. Ҳомузга ҳосил қилиш механизmlарни уч гурухга бўлинади:

- кулачокли ҳомузга ҳосил қилиш механизmlари;
- шода кутарувчи кареткали;
- жаккард машиналари.



89-расм. Ҳомузга ўлчамлари:

А-тўқима чети, С-танда кузатгич жойи, О-гулаларни ўрта ўрни, В, Д-кутарилган ва туширилган танда иплари ўрни, α - ҳомузга олд бурчаги,

β - ҳомузанинг орқа бурчаги, Н - ҳомузанинг умумий баландлиги, h - битта ҳомузга баландлиги, L - ҳомузга узунлиги, l_1 - ҳомузга олд узунлиги, l_2 - ҳомузга орқа узунлиги,

AOC - танда ипларнинг ўрта ҳолати.

Кулачокли ҳомузга ҳосил қилиш механизmlарни кичик рапортли (раппортида иккитадан саккизтагача танда или бўлган) ўрилиши, тўқималар учун ишлатилади.

Шода кутарувчи кареткалар, раппортида 8 тадан 34 тагача танда иплари бўлган ўрилиши тўқималар учун ишлатилади.

Жаккард машиналари йирик гулли ўрилишли түқималар учун ишлатилади.


Хомуза турлари, шаклы, ўлчамлари. Хомуза ҳосил қилиш жарабендида танда иплари ўрта ҳолатидан күтарилиши ва тушиши ҳисобига синик чизиқ ҳосил бўлади. Хомузанинг чегараси бир томондан тўқима боши бўлса, иккинчи томондан танда кузаткич билан чекланади (89-расм). АОС чизиги ипларнинг ўрта ҳолати дейилади.

Хомуза ўлчамлари. Тўлиқ очилган ҳомузанинг юқори ва пастки тармоқлари оралиғига ҳомузанинг умумий баландлиги (H) дейилади. Битта ҳомуза тармоғини күтариш (ёки тушириш) қиймати H билан белгиланади.

Тўқима четидан танда кузаткичигача бўлган оралиққа ҳомуза узунлиги L дейилади.


Ҳомуза узунлиги икки қисмдан иборат: олд узунлиги ва орқа узунлиги. Ҳомузанинг олд узунлиги l_1 деб, тўқима бошидан шодагача бўлган оралиққа айтилади. Орқа узунлиги l_2 — шодадан танда кузаткичигача бўлган оралиқ, ҳомуза бурчаги D билан белгиланади.

Ҳомуза ўлчамлари тўкувчиликда катта аҳамиятга эга. Бу ўлчамлар танда ипларининг таранглигига ва уларнинг узилишига таъсир этади, чунки ҳомуза ҳосил қилиш вақтида танда ипларининг таранглиги кўпаяди. Тарангликнинг кўпайиш қиймати ҳомуза ўлчамларига боғлиқ. Ҳомузанинг баландлигини камайтириш ва узунлигини кўпайтириш йўли билан тарангликни ўзгартириш мумкин.



90-расм. Ҳомуза шакллари:
А — танда кузаткич жойи, О —
тўқима боши,
 α — ҳомуза олд бурчаги,
 H — ҳомузанинг умумий
баландлиги, h — ҳомуза
баландлиги,
а — тўлиқ ҳомуза, б — юқори
ярим тўлиқ ҳомуза,
в — пастги ярим тўлиқ ҳомуза.

Хомуза баландлиги арқок или ташлагич деталь (моки, рапира ва бошқалар) ўлчамларига боғлиқ. Хомузанинг узунлигини ўзгартириш эса дасттоҳ ўлчамини қўпайтиришга ҳамда хомузанинг олд ва орқа ўлчамлари нисбатини ўзгартиришга олиб келади. Кўпинча, хомуза олд узунлиги орқа узунлигига нисбатан камроқ бўлади.



91-расм. Хомузанинг турлари:
а-ёпиқ ҳомуза, б – очиқ ҳомуза в – яrimochik ҳомуза.

92-расмда саржа 2/3 ўрилиш учун очиқ, ярим очиқ ва ёпиқ ҳомузанинг цикли диогармаси кўрсатилган.

Ҳомузалар шаклига кўра тўлиқ ва ярим тўлиқ хилларга бўлинниши мумкин (90-расм). Тўлиқ ҳомузада ҳамма танда иплари ўрта ҳолатдан юқорига чиқади ва пастга тушади.


Ярим тўлиқ ҳомузада ўрта ҳолатдаги танда ипларининг бир қисми фақат юқорига чиққанда ёки пастга тушганда ҳосил бўлади. Шунинг учун ярим тўлиқ ҳомузалар икки хилга: юқори ярим тўлиқ ва пастки ярим тўлиқ хилларга бўлинади.

Юқори ярим тўлиқ ҳомузада танда ипларининг бир қисми ўрта ҳолатидан фақат юқорига кўтарилади, иккинч қисми эса ўрта ҳолатида қолади.

Пастки ярим тўлиқ, ҳомузада танда ипларининг бир қисми ўрта ҳолатидан фақат пастга тушади, қолган қисми эса ўрнида қолади.

Тўлиқ ҳомузалар марказий (ёпиқ), очиқ ва ярим очиқ (91-расм) бўлиши мумкин.

Марказий (ёпиқ.) ҳомуза – бош валнинг ҳар бир айланишида ҳамма танда иплари ўрта ҳолатидан юқорига ва пастга ҳаракатлашади, кейин яна ўрта ҳолатига қайтади.



92-расм. Саржа 2/3 ўрилиш учун очиқ, ярим очиқ ва ёпиқ ҳомузанинг цикли диогармаси.

Марказий ҳомузанинг афзалик томони шундаки, ҳамма иплар ўрта ҳолатига қайтади. Бу эса танда ипларининг бирдай тарангликда бўлишига имкон беради, тўкувчининг узилган илни ўтказишига кулагилек түғдиради.

Лекин танда ипларининг ҳамма вақт ҳаракатда бўлиши ипларнинг ишқаланиши ва узилиши кўпайишига олиб келади.

Очиқ ҳомузада ипларнинг бир қисми дастгоҳ бош валининг ҳар бир айланishiда ўрта ҳолатига қайтмайди, тўқима ўрилиш турига қараб бир қисм иплар юқори ёки пастки ҳолатда қолиши мумкин.

Ўрта ҳолатга факат ўз жойини юқоридан пастга ёки пастдан юқорига алмаштирувчи иплар келади.

Очиқ ҳомузанинг афзаликлари: ипларнинг бир қисми ҳаракатда бўлмаганлиги учун, улар камроқ ишқаланади ва ҳомузга тузиш жараёнига камроқ энергия сарф этилади; мокининг ҳомузга ичидан ўтишига яхшироқ шароит түғилади, чунки бош валининг ҳар бир айланishiда ипларнинг бир қисми ҳаракатда бўлмайди.

Очиқ ҳомузанинг камчиликлари: танда ипларининг таранглиги ҳар хил, узилган танда ипини ўтказиш қийин, чунки иплар бир текис жойлашмаган бўлади.

Ярим очиқ ҳомузада бош валнинг ҳар бир айланишида фақат жойини ўзгартирувчи танда иплари ўрта ҳолатта келади, қолганлари, яъни пастки ҳолатда қолувчи танда иплари эса ўз жойида қолади. Юқори ҳолатдаги танда иплари бир оз тушади ва шу ҳолатда күтарилаётган танда иплари келгунча тұхтаб туради. Сұнгра күтарилаёттан танда иплари билан бирга яна юқори ҳолатта күтарилади.

Ярим очиқ ҳомузада ҳам очиқ ҳомузанинг афзаликлари ва камчиликлари бор, лекин танда иптарининг таранглиги бир мунча кам бұлғанлиги сабабли, тұқима ҳосил қилиш жараёнига яхши таъсир этади, танда иптарининг узилиши камаяди.

Равон ва норавон, ҳомузалар. Урилиш раппортига қараб дастгоҳда үрнатилғап шодалар сони ҳар хил бўлиб, улар тұқима четидан ҳар хил масофада үрнатилади.

Ҳомуза тұлық очилған вақтда күтариլған ва пастта тушган шодалар ва улардаги танда или ҳар хил жойлашиши мокининг ҳомуза ичидан үтишига таъсир этади.

Равон ҳомузада (93-расм) ҳомуза тұлық очилған пайтда пастдаги ва юқоридаги танда иплари бир хил текислиқда жойлашган бўлади. Бунинг учун тұқимадан узоқда жойлашган шодалар олдиғиларга нисбатан күпроқ миқдорда тик йұналишда ҳаракатланади. Равон ҳомузада мокининг үтиши анча енгиллашади.

Норавон ҳомузада ҳомуза тұлық очилған пайтда юқорига күтарилған ва пастта тушган шодалардаги танда иплари ҳар хил текислиқда жойлашади ва мокининг тұғри үтишига ҳалақит беради.


Аралаш ҳомузада юқоридаги танда иплари ҳар хил текислиқда, пастдаги танда иплари эса бир хил текислиқда бўлади.

Равон ҳомуза ҳосил қилиш учун орқада жойлашган шодалар олдингисига нисбатан күпроқ миқдорда ҳаракатланиши, яъни тұқимадан қанчалик узоқда үрнатилған бўлса, у шунга нисбатан күпроқ миқдорда тик йұналишда ҳаракатланиши керак.

Шодаларнинг ҳар хил қыйматта күтарилиши танда иптарининг ҳам ҳар хил тарангликда бўлишига олиб келади.

Айникса, шодалар сони кўпайиши билан бу ҳолатнинг таъсири ошади. Шунга қарамай равон ҳомузада моки тұғри үтади ва танда иптарининг ишқаланиши камаяди.

Ҳомуза ҳосил қилиш фазалари. Ҳомуза ҳосил қилиш жараёнида танда иплари эгаллаган ўринлар ҳомуза фазалари (ҳолатлари) дейилади.




93-расм. Равон (а), нормал (б)
ва аралаш ҳомузалар (в).

Танда иплари ўрта ҳолатда бўлганда уни ўрта фаза (заступ) дейилади (94-расм).

Танда ипларининг юқорига ва пастга ҳаракатланиши ҳомузанинг очилиш фазаси булиб, тўлиқ очилгунча давом этади. Шу вақтдан бошлиб арқоқ илишни бошланади. Моки ёки ташлагичларга яхши шароит яратиш учун ҳомуз очилгандан сунг шу ҳолатда маълум вақт тўхтатиб туриши керак. Шунга турғун фаза дейилади. Бу вақт бош валнинг 90° дан 180° гача айланиш даврига тўғри келиши мумкин. Тукув дасттоҳининг кенглиги ошган сари турғун фаза ҳам узяди.

Турғун фазадан сунг танда иплари ўрта ҳолатига қайта бошлайди. Унга ёпилиши фазаси дейилади. Бу фаза танда ипларининг ўрта фазасигача давом этади. Сўнгра ҳомуз ҳосил қилиш яна қайтарилади.

Ҳомуз ҳосил қилиш даври деб танда иплари биринчи ҳолатга қайтгунча бош валнинг айланиш сонига айтилади. Бу давр тўқима ўрилишининг арқоқ илишни рапортига тенг бўлади.



94-расм. Ҳомуз фазалари:
 300° – ўрта фаза, $300^\circ+55^\circ$ – ҳомуз очилиш фазаси, $55^\circ+185^\circ$ – турғун фаза, $185^\circ+300^\circ$ – ёплиши фазаси.

8.3.2. Кулачоклари ички жойлашган ҳомузда ҳосил қилиш механизми


Ички жойлашган кулачоколи ҳомузда ҳосил қилиш механизмлари АТ ва СТР түкүв дасттохларидан үрнатылған.

95-расмда АТ-120-6М түкүв дасттохининг кулачоклари ички жойлашган ҳомузда ҳосил қилиш механизми күрсатылған. Түкүв дасттохининг ўрта вали 5 да бир жуфт кулачок 7 жойлашган булиб, у ўрта вал билан бирга айланади. Кулачокларнинг иш юзасига роликлар 1 тегиб туради. Роликларнинг ўқи пастки ричаглар 11 га үрнатылған. Пастки ричаг ўз ўқи 10 атрофида айланыш мүмкін. Бу ўқлар кронштейн 9 нинг кулоқчаларига үрнатылған булиб, кронштейн түкүв дасттохининг кетинги қисмiga маңкамланған. Ричагларнинг учидан тишилар булиб, уларга осма 2 кийгизилған. Ҳар бир осма темир илгак ва ёғоч тахтачадан (планкадан) иборат. Ёғоч тахтачалар арқон ёки тасма ёрдамида шодаларнинг пастки тахтачалари билан боғланған.

Шодаларнинг юқори тахтачалари роликлар 4 ва 5 орқали ўтказылған тасмалар билан боғланған. Бу роликлар жуфт булиб, шода күтариш ўқи 12 га маңкамланған. Ўқ ўз навбатида

кронштейнлар 6 нинг подшипникларидан айланади.

Ўрта вал 8 айланғандан унга бир-бирига 180° да қарама-қарши маңкамланған кулачоклар ҳам бирга айланади ва катта радиуси билан ролик 1 га тегиб



95-расм. Кулачоклари ички жойлашган ҳомузда ҳосил қилиш механизми: 1-ролик, 2-осма, 3-шодалар, 4,5-ролик, 6-кронштейн, 7-кулачоклар, 8-ўрта вал, 9-кронштейн, 10-ўқ, 11,12-ричаг.

ричаг 11 ни ўз ўқи 10 атрофида айлантиради, натижасида у осма 2 орқали шода 3 ни ҳам пастта туширади.

Шода ўз навбатида тасма орқали роликни айлантиради ва иккинчи шоданинг тасмаси роликка ўралиши ҳисобига шода юқорига кутарилади. Бир шода пастта тушганда иккинчи шода кутарилади, натижада ҳомузга ҳосил бўлади.

Ўрта вал бир марта айланганда икки марта ҳомузга ҳосил бўлади, чунки ўрта вал бош валга нисбатан икки марта секин айланади.

Ҳомузаларнинг очилиш бурчаги бир хил булиши учун кейинги шода олдинги шодага нисбатан кўпроқ катталикка кўтарилиши ва тушиши керак. Бунинг учун кейинги шода кулачоги каттарок, эксцентриситетли қилинади, шунга мос равишда ролик диаметри ҳам каттароқ қилинади. Бу эса равон ҳомузга ҳосил қиласди.

Моки тўғри ўтиши учун ҳомузга ҳосил бўлганидан сўнг шодалар маълум вақт тўхтаб туриши керак. Бу вақт кулачокли ҳомузга ҳосил қилиш механизмларида бош валнинг $120^\circ + 130^\circ$ айланishiга тўғри келади.

Бош валнинг ҳар бир айланishiда кутарилган ва пастта тушган шодалар яна ўрта ҳолатга қайтади. Бу ҳолатга танда ипларининг ўрта ўрни (заступ) дейилади. Бундай ҳолатда кулачоклар роликларга ўрта радиуси билан таъсир этади, ричаглар ҳам бир хил ҳолатда туради.

Механизмни созлаш. Ричагларга ўрнатилган роликлар кулачоклар билан бутун юзаси буйича бир хилда тегиб туриши керак. Кейинги шодалар тасмаси катта роликлар билан, олдинги шода тасмаси эса кичик роликлар билан боғланиши лозим. Шода ўқи осон айланishi учун унинг ўқи тирсакли валга нисбатан параллел ўрнатилади. Батанинг кейинги ҳолатида унинг юқори уни билан шодалар орасидаги масофа $10+15$ мм бўлиши керак.

Ҳомузга баландлигини ўзгартириш учун ричагларнинг тишлари буйича осмаларни силжитиши керак. Агар ҳомузга баландлигини кўпайтириш керак бўлса, ричаг елкасини кўпайтириш, яъни османи ричаг айланиш ўқидан узоқлаштириш керак. Тасмаларни шундай тортиб боғлаш керакки, кулачоклар билаи роликлар юзаси орасида кўпли билан 2 мм оралиқ бўлсин; бу шодалар ҳаракатини яхшилайди.

Шодалар қийшиқ ўрнатилса, ҳомузга ҳам қийшиқ ҳосил бўлади, бу эса моки ўтганда ипларнинг узилишининг кўпайишига олиб келади.

Ҳомузга ҳосил қилиш вақтида шодалар батан поводогига тегмаслиги керак. Ипларнинг ўрта ҳолатида (заступда) шода тахтачалари параллел ва бир хил баландликда бўлиши лозим.

Ҳомузга ипларнинг пастки қисми билан батан йўналтирувчиси (склизи) ораси дасттоҳ эни буйича бир хил бўлиши ва $1+2$ мм ни

ташкыл этиши керак. Бу оралық батаннинг кейинги ҳолатида текширилади. Агар иплар йұналтирувчига тегиб турған бұлса, ипларнинг ишқаланиши ва узилиши күпаяди. Аксинча, иплар юқоригоқ үрнатылған бұлса, моки ҳомузага кираётгандан үннің йұналишини үзгариши ва ҳомузадан чиқиб кетиши мүмкін. Ҳомуза баландлігі мокининг олд деворидан 1,5-2 мм юқорида бұлиши керак. Агар үндан паст булиб, мокининг деворига тегиб турса ёки юқори бұлса, иккала ҳолда ҳам ипларнинг узилиши күпаяди.

Бош валнинг 115° айланиши даврида шодалар күтарилади ва 130° айланиш вақтида тұхтаб тұрады, яна 115° айланиш вақтида үрта ҳолатта қайтади. Шодаларнің ҳаракат қонунияты кулачоклар юзасига боғлиқ бұлиб, шодаларнинг равон ҳаракатланышига олиб келиши керак. Агар шодалар бирданияға тез ҳаракатланадыған бұлса, ипларнинг таранглігі ҳам бирданияға ошиб кетиб, узилиш күпайиши мүмкін. Шунинг учун шодалар равон тезлашиб, равон секіндеңгани маъқул.

Ҳомуза равон бұлиши учун кулачокларнинг үлчамлары қуидагида бұлиши керак: агар олд шода учун кулачокнинг катта радиуси $R = 101,5$ мм ва кичик радиуси $r = 46,5$ мм бұлса, бу вақтда эксцентриситеті $E = 101,5 - 46,5 = 55$ мм бұлады. Кейинги шода учун эса эксцентриситеті $109,5 - 38,5 = 71$ мм бұлады, чунки кейинги шодага катта эксцентриситеті кулачокдан ҳаракат узатылади.

Полотно үрилишли тұқымалар иккита шода билан тұқылса, бошқа тұқымаларда таңда иплари зичлиги күп бұлған тақдирда тұртта ёки олтта шода ишлатиш мүмкін. Бундай ҳолда шодалар иккитадан ёки уттадан бирға болганиб, битта шодадек ишлайди.

Таңда ипларнинг үрта үрни ва уни таңлаш. Таңда ипларнинг үрта үрни (0°) моменти ва катталиги (мм) фарқ қилинади. Таңда ипларнинг ҳомуза учун ҳаракат бошланиш вақты үрта үрни пайти бўлади. Үрта үрин катталиги эса шу пайтда батан тиги билан тұқима чети орасидаги масофа билан үлчанади (ёки заступ қыймат дейилади).

Тұқымалар ҳосил қилишда ҳар хил үрта үрни катталиги ишлатылади, чунки үрта үрни тұқимадаги таңда ва арқоқ ипларнинг бир-бiriға таъсирини үзгартыради ва бир текис тұқима олишга имкон беради. Үрта үринсиз ишлаш усули сийрак ҳамда бир хил ипак тұқымалар учун мокилица дасттохтарда құлланилиши мүмкін. Үрта үрин катталиги тұқима үрилиши, зичлиги, таңда ва арқоқ ипларнинг тури ва бошқаларга борлық. Полотно үрилишли тұқымалар учун бу катталик бошқа үрилишли тұқымаларга нисбатан күп бұлади.

Үрта ўринсиз ишланганда танда иплари билан арқоқ иплари бир-бирига ўзаро кам боғланади, танда иларининг таранглиги бир хил бўлиб, тўқима бир хил чиқмайди ва танда иларининг орқага силжиши кўпаяди. Бу силжишни жипслashiш чизиги (силжиши) дейилади. Бу танда иплари узилишини кўпайтиради.

Шундай қилиб, ўрта ўрин ва унинг миқдори катта аҳамиятга эга бўлиб, тўкув жараёнинг таъсир этади ва уни яхшилаш учун хизмат қиласи.

Ҳомуз очилгандан кейин шодаларниг тўхтаб туриш вақти мокининг ўтиш тезлигига ва тўқув дастгоҳининг иш энига боғлиқ. Тўкув дасттоҳи қанчалик кенг, моки тезлиги қанчалик кичик бўлса, шодаларниг тўхтаб туриши кўпайиши керак, чункин бу мокининг учеб ўтиш вақти билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам тўқув дастгоҳининг иш эни 175 см бўлганда шодаларниг тўхтаб туриши бош валнинг 180° гача бурилишига тўғри келади.

Ташқи жойлашган кулачокли ҳомуз ҳосил қилиш механизмлари. Ташқи жойлашган кулачокли ҳомуз ҳосил қилиш механизмлари АТПР ва СТБ тўқув дастгоҳларига ўрнатилган. Ушбу механизмларда ҳаракат қаттиқ звено орқали узатилиб, шодалар мустақил ҳаракатланади.

Ҳар иккала дасттоҳдаги ҳомуз ҳосил қилиш механизмларининг тузилиши ва ишлаши бир-бирига жуда ўйлашади.

АТПР-100 ва АТПР-120 тўқув дастгоҳлари олтита асосий ва иккита милк иплари учун шодалар билан жиҳозланган бўлиб, улар ёрдамида полотно, саржа ва бошқа бош ўрилиши тўқималар тўқиш мумкин.

СТБ тўқув дастгоҳларидаги саккизта асосий ва иккита милк иплари учун шодалар ўрнатилган бўлиб, улар ёрдамида танда иларининг рапорти 8 тагача бўлган ўрилиши тўқималар тўқиш мумкин.

Ҳар иккала тўқув дастгоҳида ҳар бир шода учун кулачок ва контргулачок қўлланилади. Бундай механизм шодаларниг кутарилиш ва тушиш ҳаракатларининг аниқлигини таъминлайди. Шунинг учун бундай механизмларни юқори тезликда ишлайдиган тўқув дастгоҳларидаги қўллаш мумкин.


8.3.3. СТБ тўқув дастгоҳининг кулачокли ҳомуз ҳосил механизми

СТБ тўқув дастгоҳининг кулачокли ҳомуз ҳосил қилиш механизмида ҳар бир шода учун алоҳида-алоҳида кулачок ва контр

кулачок ўрнатилган. Бу эса шодаларни пружиналар ишлатмасдан пастта ва юқорига аниқ ҳаракатлантиришга имкон беради.

СТБ дастгохининг ҳомузга ҳосил қилиш механизми түқув дастгохининг ён валидан занжирли ва тишли узатмалар орқали ҳаракатлантирилади.

Механизмнинг тузилиши ва ишлаши. Шода куттарувчи (96-расм) кулачоклар 1 ни йиғиш вақтида улар тумбага буш ўрнатилади. Тумба ўртасида ўқ 2 учун тешик қолдирилган. Кулачокларни тұғри ўрнаттандан сұнг, улар тұртта болт 3, гайка 4 ва шайба 20 билан мақкамланади. Йиғилган кулачоклар түмбаси билан мой қуйилтган қути 21 га ўрнатилади. Кулачоклар ричаг 17 инг юқори 18 ва пастки 19 роликларига тегиб туради. Ричаг 17 нинг юқори учига хомут 6 бүрнатилған булиб, у болт 5 ёрдамида мақкамланиши мүмкін.



96-расм. СТБ дастгохининг кулачоклы ҳомузга ҳосил қилиш механизми:

1-кулачоклар, 2-ўқ, 3, 5, 8-болт, 4-гайка, 6-хомут, 7-шарнир, 8,9-тортқи, 10-ўқ, 11-икки елкали ричаг, 12-тортқи, 13-йұналтирувчи,

14-шода, 15-бұрчаклы ричаг, 16-тик торқи, 17-ричаг,

18-юқориги ролик, 19-пастки ролик, 20-шайба, 21-кути.

Хомутни ричаг елкаси бүйлаб юқорига ва пастта суреб ҳомузга баландлиги үзгартырилади. Хомут шарнир 7 ёрдамида тортқи 9 билан бириктирилган. Тортқи узунлигини болт 8 ёрдамида үзгартыриш мүмкін. Тортқи билан ўқ 10 даги икки елкали ричаг 11 билан шарнирли бириктирилған ричагнинг пастки елкасига тортқи 12 га құлғ орқали мақкамланған. Штанга бурчаклы ричаглар 15 билан бириктирилған. Бурчаклы ричагларнинг горизонтал

елкалари тик тортқилар 16 билан маҳкамланган бўлиб, улар ўз навбатида йўналтирувчи ёрдамида қулф орқали шодалар 14 билан боғланган. Шодаларнинг ён томонига йўналти-рувчи колодка 13 тирадан.

Тумба айланганда кулачоклар 1 ричаг 17 ни ҳаракатта келтиради ва тортқи 9 икки елкали ричаг 11, горизонтал штанга 12 бурчакли ричаг 15 ва тик тортқига 16 орқали шодаларга ҳаракат узатади.

Агар кулачок юқори ролик 18 га катта радиуси билан таъсир этса, ричаг соат стрелкаси йўналишида айланиб, горизонтал штангани тортади. У ўз навбатида бурчакли ричагларни соат стрелкаси йўналишида айлантириши натижасида вертикал штангалар юқорига йўналади ва шодалар кутарилади.

Аксил кулачок эса катта радиуси билан пастки ролик 19 га таъсир этганда шодалар пастга тушади. Равон ҳомузга ҳосил бўлиши учун икки елкали ричаг 11 ларнинг пастки елкалари ҳар хил узунликда бўлиб, улар шодаларга ҳар хил ҳаракат узатади.

Ўрнатиш ва созлаш. Механизмни тўқув дастгоҳига ўрнатища ҳомузга бурчаги 2 10—23° қилиб ростланади (бу ҳомузга бурчаги энг мақбул ҳисобланади). Бунинг учун ричаг 17 учидан ҳомут 6 нинт устки қисмигача бўлган оралиқ 35 мм ни ташкил этиши керак.

Батанга ўрнатилган ип ташлагични йўналтирувчи тароқ тишларига нисбатан ҳомузани тўғри ўрнатиш учун тортқи 9 нинг узунлигини ўзgartириш керак. Ҳомузани тишларга нисбатан тўғри ўрнатиш учун тортқи билан ҳомутнинг ўнг уни ораси (тортқининг йўғонлашган жойигача) 12 мм бўлиши керак. Ҳомут ёрдамида ҳомузга бурчагини 16° дан 26° гача ўзgartириш мумкин. Ҳомут қанча юқорига силжитилса, ҳомузга бурчаги шунча катталашади ва аксинча.

Ҳомузанинг ўрта ўрни СТБ дастгоҳларида тиф билан тўқима боши оралиги билан ўлчаниши ёки бош валнинг градусида белгиланиши мумкин. Ҳомузанинг ўрта ўрни бош валнинг 345° дан 40° гача ўрнатилиши мумкин. Ҳомузга ўрта ҳолатини ўрнатиш учун бош вал керакли ҳолатта қўйилгандан сўнг етакланувчи юлдузчани шестеря билан маҳкамловчи болтлар бўшатилиб, кулачоклар айлантирилади ва шодалар ўрта ҳолатга келгандан сўнг болтлар яна маҳкамланади. Бу вақтда бош вал айланиб кетмаслиги учун албатта тормозлаб қўйилиши керак.

Тўқима ўрилиши ўзгарса, кулачоклар ва аксилкулачокларни ҳам ўзgartириш керак. Бунинг учун тўқув дастгоҳлари ҳар хил кулачоклар тўллами билан жиҳозланган бўлиши мумкин.

Кулачокли жуфтлар (кулачок ва аксилкулачок) қандай рапортта мұлжалланғанлығы ҳамда қайси тартибда шодаларни күтариши ва тушириши аксилкулачокнинг ён томонида рақамли каср аломати билан белгиланади. Каср сурати кулачокларнинг катта радиус сонини, маҳражи кичик радиус сонини, яғни сурати, шодаларнинг күтарилишини, маҳражи тушиш тартибини күрсатади. Кулачокли жуфтларни тескари қўйиш йўли билан ўрилишиний тескари рапортини олиш мумкин.

Тўкув дастгоҳларида кулачокли жуфтлар тўқима ўрилишининг арқоқ рапорти бўйича қўйидагича бўлиши мумкин:

4 ипга 1/1; 1/1; 1/3; 2/2

5 ипга 1/4; 2/3; 1/1 + 1/2.

6 ипга 1/5; 2/4; 3/3; 1/2+1/2; 1/2 + 2/1; 2/1 + 2/1.

8 ипга 1/2+1/4; 2/2 + 2/2; 2/3 + 2/1 ва ҳоказо.

Кулачокли жуфт 1/3 ҳолатига ўрнатилға бўлса, тўкув дастгоҳида 1/3 саржа ўрилиши тўқима тўқиш мумкин. Агар кулачок тумбага тескари ўрнатилса, тўқима 3/1 саржа ўрилишида бўлади. Кулачокли жуфтларнинг сони тўқима ўрилишидаги танда ипларининг рапортитига тенг бўлиб, шодалар сонини билдиради.

Арқоқ иплари рапортитига ва ўрилиш турига қараб, кулачоклар жуфти бир-бирига нисбатан ҳар хил бурчакка силжитилиди.

Мисол учун арқоқ рапорти 4 ипга тенг бўлганда (1/1 + 1/1; 2/2; 1/3) кулачоклар бир-бирига нисбатан 90° ёки 180° га, 6 та ипли рапортда эса 60° силжитилиши керак ва ҳоказо.

Кулачокларни ўрнатиш, уларнинг тартиби, силжиш бурчаги ва ҳаракат тезлиги ўрилиш тури, рапорти ва танда ипларини ўтказиш тартибига боғлиқ.

Механизмда қўйидаги нуқсонлар бўлиши мумкин:

1. Ҳомузанинг нотўғри ҳолати; бунга сабаб — занжирнинг бўшлиғи, юлдузчанинг яхши маҳкамланмаганлығи, кулачокларни бир-бирига нисбатан нотўғри қўйилғанлығи.

2. Ҳаракат узатиш қисмларида бўш оралиқлар ҳосил бўлса, шодалар ҳаракати ва ҳомиза баландлиги ўзгаради. Булар шодаларнинг силкиниб, кескин ҳаракат қилишига ва иплар узилишининг кўпайишига олиб келади. Бу ҳолда ейилган анжомларни алмаштириш керак.

3. Кулачоклар жуфти тўғри терилмаса ёки тўғри танлаб олинмаса, ўрилиш тури бошқача чиқади ва тўқимада нуқсон ҳосил бўлади.

8.3.4. Шода күтариш кареткалари

Шода күтариш кареткалари ўрилиш раппортида танда ва арқоқ иллари күп бўлганда ҳомузга ҳосил қилиш учун ишлатилади. Кареткалар бир ва икки кўтарилиши бўлади. Бир кўтарилиши кареткаларда асосий иш қисмлар (пичоқлар) ҳаракат даври бош валнинг бир марта айланишига, икки кўтарилиши каретка эса бош валнинг икки айланишига тўғри келади. Бир кўтарилиши кареткаларда асосий иш қисмлари икки кўтарилиши кареткаларга қараганда икки марта тезроқ ишлайди. Шунинг учун бир кўтарилиши кареткалар кенг ва секин ишлайдиган тўкув дастгоҳларида, икки кўтарилиши кареткалар юқори тезликда ишлайдиган тўкув дастгоҳларида қўлланилади.

Ҳамма кареткалар очиқ, ёпиқ ва ярим очиқ ҳомузали бўлади. Илгакларнинг жойлашиши бўйича эса бир ва икки қаторли бўлиши мумкин.

Кареткага ўрнатилиши мумкин бўлган шодалар сони 8, 12, 14, 16, 20 ва 34 тагача бўлиши мумкин.


АТ-120-5М дастгоҳларида икки кўтарилиши, ярим очиқ ҳомузали ва икки қатор илгакли РК-12 кареткалари ўрнатилади.. Бундай кареткалар тўкув дастгоҳининг ўнг ёки чап томонига ўрнатилади; улар ихчам, кулай, уларни тезда бошқа ўрилишга алмаштириш мумкин.

РК-12 кареткаси юқори каретка, пастки каретка шодаларнинг ҳаракатини бошқарувчи механизм, гул механизми ва ўрта кареткандан иборат.

Юқори каретканинг тузилиши. Каретканинг асоси икки ён рамалардан иборат бўлиб, улар болтлар ёрдамида кронштейн га (97-расм) маҳкамланган.

Кронштейн тўкув дастгоҳи рамасининг юқори қисмига маҳкамланади. Кареткалар ҳамма вақт ўтиш йўли томонига ўрнатилиши керак. Каретканинг ён рамаларига болтлар билан иккита боғловчи 2 маҳкамланган. Каретка рамалари чўяндан куйилган, кронштейнга маҳкамлашни қулайлаштириш учун пастки томонида ҳар бир рамада иккитадан асос бор.

Каретка тўкув дастгоҳининг ўрта вали З дан ҳаракат олади. Ўрта валнинг ташки учига болт билан кривошиб 4 ва шпиндель 5 маҳкамланган. Шпинделга каллак бўш ўрнатилган бўлиб, у тортқи 7 билан боғланган. Тортқининг иккинчи учи каллак 8 ва шарнир 9



97-расм. Юқори каретка.

ёрдамида крестовина (уч елкали ричаг) 10 нинг горизонтал елкаси билан боғланган. Ричаг ўқи вал 11 га қаттиқ маҳкамланган бўлиб, рамаларга жойлаштирилган подшипникларда ўрнатилган. Валнинг иккинчи учига икки елкали ричаг 12 (98 расм) маҳкамланган. Ричагнинг иккала елкасида узунчоқ тешиклар бўлиб, уларга болт 13 втулка билан ўрнатилган ва втулкага муфталар 14 кийгизилган. Ҳар бир муфтага тортқи 15 ўрнатилган бўлиб, уларнинг иккинчи учидаги хомутчалар 16 бор. Бу хомутчаларга пичноқлар) 7 нинг учлари кириб туради. Пичноқлар 17 ва 18 (97-расм) ён рамаларнинг қия кесилган йўналтирувчилари 19 да жойлашган.

Ўрта вал 3 айланганда кривошип 4 ёрдамида тортқи 7 орқали крестовина 10 ўз ўқи атрофида тебранма ҳаракатланади. Крестовинанинг калта елкалари билан боғланган тортқилар 15 орқали пичноқлар 17 ва 18 йўналтирувчи бўйлаб илгарилама - қайтма ҳаракатланади. Агар юқори пичноқ 17 чапга ҳаракатланса, пастки пичноқ 8 ўнгга ҳаракатланади.

Пичоқларнинг битта тұлиқ ҳаракат даври ўрта валнинг бир айланишига, бош валнинг эса икки айланишига тұғри келади. Шу вақт ичидә икки марта ҳомузда ҳосил бўлади.

Юқори пичоқ 17 устида юқориги илгаклар 20, пастки пичоқ 18 устида пастки илгаклар 21 қатор жойлашган илгакларнинг иккинчи учлари ричаг 22 нинг юқори ва пастки учлари билан боғланган. Юқори қатордаги илгакларни тик ўрнатилган иғналар 23 ушлаб туради. Иғналарнинг пастки учи икки елкали мувозанатловчи 24 нинг калта тұғри елкасига тегиб туради. Пастки қатор илгаклар 21 ни эса учи қайрилган мувозанатловчилар ушлаб туради. Ҳар бир ричагининг ўрта қисми шаклдор ричаг (журавлик) 25 нинг бармоқчаси 26 орқали бириккан. Шаклдор ричаг икки елкали ричаг бўлиб, тик елкасида қатор тишлари бор. Бу тишларнинг бирига хомут ўрнатилган; бу хомутга йўғон симдан қилинган чибиқ маҳкамланади. Тортқи тасма орқали шода билан бириктирилади. Шаклдор ричагнинг ҳаракатини чеклаш учун унинг пастки қисмидаги узун тешикчадан ўқ 28 ўтказилган. Бу ўқ шаклдор ричагни айни вақтда ушлаб турувчи асос вазифасини ҳам ўтайди. Шаклдор ричагнинг айланиш ўқи 27 ён рамаларга маҳкамланган.

Ҳар бир шодага биттадан шаклдор ричаг, биттадан ричаг, иккитадан илгак (юқори ва пастки) ва мувозанатловчилар тұғри келади.

Шаклдор ричагларнинг тик туриши ўқ 27 га ўрнатилган иккита ярим шаклдор ричаглар билан тұғриланади. Ярим шаклдор ричаглар ён рамаларнинг ички томонларига биттадан ўрнатилади ва улар рамаларга ўрнатилған болтлар билан ростланади. Бу болтлар шаклдор ричагларни ўқда сілжышдан сақтайди. Мувозанатловчилар 24 ўқ 29 га бўш ўрнатилған бўлиб, икки елкали ричагдек ишлайди. Уларнинг чап елкаси ўнг елкасига нисбатан оғир. Мувозанатловчилар ўқ 29 га битта эгилган учли ричаг ва битта учсиз ричаг тарзида кетма-кет терилилган. Ўқ 29 бўйича сілжимаслиги учун шу ўқча иккита ҳалқа маҳкамланган. Ундан ташқари, чап елкалари йўналтирувчи тароқ 30 га жойлашган. Бу йўналтирувчи тароқ ён рамаларга маҳкамланган. Ҳар бир илгакка биттадан мувозанатловчи тұғри келади. Ён рамалар орасига иккита панжара 31 маҳкамланган. Панжара тароқлари илгаклар учун мўлжалланган бўлиб, иғналар 23 учун тешиклари ҳам бор, улар йўналтирувчи хизматини бажаради. Мувозанатловчиларнинг қисқа елкаларида ётган пастки ва юқориги қатор илгаклар ҳамда уларнилг иғнала-

ри чап елка огир бұлғанлиги учун күтарилиган ҳолда бұлади ва пичоқ ўз ҳаракати вақтида илгакларга таъсір эта олмайды. Қайси бир илгак пичноқнинг ҳаракат йўлига тушса, у вақтда пичноқ илтакни ўзи билан ҳаракатлантиради ва ричаг 22 ва шаклдор ричаг 25 орқали шодани күтаради. Илгакни пичноқ йўлига тушириш учун мувозанатловчининг чап елкаси күтарила, ўнг елкаси пастга тушади, шу билан бирга, игна ушлаб турган илгак ҳам юқори пичноқ йўлига тушади. Агар мувозанатловчи қайрилиган учли бўлса, у ҳолда пастки қатордаги илгак пастки пичноқ йўлига тушади.


Саккиз қирралি призма 32 мувозанатловчининг чап елкасини күтариш учун хизмат қиласиди. Призма саккиз қиррали ёғоч цилиндр бўлиб, унинг қирраларига карта ўрнатилади. Призма вал 33 га кийгизилган бўлиб, ён рамаларга маҳкамланган туткичларга ўрнатилган ва мувозанатловчиларнинг чап елкалари тагида жойлашган. Призмага ўрнатилган карталар алоҳида ёғоч планка 34 дан иборат; улар бир-бирларига ҳалқачалар ёрдамида бирлаштирилган бўлиб, узлусиз занжир ҳосил қиласиди. Ҳар бир картада икки қатор тешикчалар бор. Бу тешикчаларга ўрилиш гули ва ўтказиш тартибига мувофиқ қозикчалар 35 қоқиласиди.

Агар призма 32 ва унга ўрнатилган карта 34 айланса, у вақтда қоқилган қозикча 35 ёрдамида мувозанатловчининг чап елкаси күтарилади. Шу билан бирга, ўнг елкаси пастга тушиши ҳисобига игна ва илгаклар ҳам пастга тушади.

Юқори илгак 20 пастта тушди, деб фараз қилайлик. Бу вақтда тушган илгак ташқари томонға ҳаракатланаётган пичноқ 17 йўлига тўғри келади ва пичноқ уни ўзи билан бирга тортади, бу эса ричаг 22 нинг юқори елкасини чапга силжитади. Ричаг унинг ўрта нуқтаси атрофида айланади. Бу ҳаракат ричагнинг паст елкаси каретканинг орқа боғловчиси 2 га теккунга қадар давом этади. Пастки елка боғловчига тегиши билан ричагнинг ҳаракати энди шу пастки елка атрофида давом этади, чунки пичноқнинг ҳаракати хали тамом бўлгани йўқ. Ричаг энди бир елкали ричаг тарзида пастки елкаси атрофида айланishi ҳисобига унинг ўрта қисми ҳам чапга ҳаракатланади. Бу эса ўрта нуқтада бириккан шаклдор ричаг 25 ни тортади ва шаклдор ричаг ҳам ўз ўқи 27 атрофида айланади. Шаклдор ричаг айланганда унга ўрнатилган ҳалқача билан чивиқ (тортқи) чап томонга силжийди ва шода күтарилади. Шундай қилиб, агар картада қозикча бўлса, демак, бу шода күтарилади.


Картанинг ҳар бир қатор тешикчалари битта ҳомузага тенг.

Призманинг ўқи 33 га қўлда айлантириш учун маҳовикча 36 ўрнатилган, ундан ичкарироқقا эса саккиз тишли храповик 37 маҳкамланган. Храповикдан ичкарироқда саккиз қиррали юлдузча 38 жойлашган. Юлдузчанинг қиррасига пружина 39 (98-расм) таъсирида икки елкали ричаг чеклагиши 40 нинг бир уни сиқилиб туради. Ричагнинг ўзи ўқ 29 га ўрнатилган. Ричаг ва юлдузча призманинг аниқ бурчакка айланishi учун хизмат қиласди. Бу қозиқчаларни мувозанатловчиларга нисбатан тўғри жойлашишини таъминлайди. Икки елкали ричаг 12 нинг пастки елкасидаги йўлчасига шпиндель 41 кўйилган булиб, унга кучукча 43 нинг асоси 42 маҳкамланган. Кучукча ва асос бир-бири билан пружина 44 орқали бириккан. Бу призманинг бир текис айланishiни таъминлайди, призма айланмаган тақдирда эса уни синишдан сақлайди.



эса учи қайилмагани қўйилган. Чап каретка дастгоҳнинг ўнг рамасига ўрнатилиди. Бунда шаклдор ричаглар чапга қараган бўлиб, призма соат стрелкасига қарши айланади; биринчи мувозанатловчи учи қайилмаган, охиргиси эса учи қайилган бўлиши керак. Чап ва ўнг кареткалар алоҳида-алоҳида ишлаб чиқарилмайди. Бирини иккинчисига айлантириш учун крестовина ва икки елкали ричаглар ҳамда призма айлантириб қўйилади.

Пичоқлар орқага қайтиш вақтида илгакларни бушатади ва шодалар пастга тушади. Бу вазифани пастки каретка бажаради.



99-расм. Пастки каретка схемаси:

45-асос, 46-боғлагич, 47-рама, 43,49-ўқлар, 50,51-тишли ричаглар, 52-ўқ, 53-пружина, 54-тасма, 55-ўқлар, 56-қопқоқ.

Пастки каретка. Пастки каретка фақат шодаларни тусириш учун хизмат қиласиди. Бу каретка шодалар тагида жойлашган. Каретканинг асоси 45 (99-расм) дастгоҳнинг пастки олдинги бирлаштирувчи боғловчии 46 га маҳкамланган. Асосга иккита рама 47 ўрнатилади. Унда эса иккита ўқ жойлашган. Бу ўқлар 48 ва 49 га тишли ричаглар 50 ва 51 эркин ўрнатилган. Бу ричаглар ўзаро тиашланган. Натижада ҳар иккала ричаг бир хил ва бир вақтда ҳаракатланади. Тишли ричаг 50' олтита ва тишли ричаг 51' еттита тишли бўлади. Бир жуфт ричагларнинг сони юқори кареткадаги шаклдор ричагларнинг сонига тенг.

Ричагининг узун елкалари пружиналар таъсирида пастга чекловчи ўқ 52 гача тушишга ҳаракат қиласиди. Тасма 54 бир учи билан ричагларнинг узун учларига боғланган бўлиб, иккинчи

юқори учи эса шодаларнинг пастки планкасига боғланади. Агар шода кўтарилса, тасма орқали ричагларнинг узун учлари кўтарилади ва пружиналар чўзилади.



Ричагларнинг бир хил ҳаракати шодаларнинг оғмай тўғри кўтарилиши ва ҳомузани бир хилда бўлишини таъминлайди. Шодаларнинг кўтарилиши рамаларга ўрнатилган ўқ 55 билан чекланади. Пичноқ орқага қайтганда чўзилган пружина ҳисобига ричаглар орқали шодалар пастга тортилади. Шода билан бирга шаклдор ричаг ва илгаклар ўз жойига қайтади. Пастки каретка қопқоқ 56 билан беркитилган.

Карта тайёrlаш. Шодаларнинг кўтарилиш ва тушиши картага боғлиқ. Ҳар бир картада шахмат шаклидаги икки қатор тешикчалар бор. Пастки пичноқ орқага қайтаетган ва шодалар пастга тушаётган пайтда карта планкаси алмашинади. Шодаларнинг тоқ кўтарилишлари пастки пичноқ ёрдамида бажарилади, яни тоқ тартибли арқоқ иплари пастки пичноқ ташкил этган ҳомузага ташланади. Карталарнинг биринчи қатор тешикларига қоқилган қозиқчалар (карта ҳаракати буйича) учи мувозанатловчиларга (яни пастки илгакларга) таъсир этади. Карталардаги ҳар бир горизонтал қатор тешикчалар битта ҳомузага тўғри келади. Агар қозиқча қоқилгани бўлса, шода кўтарилади, қозиқчалар бўлмаса, шода пастга тушади.

Тўкув дастгоҳида 12 тадан кам шода ўрнатилган бўлса, қозиқчаларни қоқиш ўнг каретка картасининг ўнг томонидан чапга қараб бажарилади. Бу ҳолда карталарда шодалар сонига қараб тешикчалар ҳисобланади.

Чап кареткалар утун қозиқчаларни қоқиш чапдан ўнгга қараб бошланади. Картада тешиклар сони шодалар сонига қараб, ўнгдан чапга ҳисобланади. Биринчи картадаги биринчи қатор тешикчалар биринчи ташланадиган арқоқча, иккинчи қатор тешикчалар эса иккинчи ташланадиган арқоқча тўғри келади.

Карта тайёrlаш ўрилиш гули буйича бажарилади. Унда ўрилиш тури, ипларни утказиш ва шодаларнинг кўтарилиш тартиби кўрсатилган бўлади. Масалан, саржа ўрилиш 2/2 (100-расм) берилган бўлса, ўнг каретка учун қозиқчалар қўйидагича қоқилади. Биринчи ҳомузани ҳосил қилиш учун биринчи ва иккинчи шодалар кўтарилиши керак. Бунинг учун биринчи картадаги биринчи горизонтал қатордаги биринчи ва иккинчи тешикларга қозиқчалар қоқилади. Иккинчи ҳомузани ҳосил қилиш учун иккинчи ва учинчи шодалар кўтарилиши керак, бунинг учун қозиқчалар биринчи



100-расм. Ўрилиш гули бўйича карта тайёrlаш схемаси.

картадаги иккинчи қатор иккичи ва учинчи тешикларга қоқилади. Кейинги карталарга ҳам қозиқчалар ўнгдай тартиб билан қоқилади.

Чап картека учун карта тайёrlаш тартиби ҳам шундай, лекин бунда қозиқчалар чапдан ўнгга қараб қоқилади. Призма саккиз қиррали бўлгани учун карта планкалари сони саккизта ёки ундан кўп бўлиши ва ўрилиш раппортига тўғри келиши керак. Келтирилган мисолда арқоқ бўйича ўрилиш раппорти тўртга илга тўғри келади. Шунииг учун бу ўрилиш учун иккита карта тўғри келади. Қолган олтига картага қозиқчалар олдинги иккита картага қоқилган тартибда қоқилади ва карта призмага ўрнатилгач, унинг бошланиши ва охири боғланади.

Картекаларни созлашда кўйидагиларга эътибор бериш керак.

Пичноқ маркази билан ричаг ўки марказигача 100 мм ни ташкил этиши керак. Пичноқлар ҳаракат вақтида қия кесмаларнинг охирига 5 мм дан 8 мм гача етмаслиги лозим.

Тик йўналиш бўйича пичноқ билан илгаклар ораси 4—5 мм бўлиши керак. Шаклдор ричаг ва ярим шаклдор ричаглар рамага нисбатан тўғри ўрнатилиши ва ўз ўқи атрофида бемалол ҳаракатланадиган бўлиши керак.

Йифилган каретка тўқув дастгоҳига ўрнатилади. Кареткага призмани ўрнатишда призмага кийгизилган карта планкаси ва мувозанатловчи орасидаги масофа 5 мм бўлиши керак. Карта горизонтал бўлиши ва қозиқчалар мувозанатловчиларнинг ўрта қисмига тегиши шарт. Бош валнинг энг орқа вазиятида чекловчи ричаг юлдузча чукурчасининг ўртасида бўлиши керак.

Икки елкали ричагта ўрнатилган кучукча храповикни битта тишга айлантириши керак. Пичноқлар энг четки вазиятда бўлган вақтда кучукча билан храповик тиши орасида 2—3 мм оралиқ бўлиши керак.

Шодаларнинг пастки ҳолатида тишли ричаглар 10+12 мм кутарилган бўлиши керак. Шодалар тик ўрнатилган бўлиши ва уларнинг ораси 12 мм бўлиши лозим. Пастки каретка горизонтал ўрнатилади. Унинг пружиналари бир хил чўзилиши ва қисқариши керак.

Агар олтитадаи кўп шода ишлатиладиган бўлса, ўрта каретка ўрнатилади. Бу равон ҳомузга ҳосил бўлишига имкон беради.

Тўқима таркибига қараб ипларнинг ўрта ўрни 30 дан 70 мм гача ўрнатилиши мумкин, чунки танда ипларининг ўрта ўрни технологик жараённинг тўғри боришини таъминлайди.

Ип тўқима (газлама) тўқишида ипларнинг ўрта ўрни 40-50 мм дан ошмайди, кўпинча 20+30 мм бўлади. Ўрта ўрин катталиги ҳамма шодаларда бир хил бўлиши ва уларнинг фарқи 5 мм дан ошмаслиги керак.

Танда ипларининг ўрта ўрнини қуидагича тўғрилаш мумкин. Моки чап қутичада бўлган вақтда шодалар бир хил баландликда бўлиши ва кривошил 4 (97-расм) горизонтал ҳолатида тўқув навоий томонга қараб туриши керак. Бу вақтда крестовина 10 нинг узун елкаси горизонтал ҳолатда бўлиши, пичноқлар 17 ва 18 бир тик чизиққа тўғри келиши керак.

Ричак 22 тик ҳолатда туриши керак. Агар тўғри бўлмаса, у вақтда шодаларни боғловчилар ёрдамида тўғрилаш мумкин. Бу ҳолатда шодаларнинг гулалари кўзидан ўтказилган иплар бир текисликда бўлиши керак.

Пичноқларнинг ҳаракат қатталиги ҳомузга баландлигини ўзgartиради. Ҳомузга баландлигини кўпайтириш учун пичноқларнинг

ҳаракатини құпайтириш керак. Бунинг учун тортқи 7 ні кривошип 4 бүйіча ўрта вал 3 дан узоқроқ үрнатиш, яғни кривошип радиусини құпайтириш керак. Ҳомузанинг баландлигини камайтириш учун тортқи 7 ўрта вал 3 томонга кривошип 4 бүйіча силжитилади. Агар тортқи 7 нинг юқори учи крестовина 10 нинг узун елкаси айланиш ўқи 11 томонга суриса, ҳомуз баландлиги құпаяди, ўқдан узоқлаشتырса, ҳомуз баландлиги камаяди. Крестовина 10 нинг калта елкалари орқали ҳам ҳомуз баландлигини ўзгартыриш мүмкін. Агар пічоқ поводоги 15 ричаг 10 ўқи вал 11 дан нари силжитилса, ҳомуз баландлиги құпаяди, яқин келтириса — камаяди.

Равон ҳомуз ҳосил бұлиши тұқувчиликда асосий талаблардан бири бұлиб, шода қанча бұлишига қарамай, бу талаб таъминланиши керак.

Тұқима бошига яқин шодаларнинг құтарилиш ҳаракати камроқ бұлиб, шодалар қанчалик узоқ бұлса, уларнинг құтарилиш миқдори шунча құпайиб боради. Шунинг учун шаклдор ричаглардаги тишлилар 12 та бұлади. Тұқимадан энг узоқ турған шодаларни боғловчи чивиқ хомуты энт юқори тишига үрнатилади. Тұқимага қанчалик яқин бұлган сары хомутлар биттадан тишига пастта үрнатилиб борилади. Агар 12 та шода ишлатиладиган бұлса, охирғи шоданинг чивиғи ва унинг хомуты шаклдор ричагнинг энг юқори тишига, яғни 12 тишига, иккінчи шода хомуты 11 тишига, 3 шода хомуты 10 тишига үрнатилади ва ҳоказо. Үрнатиш ўлчамлари ҳомуз баландлигининг зарур көттәлигини ва равонлигини таъминлайды. Бу эса ипларнинг узилишини камайтиради, иш унумдорлигини оширади.

Шода планкалари ҳаракат вақтіда бир-бирига тегмаслиги керак, боғлагичларни жуда тортиб боғламаслик лозим. Пастки каретка пружинасининг таранглиги шундай бұлиши керакки, танда иплар тортылған вақтда иплар билан батан йұналтирувчиси орасида 1+1,5 мм масофа бұлсın.

Тұқув дастгохининг ишлаши жараённан шода кареткасида қыйидаги бузилишлар бұлиши мүмкін. Шодаларнинг құтарилиш тартиби бузилған тақдирда тұқимада үрлиш тартиби ҳам бузилади. Бу бузилиш тұқиманинг бутун эни бүйіча ёки айрим жойларыда юз бериши мүмкін. Буларға сабаб: призма бұшашиб қолиши ва унинг бир томонга силжиб кетишидір, бу вақтда қозықчалар мувозанатловчы ричаг марказига тұғри келмайды, битта үринга иккита мувозанатловчы ричагни құтариши мүмкін.

Агар қозиқчалар нотұғри қоқылған ёки үрнатилған бўлса, бу синишига олиб келиши мумкин. Бунга сабаб карта планкалари мувозанатловчи ричагларга яқын (5 мм дан кам) жойлашғанлиги ва мувозанатловчи ричагнинг чеклагици паст үрнатилғанлиги бўлиши мумкин. Қозиқча синган ёки тушиб кетган тақдирда тўқимада ўрилмаган арқоқ ипи ҳосил бўлади, бу маълум миқдордаги арқоқ илпаридан кейин қайтарилиб боради. Бундай нуқсонга сабаб игна синиши, қозиқчанинг устки қисми текис бўлмаслиги ва пичноқ ёки илгаклар ейилиб кетишидир.

Пичоқларнинг синишига сабаб уларнинг рамага зарб билан тегиши ва пичноқ тортқисининг бўшаб кетиши мумкин. Шаклдор ричагларнинг синиши; бунга сабаб уларнинг қийшиқ үрнатилиши, каретканинг орқа боғловчисининг нотұғри үрнатилиши ёки ричагнинг тиқилиб қолиши ҳисобига мувозанатловчи ричагларнинг қийшайиши, тиқилиб қолиши, панжаранинг қийшайиши ва ифлосланиб қолиши ҳам сабаб булиши мумкин. Илгак, игна ва мувозанатловчи ричагларнинг тўғри ишлашини қўйидагича текшириш мумкин. Пастки илгакларнинг ҳаммасини пастки пичноқда илинтириб, пичноқ энг чекка вазиятта қўйилади. Бу вазиятда ҳамма шаклдор ричаглар бир хилда кўтарилиған бўлиши керак. Сўнгра призмани қўлда айлантириб, юқоридаги илгак, унга тегишли мувозанатловчи ричагларнинг тўғри ишлашини текшириш керак. Бундай текшириш карталарнинг ҳаммаси утгунча қилинади. Пастки қатор илгакларнинг ишлаши ҳам шундай усулда текширилади. Тиқилиб қолиш, қийшиқлик, ифлосланганлик аниқланганда улар дарҳол бартараф этилади.

Тўқима милкининг нуқсонли ўрилиши кўпинчча танда илпарилининг ўрга ўрни (заступ қыймати) нотұғри үрнатилғанда (моки ҳомузага эрта ёки кеч кириши ҳисобига) ҳосил бўлади. Ҳомуза бир текис ҳосил бўлмаслиги — пастки каретканинг пружиналари бўш, танда илпарилининг таранглиги ошиқча бўлса ва ҳар бир шоданинг ўрга ўрни бир-биридан кўпроқ фарқ қиласа, ейилган илгак, пичноқ ва мувозанатловчи ричаглар вақтида алмаштирилмаса, бундай нуқсон учрайди.

Каретканинг ҳаракат узатувчи қисмлари бўшаб кетганда каретканинг ҳамма қисмлари нотұғри ишлайди.

Шода кўтариши кареткаларини ишлатиш қоидаларига эътиборсиз қараш ва уларни бажармаслик каретканинг бузашига ва тўқимада нуқсонлар пайдо булишига олиб келади.

Танда илпарилининг узилиши каретканинг қўйидаги бузилишлари ҳисобига кўпайиши мумкин: шодаларнинг текис кўтарилимаслиги,

Такрорлаш учун саволлар

1. Ҳомузага арқоқ ипини ташлаш турлари.
2. Зарб механизмлари қандай классификацияланади?
3. Үрта зарб механизм қандай түзилган ва қандай ишлайди?
4. СТБ дастгохининг зарб механизми қандай түзилган?
5. Зарб кучи қандай үзгартырилади?
6. Ҳаво ердамида арқоқ или ташлашнинг моҳияти.
7. Арқоқ ипини улчаш механизмни қандай ишлайди?
8. Компрессорнинг тузилиши ва ишлашини айтиб беринг?

8.5.. Арқоқ ипини тұқима четига уриш

Ҳомузага ташланған охирги арқоқ или олдинги арқоқ ипига нисбатан бирмунча нари ётади. Охирги ташланған арқоқ ипининг танда ипларига нисбатан сурилиб, олдинги арқоқ ипига келиб урилиши арқоқ ипини уриш деб аталағы. Арқоқ ипини уриш тұқима элементини ҳосил этишнинг охирги технологик жараёни ҳисобланади. Таңда ипларининг тұқимага үтиш чизиги тұқима чети деб аталиб, у охирги урилған арқоқ или билан белгиланади. Урилаёттан арқоқ ипларининг бир-бирига нисбатан жойлашиши тұқиманың арқоқ иплари бүйіча зичлигини белгилайди.

Арқоқ ипини тұқима четига уришнинг кенг тарқалған усули тиғ ёрдамида уриш булып, унда тишилари ҳомузадаги арқоқ ипини суриб бориб тұқима бошига уради. Ушбу усулда арқоқ или тұқиманың бутун эни бүйіча бир вақтда урилади; бунга *фронтал уриш дейилади*.

Бундан ташқары, арқоқ ипини айрим-айрим қолда ҳам уриш мүмкін: унда тиғ ролини маҳсус шактты дисклар бажаради.

Арқоқ или қыйидаги босқичларда урилади:


1. Арқоқ ипини ҳомуза ёпилиш фазасидан то тұлиқ ёпилгунча сурилиши. Бунда арқоқ или ҳомузаның пастки қисміда тиғ ёрдамида әркін сурилиб, тиғға катта қаршилик құрсатмайды.

2. Арқоқ ипининг ҳомуза ёпилгандан сүнг сурилиши. Бунда танда иплари бир чизиқда жойлашиб, уларнинг орасыда арқоқ или тұқима четигача тиғ ёрдамида сурилади. Бу босқичда арқоқ ипининг тиғ қарқатыга қаршилиги бирмунча ортади, чунки арқоқ или билан танда иплари ўртасыда ишқаланиш кучи күпаяди.

3. Арқоқ ипининг тўқима боши билан биргаликда сурилиши. Бунда арқоқ или тўқима боши билан учрашгандан сўнг ҳам тиф ўз ҳаракатини давом эттириб, уни яна маълум масофага суради. Натижада арқоқ ипининг тифга кўрсатадиган қаршилиги ошади. Бу эса тўқима таранглигини камайтириб, танда иплари таранглиги ошишига олиб келади.

Шундай қилиб, арқоқ ипини тўқима бошига уриш ва янги тўқима элементини ҳосил этиш мураккаб жараён булиб, танда ва арқоқ ипларининг бир-бирига нисбатан ишқаланиши, эгилиши ва силжиши натижасидир.

Арқоқ ипини тўқима бошига урувчи асосий орган ҳисобланган тиф батан механизми тусинига ўрнатилади. Шу сабабли, арқоқ ипинн урувчи механизмлар батан механизмлари деб аталади.



118-расм. АТ-120-6М русумли тўкув дастгоҳининг батан механизми:

- 1-батан ости вали, 2-тирсак, 3-куракча оёғи, 4-каллак, 5-бармоқ, 6,7-поводок, 8-бош вал, 9-винт,
- 10-вершник, 11-тиф,
- 12-ёғочли колодка, 13-швеллер.

8.5.1. Батан механизмлари

Тўкув дастгоҳларида батан механизмининг вазифаси фақат арқоқ ипини уриш булибгина қолмай, моки бир қутидан иккинчисига учиб утаётганда уни ўйналтирувчи, моки қутига кираётганда уни тұхтатиш, арқоқ или урилаётганда мокини ўзида сақлаб турувчи, тўқилаётган тўқиманинг тўлиқ таъминоти бўйича энини ва ундаги танда ипларининг зичлиги-ни аниқловчн вазифаларини ҳам утайди.

Шунинг учун батан механизмининг ҳаракат қонуни мокининг ва ҳомузадаги танда ипларининг ҳаракатига боғлиқ бўлиб, қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

танда иплари тиф тишлирига ишқаланиб титилмаслиги учун батаннинг қулочи иложи борича

кичик булиши; арқоқни уриш жараёни бир 1 текис, зарбасиз бажарилиши; 1 мокининг ҳаракати пайтида батан бирмунча вақт тинч ҳолатда ёки секинланувчи ҳаракатда булиши; унинг массаси унчалик катта бўлмай, кераклича булиши керак.

Дасттоҳ бош валидаги айланма ҳаракатни батан механизмига икки хил усулда: кривошип - шатунли ҳамда кулачокли механизмлар ёрдамида узатиш мумкин. Шунинг учун батан механизмлари ҳам кривошип-шатунли ва кулачокли хилларга бўлинади.

АТ тўкув дастгоҳларига кривошип-шатунли батан механизми ўрнатилади. 118-расмда АТ-120-6М русумли автомат тўкув дастгоҳининг батан механизми схемаси келтирилган.

Кривошип – шатунли батан механизмларининг ҳаракат қонуни гармоник қонуниятга яқин бўлгандиги сабабли юқорида қўйилган талабларга тўла жавоб бера олмайди. Ушбу механизмлар кривошип айланиш ўқининг вертикал бўйича жойлашишига қараб, аксиал ёки дезаксиал булиши мумкин.

Аксиал батан механизмларида кривошиппининг айланиш ўқи батан куракчасидаги бармоқ чизган ёйнинг бош ва охирги нуқталаридан ўтказилган тўғри чизиқда ётади. Аксиал батан механизмлари ҳам ўз навбатида уч турга бўлинади.

Агар кривошиппининг узунлиги l нинг шатун узунлиги l га нисбати, яъни $\frac{r}{l} \leq \frac{1}{6}$ бўлса, бундай механизмлар узун поводокли

батан механизмлари деб аталади; агар $\frac{r}{l} = \frac{1}{6} \dots \frac{1}{3}$ бўлса, ўрта пово

докли ва $\frac{r}{i} \geq \frac{1}{3}$ бўлса, калта поводокли бўлади.

Батан ости вали 11 га (118-расм) иккита куракча оёғи 10 ўрнатилган бўлиб, уларга батан тўсини 8 маҳкамланган. Ҳар қайси батан куракчаси пўлат оёқ 10 ва чўян каллак 9 дан иборат. Батан тўсинининг юза, яъни иш қисмига силлиқ ёғоч-пластинкадан тайёрланган склиз 12 ўрнатилган бўлиб, у мокининг ҳомуздан ўтишида йўналтирувчи вазифасини ўтайди. Батан тўсинида эса ўйилган жойи бўлиб, унда тиф 7 ўрнатилади ва юқори қисмидан вершник 6 билан қисиб қўйилади.

Батан қуракчаларидан махсус тешик бўлиб, унга бармоқ 5 орқали йигма поводоклар 4 ўрнатилган. Поводок қисмлари винт З ёрдамида бирластирилган. Ҳаракат бош вал 2 дан тирсак 1 орқали поводокларга узатилади.

Батан түсифининг икки ён қисмiga моки қутилари ўрнатилади. Ундан ташқари түсиннинг остки қисмiga қулф механизми ўрнатилган.

Дастгоҳ ишлайтган пайтда бош вал 1 айланма ҳаракатланади. Ундан ҳаракат тирсак 2 орқали поводокларга ўтади. Натижада бармоқ 5 батан ости вали 11 га нисбатан тебранма ҳаракатга келади.


8.5.2. СТБ ва АТПР дастгоҳларининг батан механизми

Мокисиз СТБ ва АТПР тўкув дастгоҳларидан батан механизми арқоқ ташлагичлар ёки рипиралар ҳомузга орқали арқоқ или ташлаб ўтаётганда йуналтирувчи, ҳомузага ташланган ипни тўқимага урувчи, тиг ёрдамида танда ипларининг тўқимада бир меъёрда тақсимловчи ва тўқима энини аниқловчи вазифаларини бажаради. Ушбу дастгоҳларда батан механизмининг ҳаракат қонуни мокили дастгоҳларни кига қараганда тубдан фарқ қиласди. Батан ҳаракатни кулачоклардан олганлиги сабабли унинг ҳаракат қонунияти фақат кулачок шаклига боғлиқ холос. 119-расмда СТБ дастгоҳининг батан механизми схемаси келтирилган. Дастгоҳнинг бош вали 1 да кулачок 2 ва аксил кулачок 3 ўрнатилган. Кулачоклар юзасида айланувчи роликлар 4 ва 5 бўлиб, улар батан вали 6 га қўйилган икки елкали, ричаг 7 га ўрнатилган. Шу батан валига бир неча калта куракчалар 13 ҳам маҳкамланган. Куракчаларнинг тепа қисмiga алюминийдан тайёрланган тўрт бурчакли батан тўсини 8 ўрнатилган. Батан тўсини 8 да ўйиқ бўлиб, унга тиг 9 сиқувчи болтлар ёрдамида қисиб қўйилган. Батан куракчалари бир нечта бўлиб, уларнинг сони дастгоҳнинг энига боғлиқ: СТБ-175 дастгоҳида— 8 та, СТБ-250 да 10 та ва СТБ-330 дастгоҳида 12 та бўлади. Батан тўсинининг олд томонидан винтлар ёрдамида арқоқ ташлагичлар 10 ни йўналтирувчи 12 га ўрнатилган.

Батан механизмини ҳаракатлантирувчи кулачоклар ва роликлар битта қути 11 га жойластирилиб, унинг ичига мой қўйилади. Дастгоҳнинг энига қараб, ушбу қутилар сони икки ёки учта бўлиши мумкин.

Дастгоҳ бош вали 1 нинт айланниши натижасида кулачоклар 2 ва 3 ҳам айланма ҳаракат қилади. Уларнинг юзасида айланувчи роликлар 5 ва 4 икки елкали ричаг 7 га ўрнатилганлиги сабабли, батан ости вали 6 га тебранма ҳаракат бериб, унга ўрнатилган батан куракчаларини ҳам тебрантиради. Натижада батан куракчаларининг юқори қисмига ўрнатилган түсин тебраниб, тифга ҳам тебранма ҳаракат узатади. Бунинг натижасида тиф ҳомузага ташланган арқоқ ипини тўқима бошига уради. Батан ўзининг орқа ҳолатини эгаллаганда тўсинга ўрнатилган йўналтирувчи ҳомузага кириб, арқоқ ташлагичларни йўналтиради. Бу пайтда батан қўзғалмайди. Ҳомузага арқоқ ташланиб бўлгандан сўнг батан

олдинга томон ҳаракатланиб, йўналтирувчилар танда ипларида сирғанганд ҳолда тўқима чети остига тушади. Ташланган арқоқ ипи эса тифтишлари ёрдамида астасекин суреба келиниб, тўқима бошига урилади.



119-расм. СТБ дастгохининг батан механизми:
1-бош вал, 2-кулачок,
3-аксил-кулачок, 4,5-ролик,
6-вал, 7-икки елкалии ричаг,
8-тўсин, 9-тиф, 10-ташлагич,
11-кути, 12-йўналтирувчи
ҳалқалар, 13-куракча.

Такрорлаш учун саволлар

1. Батан механизмининг вазифаси нималардан иборат?
2. Батан механизми қандай турларга бўлинади?
3. Батан механизми қандай қисмларга бўлинади?

4. Кривашип-шатунли батан механизмларининг тузилиши ва ишлаш принципи.
5. Кулачокли батан механизмининг тузилиши ва ишлаши.
6. Ташлагичлар кутиси ва қабул кутисининг вазифаси ва ишлаши.

8.6. Тұқимани тортиш ва үраш

Тұқимани тортиш ва үраш механизмлари *товар ростлагичлари* дейилади. Товар ростлагичлари тұқылған тұқимани тортиб, товар валигига үраш учун, тұқимадаги арқоқ ипларининг зичлигини ва танда илпари билан үзаро жойлашишини тәъминлаш учун хизмат қылади. Товар ростлагичларида асосан тұқима товар валига үралади, айрым ҳолларда эса яшикларга йұналтириледи.

8.6.1. Арқоқ ипларининг тұқимада жойлашиши


Тұқимада арқоқ илпари назарий жиҳатдан икки хил жойлашиши мүмкін. 120-расмда тұқимадаги арқоқ ипларининг күндаланг кесими берилген.

Агар икки арқоқ илпиге ўтказилған уринма орасидаги масофа a үзгармас бўлса, яъни: $a_1 = a_2 = a_3 = \dots a_n$ бундай жойлашиш *бир текис тақсимланган жойлашиш* дейилади. Бир текис тақсимланган жойлашишда тұқиманинг арқоқ илпари буйича зичлиги үзгармас бўлиб, агар арқоқ ипларининг йўғонлиги бир хил бўлса, унда арқоқ илпари орасидаги масофа θ ҳам тенг бўлади, яъни: $\theta_1 = \theta_2 = \theta_3 = \theta_n$.

Бу ҳолатда тұқима арқоқ илпари билан бир хил тўлғазилған бўлиб, илпар орасидаги бушликлар тенг ва бир хил бўлади.

Агар арқоқ илпаринынг йўғонлиги ҳар хил бўлса ва улар тұқимада бир текис тақсимланса (120-расм, а) унда арқоқ илпари орасидаги ва уларнинг ўқлари орасидаги масофалар ҳар хил бўлади. Расмда кўриниб турганидек, тұқиманинг арқоқ ипи билан тўлғазилғанлиги унинг ҳамма қисмида бир хил бўлмайди. Ингичка арқоқ или жойлашган қисмларда оралиқ катта, йўғон илпар жойлашган қисмида эса кичик бўлиб, тұқылған тұқиманинг ташқи кўриниши бузилади. Ушбу ҳолларда арқоқ илпарини бошқача жойлаштириш керак бўлади.

Арқоқ илпаринынг тұқимада иккинчи хил жойлашиши 120 - расм, б, да келтирилган.



120-расм. Арқоқ ипларининг түқимада жойлашиш схемаси:
a-бир текис тақсимланган; б-бир текис урилган

Бу ҳолатда арқоқ иплари орасидаги масофа арқоқ ипларининг йүғонлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгармас, яъни:


$$a_1 = a_2 = a_3 = \dots a_n \\ b_1 = b_2 = b_3 = \dots b_n \quad \text{бўлади.}$$

Арқоқ ипларининг түқимада бундай жойлашишини бир текис урилган жойлашиш дейилади. Бу хил жойлашишда түқиманинг ташки кўриниши бир текис бўлишига қарамай, унда арқоқ иплари орасидаги масофалар бир-бирига тенг, аммо уларнинг ўқлари орасидаги масофалар эса ҳар хил бўлади. Бунинг натижасида түқиманинг арқоқ иплари бўйича зичлиги ўзгарувчан бўлиб, йўғон иплар жойлашган ерда оз, ингичка иплар жойлашган ерда эса кўп бўлади. Бир текис урилган усулда түқилган түқиманинг юза тўлалиги бир текис бўлади. Түқиманинг ташки кўриниши бир текис бўлиб, унинг тузилиши бир хилга үхшайди.

Шунинг учун ушбу усулдан йўғонлиги нотекис иплар (аппарат системасида йигирилган жун, каноп толали иплар ва ҳоказо)дан тўқима тўқишида фойдаланилади.

Бир текис тақсимланган жойлашишда арқоқ ипларининг йўғонлиги иложи борича бир хил бўлиши керак. Масалан, пахта толаси, тараған жун толаси, сунъий ипак ва бошқалар.

121-расмда арқоқ ипларини түкимада бир текис жойлаштирувчи механизмнинг схемаси берилган. Арқоқ иплари 1 тиғ 2 ёрдамида түкима четига урилгандан сұнг янги түкима элементti ҳосил бўлади. Түқилган түкима 3 кўрак 4 ни айланиб ўтиб, юзаси юқори ишқаланиш коэффициентига эта бўлган вальян 5 га келади. Вальян түкимани тортувчи асосий орган бўлиб, унинг усти маҳсус резина ёки тишли лента билан қопланган.



121-расм. Арқоқ ипларини түкимада бир текис жойлаштирувчи механизм схемаси.


1-арқоқ иплари, 2-тиғ, 3-түкима, 4-кўрак, 5-вальян, 6-валик, 7-түкима валиги, г-шестерни, а-арқоқлар оралиги.

Түкиманиш ишқаланиш юзасини ошириш учун йўналтирувчи валик 6 ўрнатилган. Түкима валиги 7 вальян 5 га қисиб ўрнатилганлиги учун ундан ҳаракат олиб, түкимани ўзига ўрайди.

Тишли фиддирак Z вальян ўқига қўзғалмас ўрнатилганлиги учун дасттоҳ бош валидан маълум узатиш сони орқали вальянга айланма ҳаракат узатади. Натижада дасттоҳ бош вали бир марта айланганда вальян ҳам маълум бурчакка айланиб, ўзи билан маълум узунликдаги түкимани тортади. Ушбу жараён узлуксиз давом эттани учун дасттоҳ бош валининг ҳар бир айланишига ўзгармас a миқдорга тенг бўлган түкима элементи түкима валига ўралаверади.

Шундай қилиб, арқоқ иплари түкимада бир текис жойлашиши учун асосан түкима ростлагици узлуксиз равиша үзгармас узунлиқдаги түкимани үраб туриши керак экан. Ушбу усулда түқилаёттан түкималарда арқоқ зичлигини *a* масофа белгилайди. Шунинг учун бундай тузилишдаги түкималар түқилаёттанда *a* миқдор бир-бирига тенг бўлиши керак. Бунинг учун эса арқоқ урилаёттанда танда иплари орасидан эркин сурилиши лозим.

Технологик жараёнда арқоқ или урилаёттанда түкима боши арқоқ или ва тиф билан бирга маълум масофага кўкрак томонга силжийди.



122-расм. Арқоқ ипларини түкимада бир текисда урилиш механизми:

1-арқоқ иплари, 2-кўкрак, 3-вальян, 4-ричаг, 5-кучукча, 6-тиф,

7-кучукча, 2-храповик, К-танда иплари таранглиги,

Т-түкима таранглиги, G-юк.

Тиф орқага кетаётганда эса унинг орқасидан арқоқ или орқага кетади. Ушбу ҳол «урилиш чизиги» деб аталиб, ҳар хил түкима учун силжиш катталиги ҳар хил бўлади. Ушбу ҳолниңг содир бўлиши ва арқоқ ипларининг йўғонлиги бир текис бўлмаганлиги түкиманинг арқоқ иплари бўйича зичлигининг ҳар хил бўлишига олиб келади. Урилиш чизигининг миқдори ҳомузадаги танда ипларининг таранглигига ва ўрта ўрни миқдорига боғлиқ.

Шунга қарамай, түкимадаги арқоқ ипларининг ўртача зичлиги үзгармас бўлади. 122-расмда арқоқ ипларининг түкимада бир текис урилиш механизмининг схемаси келтирилган.

Ҳар хил чизиқли зичликдаги арқоқ иплари 1 тұқима четига тиғбайынан 3 га ўралиши ҳам, үралмаслиги ҳам мүмкін. Ушбу товар ростлагичининг ишлаш жараёни күч таъсирига боғлиқ бўлиб, товар валиги мажбурий ҳаракатланмай, унинг ўқига ўрнатилган ричаг 4 даги юкнинг вальянни айлантириш кучига боғлиқ. Бу товар ростлагичидаги тұқима кўкрак 2 ни айланиб ўтиб, вальян 3 нинг ўқига ўрлади. Вальянга тұқима ўралиши тиғнинг ҳолатига боғлиқ, яъни, агар ҳомузага ингичка арқоқ или ташланса, тиғ уни тұқима четига тўла уриши натижасида танда иппарининг таранглиги K ва тұқима таранглиги T бир-биридан кам фарқ қылгани учун вальян ўқига ўрнатилган юк ричагининг мувозанати бузилмаслиги мүмкін. Агар ҳомузага йўғон арқоқ или ташланса, тиғ тұқима четини кўпроқ масофага силжитади. Бунинг натижасида эса танда иппарининг таранглиги ортиб, тұқима таранглиги камаяди ($K > T$); вальян ўқидаги юк ричаги унга ўрнатилган юк O нинг оғирлиги таъсирида пастта тушиб, кучукча 5 орқали вальянга ўрнатилган храповикни айлантиради. Шу пайт вальян ҳам айланиб, тұқимани ўрайди, кучукча 7 вальянни орқага айланиб кетишидан сақлаб туради.

Тұқимада арқоқ иплари бир текис жойлашиши учун тұқимага оғирлик орқали таъсир этувчи күч T , арқоқ урилаёттан пайтдаги танда иплари таранглиги K дан кичик бўлиши керак,

Агар тиғнинг арқоқ ипини уриш кучини P_i билан белгиласак унда $P_t = K_t - T_t$ бўлади.

Шундай қилиб, ушбу турдаги ростлагичларда вальяннинг тұқима ўраш шарти тұқима таранглиги T билан танда таранглиги K ўртасидаги фарқда боғлиқ.

Дасттоҳ бош валининг ҳар бир айланишида ўрладиган тұқима узунлиги бу ростлагичларда ҳар хил бўлиб, у арқоқ ипининг чизиқли зичлигига боғлиқ. Агар ҳомузага йўғон арқоқ или ташланса, ростлагич кўпроқ, ва аксинча, арқоқ ингичка бўлса, камроқ тұқима ўрайди. Бирор сабабга кўра ҳомузага арқоқ или ташланмаса, ростлагич тұқимани ўрамайди. Шунинг учун бу типдаги ростлагичларда тұқимадаги арқоқ иплари орасидаги масофа бир хил бўлиб, уларнинг зичлиги эса ўзгарувчан бўлади, яъни йўғон арқоқ иплари жойлашган ерда зичлик оз бўлиб, ингичка иплар жойлашган ерда кўп бўлади. Арқоқ иппарини тұқимада бу усулда жойлаштириш учун тұқиманинг арқоқ иплари буйича зичлиги маълум даражада юқори бўлиши шарт.

Юқорида айтилғанлардан шундай хуносага келиш мүмкін: ростлагичлар ишлаш жараёнига қараб мажбуран ҳаракатланувчи, куч таъсирида ҳаракатланувчи, компенсациялы ишловчи хилларга бўлинади.

Бундан ташқари, ростлагичлар тўқилган тўқимани ўраш усулига қараб бевосита ва билосита ростлагичларга бўлинади. Билвосига ростлагичларда вальян фақаттана тўқилган тўқимани тортиб берувчи орган бўлиб, тўқима товар валигига ўралади ёки яшикка тушади. Бевосита ростлагичларда эса тўқилган тўқима тўғри вальянга ўралади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Тўқимани тортиш қайси механизм ёрдамида бажарилади?
2. Арқоқ иплари тўқимада қандай ҳолатда жойлашади?
3. Арқоқ ипларини тўқимада бир тексда ўрилишини тушунтириб беринг?
4. СТБ тўкув дастгоҳида нима мақсадда тўқима орқага қайтарилади?
5. СТБ дастгоҳи товар ростлагичи қандай ишлайди?
6. Тўқиманинг арқоқ буйича зичлиги қандай ўзгартирилади?

8.7. Таңда ипларини узатиш ва таранглаш

8.7.1. Тўкув навойи. Таңда ипларининг таранглиги

Тайёрлаш цехида охорланган танда иплари маҳсус катта фалтак-тўкув навойларига ўралиб, тўкув цехига келтирилади. Тўкув фалтаки (навой) асосан цилиндрик металл қувур бўлиб, икки томонга диск-гардишлар ўрнатилган. Фалтакга ўралган танда ипларининг сони, уларнинг узунлиги ва ўрамлар зичлиги тўқиладиган тўқима тузилиши ва таркибига боғлиқ.

Тўкув навойи танда узатувчи ва тарангловчи механизмнинг асосий қисми бўлиб, унга ўралган иплар сифати, фалтак қисмларининг яхши ҳолатда бўлиши иш унумдорлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Навойга иплар қатъий цилиндр шаклида ўралиши, ўрамларда эзилган ва тўпайиб чиқсан жойлар бўлмаслиги керак.

Навой гардишлари орасидаги масофа маҳсус андазалар ёрдамида текширилиши керак. Гардишлар, шестерняларнинг қўзғал-мас ўрнатилганлигини ҳам текшириб кўриш керак, акс ҳолда улар танда ипларининг узилиши кўпайишига сабаб бўлиши мүмкін. Айрим

қимматбаҳо танда ипларини навойга ўращдан аввал ип учлари маҳсус фартукга боғланади, натижада танда чиқиндилари камайди.

) Дастроҳда ўрнатилган навойдан тўқиманинг бир элементи ҳосил булишига сарфланадиган танда или маълум тарангликда узатиб турилади. Танда ипларининг таранглик даражасини тўқима таркибиغا қараб тӯғри танлаш, навойдаги иплар ўрамининг диаметри камайса ҳам тўқима бўйича таранглик бир хил булиши иш унумдорлигини оширишда катта аҳамиятга эга.

Танда таранглиги тўқима турига қараб ҳар хил булииб, бу катталик тажрибадан аниқланади. Ипларнинг таранглиги етарли бўлмаса, тўқимада арқоқ иплар бўйича зичлик ҳам етарли бўлмай қолиши мумкин. Танданинг таранглик даражаси ипларнинг узилишига бевосита таъсири қиласи: узилишлар сонининг кўпайиб кетишига сабаб тарангликнинг ортиши ҳам, камайиши ҳам булиши мумкин.

Таранглик камайиб кетса, ҳомуза ҳосил қилиш жараёнида ҳар хил шодалардаги танда иплари бир текисликда бўлмаслиги натижасида моки ёки бошқа арқоқ ташлагичлар таъсирида, узилиши мумкин; таранглик ҳаддан ташқари ортиб кетса, танда иплари таранглик кучи таъсирида узилиши мумкин.

Тўкув навойида танда иплари сарф булиши билан ўрам диаметри камая боради, натижада таранглик ўзгариши ва тўқима сифатига таъсири қилиши мумкин. Таранглик ошса, тўқимада арқоқ иплари бўйича зичлик ортади, таранглик камайса, тўқима тузилиши ва таркиби нотекис булиши мумкин. Тўқима ҳосил булиши билан сарф бўлаётган танда ипларини маълум бир тарангликда узатиш вазифасини танда узатувчи ва тарангловчи механизм бажаради. Бу механизмлар ишлаш жараёнига кўра танда ростлагичлари ва танда тұхтатгичларга ажратилади.

Танда ростлагичларида танда узатиши учун тўкув навойига дастгоҳнинг бирор ҳаракатланувчи қисмидан ҳаракат узатилади. Танда таранглиги эса маҳсус мослама ёрдамида ҳосил қилинади.


Танда тормозида навой танда ипларининг таранглиги таъсирида айланма ҳаракатта келади, таранглик маълум катталикда булиши учун навойнинг айланнишига маҳсус мослама қаршилик қиласи.

8.7.2. Танда ростлагичлари

Танда узатувчи ва тарангловчи ростлагичлар қўлланиладиган узатмаларнинг турига қараб уч хил: планетар, червякли ва фрикцион булади.

Танда ростлагичлари негатив ва позитив ростлагичларга бўлинади. Негатив ростлагичларда дастгоҳ бош валининг ҳар бир айланишида узатиладиган танда ипининг узунлиги унинг таранглигига боғлиқ бўлган таранглик ошса, кўпроқ танда узатилади, таранглик камайса, камроқ узатилади. Позитив ростлагичларда бош валнинг ҳар бир айланишида олдиндан белгиланган узунликдаги танда ипи узатилади.

СТБ ва АТПР дастгоҳларида (123-расм) фрикцион танда ростлагичи ўрнатилган бўлиб, бу ростлагич ҳам танда узунлигини тарангликка қараб узатади. Танда ипи 1 тўкув навоий 2 дан чиқиб, скало 3 дан ўтади ва тўкув зонасига узатилади. Скала 3 нинг ўқи икки томонидан подшипниклар 4 да эркин ўрнатилган. Подшипник 4 да уч елкали ричаг 5 ўрнатилган, ричаг 5 нинг тик елкаси пружина



6 билан бириккан. Подшипник 4 ричаг 5 ва пружина 6 иккитадан бўлиб, дастгоҳнинг икки томонига ўрнатилган. Ричаг 7 нинг бармоғи 8 тортқи 9 нинг махсус ариқасига кириб туради ва икки томондаги болтлар 10 ва 11 билан маълум масофада ўрнатилади. Бу масофа ҳисобига ричаг 7 танда ипларининг таранглиги таъсирида скало 3 билан биргалиқда тебранма ҳаракат қила олади. Тортқи 9 нинг пастки қисми кулиса 12 билан боғланган, кулиса 12 да уқ кириб туриши учун ариқча бўлиб, у шу ўққа нисбатан ҳаракатланиши мумкин.

Кулисанинг ўқи 0 эса ўқи 0₁ атрофида бурила оладиган ричаг 13 га ўрнатилган. Ўқ 0₁га ричаг 14 ўрнатилган бўлиб, бу ричаг учida етакчи диск 15 нинг қия чизигига тегиб турувчи ролик 16 ўрнатилган.

8.7.3. Танда тұхтаттичлари

Айрим тұқув дасттоҳларида танда ипларини узатиш ва таранглаш жарайенини танда тұхтаттичи бажаради. Танда тұхтаттичи ўрнатилған тұқув дасттоҳларида тұқымда ҳосил қилиш учун танда ипи сарфланиши билан иплар таранглиги даражаси тұқув навойининг айланишига қаршилик күрсатады. Күрсатады тұқув күчлардан күп бўлғанда навой айланиб, керакли узуунликдаги танда ипларини тұқув зонасига узатади.

Танда тұхтаттич қаршилик күрсатыш усулига кўра, ишқаланишли, юкли, пружинали ва аралаш бўлиши мумкин. Ишқаланишли танда тұхтаттичларидан тұқув навойининг айланишига ишқаланиш кучи қаршилик қилса, юкли ва пружинали тұхтаттичларда юқ ва пружина күчлари қаршилик күрсатади.

Аралаш танда тұхтаттичларидан навойининг айланишига бир вақтда ҳам ишқаланиш кучи, ҳам юқ ёки пружина қаршилик күрсатади.


Замонавий пневматик тұқув дасттоҳига ўрнатилған танда тұхтаттичи 124-расмда күрсатилған. Танда иплари 1 тұқув навой 2 дан чиқиб, скало 3 орқали тұқув зонасига узатилади. Скало 3 дасттоҳ чап ва ўнг рамаларига ўрнатилған икки елкали ричаг 4 нинг юқори елкасига жойлашған. Ричаг 4 нинг пастки елкаси пружина 5 билан боғланған.

Дасттоҳ чап томонида ўрнатилған икки елкали ричаг 4 нинг пастки елкаси бошқа икки елкали ричаг 6 нинг вертикал елкасига таъсири этиши мумкин. Ричаг 6 нинг пастки елкасига ўрнатилған тұхтатиши колодкаси 7 тұхтатиши шкиви 8 га тегиб туради. Тұхтатиши шкиви 8 шестерня z₅, z₄, z₃, z₂, z₁ лар орқали тұқув навой 2 билан

боғланган. Танда ипларининг таранглиги тұхтатиши колодкасы 7 билан тұхтатиши шкиви 8 даги ишқаланиш күчига боғлик, бу эса пружина 5 билан танда ипларининг таранглиги тенг таъсир этувчи күч айрмаси билан аникланади.

Таранглик құпайиб кетса, скако 3, иккى елкали ричаг 4 орқали ричаг 6 таъсири камайғанда колодка 7 нинг шкив 8 га таъсири ҳам камаяди, тұқув навойи күпроқ айланиб, иплар таранглигини зарур миқдорға келтиради. Танда ипларининг таранглиги камайиб кетса, пружина 5 таъсирида ричаг 6 соат стрелкаси йұналиши буйича бурилиб, колодка 7 ни шкив 8 га күпроқ күч билан босиб, тұқув навойининг айланишига қаршилик миқдорини құпайтириб, танда иплар таранглигини кераклы миқдорға етказади. Шундай қилиб, танда ипларининг таранглиги пружина 5 нинг таъсир күчига, ричаг 4 ва 6 ларнинг елка узунликларига ва z_5 , z_4 , z_3 , z_2 , z_1 ва z шестерніялар орасидаги узатыш сонига боғлик.

Тұхтатиши шкиви билан тұқув навойи орасида уч жуфт шестерніялар үрнатыдан мақсад колодка билан шкивлар орасидаги ишқаланиш күчини камайтиришдир.



124-расм. Пневматик дастгохининг танда тормози

Танда тұхтаттичларининг бузилиши натижасыда пайдо бўладиган тўқима нуқсонлари ростлагич нотўғри ишлагандаги нуқ-сонларга ўхшайди. Танда тұхтаттичларидаги айланма ҳаракат қилувчи қисмлардан бирортаси қийинлик билан айланса, танда ипларининг таранглиги ошиб кетиши мумкин.

Тұхтатиши колодкаси ва шкивлар орасига ёғ тушиб қолса, танда ипларининг таранглиги бушашиб кетади. Танда тұхтатишиларидаги ричаглар ўз ўқи атрофида енгил ҳаракат қилиши керак, акс ҳолда танда узатиш жараёни бузилиши мумкин.

Takrorlaش учун саволлар

1. Тұқув навойнинг вазифаси ва тузилиши.
2. Тұқув жараёнида танда ипларининг таранглигини тұғри үрнатышнинг тўқима сифатига ва меҳнат унумдорлигига таъсири.
3. Танда узатувчи ва тарангловчи механизмларнинг қандай турлари бор?
4. Танда ростлагичларида скало қандай вазифани бажаради?
5. Фрикцион танда ростлагичларида кулиса қандай вазифани бажаради?
6. Танда тұхтаттичларининг ростлагичлардан фарқи нима?
7. Пневматик тұқув дастгохининг танда тұхтаттичидә күп поғонали тишли узатмалар құлланишдан мақсад нима?
8. Танда тұхтаттичларида иплар таранглигини қандай қилиб ўзгартириш мумкин?
9. Танда узатувчи ва тарангловчи механизмларнинг нотўғри ишлашын натижасыда тўқимада қандай нуқсонлар пайдо бўлиши мумкин?

8.8. Тўқиш жараёнида ҳосил бўладиган газлама нуқсонлари ва уларни бартараф этиш йўллари

Ҳар хил тўқиши дастгоҳларида тўқилган хом газламалар сифати УзРСТ-695-95 асосида аниқланади. Газламанинг эни, пишиқлiği, зичлиги ва бошқа физик-механик кўрсаткичлари, шунингдек ташқи кўринишдаги нуқсонлар текширилади.

Газламаларни физик-механик хоссалари фабрика лабораториясида маълум система бўйича текширилади, ташқи кўринишдаги нуқсонларни эса ҳисоблаш – навларга ажратиш бўлимининг

назоратчилари ҳамда газламаларни күздан кечириб текширишади. Тармоқ стандартига күра газламаларнинг барча нүқсонлари маълум баллар сони (жарима бирликлари) билан баҳоланади.

Тўқималарнинг қўйидаги нүқсонлари мавжуд: тўқимада нүқсонлар асосан тўқув дасттоҳи механизмларининг бузилиши, ипдаги нүқсонлар ва уларни нотўғри тайёрлаш, ипларнинг узилиши, тўқувчининг эътиборсизлиги натижасида пайдо булиши мумкин. Тўқималарда асосан қўйидаги нүқсонлар учрайди.

Тандасизлик (близна) тўқима узунаси бўйича битта ёки бир неча танда ити (125-расм) йўқлиги сабабли йўл ҳосил бўлиши. Тўқима ташки қўриниши хунуклашади ва пишиқлиги камаяди.



125-расм. Тандасизлик.



126-расм. Кўшиб ўрилиш.



127-расм. Арқоқ зичлиги.



128-расм. Арқоқ етишмаслиги.



129-расм. Милки ёмон тўқима нүқсони.



130-расм. Арқоқ ҳалқалари.

Құшилиб ўрилиш (подплетена) – узилган ипларнинг учлари бошқа иплар билан чалкашиб кетиши сабабли ўрилишнинг бузилиши. Тұқымада ўрилмаган жойлар юзага келади (126-расм).

Арқоқ зичланиш (забоина) – газлама энида арқоқ бүйича зичлигининг ортиши натижасыда йұлчалар ҳосил булиши (127-расм).

Арқоқ етишмаслиги (недосека) – тұқыманың эни бүйлаб ҳосил бўлган арқоқ йўқлиги (128 - расм).

Милки ёмон газлама – тищсимон, тұлқинсимон, зич ёки бүш тузилиши, шикастланган милклар (129-расм).

Арқоқ ҳалқалари ва тұпрамлари – тұгри тушмаган ёки түгун ва чигал бўлган арқоқ иплари тұқима юзасига чиқиб қолиши (130-расм).

Сакраб кетишлик – арқоқ иплари қисқа масофада ўрилмай тұқима юзасига чиқиб қолиши (131-расм).

Ўрилмаган танда иплари – арқоқ иплари билан қисқа ёки узун масофада ўрилмаслик.

Сийраклик – арқоқ иплари бүйича зичлиги камайиб кетган юзалар (132- расм)

Жуфтлик – гула кўзидан битта танда или ўрнига иккита үтгандылығы сабабли ҳар хил ўрилган жуфт танда иплари.

Бузилган нақш – ўрилиш тартибининг тұқима эни бүйича бузилиши;

Нотекис тұқима – ҳар хил арқоқ или зичлиги қайтарилувчи йўлчалар.

Ҳар хил арқоқ – адаштириб юборилған хил арқоқ иплари ҳисобига ҳосил бўлган йўлча.

Тешилиш – шпарутка игналари ёки вальян ҳисобига тұқимада пайдо бўлган тешиклар.



131-расм. Ўрилмаган танда иплари



132-расм. Сийраклик.

Тиф билан силжииш – түқиманипг узунасига тиф тишининг эгилиши ҳисобига ҳосил бўлган йўлча.

Йўғон ва ингичка иплар – танды ва арқоқ ипларини яхши ажратиб турган йўғон ва ингичка жойлари ҳисобига газлама юзасининг нотекис бўлиши.

Ифлос ёки мой доғлари – тўкув дастгоҳини созлаш ва мойлашда эътиборсизлик ҳисобига тўқимада ифлос ёки мойлик доғлар ҳосил бўлиши.

Етмаган арқоқ или – тўқима эни бўйича охирига етиб бормаган арқоқ иплари ҳисобига бузилишлари ва бошқа нуқсонлар.

8.8.1. Хом газламаларни ҳисобга олиб бориш ва текшириш

Тўкув дастгоҳларида тўқилган хом газлама ҳисоблаш-навларга ажратиш бўлимига юборилади. Бу ерда у навларга ажратилади, улчанади, тараашланади, тозаланади ва пардозлашга жўнатиш учун тайёрланади.

Хом ип газламаларнинг сифати (нави) УзРСТ 695-95 асосида текширилади ва баҳоланади. Бундан ташқари, техник ва маҳсус газламалар, сифатини баҳолаш учун ҳам стандартлар мавжуд. УзРСТ 696-95 га мувофиқ барча ип газламалар қўйидаги тўрт гуруҳга бўлинади:

I гуруҳга қайта тарааш системасида калава ипдан тўқилган газламалар, миткаллар, сатинлар, молескинлар, кийимлик ва кўйлаклик газламалар, гулдор газламалар, кийимлик ва кўйлаклик саржалар, трико, мебелбоп-декоратив газламалар киради;

II гуруҳга буз, гринсбон, полотно, фланель ва байкалар киради;

III гуруҳ типидаги газламалар, паст навли пахтадан тўқилган газламалар, тушаклик ва жилдлик тиклар, астарлик газламалар киради;

IV гуруҳга қирқма илмоқли газламалар киради.

Газламалар сифати уларнинг физик-механик хоссаларий мёърида бўлишига ва ташқи кўринишидаги нуқсонларга қараб баҳоланади. Бунда газламаларнинг иккى нави (биринчи ва иккинчи) белгиланади.

Газламаларнинг ташқи кўринишидаги нуқсонлар газламанинг маълум чекланган жойларидаги нуқсонларга (доғлар, сийраклик, чала ўрилиш, забойна) ва бутун газлама тўпига ёйилган нуқсонларга (кирланганлик, йўл-йўллик, ҳар хил туслилик) бўлинади.

Газлама сифатини баҳолаш, яъни навини аниқлашда балли системадан фойдаланилади ва у физик-механик хоссалари ҳамда ташкү куринишидаги нұқсоналар буйича балларнинг умумий йигиндиси билан аниқланади. I нав учун - газлама түпининг шарт узунлигига йўл қўйиладиган энг кўп баллар сони - 10, II нав учун - 20.

Газлама түпининг қўйидаги шартли узунлиги қабул қилинган: эни 90 см гача бўлган хом ип газламалар учун 40 м; эни 90 дан 110 см гача бўлғандари учун 30 м; 110-см дан ортиқ энли бўлган газламалар учун 23 м; қирқма илмоқли газламалар учун 20 м.


Ҳисоблаш - навларга ажратиш бўлимида газламалар ўлчанади ва тўқилган газламаларнинг умумий миқдори, шунингдек ҳар бир тўкувчи тўқиган газламалар миқдори ҳисобга олиб борилади. Газламаларни ўлчаш ва айни вақтда навини аниқлашда БУ-2 машинасидан фойдаланилади.

БУ-2 машинасида газламанинг ҳаракатланиши схемаси 133-расмда кўрсатилган. Тўп 1 данчувалётган газлама йўналтирувчи роликлар 2 ва қобиргали тарангларни валиклари 3 орқали кўздан кечириш столи 5 га келади. Бу столнинг вазиятини ўзгартириш мумкин. Валиклар 4 газламани бир тарангликда тутиб туради. Кўздан кечириш столидан кейин тортиш вали газламани тахлаш қурилмаси 7 га узатади.


Газлама тўпи ўлчаб қирқилгандан кейин унга маҳсус талон ёзилади. Бу талон газламани ҳисобга олиб бориш учун дастлабки хужжат ҳисобланади. Тўкувчилар тўқиган газламанинг умумий миқдорини аниқлашда шу талонга асоссланилади. Талонга газламанинг нави ҳам ёзиб қўйилади.

Газлама тўпи СД-110 тозалаш-тарашлаш машинасига ёки СВ-110 тараашлаш машинасига, ёки булмаса универсал тараашлаш-тозалаш машинасига келтирилади (134-расм). Бу машиналар момикини тараашлаш ва газламани иплар, тугунлар, момик ва бошқа бегона нарсалардан тозалаш учун мўлжалланган.

УСД машинасида ишлов беришда газлама 1 йўналтириш валиги 2, компенсацияловчи тарангларни валиги 3 ва маҳсус мослама 4 орқали бу ерда эни бўйича текис ёйилади ва керагича тараангланади. Кейин газлама устки 5 ва пастки 6 йўналтириш валиклари, тўхтатиш валиклари 7, йўналтириш валиги 8 дан ўтади ва камера 11 га киради. Бу ерда унинг сирти ва тескариси тўртта думалоқ чутка 10 билан тозаланади. Чўткалар газлама ҳаракатига тескари йўналишда айлангани учун у яхши тозаланади. Камерада газлама



133-расм. БУ-2 навларга ажратиш-хисоблаш машинасининг схемаси.



134-расм. Тараашлаш-тозалаш машинасининг схемаси.

бегона нарсалар, момиқдан тозаланади, газлама сиртидаги чиқиб қолган иплар, толалар, түгунлар күтарилади.

Газламадан ажралган бегона нарсалар, момик, чанг сўриш вентилятори ёрдамида кувур 9 орқали чиқариб ташланади. Кейин газлама йўналтириш валиклари 12 ва 13 ни айланиб ўтиб, вертикал текисликда жойлашган тўртта тараашлаш мосламасидан иборат

тарашлаш мосламасига боради. Ҳар бир тараашлаш мосламасида айланувчи цилиндр 14 бўлиб, унинг сиртига 24 та тиф, ясси пичоқ 15 ва пичоқ 16 маҳкамланган. Пичоқ 16 газламанинг бошқа томонида жойлаштган.

Иккита тараашлаш мосламаси газламанинг сиртини, иккитаси тескарисини тозалайди. Газлама тараашлаш аппаратидан ўтаётганда сиртидаги чиқиб қолган иплар, тутунларнинг учи кирқилади ва сўриш вентилятори ёрдамида қувур 17 дан чиқариб ташланади. Тараашлаш аппаратидан чиқсан газлама йўналтириш валиги 18 ни айланиб ўтиб, иккита ясси чўтка 19 орасидан ўтади, улар газламанинг сирти ва тескарисини тозалайди. Ажралган чанг ва ифлосликлар сўриш вентилятори ёрдамида труба 20 орқали чиқариб ташланади, газлама эса тортиш валиклари 21 орасидан ўтади. Бу валиклар етакчи валиклар ҳисобланади ва газламани маълум тезликда ҳаракатлантиради.

Шундан сўнг газлама йўналтириш валиги 20 дан ўтиб, тахлагич 24 валиги 23 га келади, у газламани узунлиги 0,9 м ли тахламлар тарзида тахтайди. Охирги участкада тортиш валиклари 21 дан кейин газлама валиклар 25 ва 26 ёрдамида ҳаракатланади.

Тараашлаш машинасига газлама бериб туриш учун газлама түплари ёки рулонлари бир-бирига тикилиб, узлуксиз полотно ҳосил қилинади. Уланган түплар (рулонлар) нинг қалинлиги ва эни бир хил булиши керак, чунки тараашлаш аппарати маълум қалинлик ва кенгликтаги газламага мослаб ўрнатилади.

8.9. Трикотаж ва ишлаб чиқариш материаллар ишлаб чиқариш ҳақида тушунча

8.9.1. Трикотаж ишлаб чиқариш ҳақида тушунча

Газлама ишлаб чиқаришнинг трикотаж усули, тўкувчилик усулига қараганда анча унумли булиб, трикотаж буюмлар кўпгина қимматли истеъмол хоссаларига эга.. Бироқ трикотажнинг баъзи камчилклари ҳам бор, масалан, чузилиб кетади, бир хил ўлчамли ва бир хил мақсадга мўлжалланган түқилган газламаларга қараганда трикотаж буюмларга кўпроқ калава ип сарф бўлади.


Трикотаж буюмлар тайёрлаш учун ҳар хил толалардан, шу жумладан, пахта толаларидан йигирилган калава иплар ишлатилади.

Хар қандай тузилишли трикотаж түқиши йўли билан олинади. Түқишини кўйидаги ўрилишлар гурӯҳига бўлиш мумкин: кулир ва танда түқиши, якка ва қўш, асосий, ҳосила ва нақшли ўрилишлар.

Кулир ёки қундаланг түқиши ўрилишларида ҳар қайси қатор ҳалқалари битта ипни эгиг ҳосил қилинади (135 - расм, а).

Танда түқиши ўрилишларида битта ип ҳар қайси қаторда битта, баъзан иккита ҳалқани ҳосил қиласди. Бунда ҳалқалар устунчалари қўшни устунчаларнинг ҳалқалари билан боғланади (135-расм, б, в). Шундай қилиб, қундаланг түқиши трикотажида бутун полотони битта ип, танда түқиши трикотажида эса танда иплари сиетемаси ҳосил қиласди.

135-расм, а, б, в да кўрсатилган ўрилишлар якка ўрилишлар ҳисобланади. Уларда трикотаж сирти тескарисидан фарқ қиласди. Қўш ўрилишда трикотаж сиртидаги ҳалқа устунчалари ҳар қайси томонда тескарисидаги ҳалқа устунчалари билан галма-гал келади. Бундай ўрилишга ластик ўрилиши киради (135-расм, г).



135-расм. Трикотаж ўрилишларининг асосий хиллари.

Бундан ташқари, бир хил ҳалқалардан ташкил топган ўрилишлар асосий ўрилишлар деб аталади (135-расм, а ва г). Қолган барча ўрилишлар шу ўрилишлар асосида ҳосил қилинади. Бир нечта асосий ўрилишнинг қўшилишидан ҳосила ўрилиш ҳосил бўлади. Бунда ҳар хил ўрилишлар устунчалари галма-гал келади. Масалан, уч игнали трико бунга мисол бўла олади (135-расм, д).

Рангли иплар құшиш ва ҳар хил ранг эффектлари ҳосил қилиш ҳисобига асosий ўрилишларни ўзgartириб нақшылар ҳосил қилинади. Бунга мисол қилиб пресссли ўрилишни күрсатиш мүмкін (135-расм, e).


Трикотаж буюмларнинг, хоссалари уларни тайёрлашда ишлатылған қалава ипнинг хоссалари, буюмнинг зичлиги (қалинлігі) ва ўрилиш тури билан белгіланади. Трикотаж қанча қалин ва қалава ип қанча пишиқ бұлса, трикотаж буюм шунча пишиқ чиқади. Бироқ трико, ластик ва бошқа ўрилишларда зичлигі бир хил бұлғани ҳолда узунлик буйича пишиқлігі эни буйича пишиқлігидан юқори булади. Трикотажнинг қайишқоқлігі күп жиҳатдан ўрилиш турига боялық булади. Ластик ўрилишнинг қайишқоқлігі эңг юқори.

Трикотажнинг чүзилиш хосаси ҳам унинг тузилишига боялық. Зичлиги, қайишқоқлігі ва иплар орасидаги ишқаланиш коэффициенті катта бұлса, трикотаж камроқ чүзилади. Айтилған күрсаткышлар бир хил бұлғани ҳолда ясси осонроқ чүзилади, ҳосила ўрилишлар қыйинроқ чүзилади. Трико ва ластик түқилишга тескари йұналишда чүзилади, бироқ трико ҳалқа қаторлари бүйлаб ҳам чүзилиши мүмкін.

Трикотаж машиналарининг асosий иш қисмларига и г н а - л а р, п л а с т и н а л а р в а и п т о р т к и ч л а р киради.

И г н а л а р тилчали, илгакли ва турткічли булади. Дастлабки иккі типи эңг күп тарқалған.

Тилчали игналардагы бикр илгак 1 (136- расм, a) ва ўқ 3 атрофіда осонгина буриладын тилча 2 булади. Тилча бурилғанда ва илгакка яқынлашғанда илгак тилчадагы чуқурчага киради.



136-расм. Трикотаж навлари.

137-расм. Ҳалқа ҳосил булиш жарабаси.

Илгакли игналарда эгилувчан илгак 1 (136-расм, б) бўлиб, у чукурча 2 га ботиб; беркилиши мумкин.

П л а с т и н а л а р ҳар хил шаклдаги юпқа пластинкалар бўлиб, тўқиши пайтида улар игналар орасидан ўтади ва ипларни ҳалқа қилиб букиш ва ҳалқаларни ҳаракатлантириш учун хизмат қиласди.

И п ў т к а з г и ч л а р ипларни тўқиши игналарига ўтказади.

Трикотаж тайёрлаш, яъни тўқиши жараёнлари бир-биридан иш қисмларининг ишлаш жараёни, лойиҳаси ва буюмнинг ўрилиши билан фарқ қиласди, лекин ўрилишининг ҳамма турлари учун асосан бир хил бўлади.

Масалан, бош трикотаж ўрилиши — ясси (135-расм, а) илгакли игналар ёрдамида тўқиласди ва қўйидаги операцияларни ўз ичига олади.

Дастлаб олдин тўқилган трикотаж ҳалқалари 1 уларнинг асосига сурниб қўйилган игналарда осилиб туради (137-расм, а). Кейин игналарга янги ип 2 ўтказилади. Бу ипни пластиналар стрелкалар A бўйича букиб янги ҳалқа ҳосил қиласди (137-расм, б). Бу жараён кулирлаш деб аталади. Шундан кейин буқилган ип илгак З остидаги игнанинг учига суриласди (137-расм, в) ва чиқади. Алоҳида пластина (пресс) итна илгагини стрелка B бўйича босиб (137-расм, г) беркитади. Кейин пластиналар эски ҳалқалар 1 ни стрелка В бўйича итналар учига суради (137-расм, д). Шунда ҳалқалар 1 илгакларга кийилади, кейин эски ҳалқалар 1 янги ҳалқалар 2 га туташади, ҳалқалар 1 илгаклардан чиқади, ҳалқалар 1 иплар 2 га кийилади ва янги ҳалқалар ҳосил бўллади. Тўқилган полотнини чўзиш вақтида янги ҳалқалар ҳосил бўлиши туталланади, (137- расм, е).

8.9.2. Нотўқима материаллар ишлаб чиқариш ҳақида тушунча

Тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида нотўқима тўқимачилик материаллари деб аталадиган материаллар тобора кўпайиб бормоқда. Классик усуллар, яъни тўқувчилик ва трикотаж ишлаб чиқаришларидан фарқли ўлароқ, буюмларни нотўқима усулда тайёрлаш қўйидаги афзалликларга эга: паст навли хом ашёдан (калта толалар, йигирилмайдиган чиқиндилар ва ҳоказодан) фойдаланиш мумкин, жиҳозларнинг иш унуми юқори, ишлаб чиқаришдаги технологик ўтишлар қисқаради ва ҳоказо.


Нотўқима материаллар ишлаб чиқаришнинг моҳияти шундаки, бунда тўқимачилик материаллари (толали холст, ип қатлами, газлама, трикотаж) нинг бир неча қатлами ёки уларнинг полимер плёнкалар ва бошқа нотўқима материаллар билан аралашмасининг бир неча қатлами маҳсус усулда бирлаштирилади.

Нотұқима материаллар (полотнолар) халқ хұжалигининг түрли тармоқларида, асосан, техник, турмуш ва медицина буюмлари тайёрлашда ишлатилади. Нотұқима полотнолардан фильтрлар, транспортёр ленталари, брезентлар, артиш, изоляциялаш, ұраш ва бошқа материаллар тайёрланади. Турмушда нотұқима полотнолар кийим, рұзғор буюмлари тайёрлашда, шунингдек сұңыйй чарм учун асос сифатыда ишлатилади. Медицинада улардан хирургия ва акушерлик томпонлар, халаттар, курткалар, салфеткалар, сочиқлар тайёрланади.

Нотұқима материаллар механик ёки кимёвий технология асосида ишлаб чиқарылыш мүмкін. Мамлакатимизде нотұқима полотнолар тайёрлашыннан механик усуллари — тұқима — тикма, босма — намат, итна санчылы усуллари қуланылади. Нотұқима материаллар кимёвий технология асосида дастлабки хом ашенинг айрим компонентларини ёпишириб тайёрланади.

Нотұқима полотноларни ип газлама саноатида энг кенг тарқалған тұқима-тикма усулда ишлаб чиқарылса тараш-тұқыш агрегатидан фойдаланылади. Бу агрегат тараш машиналари 1 (138-расм), тарапдини үзгарткыч 2, күндалант транспортёр 3 дан, ғалтак 5 ли ва товар валик 6 ли тұқыш(тикиш) машинаси 4 дан иборат.

Толалар тараш машиналарига, у ердан эса үзгарткычга тушади. Үзгарткычда тарапди қатламлари бир-біріннінг устига тушиб зарур қалинлікдагы текис қатлам ҳосил қылади. Транспортёр 1 (139-расм) холстни тикиш машинасында көлтиради. Иш зонасида пастдан қатламни пастки пластиналар 2 тутиб туради, юқоридан эса устки пластиналар 3 босиб туради.




138-расм. Тараш-тұқыш агрегатининг схемаси.

Машинаға ипли ғалтаклар 4 үрнатилади. Иплар ғалтакдан چувалиб скалко 5, ип ажраткыч 6 орқали ўтади ва кулоқлы игналар 7 га келади. Туташтиргич 9 ли тұқыш игналари 8 қатламни тикади. Тиқилған полотнони вал 10 суради ва у түп 11 тарзидә үралади.

Таранды қатламини тұқышшыңға бутун жарағын танда тұқыш трикотаж машинасида ҳалқа ҳосил бўлиши жараёнидаги фаолиятларга бўлинади. Толали холст икки томондан боғловчи иплар: сиртидан ҳалқалар оствови, тескарисидан тортқилар билан боғланади, натижада холст пишиқлашади.

Тұқыш-тиқиши машинасини агрегатдан ажратиб ишлатиш ҳам мумкин. Масалан, холст үрнига газлама ёки иплар түшамаси ишлатилганда шундай қилинади. Бу ҳолда АЧВ агрегатлари ва Россияда ишлаб чиқарилған ВП ёки Чехословакияда ишлаб чиқарилған (Арахне) ёки Германияда ишлаб чиқарилған (Маливат) тұқыш-тиқиши машиналаридан биргаликда фойдаланилади.

Бошқа соҳаларда нотұқима материаллар тайёрлашының босманамат ёки игна санчиш усуллари қўлланилади. Бунда жун толаларга механик таъсир кўрсатилганда уларнинг босилиш хосасидан фойдаланилади.



139-расм. Тұқыш-тиқиши машинасининг технологик схемаси.

Тафтинг гиламлар ҳам нотұқима усулларда тайёрланади. Бу усулда каркас газламага илмоқ иплари кийдирилади ва ҳалқалар

қирқилиб илмоқ ҳосил қилинади. Тескари томони латекс ёпиштириб ёки бошқа усулларда мустаҳкамланади.

Нотұқима буюмлар ассортименти тобора көнгайиб бормоқда.

Тұқув дасттохининг унумдорлиги ва тұқиши жараенидаги чиқиндилар

Тұқув дасттохининг унумдорлиги маълум вақт давомида ишлаб чиқарылған тұқима узунлигига айтилади. Унумдорлик ҳисобли ёки ҳақиқиүй булиши мүмкін. Тұқув дасттохининг ҳисобли унумдорлиги ФВК ни ҳисобға олмаган ҳолда топилади.

Тұқув дасттохининг ҳисобли (назарий) унумдорлиги, м/с.

$$\Pi_H = nt / (Pa \cdot 100)$$

Бунда n – дасттоҳдаги бош валнинг айланишлар частотаси, мин⁻¹;
 t – вақт, мин

Pa – арқоқ бүйіча тұқыманинг зичлиги, 1 см.даги иплар.

Тұқув дасттохининг ҳақиқиүй иш унумдорлиги, дасттохининг тұхташлар вақтіни ҳисобға олған ҳолда топилади:

Тұқув дасттохининг ҳақиқиүй иш унумдорлиги, м/с.

$$\Pi_x = n \cdot t \cdot \Phi_{VK} / (Pa \cdot 100) = N_H \cdot \Phi_{VK}$$

Φ_{VK} – тұқув дасттоҳи ишининг фойдалы вақт коэффициенті.

Хар хил энли тұқув дасттохларининг унумдорликларини аниқлашда, унумдорликни метр квадратда аниқлаш қулай ҳисобланади.

Тұқув дасттохининг ҳақиқиүй иш унумдорлиги, м²/с.

$$\Pi_m^2 = n t \cdot \Phi_{VK} \cdot B / (Pa \cdot 100)$$

Бунда B – тұқыманинг эни, м.

Тұқув дасттохининг унумдорлигини метр арқоқда ҳам аниқлаш мүмкін:

$$\Pi_{m.ap.} = n \cdot t \cdot B \cdot \Phi_{VK}$$

Тұқишидеги чиқиндилар танда ва арқоқ иплари чиқиндиларининг йиғиндисидан ташкил топади.

Танда иплари чиқиндиси, %.

$$\text{Чт} = (l_1 + l_2) \cdot 100 / L_{\text{т.н.}}$$

Бунда l_1 – тұқищдан сұнг тұқув навойнинг охирида қоладиган танда ипларининг узунлиги x ($l_1 = 1,5 \div 2,0$ м);

l_2 – узукларни боғлашга, янги түлік тұқув навои үрнатылғандан сұнг уланған-фойдаланилмаган ипнинг узунлиғи ($l_2 = 0,4 \div 0,6$ м.).

Lт.н. – тұқув навоидеги ипнинг рұхсат этилған узунлиғи, м.

Арқоқ или чиқіндиси, %.

$$\text{Ча} = (l_1 + l_2 K + l_3 K_1 K + l_4) \cdot 100 / L_6.$$

Бунда l_1 – тұқув дастгоҳига арқоқ ипнин түғри үрнатылғанда бабинани алмаштиришга сарфланадиган ипнинг узунлиғи ($l_1 = 1 \div 3$ м);

l_2 – узилған ипларни боғлашга сарфланадиган ипнинг узунлиғи ($l_2 = 0,5 \div 1,5$ м);

l_3 – бабинадеги ип ишланғандан сұнг янги бабина үрнатышга кетадиган ипнинг узунлиғи ($l_3 = 1 \div 2$ м);

l_4 – ишланғандан сұнг найчага қоладиган ипнинг узунлиғи ($l_4 = 2 \div 4$ м);

L_6 – бобинадеги ипнинг узунлиғи, м;

K – битта бобинага түғри келадиган ипнинг узулишлар сони;

K_1 – айрим қолатларни ҳисобға олған қолда узилған ипнинг нұқсонли үрни ($K = 0,05 \div 0,2$).

Назорат саволлари ва вазифалар

1. Трикотаж үрилишининг асосий турлари?
2. Нотұқиманың тұқымадан фарқи қандай?
3. Газлама нұқсонлари турлари қанақа?
4. Тұқув дастгохининг иш унумдорлығы қандай аниқланади?
5. Тұқишлиғи чиқіндилар қандай топилади?

ХУЛОСА

Дарсликнинг кириш қисмидა дастлабки тұқымаларни тайёрлаш усуллари, кейинчалик тұқымачилик саноатининг ривожланиб бориши ва ишлаб чиқаришда замонавий усулларға үтиш учун минглаб йиллар талаб этилғанлығы, тұқымачилик тұқымаларининг ишлаб чиқариш тарихи бағын этилған.

Ушбу дарсликда танда ва арқоқ ипларини тұқувға тайёрлаш жараёни, эришилған янги техника ва технологиялари талабарини ўрганиш учун тұқымачилик саноатида мавжуд бұлған ва янги ишлаб чиқылған хорижий жиҳозларнинг ишлаш жараёнлари назарияи, юқори тезликтен қайта ўраш автоматлари, замонавий тандалаш машиналари, күп барабанлы охорлаш машиналари, замонавий рецептләри, тайёрлаш усуллари, янги хорижий тұқув дастгоҳлари күрсатылған ва трикотаж, нотұқима материалларини ишлаб чиқариш тұғрисида түшунча берилған.

Дарсликда тұқувчылық технологиясининг өз бир булими жараёнларининг мөхияти ва мақсади, бу жараёнларга күйләнілдиган жиҳозлар технологияси, иш жараёни, унинг иш унуми, улардан чиқадыған чиқындилар ва шу жараёнда содир бұладыған нұқсанлар, уларни олдини олиш тұғрисида маълумотлар күрсатылғанки, талабалар ҳамда тұқымачилик саноати мұҳандистехник ва илмий ходимлари нұқсансыз матолар ишлаб чиқариш ва чиқындилар фоизини камайтириш йүлларини ўрганади. Бу эса уларнинг илмий-техник жиҳатдан малакасини ошишига күмаклашади ва ижобий нағижаларға эришиш учун ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Николаев С.Д., Сумарокова Р.И. и др. Теория процессов, технология и оборудование подготовительных операций ткачества. М., 1999.
2. Оников Э.А. Основы проектирования ткацких фабрик. М., 1999.
3. Симон Л., Хюбнер М. Технология подготовки пряжи к ткачеству. М., 1999.
4. Ормирод А. Современное приготовительное и ткацкое оборудование. М., 1997.
5. Гордеев В.А., Волков П.В. Ткачество. М., 1984.
6. Журналы «Текстильная промышленность». Вып. 1990-2003 гг.
7. Ожогов С.И. Словарь русского языка. М., 2001.
8. Pilz G. Über das Verhältnis von Garn- und Zwirndrehung – In: Mellian Textilberichte. – Heidelberg 45 (2001) 1. – S. 24-25.
9. Porsche G. Über die effektive Garndrehung in Zwirnen – In: Mellian Textilberichte. – Heidelberg 38 (2000) 6. – S. 610-612.
10. Оников Э.А. Справочник по хлопоткачеству. М., 2003.
11. Хамраева С.А. Определение натяжения нити расчетным путем на различных этапах и прокидкой //Түқимачилик мұаммалари журнали. 2004. 4-сон. 68-71-бетлар.

*Олий үқұв юртлариаро ғлыми-услубий бирлашмалар ғаолияттіні
Муофіқлаштирувчи кенгаши томонидан нашрға тавсия этилган.*

Сановар Хамраева

ТҮҚУВЧИЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ

Мұҳаррір *M. Содиқова*

Рассом *M.Хикматова*

Мусаҳұых *Г.Авезова*

Компьютерда тайёрловичи *Бахтиер Аиуров*

Нашриёт рақами М-141. Босишка рұхсат этилди 21.10.2005.

Қоғоз бичими 60x84 1/16, Таймс гарнитура. Офсет босма.
21,0 шартлы босма тобоқ 22,25 нашр тобоги. Жами 1000 нұсха.

ҰзР ФА «Фан» нашриёти.
700047, Тошкент, акад. Я.Фуломов құчаси, 70.

